



Р.Қаюмов

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ҲУҚУҚИ**

“АДОЛАТ”


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

Р. Қ. ҚАЮМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги томонидан юридик олий ўқув
юртлари талабалари учун дарслик сифатида
рухсат этилган*



Тошкент
«Адолат»
1998

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академиясининг Таҳририят-ноширлик
кенгаши томонидан маъқулланган

Қаюмов Р. Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. — Т.: ИИВ Академияси, 1997. — 400 б.

Дарсликда юридик адабиётда илк бор янги Конституция ва қонунларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг асосий институтлари ёритиб берилган. Унда Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар, жамиятнинг иқтисодий асослари, республикамизнинг маъмурий-худудий ва давлат тузилиши, сайлов тизими, давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг тузилиши, ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Китоб ҳуқуқшунос мутахассислар, олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, талабалари ҳамда конституциявий ҳуқуқшунослик масалалари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир — юридик фанлар доктори, профессор
У. ТОЖИХОНОВ

Тақризчилар: Тошкент Давлат юридик институтининг конституциявий ҳуқуқ кафедраси;
академик Ш. З. УРАЗАЕВ;
юридик фанлар доктори,
профессор А. Х. САИДОВ

Қ 1203000000—011 без объявл. 98 г.
(04)98

© «Адолат», 1998 й.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998 й.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва Конституциясининг қабул қилиниши ўзбек давлатчилигини шакллантириш ва ҳуқуқий тизимни яратишга асос бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, конституциявий ҳуқуқ фани бўйича янги дастур тайёрлашни тақозо этди. Ушбу дастур асосида тайёрланган дарсликда конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқий тармоқ ва юридик фан бўлаги сифатида, конституция тўғрисидаги таълимот, Ўзбекистон конституциявий ривожланишининг тарихи, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги Конституциясининг моҳияти, хусусиятлари, Ўзбекистон конституциявий тузумининг асосий принциплари, инсон, жумладан фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият билан шахс муносабатларининг асослари, давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий тузилишлар, давлат ҳокимияти органларининг тизими, уни тузиш тартиби, уларнинг ваколатлари ва фаолият шакллари ўз аксини топган.

Ушбу дарсликда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий ва бошқа қонунлари, республикада Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорларидан, давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларининг тажрибасидан кенг фойдаланилди. Унда конституциявий ҳуқуқ фани олимларининг фикрлари ҳам келтирилди.

Дарсликда конституциявий ҳуқуқ фанининг бир қатор назарий муаммолари ҳам ўз аксини топган. Муаллиф конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, юридик фактлар, конституциявий нормаларни амалга ошириш шакллари ва давлатимиздаги юридик тажрибага асосланиб, фан нуқтаи назаридан муҳим ва қимматли бўлган бир қанча фикрларни билдирган.

Ўйлаймизки, дарслик конституциявий ҳуқуқ фанининг тараққиёт йўлида яна бир поғона кўтарилишига асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур дарслик Ўзбекистон юридик адабиётида конституциявий ҳуқуқ бўйича давлат тилида ёзилган биринчи тўлиқ ўқув қўлланма бўлиб, унга ҳозирги кунда катта эҳтиёж мавжуд.

Китобхонлар ҳукмига тақдим этилаётган ушбу дарслик республикамизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ишига, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

**Юридик фанлар доктори,
профессор У. Т. ТОЖИХОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ — ҲУҚУҚИЙ ФАН ВА ҲУҚУҚ ТАРМОҒИ

1 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ ФАНИ

1. Конституциявий ҳуқуқ фани ва унинг предмети

Ҳуқуқий тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хилма хиллиги кўплаб ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд бўлиши ва амал қилишини тақозо этади. Уларни ўрганиш билан турли соҳадаги юридик фанлар шуғулланадики, уларнинг ҳар бири маълум ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳини ўрганади.

Конституциявий ҳуқуқ фани ҳуқуқшуносликнинг муҳим тармоғи бўлиб, унинг асосий вазифаси конституциявий ҳуқуқ соҳасини ўрганишдан иборат. Конституциявий ҳуқуқ фани ҳуқуқнинг шу тармоғига хос ривожланиш қонуниятларини, унинг хусусиятлари, белгилари, нормалари ва институт (тартиб-қоида)ларини, уларнинг амал қилиш механизми, ҳуқуқнинг бошқа тармоқларидаги нормалар ва институтлар билан муносабатини ўрганади. Бу фан ҳуқуқнинг шу тармоғи предметини очиб беришга қаратилган назарий масалалар билан шуғулланади, конституциявий ҳуқуқнинг давлатимиз ва жамиятимиз ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беради.

➤ Конституциявий ҳуқуқ фани конституциявий ҳуқуқ институтларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ривожлантиришдаги, ижтимоий кафолатланган бозор иқтисодиётига ўтишдаги амалий вазифаларини, ҳуқуқнинг бу тармоғига кирадиган ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг фаолият самарадорлигини оширишга доир муаммоларни тадқиқ этади. Бу фан конституциявий ҳуқуқнинг ҳуқуқий нормалари ва институтларинигина ўрганиб қолмасдан, ушбу конституциявий ҳуқуқ нормалари тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг, яъни конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти ва хусусиятини ҳам ўрганади.

Маълумки, юридик фаннинг ҳар бир соҳаси жамият-

нинг маълум бир давлат-ҳуқуқий тузилишини ўрғанади. Бу умумий ҳолат конституциявий ҳуқуқ фанига ҳам тааллуқли. Лекин, конституциявий ҳуқуқ фанининг тадқиқот доираси (объекти) бошқа юридик фанларникига нисбатан кенг бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян бир томонинигина эмас, балки ҳамма асосий томонларини ўз ичига олади. Бу фаннинг тадқиқот доирасига жамиятнинг муҳим соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар ҳам киради. Ушбу нормалар конституциявий тузумнинг асосий принципларини; давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий принципларини; инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини; давлатнинг тузилиши, маъмурий-ҳудудий бўлиниши; давлат ҳокимиятининг тизимини, давлат органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари, иш тартибини акс эттиради.

Конституциявий ҳуқуқ фани амалдаги конституциявий ҳуқуқ нормаларидан ташқари уларнинг ривожланиш тарихини ҳам ўрғанади. Бу эса конституциявий ҳуқуқ институтларининг келажакдаги истиқболи, ривожланиш йўллари аниқлаш имконини беради.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети ўзи ўрғанадиган жамиятнинг тузилишига доир сиёсий ва ҳуқуқий қарашларни ҳам қамраб олади.

Бинобарин, конституциявий ҳуқуқ фани Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг етакчи тармоғи бўлган конституциявий ҳуқуқ тушунчаси, унинг предмети, ҳуқуқий нормалари, институтларини, уларнинг амалга ошиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни ўрғанади ва ушбу ҳуқуқий тармоқнинг ривожланиш истиқболини кўрсатиб беради.

2. Конституциявий ҳуқуқ фанининг вазифаси ва тузилиши

➤ Конституциявий ҳуқуқ фанининг вазифаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш, давлатчиликни ривожлантириш, адолатли ташқи сиёсат олиб бориш, Ўзбекистонни дунёда буюк давлат даражасига кўтариш, республикада ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, адолатли жамият қуриш, конституциявий ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий институтларни такомиллаштиришга доир муаммоларни тадқиқ этиш, жамиятда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш ва бунинг

натижасида республика қонунларини ривожлантириш учун зарур таклифларни тайёрлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга, давлат мустақиллигини ҳуқуқий таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга фаол таъсир кўрсатиш конституциявий қонунчилик ва конституциявий ҳуқуқ фанининг муҳим вазифасидир¹. ◀

Фаннинг вазифаларига, шунингдек, конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлган конституцияни, конституция тўғрисидаги таълимотларни, Ўзбекистонда конституциявий ривожланишнинг асосий босқичларини, уларнинг асосий мазмуни ва хусусиятларини ўрганиш киради.

Ҳар бир фан ўзининг тизимига эга бўлиб, ўзи ўрганилган предметнинг мазмуни ва унинг тузилиш тартибини қамраб олади. Конституциявий ҳуқуқ фанининг тизими, асосан, ўзи ўрганилган ҳуқуқ тармоғининг тизими ва унинг олдида қўйилган вазифаларга мос келади ва қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

1. *Фаннинг умумий масалалари.* Уларга ҳуқуқ тармоғи сифатида конституциявий ҳуқуқнинг тушунчаси, предмети, бу ҳуқуқий тармоқ нормаларининг моҳияти ва хусусиятлари; конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари; конституциявий ҳуқуқнинг республикамиз ҳуқуқий тизимидаги ўрни каби масалалар киради.

2. *Ўзбекистон Республикасида конституциявий ривожланишнинг асосий босқичлари.* Бу бўлим конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаи ва давлатнинг асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва хусусиятларини, конституциявий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизми ва шакллари, Ўзбекистонда конституциявий ривожланишнинг асосий босқичларини ўз ичига олади.

3. *Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари* бўлимида республикамизнинг давлат мустақиллиги, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги принциплари, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг конституциявий асослари ўрганилади.

4. *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик-*

¹ Қаранг: У Тожионов. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1996. — 29-бет.

лари ва бурчлари. Бу бўлимда шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, уларни амалга ошириш кафолатлари ўрганилади.

5. *Жамият ва шахс муносабатларининг асослари.* Бу бўлимда Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг иқтисодий негизлари, жамиятдаги мулкий муносабатлар, фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари, жамоат бирлашмалари, оиланинг жамиятдаги роли, оммавий ахборот воситаларининг жамият сиёсий тизимида тутган ўрни ўрганилади.

6. *Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши.* Бу бўлимда Ўзбекистоннинг миллий-давлат тузилиши, маъмурий-ҳудудий бўлиниши, Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий мақоми ўрганилади.

7. *Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг тизими.* Бу бўлимда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи, давлат ҳокимияти органларининг тизими ва турлари, улар фаолиятини ташкил этиш принциплари ва шакллари; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, унинг ваколати ва фаолиятининг шакллари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий мақоми, ваколатлари, давлатни ва хўжаликни бошқариш органлари, маҳаллий ҳокимият органларининг тизими, суд ҳокимияти ва прокуратура органлари тизими ўрганилади.

Ҳозирги конституциявий ҳуқуқ фанининг тизими ана шулардан иборат. Албатта, конституциявий ҳуқуқ фанининг тизими ўзгармасдан қолмайди, конституциявий ҳуқуқ институтларининг ривожланиши билан бу фан тизими ҳам ўзгариб бораверади.

3. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанининг юридик фанлар тизимидаги ўрни

Конституциявий ҳуқуқ фани ҳуқуқшунослик фанлари ичида марказий ўринни эгаллайди. Чунки конституциявий ҳуқуқ фани республикамиз конституциявий тузумининг асосий принципларини, ижтимоий тузумининг конституциявий асосларини, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ва давлат тизимлари-

ни белгилайдиган энг муҳим ҳуқуқий институтларни ўрганеди. Бу ҳуқуқий фан бошқа юридик умумназарий, тарихий тармоқ фанлари билан узвий боғлиқдир.

Масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани «ҳуқуқий норма», «ҳуқуқий муносабат», «ҳуқуқ тизими», «ҳуқуқ тармоғи», «ҳуқуқ институти», «ҳуқуқ манбаи», «давлат», «давлат органи», «фуқаролик» ва барча ҳуқуқий фанлар учун умумий бўлган бошқа шу каби муҳим ҳуқуқий тушунчаларнинг мазмунини очиб беради. Конституциявий ҳуқуқ фани эса бу умумий ҳуқуқий тушунчаларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг нормаларини, ҳуқуқий институтларини, халқ ҳокимиятчилиги, давлатнинг шакли, Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг тизими, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид тушунчаларнинг хусусиятларини очиб беради. Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси умумий қонуниятларни ўрганса, конституциявий ҳуқуқ фани бу умумий қонуниятларнинг хулосаларига асосланган ҳолда конституциявий ҳуқуқ нормаларини ўрганеди.

Конституциявий ҳуқуқ ҳамда давлат ва ҳуқуқ тарихи фанлари ўртасида узвий алоқадорлик бор, чунки конституциявий ҳуқуқ фани ўз ҳуқуқий нормалари ва ҳуқуқий институтларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва жараёнларини ҳам ўрганеди.

Давлат органлари тизимини, айниқса, давлат бошқарув органларини ўрганишда конституциявий ҳуқуқ фани маъмурий ҳуқуқ фани билан узвий алоқада бўлади, чунки конституциявий ҳуқуқ фани давлат ижроия ҳокимияти органларининг давлат органлари тизимидаги ўрни, уларнинг ташкил этилиш шакллари ҳам ўрганеди.

Конституциявий ҳуқуқ фани меҳнат ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, фуқаро ҳуқуқи фанлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Конституциявий ҳуқуқ фани инсон ва фуқароларнинг шу соҳадаги ҳуқуқларини ва уларнинг кафолатланганлигини ўрганеди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли, фуқаролик жамияти қураётган ҳозирги шароитда барча юридик фанларни ривожлантириш, давлатчилик ва қонунчиликни мустаҳкамлашда уларнинг ҳиссасини ошириш зарур. Шу боисдан Ўзбекистонда ҳамма юридик фанларнинг узаро муносабатларини уйғунлаштириш ва уларни давлатимиз олдида турган улуг мақсадларни ҳал қилишга йуналтириш асосий вазифадир.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи фанининг назарий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида республикамиз мустақиллигининг илмий асослари, мустақилликка эришишнинг асосий йўналишлари, уларни амалга ошириш йўллари, давлатчиликни барпо этиш қоидалари, умуман, конституциявий ҳуқуқ фанининг муаммоларига ва республикамизнинг келажак тараққиёти тўғрисидаги саволларга мукамал ва илмий асосланган жавоблар берилган, фикр-мулоҳазалар, дастурий йўлланмалар келтирилган¹. Биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.²

И. А. Каримов асарларида келтирилган теран фикрлар конституциявий ҳуқуқ фани нуктаи назаридан бири бири билан мантиқий боғланишда ва диалектик алоқадорликда бўлиб, қураётган давлатимизнинг моҳияти, унинг конституциявий тузумининг асосий принциплари, давлат органлари тизими, жамият билан шахснинг муносабатлари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари муаммоларини бойитади ва тўлдиради. «Бугун биз қандай давлат қуряпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?» — деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди...

Мақсадимиз аниқ — бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очиқ демократик давлат қуриш...³

И. А. Каримовнинг асарларида республикамизда қурилаётган давлат қандай услуб ва кучлар билан идора этилади, яқин ва узоқ муддатли мақсадлар нималардан

¹ Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули.* — Т., 1992; *Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.* — Т., 1992; *Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати.* — Т., 1993; *Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг ўзига хос йули.* — Т., 1993; *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.* — Т., 1993; *Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.* — Т., 1995; *Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида.* — Т., 1995.

² Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.* — Т., 1995. — 9-б.

³ Қаранг: *Уша асар.* 8-б.

иборат, деган саволларга ҳам жавоб берилган, яъни Ўзбекистонда демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этилади, жамиятни эса халқ бошқаради, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий талаблари қондирилади ва бу иш Конституция ва қонунлар асосида амалга оширилади.

И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 сентябрда бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида янги Конституциянинг лойиҳаси тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқларида Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти, унинг моҳияти ҳамда хусусиятини очиб берди: «Авваламбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ».¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг, ёш давлатимизнинг чинакамига мустақил бўлиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди. «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».²

Республика Президенти И. А. Каримовнинг конституциявий ҳуқуқ фанининг ривожланишига асос бўлган яна бир янгича фикри, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузасида баён қилинган. Ушбу маърузада Ўзбекистонда давлатчилик ва бошқарув тизимини шакллантириш, давлат-жамият-фуқаро бирлигини таъминлаш борасида янги, илмий асосланган қоидалар белгилаб берилган. Президентнинг фикрича, «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмағи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмағи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари... ана шу заминга таяниши зарур».³

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. — Т., 1992. — 37-б.

² Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т., 1993. — 6-б.

³ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. — 13-б.

Президентимиз Ўзбекистонда барпо этилган давлат тизимини янги сифат даражасига кўтариш, уни янги тарихий шароитларда, тобора ривожланиб бораётган қарашларимиз ва ҳаёт эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жаҳон андозаларига мослаштиришнинг асосий қондасини кўрсатиб берди. Президентимизнинг фикрича, «**Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир**».¹

И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида Ўзбекистонда яратилаётган давлатчилик ва ҳуқуқий тизимнинг моҳияти ва мазмунини, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини давлат ва ҳуқуқ асосида бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топганлигини ва бу тизимнинг қандай эканлигини кўрсатиб берди.²

Биобарин, Республика Президенти Ислон Каримовнинг асарлари конституциявий ҳуқуқ фанининг назарий асоси ва манбаи сифатида хизмат қилмоқда, чунки республикамизнинг мустақиллиги шароитида давлатчилигимиз шаклланишининг асосий йўналишлари ҳамда ҳуқуқий тизимимизнинг ривожланишига асос бўладиган муҳим ғоя ва қондалар биринчи маротаба ана шу асарларда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар эндиликда ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

II БОБ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОШ ҲУҚУҚИЙ ТАРМОҒИ

1. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи, унинг предмети ва бошқа ҳуқуқий тармоқлардан фарқи

Ҳар бир давлатда, хусусан Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳар хил норматив ҳуқуқий актлар мавжуд. Чунончи, Конституция, конституциявий қонунлар, оддий қонунлар, Республика Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирларнинг буйруқлари, давлат

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. — 13-б.

² Каримов И. А. Ўзбекистон — иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., 1995.

махаллий ва бошқа органларининг норматив актлари шулар жумласидандир. Мавжуд ҳуқуқий нормалар ва уларнинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимини ёки ҳуқуқини ташкил этади.

Бу ҳуқуқий норматив актларнинг барчаси учун умумий бўлган жиҳат уларнинг моҳияти, ўзида Ўзбекистон халқининг иродаси, манфаатини ифода этганлиги, умумий мақсад ва вазифага эга эканлиги, яъни уларнинг Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтказиш, халқни ижтимоий таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаровий, адолатли жамият қуришга қаратилганлиги, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ўзида мустақкамлаганлиги, уларнинг тинчлиги, осойишталиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилишидир. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг мазкур ҳуқуқий тизими маълум ҳуқуқий тармоқларга бўлинади. Ҳуқуқнинг ушбу тармоқлари бири-биридан ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи билан, яъни ўзлари тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар доираси ҳамда тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларга таъсир этадиган усул ва услубларнинг хусусиятлари билан фарқланади.

Демак, маълум бир соҳаларга бўлинадиган ҳуқуқий нормалар гуруҳи, бир хилдаги ёки бир-бирига яқин хилдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солсалар, яъни ўз предметига эга бўлсалар, улар алоҳида ҳуқуқий тармоқни ташкил қиладилар. Ҳуқуқ тармоғини таърифлашда унинг предмети аниқлаб берувчи маълум турдаги ижтимоий муносабатларнинг хусусиятини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳуқуқ тармоғини алоҳида-алоҳида соҳаларга ажратишда ва уни белгилашда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг усуллари ҳам катта рол ўйнайди. Ҳар бир ҳуқуқий тармоқ ижтимоий муносабатларни ўзига хос усул билан тартибга солади. Маълум бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули билан фарқ қиладиган ҳуқуқий нормалар алоҳида ҳуқуқий тармоқни ташкил этади.

Бундан ташқари, ҳуқуқий нормаларни алоҳида тармоқларга ажратишнинг яна бир сабаби, давлатнинг манфаатдорлиги, унинг ўз мақсадларини, амалдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солиш заруратидир. Масалан, табиатни муҳофаза қилишдан давлат жуда манфаатдор, шунинг учун у алоҳида қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормаларни яратади, уларнинг

Йиғиндиси табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий тармоғини ташкил этади.

Демак, муайян ҳуқуқий нормалар гуруҳининг алоҳида ҳуқуқий тармоқ сифатида шаклланиши учун учта асос бўлиши зарур: ҳуқуқ тармоғининг предмети, ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос усул билан тартибга солиниши ва ушбу ҳуқуқ тармоғини яратишдан давлатнинг манфаатдорлиги. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий норматив актлар ана шу асосларга кўра, муайян ҳуқуқий тармоқларга бўлинади (масалан, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оилавий ҳуқуқ ва ҳ. к.).

Биз конституциявий ҳуқуқ тармоғининг бошқа ҳуқуқий тармоқлардан фарқини, унинг предмети ва услуги қандай эканлигини аниқлашимиз керак.

Конституциявий ҳуқуққа мансуб юридик нормалар конституциявий ҳуқуқ нормалари деб аталади. Бу ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон ҳуқуқий тизимига кирадиган ҳуқуқий нормалар сингари айрим хусусиятларга эга. Ушбу ҳуқуқ нормалари, умумий қоидага биноан, маълум ҳуқуқий хатти-ҳаракат қоидаларини белгилайди, уларнинг бажарилиши давлат ва унинг органлари томонидан мажбурий таъминланади, улар маълум ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Шу билан бирга, конституциявий нормаларнинг ўзига ҳос белгилари, хусусиятлари бор.¹ Улар қуйидагилардан иборат.

1. Конституциявий ҳуқуқ нормаларининг аксариятини жамиятнинг муҳим соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар ташкил этади. Бу тоифадаги нормалар конституциявий тузумнинг асосий принципларини ифодалайдилар. Мазкур нормалар давлатнинг сиёсий йўналишлари ва қонунларнинг мукамал бўлишини, уларга оғишмай амал қилинишини таъминлаб беришга қаратилган.

2. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий принципларини ифода этади, конституциявий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди, давлат органларининг тизимини, уларнинг ташкил қилиниши ва иш тартибига доир қоидаларни мустақкамлайди. Шунинг учун ҳам конституциявий ҳуқуқ нормалари бошқа кўпгина ҳуқуқий тармоқлардаги (масалан, жиноят, маъмурий, фуқаро-

¹ Қаранг: Общие начала теории социалистической Конституции. — М., 1986.

вий ва ҳ. к.) нормалар сингари анъанавий уч қисмдан, яъни гипотеза, диспозиция ва санкциядан ташкил топмаган.

Конституциявий нормаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш вазифаси айнан умумий ва кенг, барча учун тегишли принципларни ўрнатиш орқали амалга оширилади.¹ Жумладан, Конституциянинг 1-бўлимида мустақкамлаб қўйилган ҳокимиятнинг бўлиниши, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги ана шу принципларга мисол бўла олади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари жуда кўп бўлганлиги сабабли, уларни ҳаётда қўллаш ва ўрганишни енгиллаштириш учун улар системалаштирилади, яъни улар тартибга солиб турувчи ижтимоий муносабатларнинг турига қараб, алоҳида-алоҳида гуруҳларга бирлаштирилади.

Бир хил ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар йиғиндиси конституциявий ҳуқуқ институти деб аталади (масалан, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари институти, сайлов тизими институти ва ҳ. к.).

Конституциявий ҳуқуқнинг барча институтлари эса конституциявий ҳуқуқ тармоғини ташкил этади. Конституциявий ҳуқуқ тармоғида қандай ҳуқуқий нормалар, қандай ҳуқуқий институтлар бор, улар қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солади, яъни конституциявий ҳуқуқ тармоғининг предмети нимадан иборат, деган савол туғилади.

Қандай ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқига киради ва улар қандай ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, деган масала бўйича ҳуқуқшунос, давлатшунос олимлар ўртасида сўнгги пайтларгача ягона бир фикр йўқ эди, уларнинг бу масалага муносабати ҳар хил эди. Бу, айниқса ХХ асрнинг 60—70-йилларида давлатшунос олимлар ўртасида баҳсга сабаб бўлган эди.²

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ўз

¹ Тожионов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1995. — 42—45-б.

² Қаранг: Фарбер И. Е., Ржевский В. А. Вопросы теории Конституционного права. — Саратов, 1967. — 12—14-б.; Шетинин Б. В., Горшенева А. Н. Курс Советского государственного права. М., 1971. — 6—10-б.; Лепешкин А. И. Курс Советского государственного права. Т. 1. — М., 1961. — 32—33-б.; Коток В. Ф. О предмете и источниках конституционного права социалистических стран // Конституционное право социалистических стран. — М., 1963.

давлат ва ҳуқуқий тизимини шакллантира бошлаши билан, айниқса, янги конституция қабул қилингандан сўнг, бу масала ойдинлашди ва ягона фикрга келинди. Унга кўра, конституциявий ҳуқуқ тармоғининг предмети Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, жамият билан шахс ўртасидаги алоқаларни, давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий булакларни ташкил қилишни, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини, давлат ҳокимияти органларининг тизими, ваколати ва иш фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳамда уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан келиб чиққан ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Демак, конституциявий ҳуқуқ тармоғи конституциявий ҳуқуқнинг жуда кўп нормалари ва уларнинг бажарилиши натижасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлардан иборатдир. Бундай конституциявий нормаларга қуйидагилар киради.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принципларини белгиловчи конституциявий нормалар. Буларга давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, ташқи сиёсат принципларини ўзида акс эттирувчи ҳуқуқий нормалар. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлими).

Иккинчидан, Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар (иккинчи бўлим).

Учинчидан, Ўзбекистонда жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, яъни жамиятнинг иқтисодий негизларини, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосини белгилайдиган конституциявий-ҳуқуқий нормалар (учинчи бўлим).

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишини белгилайдиган конституциявий-ҳуқуқий нормалар.

Мазкур ҳуқуқий нормалар Ўзбекистоннинг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетининг Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза қилинишини белгилаб қўядиган ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади (тўртинчи бўлим).

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳоқимиятининг тизимини, уни ташкил этишни, давлат органларининг ваколатлари ва ишлаш тартибини белгиловчи конституциявий ҳуқуқий нормалар. Бу нормалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳоқимият органлари асосларини, суд ҳоқимияти, сайлов тизими, прокуратура органларининг фаолияти, ваколати ва тузилиш асосларини белгилаб қўювчи ҳуқуқий нормалардир (бешинчи бўлим ва бу органлар тўғрисидаги қонунлар).

Ушбу органлар ичида давлат ҳоқимияти вакиллик органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқий нормалар конституциявий ҳуқуқ тармоғига киради.

Лекин, шуни таъкидлаш керакки, конституциявий ҳуқуқ предметиға конституциявий ҳуқуқ нормаларигина эмас, балки шу ҳуқуқий нормаларнинг амалға оширилиши, яъни уларнинг муайян ижтимоий муносабатни тартибға солиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳам киради.


Конституциявий ҳуқуқ нормалари жамиятға ҳар томонлама таъсир кўрсатади, баъзи бир органларға ҳаракат қилиш учун ҳуқуқ беради, бошқаларини эса маълум соҳада ҳаракат қилишға мажбур этади. Берилган ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалға ошириш вақтида давлат органлари билан жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Демак, конституциявий ҳуқуқ предметиға конституциявий ҳуқуқ нормалари ва шу нормаларнинг амал қилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар киради.

Лекин, конституциявий ҳуқуқ предметиға таърифлашда юридик адабиётда бошқа фикрлар ҳам бўлган. Масалан Ленинград университетининг юрист олимлари конституциявий ҳуқуқ предметиға «Совет давлатининг амалдаги Конституцияси билан тартибға солинадиган ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси»ни киритадилар.¹

Конституциявий ҳуқуқ предметиға амалдаги Конституция нормалари ва бу нормаларнинг амалға оширилиши

¹ Советское Конституционное право // Под. ред. С. И. Русинова. Л., 1975.



натижасида келиб чиқадиган, ҳокимиятни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар киради, дейдилар бошқа гуруҳ олимлар. Уларнинг фикрича, конституциявий ҳуқуқ предметига «синфлар, миллатлар, халқ ва давлатнинг ҳокимият, мустақиллик ва шахснинг эркинлиги юзасидан келиб чиқадиган ўзаро амалдаги ҳуқуқий конституциявий муносабатлари киради».¹ Шунинг учун иккала қараш вакиллари давлат ҳуқуқини «конституциявий ҳуқуқ» деб номлашни таклиф қилган эдилар.

Конституциявий ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ тармоқларидан ўзининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш услуби билан ҳам фарқ қилади. Ҳуқуқнинг бу тармоғида халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг бир қанча услублари, хусусан ҳуқуқ нормаларини яратиш, ҳуқуқ субъектларига баъзи бир ҳаракатларни қилишга рухсат бериш ёки ман этиш, баъзи бир ҳаракатларнинг олдини олиш, айримларини амал қилишдан тўхтатиб қўйиш каби услублар ишлатилади. Ҳуқуқнинг бу тармоғига хос жиҳатлардан яна бири давлат тузилиши ва конституциявий тузум асосий принципларининг қонунда белгилаб қўйилганлигидир.

Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқий тармоқлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг нормалари Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида кирувчи институтларнинг асосийларини ташкил қилади ва жамиятдаги бошқа энг муҳим ҳуқуқий тармоқлар учун асос ва йўналиш бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Бошқа ҳуқуқ тармоқларининг барчаси ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда конституциявий ҳуқуқ нормалари томонидан мустақамланган принципларга асосланади. Масалан, конституциявий ҳуқуқ нормалари жамият конституциявий тузумининг асосий принципларини, хусусан, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, жамият ишида Конституция ва қонунларнинг устунлиги каби принципларни белгилайди.

Республика конституциявий тузумининг асосий принципаларидан бири бўлган давлат мустақиллиги принципи, «миллий ҳуқуқнинг шаклланишига бевосита таъсир этади. Ҳуқуқ билан узвийлик боисидан мустақил-

¹ Советское государственное право. — Саратов. 1979. — 38-б.; Фарбер И. Е., Ржевский В. А. Теория советского конституционного права. — Саратов. 1967. — 5-б.

лик, муайянлик, муқаррарлик, нормативлик, давлат-ҳуқуқий воситалар билан таъминланганлик каби ҳуқуқий уюшган жараёнлар ва механизмларга хос хусусиятларга эга бўлади».¹ Демак, конституциявий тузумнинг фақат шу асосий принципи бутун давлатнинг, унинг органларининг тузилишини белгиловчи ва уни фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади, бу эса бутун Ўзбекистон ҳуқуқий тармоқлари учун йўлловчи асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлат органлари тизимини, уларнинг тузилишини, ваколатларини, фаолият кўрсатиш шакллариини белгилайди. Улар маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, фуқаровий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий тармоқлар учун асос сифатида хизмат қилади. Чунки, маъмурий ҳуқуқ тармоғига давлат органларини бошқариш фаолияти натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар киради. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ тармоқлари учун Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи асос қилиб олинган.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари жамиятнинг иқтисодий негизини белгилайди, яъни мулкчилик турларининг хилма-хиллигини, уларнинг тенг муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бу ҳуқуқий нормалар эса мулккий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи учун конституциявий асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқ тармоғи ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш; қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқини беради. Бу турдаги конституциявий-ҳуқуқий нормалар, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи тармоғи учун асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари Республика Олий Мажлисининг, Вазирлар Маҳкамасининг ва давлатнинг бошқа органларининг Ўзбекистон Республикаси бюджетти, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетти ва маҳаллий бюджетларни тузиш, уни тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш

¹ Тожихонов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1996. — 37-б.

рат қилиш тартибини белгилайди. Булар эса молиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи молиявий ҳуқуқ тармоғининг асоси ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимига кирувчи қайси бир ҳуқуқ тармоғини олмайлик, улар Конституциявий ҳуқуқ тармоғи ўрнатадиган умумий принциплардан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам конституциявий ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқий тизимга кирувчи етакчи ҳуқуқий тармоқ ҳисобланади.¹

2. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг турлари, субъектлари ва объектлари

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар деганда нимани тушунамиз?

Қисқа қилиб айтганда, жамиятдаги муносабатларни конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларга конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар деб айтамыз.

Маълумки, ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғланган. Чунки ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиши натижасида пайдо бўлади.

Ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар фақат конституциявий ҳуқуқ нормалари асосида пайдо бўлади.

Ўз навбатида, конституциявий ҳуқуқ нормалари конституциявий ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга ошади. Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш орқали ҳуқуқ турмушга татбиқ этилади, унда кузда тutilган мақсад амалга оширилади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини яхши билиш учун уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрнини англаш лозим. Маълумки, ижтимоий муносабатлар кишиларнинг фаолияти жараёнида улар ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатларнинг турлари ниҳоятда хилма-хил. Улар кундалик иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётда учраб туради, моддий ва ғоявий, мафкураравий муносабатлар (ҳуқуқий, маънавий, урф-одат, одоб

¹ Қаранг: *Основин В. С.* Место и роль Советского государственного права в системе права // *Правоведение.* 1972. № 5. — 5—14-б.

муносабатлари)га бўлинади. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар (умуман, ҳуқуқий муносабатлар) ғоявий, мафкуравий муносабатлар таркибига киради.

Моддий (иқтисодий) муносабатлар бу энг аввало, ишлаб чиқариш муносабатлари бўлиб, жамиятнинг базисини, асосини ташкил этади. Маънавий, ғоявий муносабатлар эса унинг устқурмасини ташкил этади. Моддий-иқтисодий муносабатлар кишиларнинг хоҳиш-иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келса, ғоявий, мафкуравий муносабатлар аввал одамлар онгида туғилиб, сўнгра қарор топадиган муносабатлардир. Моддий муносабатлар жамиятдаги маълум маънавий муносабатларга асос бўлади.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг турли соҳалари, масалан, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқа соҳаларидаги нормалар билан тартибга солинади. Жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларни, уларнинг қайси ҳуқуқий тармоқ нормаси томонидан тартибга солинишига қараб, конституциявий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа муносабатларга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқий муносабатларнинг турлари. Ҳуқуқий муносабатларни, ҳуқуққа мувофиқ ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар натижасида вужудга келишига қараб: тартибга солувчи (ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи) ва ҳуқуқни қўриқловчи муносабатларга бўлиш мумкин.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий муносабатларнинг биринчи турига, яъни тартибга солувчи (ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи) муносабатларга киради.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилдириб турадиган ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборат:

1) уларнинг конституциявий ҳуқуқ предметининг хусусиятидан келиб чиқадиган алоҳида юридик мазмуни;

2) Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг умуман ҳуқуқий муносабат тизимидаги алоҳида ўрни ва вазифаси;

3) ушбу муносабатларнинг ўзига хос иштирокчилари (субъектларини)нинг мавжудлиги.

Маълумки, ҳуқуқий муносабатларнинг юридик мазмунини унинг иштирокчиларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этади. Бинобарин, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини унинг иштирок-

чиларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг конституциявий ҳуқуқ нормалари ўрнатган хусусиятидан қидириш лозим. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг асосий фарқли белгилари шундан иборатки, улар Ўзбекистон халқи ва миллатининг мустақиллигини ўзида акс эттиради, фуқароларнинг жамият ва давлатдаги ҳуқуқий ҳолатини белгилайди, халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг кўпчилиги юридик ҳолат сифатидаги умумий характерга эга (масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен республика эканлиги, Олий Мажлис депутатларининг беш йил давомида олий вакиллик органидаги депутатлик ҳолати, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги фуқаролик ҳолати ва ҳ. к.).

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг учинчи хусусияти шундан иборатки, бу муносабатлар иштирокчиларининг кўпчилиги фақат шу Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинггина субъекти бўла оладилар. Бунда конституциявий ҳуқуқнинг субъектлари қуйидагилардан иборат: 1) давлат ҳокимиятининг бирдан-бир эгаси бўлган Ўзбекистон халқи; 2) Ўзбекистон давлатига номи берилган асосий миллат; 3) Қорақалпоғистон Республикаси суверен давлати; 4) маъмурий-ҳудудий бўлинмалар; 5) сайлов комиссиялари ва бошқалар.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар турли-туман бўлиб, жамият ва давлатнинг жуда кўп соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туради. Юридик фанда бундай ҳуқуқий муносабатлар ҳар хил баҳоланади¹.

Лекин конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни, уларнинг объектлари ва субъектларидан келиб чиқиб, бир неча турларга бўлиш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига хос асосий принципларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар. Бу гуруҳга мансуб ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистонда жамият ва давлатнинг бош принциплари ва асосларини характерлаб беради; уларнинг моҳиятини, давлат суверенитети, давлат ҳокимиятининг халққа тегишли эканлигини, уни амалга ошириш механизмини, давлат ҳокимияти-

¹ Қаранг: *Основин В. С. Государственно-правовые отношения.* — М., 1965.

нинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши орқали амалга оширилишини белгилаб беради; давлатнинг сиёсатини белгилашда сиёсий партиялар ва уюшмалар, оммавий ҳаракат кучларининг иштирок этишини таъминлайди; иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йулларини кўрсатиб беради.

Мазкур ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлимида кўрсатилган ҳуқуқий нормалар ва асосий принципларнинг амалга ошиши натижасида вужудга келади.

2. Фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг асослари ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчларининг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар. Бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар Конституциянинг иккинчи бўлими ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг бажарилиши натижасида келиб чиқадиган қуйидаги ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади:

а) фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати асослари юзасидан фуқаролар билан давлат органлари ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар (фуқароликка қабул қилиш, фуқароликдан чиқиш, фуқароликни ўзгартириш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги).

б) фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари масаласи бўйича фуқаролар билан давлат органлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар.

в) фуқаролар конституциявий бурчларининг бажарилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар.

3. Жамият билан шахс ўртасида келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар. Уларга жамиятнинг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари-нинг хилма-хиллигини, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлаган нормаларнинг амалга ошиши натижасида пайдо буладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, хусусан, мулк эгалари билан давлат ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар киради. Бундан ташқари ушбу ҳуқуқий муносабатларга жамоат бирлашмалари билан давлат ўртасида, оила билан давлат ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳам киради.

4. Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши соҳасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар. Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўртинчи бўлимидаги қоидалар ва шу соҳадаги бошқа

қонунларнинг амалга ошиши натижасида келиб чиқади. Бу соҳадаги конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга қуйидаги муносабатлар киради:

а) Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари ўртасидаги конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар;

б) маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар.

5. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат органларининг тизимини белгилаш, улар фаолиятининг принциплари, ваколатлари ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар.

Ушбу гуруҳдаги муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг кўпчилигини ташкил этади. Уларга қуйидаги муносабатлар киради.

5.1. Сайлов системаси ва сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган муносабатлар. Уларга Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси конституцияларининг, Президент ва Олий Мажлисни сайлашга оид қонунларнинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган муносабатлар, хусусан, давлат билан сайловчилар, сайловчилар билан депутатликка ва президентликка номзодлар, сайловчилар ва депутатликка номзодлар, депутатлар билан давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар, халқ депутатлари ҳар хил даражадаги Кенгашларининг ўзаро муносабатлари, ҳокимлар билан халқ депутатлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар киради.

5.2. Давлат ҳокимият органларининг иш фаолияти давомида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар:

а) давлат ҳокимият органлари тизимида келиб чиқадиган муносабатлар: Олий Мажлис билан Олий Мажлис Кенгаши, улар билан Олий Мажлис Раиси, Олий Мажлис билан унинг қўмиталари ва комиссиялари ўртасидаги муносабатлар;

б) қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис билан давлатнинг бошқа органлари — республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Суд ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар; давлат ҳокимияти органлари билан жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар.

6. Бевосита (тўғридан-тўғри) демократияни амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар. Бундай ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасида

публикаси Конституцияси талабининг амалга оширилиши, жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалаларнинг халқ муҳокамасига тақдим этилиши ёки давлат аҳамиятига лойиқ муҳим масалаларнинг умумхалқ овозига (референдумга) қўйилиши натижасида халқ билан давлат ўртасида келиб чиқади.

Шуни таъкидлаш жоизки, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари шу билан тугамайди. Юқорида баён этилганлари уларнинг фақат асосийлари ҳисобланади. Ушбу рўйхатни тўлдириш конституциявий ҳуқуқ институтларини ва уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишини жуда чуқур ўрганишни талаб қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар умумий ва аниқ, доимий ва вақтинчалик бўлади. Умумий хусусиятдаги муносабатлар муайян бир ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисидаги конституциявий нормаларнинг амалга оширилиши натижасида фуқаролар билан давлат ўртасида келиб чиқадиган муносабатларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Аниқ ҳуқуқий муносабатлар доимо муайян ҳуқуқий норманинг амалга оширилиши натижасида, яъни маълум бир муносабатга киришган томонларнинг ҳуқуқий нормада кўрсатилган субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларини бажариши натижасида пайдо бўлади. Масалан, фуқаро сайловда овоз бериш орқали ўзининг сайлаш ҳуқуқини амалга оширади.

Умумий хусусиятга эга бўлган муносабатлар — доимий, аниқ хусусиятга эга муносабатлар эса вақтинчалик ҳуқуқий муносабатлардир.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар шу муносабатларнинг иштирокчилари орқали амалга оширилади. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари деб уларнинг томонлари сифатида шу муносабатларда иштирок этувчиларга айтилади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар энг камида ҳуқуқ ва мажбурият бажарувчи, иккитадан кам бўлмаган маълум субъектлардан ташкил топади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари (иштирокчилари) қуйидагилардан иборат:

1) фуқароларнинг умумий йиғиндиси бўлган Ўзбекистон халқи. Бутун давлат ҳокимияти ва суверенитетининг эгаси Ўзбекистон Республикасининг халқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг халқи конституциявий-ҳу-

қуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида ўз ҳуқуқларини давлат ва унинг органлари орқали амалга оширади, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилади, унга узгартишлар киритади. Баъзи бир ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси бевосита давлат ҳокимияти номидан иштирок этади. Масалан, умумреспублика миқёсида референдум ўтказиш вақтида, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокама-сига қўйилганда ҳам халқ давлат ҳуқуқий муносабатларининг субъекти сифатида иштирок этади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси ва «Референдум тўғрисида»ги қонун);

2) миллий давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган муносабатларда миллатлар ва элатлар;

3) Қорақалпоғистон Республикаси;

4) Ўзбекистон Республикаси давлат органлари (қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Республика Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, Олий Мажлис Раиси, комиссия ва қўмиталари, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, халқ депутатлари, вилоят, туман шаҳар Кенгашлари, ҳокимлар);

5) депутатлар ва уларнинг уюшмалари (Олий Мажлис ҳамда вилоят, туман, шаҳар кенгашларининг депутатлари, уларнинг қўмита ва комиссиялари).

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

7) жамоат бирлашмалари;

8) фуқароларнинг турар ва иш жойидаги умумий йиғилишлари, ўзини ўзи бошқариш органлари.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари (юридик шахслар ва жисмоний шахслар)нинг ҳуқуқий лаёқати ҳар хил бўлади. Улар конституциявий-ҳуқуқий нормалар асосида алоҳида ҳуқуқ ва мажбурият эгалари бўладилар. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида ҳар хил ҳуқуқий лаёқатга эга бўладилар.

Фуқаролар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлишлари керак.

Барча фуқаролар ҳуқуқий лаёқатга эгадирлар, улар туғилиши билан бу лаёқатга эга бўладилар. Аммо ҳар бир фуқаро ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайди. Муомала лаёқати деганда, шахснинг ҳуқуқларини амал-

га ошира олиши ва мажбуриятларни шахсан бажара олиши тушунилади. Конституциявий ҳуқуқда фуқаролар 18 ёшдан бошлаб тўла муомала лаёқатига эга бўладилар. Меҳнат-ҳуқуқий муносабатларида эса улар 16 ёшдан, никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатларида 17 ёшдан, жиноят-ҳуқуқий муносабатларида, асосан, 16 ёшдан, айрим жиноятлар бўйича 13 ёшдан муомала лаёқати пайдо бўлади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик бурчлари билан бир қаторда ушбу муносабатларнинг объекти ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади. Ўзбекистондаги ҳуқуқий муносабатларнинг объекти, ўз мазмуни ва характерига кўра, ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солиниши лозим бўлган ҳамда кундалик ҳаётимизда тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлардир. Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвори шу муносабат объекти ҳисобланади.

Демак, ҳуқуқий муносабат нимага қаратилган бўлса, шу нарса ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўлади. Юридик адабиётда буюм, ашёлар ҳуқуқий муносабатларнинг объекти деб аталади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар объекти кишиларнинг шахсий, ҳамда ижтимоий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган турли моддий ва маънавий бойликлар бўлиб, улар юзасидан субъектлар ҳуқуқий муносабатга киришадилар ҳамда ўз субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларини амалга оширадилар.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Давлат ҳудуди. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларини Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикаси ёки маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг ҳудудлари билан боғлиқ қилиб қўяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасига кўра, «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», 73-моддада эса «Қорақалпоғистон Рес-

публикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади», — дейилган. Мазкур конституциявий-ҳуқуқий нормалар асосида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари ўртасида ҳудудий масалалар бўйича конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқиши мумкин.

2. Моддий бойликлар. Моддий бойликлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда бошқа объектларга нисбатан кам учрайдиган объект ҳисобланади. Лекин бу объектларнинг аҳамияти жуда катта, чунки мулкий муносабатлар ижтимоий муносабатлар ичида салмоқли ўрин эгаллайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигининг, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлигининг ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланганлиги кўрсатилган (53-модда). Ушбу конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларнинг объекти моддий манфаат, моддий бойлик ҳисобланади.

3. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳаракати ҳам кўпинча ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади. Масалан, Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов ўтказиш туғрисидаги қонунда сиёсий партияларнинг ўз вакиллари сайлов округларидан номзод сифатида кўрсатиш ҳуқуқини амалга ошириши ҳам сиёсий партиялар билан республика Марказий сайлов комиссияси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Ёки Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши натижасида Олий Мажлисга қонун лойиҳасини киритиши ҳам Конституциявий суд билан Олий Мажлис ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади.

4. Моддий характерда бўлмаган шахсий манфаат — виждон, қадр-қиммат. Виждон баъзи бир конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин. Масалан, депутатларнинг дахлсизлиги муносабати билан келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда депутатнинг халқ вакили сифатидаги шаъни, обрўси,

қадр-қиммати ва виждони шу муносабатларнинг объекти бўлади.

3. Юридик фактлар

Ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳодисалари сингари, ҳуқуқий муносабатлар ҳам ўзгариб туради: айримлари пайдо бўлади, айримлари ўзгаради, айримлари эса барҳам топади, йуқ бўлади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари ўз-ўзидан бевосита конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий нормаларда кўрсатилган муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлган ва маълум ҳолатлар юз бергандагина келиб чиқиши мумкин.

Ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ёки барҳам топтирувчи фактлар юридик фактлар дейилади. Юридик факт бошқа фактлардан ўзининг маълум ҳуқуқий натижа қолдириши билан фарқланади.

Юридик фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий ва аниқ шарт-шароити сифатида майдонга чиқади. Демак, ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши юридик фактлар деб аталадиган муайян ҳаётий шарт-шароитни тақозо этади.

Юридик фактлар юридик ҳодиса, юридик ҳаракат ва юридик ҳолат каби шаклларга эга.

Ўзбекистон фуқаросининг туғилиши юридик ҳодиса бўлиб, давлат билан туғилган боланинг ота-оналари ўртасида конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Унинг 18 ёшга тулиши эса, бошқа ҳуқуқий муносабатларни (сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини) келтириб чиқаради. Юридик ҳодиса шундай юридик фактки, унинг содир бўлиши инсон эрки ва эҳтиёжи билан боғлиқ эмас.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаришга юридик ҳаракатлар ҳам сабаб бўлади. Юридик ҳаракатлар инсоннинг фаолияти, унинг иродаси ва хоҳиши натижасида пайдо бўлади. Улар ҳуқуққа мувофиқ ва ҳуқуққа зид (агар улар ҳуқуқ нормаси билан ман қилинган бўлса) бўлиши мумкин. Ҳуқуққа мувофиқ ҳаракатлар, ўз навбатида, юридик хатти-ҳаракатларга ва юридик актларга бўлинади.

Ҳуқуққа мувофиқ юридик хатти-ҳаракатлар қонунда кўрсатилган нормаларнинг тўғри бажарилиши натижасида келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабат-

лардир. Бундай ҳаракатларнинг мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Олий Мажлис томонидан муҳокама қилиниб, қабул қилинишини ёки республика Президенти томонидан фармон чиқарилиб, муайян шахснинг орден билан мукофотланишини келтириш мумкин, чунки улар Ўзбекистоннинг Конституциясига мос келади. Ушбу юридик ҳаракатлар давлатнинг Конституцияда кўрсатилмаган бошқа органлари ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилганда ҳуқуққа зид ҳаракатлар ҳисобланади.

Юридик актларга давлат органларининг ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаришга сабаб бўладиган актлари киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг сессия чақириши ёки сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарори бунга мисол бўлади.

Ҳуқуққа зид ҳаракатлар, ўз навбатида, икки хил бўлади: шахснинг ҳуқуқ нормаларини бузишга ёки нотўғри бажаришга қаратилган ҳаракатлари ва давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф равишда ҳуқуқий актларни қабул қилиши. Ҳуқуққа зид ҳаракатлар ўз мазмуни ва характерига кўра жиноий, маъмурий, интизомий ва фуқаровий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига бўлинади. Ҳуқуққа зид бўлган ҳаракат оқибат натижада шахснинг жавобгарликка тортилишига олиб келади.

Юридик ҳолатга мисол сифатида шахснинг маълум муддатга депутат қилиб сайланиши ва бунинг оқибатида унга маълум ҳуқуқларнинг берилганлиги ва бурчларнинг юклатилганлигини келтириш мумкин. Депутат шу муддат давомида халқнинг вакили сифатида давлат вакиллик органларида иш олиб боради ва вақти-вақти билан сайловчилар олдида ҳисобот бериб туради.

Шундай қилиб, юридик фактлар таъсирида конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади, ўзгаради, айримлари барҳам топади. Бу жараён тухтовсиз бўлиб, жамият ривожланиши учун иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шароитлар яратиб беради.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг элементлари



4. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг тизими

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг ҳар бир соҳаси мураккаб ижтимоий воқелик бўлиб, ички изчиллик, бир бутунлик, ўзаро алоқадорлик ва умумийлик хусусиятларига эга. Бундай хусусият конституциявий ҳуқуқ соҳасига ҳам мансубдир. Бу ҳуқуқ соҳасининг нормалари ниҳоятда хилма-хил ва кенг қўламдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишига қарамасдан, улар ўзаро мутаносиблик ва ички алоқадорлик қонуниятлари асосида бирлашганлар. Бу ўзаро мувофиқлик ва алоқадорлик ҳозирги шароитдаги давлат қурилишининг назарий ва амалий объектив талаблари асосида, конституциявий тизимнинг иқтисодий, социал ва маънавий негизларининг бирлигидан келиб чиқади. Конституциявий ҳуқуқ соҳасининг бир бутунлиги, республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг давлат қурилиши соҳасида юз бераётган объектив жараён, унинг мақсадга мувофиқлиги ва режа-

ли равишда такомиллашуви конституциявий ҳуқуқ тизимида акс этади.

Конституциявий ҳуқуқнинг тизими — бу конституциявий ҳуқуқ нормаларини илмий асосланган тартибда, уларнинг мазмунига, улар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятига, аҳамиятига қараб муайян гуруҳларга бўлиш.

Конституциявий ҳуқуқнинг ҳуқуқ соҳаси сифатидаги тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тизимига мос келади, лекин у билан айнан бир хил эмас. Конституциянинг тизими ўзгариши билан конституциявий ҳуқуқ тизими ҳам ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари конституциявий ҳуқуқ тизимида биринчи ўринни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар конституциявий ҳуқуқ институтларининг асосийси ҳисобланади, зеро улар Ўзбекистоннинг суверенитетини қонунда мустаҳкамлайди, давлатнинг суверен белгиларини ифодалайди, республикамизда халқ ҳокимияти ўрнатилганлигини, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигини, унинг ўз ҳокимиятини қандай шаклларда амалга оширишини кўрсатиб беради. Ундан ташқари, конституциявий ҳуқуқнинг бу институти республикада конституция ва қонунларнинг устунлиги, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларини, биронта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принципларини белгилаб қўяди.

Инсон ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий асослар конституциявий ҳуқуқ тизимига кирувчи бошқа гуруҳ нормаларини ташкил қилади. Ҳуқуқ нормаларининг бу гуруҳи шахс ҳуқуқий ҳолатининг асосларини, Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилганлиги, фуқароларнинг тенглиги, фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартибини, Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини ифодалайди. Бундан ташқари, ушбу гуруҳ ҳуқуқий нормаларида инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги эркинликлар тизими, уларнинг давлат томонидан

кафолатланганлиги, фуқароларнинг асосий бурчлари мустақамланган.

Ушбу ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти шундаки, улар Ўзбекистон конституциявий тузуми асосий принципларини амалга ошириб берадиган фуқаролар ҳуқуқларининг тизими ва уларни амалга ошириш механизми сифатида хизмат қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг учинчи гуруҳини жамият иқтисодий негизларининг ҳуқуқий асослари ташкил қилади. Ушбу ҳуқуқий нормалар хилма-хил шакллардаги мулкчилик, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилинишини қонун жиҳатдан кафолатлайди. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий нормалар гуруҳига жамоат бирлашмаларини ташкил этиш тартиби, уларнинг давлат органлари билан муносабатларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳам киради.

Конституциявий ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи тўртинчи гуруҳ ҳуқуқий нормалари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишини белгилайди. Бу гуруҳга кирадиган ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти шундаки, улар маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг турлари (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, овул), уларни ташкил этиш шарт-шароитларини белгилайди. Бундан ташқари бу гуруҳ нормаларига Қорақалпоғистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги мавқеини, унинг Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро муносабатларининг асосини белгиловчи қоидалар киради.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг бешинчи гуруҳи давлат ҳокимияти органларини ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини белгиловчи нормалардан иборат. Бу гуруҳ ҳуқуқий нормалари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи органларни ташкил қилиш тартиби, уларнинг ваколатлари, фаолият шакллари ва бир-бирлари билан муносабатини белгилайди.

Шундай қилиб, ҳуқуқ соҳаси сифатида конституциявий ҳуқуқ қуйидаги тизимга эга:

- 1) конституциявий тузумнинг асосий принциплари;
- 2) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;
- 3) жамият ва шахс ўзаро муносабатининг асослари;
- 4) маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишининг асослари;

5) давлат ҳокимияти органларининг тизими, уларни ташкил этиш ва фаолиятининг асослари.

ИККИНЧИ БУЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ БОШ МАНБАИ

1. Конституциявий ҳуқуқ манбалари тушунчаси ва тизими

Конституциявий ҳуқуқнинг юридик манбаларини амалда бўлган қуйидаги конституциявий норматив актлар ташкил этади.

1. Мазкур актлар ичида энг асосийси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. У конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаидир. Унда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият тузилиши, давлат сиёсатининг йўналишлари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, республикамизнинг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат органларининг ташкил топиши ва иш фаолиятининг асосий принциплари юридик асосда мустақкамлаб қўйилган. Давлатнинг барча ҳуқуқий нормалари конституция асосида яратилади. Конституция юридик кучи бўйича давлатнинг ҳамма ҳуқуқий нормаларидан юқори туради ва ўзининг баъзи нормалари билан ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари учун манба вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам конституциявий нормалар давлат ва жамиятнинг бош мезонларини ўзида мужассамлаштиради ва бутун республика ҳуқуқий тизимининг негизи ва манбаи бўлиб ҳисобланади.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Мазкур конституциянинг барча нормалари конституциявий ҳуқуқнинг предметини ташкил этади.

3. Конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси қонунларидир. Қонунлар давлатнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки

халқ референдуми орқали қабул қилинади. Қонунлар конституцияга мос тарзда қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари икки турда бўлади:

- 1) конституциявий қонунлар;
- 2) оддий ёки жорий қонунлар.

Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, конституциявий қонунлар конституция нормаларига аниқлик киритиш, уларни мустақкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Улар муҳим давлат ва хўжалик қурилишига, фуқароларга доир масалаларни ҳуқуқий тартибга солади. Профессор А. Х. Саидовнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бундай конституциявий қонунлар қаторига давлат рамзлари — герб, байроқ, мадҳия тўғрисидаги қонунларни (5-модда), референдум ўтказиш тўғрисидаги (9-модда), Олий Мажлис тўғрисидаги (77 ва 117-моддалар), Президентни сайлаш тўғрисидаги (90-модда), Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги (98-модда), Конституциявий суд тўғрисидаги (109-модда), судлар тўғрисидаги (107-модда), прокуратура тўғрисидаги (120-модда) ва бошқа қонунларни қўшди¹.

Конституциявий қонунларни қабул қилиш тартиби оддий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Масалан, конституциявий қонунларни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг 2/3 қисми овоз бериши талаб қилинади, оддий қонунларни қабул қилиш учун эса купчилик депутатларнинг овоз бериши етарли бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай қонунлар ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланавермайди. Ўзида конституциявий-ҳуқуқий нормаларни намоён этган қонунларгина конституциявий ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳақидаги қонунлар конституциявий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар давлатнинг бошқа органлари, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актларга нисбатан олий юридик кучи билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон ҳудудида мазкур манбаларнинг икки тури мавжуд: Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари. Бу актлар бир-бирларидан юридик кучи ва амал қилиш доираси билан

¹ Қаранг: Саидов А. Х. Конституционное право Республики Узбекистан (Сборник нормативных актов). — Ташкент, 1995. — 18-б.

ажралиб туради: Ўзбекистон қонунлари унинг бутун ҳудудида, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари фақат унинг ҳудудида амал қилади.

4. Конституциявий ҳуқуқ манбаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг иш тартиби ҳақидаги қонунлар (регламент) ҳисобланади. Мазкур актлар кодификация тартибида тузилган бўлиб, қонун чиқарувчи олий ҳокимият органларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Унда Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис раиси, кўмита ва комиссияларининг ҳуқуқ ва бурчлари, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш шакллари, тартиблари ҳамда маърузачилар ва нотиқлар чиқишларининг муддати каби масалалар қонуний тартибда белгилаб қўйилади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис регламенти ҳақидаги қонун унинг ишлаш тартибини белгилаб беради, Олий Мажлис иш тартибининг аниқ, тез ва самарали ўтишини таъминлайди.

5. Олий ваколатли органлар томонидан қабул қилинадиган низомлар ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Масалан, 1995 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмита ва комиссиялари тўғрисидаги низом» шулар жумласидандир.

6. Олий Мажлис қарорлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарорлари ҳам конституциявий ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

7. Конституциявий ҳуқуқ манбалари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳам киради¹. Мазкур фармонлардан конституциявий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқий нормалари мавжуд бўлганлари ушбу фан учун манба вазифасини бажаради.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари тўғрисида гап кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига алоҳида баҳо бериш керак.

Давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий ва ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилди ва унинг фармонлари билан тасдиқланди. Айни шу фармонлар ислоҳотларнинг асосий йўнали-

¹ Республика Президентининг фармонларига ҳуқуқий баҳони қаранг: *Одилқориев Х.* Президент Фармонларининг ҳуқуқий табиати//Ҳаёт ва қонун. 1994. № 4. — 13—19-б.

шини ва уларни амалга ошириш босқичларини ўзида акс эттиради. Қбул қилинаётган муҳим қарорларнинг қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиб берилади¹.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган, таркибида конституциявий-ҳуқуқий нормалар бўлган қарорлар ҳам конституциявий ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланади. Бундай қарорларда республика Президентининг фармонларида белгиланган вазифалар ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Ундан ташқари, баъзи бир давлат бошқарув органларини ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солиш қоидаларини белгилловчи низомлар ҳам бундай қарорлар билан тасдиқланади.

9. Маҳаллий ҳокимиятнинг баъзи бир қарорлари ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи бўлиши мумкин. Бундай қарорларга халқ депутатларининг Кенгашлари томонидан тасдиқланган, Кенгашларнинг қўмита ва комиссиялари, депутатлар гуруҳлари тўғрисидаги низомлар, уларнинг иш тартибини тасдиқловчи қарорлар мисол бўлади.

10. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган халқаро битим ва шартномалари ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаи ва давлатнинг асосий қонуни

Инсоният жамияти 50 минг йиллик тарихга эга эканлиги фанга маълум. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиққанига уч минг йилга яқин вақт бўлди. Давлатларнинг конституциялари эса 200 йилдан кўпроқ вақт амал қилмоқда.

Конституция деганда давлат ва жамият ривожининг асосий йўналишларини ва уларнинг тузилишини белгилаб берувчи асосий қонун тушунилади. Конституция давлат ва жамият ҳаётини тартибга келтирадиган энг олий юридик ҳужжатдир. Унинг нормаларида давлат сиёсатининг принциплари, шакл ва услублари, уни амалга ошириш механизми мустаҳкамланади.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., 1995. — 33-б.

А. Х. Саидов конституцияни бундай таърифлайди: «Асосий Қонун ўз моҳият эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг мезоний қоидалари ифода этилади. Бир суз билан айтганда, Конституция — давлатнинг ўзига хос таништирув ҳужжати деса муболаға бўлмайди»¹.

Х. Одилқориев фикрича, Конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома мақомига эга².

«Конституция» тушунчаси латинча «Constitutio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўрнатиш, жорий этиш маъносини билдиради. Қадимги Рим давлатида император томонидан чиқарилган алоҳида актларни шу ном билан атаганлар. Бу актлар бошқа актларга нисбатан манба бўлиб хизмат қилган.

Қадимги вақтларда «конституция» атамаси билан ҳуқуқий томондан белгилаб қўйилган давлат тузумини атай бошлаганлар. Шу маънода XIII—XIX асрларда Мовароуннаҳрда маълум даражада таъсир кўрсатиб келган Чингизхон ёзуси ва Амир Темур тузуклари шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжатлар эди³.

Баъзи бир феодал давлатларда ҳам конституцияга ўхшаш актлар, масалан, хартиялар бўлган. Хартиялар қирол, феодаллар, савдогарлар ва бошқа табақаларнинг ҳуқуқий ҳолатини ва уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солган. 1512 йилда Англияда қабул қилинган Буюк Эркинликлар Хартиyasi шулар жумласидандир.

Конституцияларнинг келиб чиқиши буржуазия синфининг тарихан шаклланиши ва кучайиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Феодал иқтисодий шароит замирида пайдо бўлиб, ривож топган буржуазия синфи қиролнинг давлат ва жамиятни ўзбошимчалик билан бошқаришига қарши чиқиб, унинг ҳокимиятини конституциявий актлар билан, парламент фаолияти билан чеклашга муваффақ бўлди. Натижада давлатнинг республика шакли эълон қилинди, мулкдорлар алоҳида табақаларининг ҳу-

¹ Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат. — Т., 1995.—11-б.

² Қаранг: *Одилқориев Х.* Новая Конституция — великий символ суверенитета Узбекистана. — Т., 1993.—18—21-б.

³ *Саидов А. Х.* Қиёсий конституцияшунослик.—Т., 1993. — 3-б.

қуқий ҳолати конституциявий актларда мустаҳкамлаб қўйилди.

Англия буржуа революциясининг (1640—1658) «Англия, Шотландия, Ирландия ва қўл остидаги бошқа ҳудудларни бошқариш шакли ҳақидаги акт»и шундай актларнинг дебочаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур акт Англия давлатини бошқариш шаклини, сайлов системасини, дин ҳақидаги қонунларни тартибга солган эди. 1781 йилда АҚШ давлати ташкил топганидан кейин, «Конференция моддалари» кучга кирди. 1787 йилда Америка Қўшма Штатларининг Конституцияси қабул қилинди ва у шу кунгача амал қилиб келмоқда.

1791 йилда Польша давлати Европада биринчи бўлиб ўз конституциясини қабул қилди. Польша билан деярли бир пайтда Франция ҳам ўз конституциясини қабул қилди. Бунга Буюк Француз инқилоби сабаб бўлди. Дастлабки буржуа конституциялари мутлақ салтанатга қарши инқилобий кураш шиорларини байроқ қилиб, «халқ суверенитети»ни расман эълон қилар эдилар.

Қулчилик ва феодал давлатларда «конституция» сузи ишлатилса-да, юридик конституциялар аслида буржуа революцияларининг маҳсули ҳисобланадилар. Демак, ҳар қандай буржуа инқилоби оқибатида конституциявий тузум бунёдга келади. Ҳўш, нима учун айнан буржуазия синфи ва давлати конституциянинг яратилишига сабаб бўлади?

Буржуа давлати жамиятнинг бошқа синфлари билан, меҳнаткаш фуқаролари билан ҳуқуқий шаклларда меҳнат муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилди.

Қулчилик ва феодализм давлатлари қуллар ва деҳқонларни жисмоний куч, зўрлик ишлатиш орқали меҳнат қилдирган бўлсалар, буржуа давлати ўз ҳокимиятини ўзи қабул қилган Конституция ва қонунлар орқали амалга оширди.

Буржуа давлатлари ўзларининг сиёсий майдонга чиққанлигини фуқаролари ва бутун дунёга декларация орқали маълум қилганлар. Жумладан, АҚШнинг 1776 йилги Мустақиллик декларацияси; Франция буржуа революциясининг 1793 йилги Фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқлари декларацияси шундай декларациялардан бўлиб ҳисобланади. Мазкур декларациялар, аслини олганда, конституциялар тузилишининг дастлабки кўриниши бўлади. Шунинг учун ҳам кейинчалик, конституциялар қабул қилингандан кейин, улар шу конституцияларнинг таркиби-

га биринчи боб сифатида киритилади. Масалан, АҚШ ва Франция конституцияларида шундай қилинган.

Конституциянинг ҳуқуқий хусусиятлари. Конституция — бу нафақат асосий қонун, шу билан бирга у муҳим ва алоҳида олинган ҳуқуқий акт ҳамдир. Конституциянинг ушбу хусусияти уни бошқа қонунлардан яққол ажратиб туради. Қонуннинг юридик кучи, одатда, узидан кучлироқ бўлган бошқа қонун билан ўлчанади. Конституциянинг юридик кучини аниқловчи ундан кучлироқ қонун йўқ. У давлатнинг энг асосий, олий қонуни бўлиб, уз кучини ўзи белгилайди. Конституциянинг юридик манба сифатидаги аҳамияти айнан шунда кўриниб туради.

Конституциялар ўзининг юридик шакли, ёзилиши буйича ёзилган ва ёзилмаган конституцияларга бўлинади.

Ёзилган конституция — давлат ҳокимиятининг олий юридик кучига эга бўлган, давлат ҳаётининг асосий томонларини тартибга солиб турадиган ягона ҳужжат. Ҳозирги замондаги давлатларнинг кўпчилигида ёзма конституциялар амал қилади.

Ёзилмаган конституциялар давлат ҳаётини тартибга солиб турувчи, давлат органларининг иш тажрибасида вужудга келган айрим ҳужжатлар, урф-одатлар ва қоидалардир. Масалан, Англияда олий юридик кучга эга бўлган ягона ҳужжат сифатидаги ёзма конституция йўқ. Бу мамлакатда давлат тузуми бир неча асрлар давомида қабул қилинган ва тизимга солилмаган кўп сонли ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади. Янги Зеландияда эса ёзма конституция умуман йўқ.¹

Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, унинг муҳим хусусияти шундаки, у давлат ҳаётининг маълум бир томонини, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир тармоғи эмас, балки муайян жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимини ва давлат тузумининг энг муҳим, энг асосий томонларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Конституцияда жорий қонунлар чиқарилиши, давлат турли органларининг қонун яратиш соҳасида иш олиб бориши назарда тутилади. Конституция қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актлар ким томонидан, қандай тартибда ва қандай доирада чиқарилишини, уларнинг мазмуни қандай принципларга жавоб бериши лозимлигини белгилайди. Конституция нормалари бошқа қонунларга, шу-

¹ Саидов А. Х. Қиёсий конституцияшунослик.—Т., 1993.—4 б.

нингдек, қонуний актларга нисбатан энг катта юридик кучга эгадир. Бошқа барча ҳуқуқий актлар конституцияга тўла мувофиқ равишда қабул қилинади.

Конституциянинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

1. Конституциявий ҳуқуқ нормалари конституциявий ҳуқуқнинггина манбаи бўлиб қолмасдан, балки давлатда мавжуд бўлган барча ҳуқуқ тармоқларининг, жумладан, фуқаролик, маъмурий, меҳнат, жиноят ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг ҳам асосий юридик манбаи ҳисобланади. Шу сабабли конституциявий нормалар ҳам бевосита, ҳам юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ тармоқлари орқали амал қилади.

2. Оддий қонунларда конституцияга хилоф нормалар учраб қолса, уларнинг амал қилиши тўхтатилади ва улар қайта кўриб чиқилгунча, бевосита конституциявий нормалар амалда бўлади.

3. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан тузган шартнома ва битимлари ҳам конституциявий нормаларга монанд тарзда тузилмоғи лозим. Агарда мазкур шартнома ва битимлар конституцияга хилоф тарзда тузилганлиги маълум бўлиб қолса, Олий Мажлис бундай шартномаларни ратификация қилмаслиги лозим бўлади, ратификация қилган тақдирда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан нолойиқ деб топилади. Ўз навбатида, конституция ҳам халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига хилоф бўлмаслиги лозим.

4. Давлат ва унинг органлари томонидан қонунларга асосан қабул қилинадиган бошқа ҳуқуқий актлар ҳам конституцияга мувофиқ тарзда қабул қилинмоғи лозим.

5. Ўзбекистон давлат органлари, мансабдор шахслари, жамоат бирлашмалари конституцияда курсатилган қоидаларига мувофиқ равишда иш курадилар.

6. Конституцияни аниқ ва оғишмай амалга ошириш ҳар бир фуқаро ҳамда Ўзбекистон ҳудудида доимий ва муваққат тарзда яшаб турган барча шахсларнинг олий бурчидир.

7. Конституцияни ўзгартириш ёки унга қўшимчалар киритиш маросими ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Уни ўзгартириш фақатгина конституция қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан, яъни республика Олий Мажлиси томонидан алоҳида маросим жараёнида амалга оширилади.

8. Конституция муҳим дастурий нормаларни ҳам ўзида мустаҳкамлаб қўяди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастурий мақсадлари унинг муқаддима қисмида ва биринчи бўлимида қуйидагича ифодаланган:

«Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ...

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини кўзлаб... Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади», — деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимасида эълон қилинган декларатив нормалар унинг узоқни кўзлаб ўз олдига қўйган мақсадларини кўрсатиб туради. Давлат шу мақсад йўлида конституциявий йўл билан ҳаракат қилади ва келажакда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб олға интилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди ва кучга киритилди. Лекин унда у қабул қилинган вақтда ҳали тузиб улгурилмаган давлат органларининг, масалан, Олий Кенгаш ўрнига Олий Мажлиснинг, Конституциявий назорат қўмитаси ўрнига Конституциявий суднинг тузилиши белгилаб қўйилган эди. Бинобарин, конституциянинг матни давлатда янги сиёсий ташкилотларнинг, янги давлат органлари ва институтларнинг келиб чиқишини кўзда тутмоғи лозим¹.

Конституциянинг тузилиши. Конституциянинг тузилиши унинг мазмунига ва республиканинг ўз олдига қўйган вазифаларига мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 128 моддадан иборат 26 бобни бирлаштирган олти бўлимни ўз ичига олади.

Муқаддимада Конституциянинг мамлакатда тула ҳокимият эгаси бўлмиш халқ томонидан қабул қилиниши ўз ифодасини топган.

Биринчи бўлимда конституциявий тузумнинг асосий принциплари кўрсатилган. Унда давлат суверенитети, ха-

¹ Қаранг: Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. — Т., 1994.—31-42-б.; Тоғжихонов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда.—Т., 1996.—10-12-б.

лқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг ус-
тунлиги каби асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйил-
ган.

Иккинчи бўлимда инсон ва фуқароларнинг асосий
ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ўз аксини топган.

Учинчи бўлим жамият ва шахснинг ўзаро муносабат-
ларига бағишланган.

Туртинчи бўлим Ўзбекистон Республикаси ва Қора-
қалпоғистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиши-
ни мустаҳкамлаб қўйган.

Бешинчи бўлимда ҳокимиятнинг янгича тузилиши,
давлатнинг олий ва маҳаллий органлари тизими консти-
туциявий нормаларда кўрсатиб утилган.

Олтинчи бўлимда эса Конституцияга узгартишлар ки-
ритиш тартиби белгилаб қўйилган.

Конституцияни қўлга олганда дастлаб кўзга ташлана-
диган нарса — унинг номи. Конституциянинг номи уни-
нг мазмуни билан узвий боғлиқликда бўлади. Ҳар бир
давлатда конституция ўзининг алоҳида номига эга бўлиб,
бу уни бошқа қонуний актлардан тубдан фарқлаб туради.
Купчилик давлатларда у «Конституция», Австралияда
«Конституцион ҳуқуқ», Монакода «Конституцион ордо-
нанс», ГФРда «Асосий қонун», баъзи давлатларда «Ус-
тав» номлари билан ҳам аталади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабр-
да қабул қилинган Конституциянинг расмий номи —
«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси».

3. Ўзбекистон Республикасининг конституциясини тайёрлаш, қабул қилиш ва узгартириш тартиби

Ҳар бир мустақил давлат ўз конституциясига эга бў-
лиши керак. Унда давлатнинг мақсади, моҳияти, вазифа-
лари, ривожланиши натижасида қўлга киритилган ютуқ-
лари ўз аксини топади. Давлат олдидаги вазифаларнинг
узгариши билан бу давлат янги конституцияни тайёрлаш
ва қабул қилишга киришади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан
сўнг, унинг моҳияти — халқ манфаатини ифода этувчи
демократик давлат деб эълон қилинганлиги, янги вазифа-
лари — ижтимоий таъминланган бозор иқтисодиётига
ўтиш, куп партиявийлик, фикрлар ва мулк шакллари-
нинг хилма-хиллиги каби сиёсий, иқтисодий, ижтимоий

ҳаётдаги ўзгаришлар республика учун шу шароитга мос янги конституцияни қабул қилишни тақозо этди. Чунки Ўзбекистонда қабул қилинган илгариги конституция ва қонунлар собиқ Иттифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг хусусиятларини инобатга олмаган, буйруқбозлик усулларини ёқлайдиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни батамом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қондаларни мустаҳкамлаб қўйган эди.¹

Янги қабул қилинадиган конституцияда мустақил Ўзбекистоннинг табиати, ички ва ташқи сиёсатининг принциплари, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенитетига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилмоғи лозим эди. Конституция ўзбек давлатчилиги ривожланишидаги тарихий тажрибани ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган нормаларининг устунлиги қондасига таяниши, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор, маданий бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этиши керак эди.²

Республика Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уни қабул қилишга Республика Президенти И. А. Каримов раислигидаги Конституциявий комиссия раҳбарлик қилди. Конституциявий комиссиянинг ишчи гуруҳи Конституция лойиҳасини тайёрлаб, 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилди. Лойиҳа икки ярим ой мобайнида матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар фаолларининг йиғилишларида, мингминглаб меҳнат жамоаларида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди. Бу муҳокама давомида лойиҳани яхшилашга доир кўп таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция комиссиясининг ўзига олти мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза тушди. Тушган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, 60 дан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилди. Лойиҳанинг янгиланган варианты

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., 1995. — 32-б.

² Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995, — 9-б.

1992 йил 21 ноябрда яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Лойиҳанинг бу вариантга ҳам янги истаklar билдирилган хатлар келди. Конституцияга ҳаммаси бўлиб, 80га яқин ўзгартиш, қўшимча ва аниқликлар киритилди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини тайёрлаш, уни қабул қилиш алоҳида шароитда ўтди.¹

Умуман олганда, конституцияни тайёрлаш, уни қабул қилиш бошқа оддий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Чунки конституция — бу давлатнинг асосий қонуни, ҳуқуқ тармоқларининг манбаи ҳисобланади, шунинг учун у бошқа қонун ва ҳуқуқий норматив актлардан ўзининг юридик кучи бўйича устун туради.

Конституцияни қабул қилиш жараёни оддий қонунларни қабул қилиш тартибидан қуйидагилар билан фарқ қилади.

1. Оддий қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунийлик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида ишлаб чиқилади ва муҳокама қилиниб, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида қабул қилинади. Конституция лойиҳаси эса Олий Мажлис томонидан махсус тарзда тузилган муваққат конституциявий комиссия томонидан ишлаб чиқилади.

2. Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун тажрибали сиёсий арбоблар, жамият турмушининг турли жабҳаларида кўзга кўринган мутахассислар ва таниқли ҳуқуқшунос олимлар жалб этилади. Мазкур шахслар олий вакиллик органи депутаты бўлмасалар ҳам конституциявий комиссияга жалб қилинадилар.

3. Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёни оддий қонунлар лойиҳасини тайёрлашга нисбатан анча давомли бўлиб, мукамал ишлашни талаб этади.

4. Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, албатта умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Конституцияни қабул қилишнинг алоҳида тартиби қуйидагиларда намоён бўлади:

а) конституция қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг нав-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниш жараёни хусусида қаранг: *Уразаев Ш. З.* Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. — Т., 1994; Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995, — 5—24-б.

батдаги сессиясидагина эмас, балки шу мақсадни кузлаб махсус чақирилган навбатдан ташқари сессиясида ҳам қабул қилиниши мумкин;

б) конституция лойиҳасини қабул қилиш тартиби унинг ҳар бир моддаси бўйича алоҳида овоз берилиши билан фарқланади, уни қабул қилиш учун бутун депутатлар корпусининг учдан икки қисми ижобий овоз бериши шарт;

в) қабул қилинадиган конституция халқ референдумига қўйилиши мумкин.

Қабул қилинган конституцияни тасдиқлаш маросими ҳам турли давлатларда ҳар хил. Бундай тартиб, асосан, федератив шаклда ташкил қилинган давлатларда амал қилади. Қабул қилинган конституция барча федерация субъектлари томонидан тасдиқланиши, яъни уларнинг парламентлари томонидан ратификация қилиниши шарт бўлади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган конституцияни ратификация қилиш шарт эмас.

Қабул қилинган конституцияни кучга киритиш тартиби ҳам турли мамлакатларда ҳар хил белгиланади. Купчилик мамлакатларда конституцияни кучга киритиш алоҳида ҳал қилинади. Баъзи давлатларда бу уни матбуотда эълон қилиш билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси у қабул қилинган куни, яъни 1992 йилнинг 8 декабрида алоҳида қонун билан кучга киритилди.

Конституциянинг алоҳида хусусиятларидан бири унинг таъсис этувчилик, яъни янги органлар тузиш, янги қонунлар ижод қилиш хусусиятидир. Конституция қабул қилинганидан кейин, давлатнинг бутун янги органлари тизими ҳамда конституцияда кўрсатилган қонунлар вужудга келади.

Конституцияни амалда бажариш конституцияни бевосита ҳаракатга келтирувчи ёрдамчи қонунлар мажмуасини қабул қилишни ҳам тақозо этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўлиқ амал қилишини Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги конституциявий қонуннинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси туғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ҳақидаги, Ўзбекистон Конституциявий суди ҳақидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши таъминлаб берди. Демак, консти-

туцияни амалга ошириш бутун конституциявий ҳуқуқ тармоғининг янгилашишни тақозо этади. Конституциявий ҳуқуқ тармоғида бўладиган ўзгаришлар бутун қонунлар тармоқ тизимларининг янгилашишига олиб келади. Конституциявий ҳуқуқ тармоқларига тегишли қўллаб қўйиш қонунларнинг қабул қилиниши қабул қилинган янги конституциянинг ўзида курсатиб қўйилади.

Конституцияни амалда ҳаракатга келтириш жараёни қисқа вақт ичида режали равишда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам конституция лойиҳаси билан параллел тарзда уни амалга оширишни таъминлаб берувчи қонунлар мажмуаси ҳам тайёрланаверади.

Конституцияни ўзгартириш тартиби. Конституциявий ҳуқуқ фанида конституциялар, уларга ўзгартириш киритишнинг оддийлиги ёки мураккаблигига қараб, барқарор ва ўзгарувчан конституцияларга бўлинади. Агарда конституцияни ўзгартириш осонроқ бўлса, у ўзгарувчан конституция деб юритилади. Агарда, аксинча, конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби мураккаб бўлса, у барқарор конституция деб юритилади. Лекин шуни эсда тутиш керакки, энг ўзгарувчан конституция ҳам бошқа қонунларга нисбатан қаттиқ, ихчам ва барқарор бўлиши шарт.

Конституциянинг тузилишини, бутун матнини ўзгартиришга олиб келадиган объектив сабаблардан бири мамлакатда юз берадиган жиддий ислохотлар ва давлат ривожланишига доир дастурнинг ўзгаришидир. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида доимо конституциянинг ихчам ва барқарор бўлишига катта эътибор бериб келинган. Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган ва жаҳондаги биринчи конституция ҳисобланган АҚШ конституцияси, мана 200 йилдан кўп вақт ўтибдики, ҳамон барқарор тарзда амал қилиб келмоқда. Унга шу вақт ичида 27та ўзгартиш ва қўшимча киритилган, холос.

Умуман, конституцияни ўзгартириш, янгилаш оддий қонунларни ўзгартириш ёки янгилашдан фарқ қилади. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясига тузатиш ва янгилик киритиладиган бўлса, бу ҳақдаги таклифни фақат Президент, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси, ҳукумат, Россия Федерацияси субъектларининг қонун чиқарувчи (ваколатли) органлари ва Федерация Кенгаши ёки Давлат Думаси депутатларидан камида бешдан бир қисми киритилиши мумкин. Испания Конституцияси бўйича Бош Кортеснинг иккала палатасида ҳам депутат-

ларнинг бешдан уч қисмидан кўпроғи овоз берса, конституцияга ўзгартишлар киритиш мумкин.¹

Ўзбекистон Конституциясининг барқарорлигини таъминлаб берувчи принциплар унинг бевосита ўзида мустақкамлаб қўйилган. Лекин ҳаёт шароити, республиканинг ривожланиши конституцияга ўзгартириш киритишни тақозо этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127, 128-моддаларида унга ўзгартишлар киритиш тартиби мустақкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида, кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда, қонун қабул қилиши мумкин. Агарда Олий Мажлис Конституцияга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

4. Конституциявий нормаларни амалга ошириш механизми, шакллари, субъектлари

Конституцияни амалга ошириш деганда, унинг нормаларида кўрсатилган ҳуқуқ, бурч ва кўрсатмаларни ҳар хил шаклларда амалга ошириш, яъни конституция нормаларида ифодаланган талабларнинг амалда бажарилишини таъминлаб бериш тушунилади.

Конституция нормаларини қайси шаклларда амалга ошириш мумкин?

Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш шакллариининг энг кўп тарқалганлари: **ижро этиш, фойдаланиш, риоя қилиш ва қўллашдан иборат.**²

Ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш субъектларнинг юридик нормаларда тақиқланган ҳаракатларни қилмасликла-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995. — 301-б.

² Конституциявий нормаларни амалга ошириш масалаларига оид фикрлар хусусида қаранг: *Тоғжихонов У.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1995. — 42—55-бетлар.

рида, ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришларида акс этади. Ижро — ҳуқуқий нормани амалга ошириш шакли бўлиб, субъектларнинг мажбурловчи ҳуқуқий кўрсатмаларни бажаришларида ифодаланади. У ҳуқуқ нормалари билан субъектлар зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш юзасидан **фаол хатти-ҳаракатдир**.¹

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш муайян шаклларда давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари **ёки мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий нормалар асосида муайян ҳуқуқий йўриқларни**, яъни татбиқ этиш актларини чиқаришини кўзда тутади. Масалан, республика Президентининг Конституциянинг 93-моддаси 20-бандида белгиланган ўз ҳуқуқини амалга ошириб, республикадаги бирор-бир суд жазога ҳукм қилган фуқарони авф этиш туғрисида чиқарган ҳуқуқий ҳужжати ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади.

Демак, конституциявий ҳуқуқий нормаларни қўллаш ҳуқуқ субъектларининг расмий ҳуқуқий нормадаги ҳаракатлари билан йўл қўйиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг жорий этилишини билдиради.

Ижро этиш ва қўллаш конституциявий нормаларни амалга ошириш **фаолиятининг асосий шакллари**дир.²

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матнининг ўзи унинг нормаларини ҳуқуқий амалга оширишнинг йўналишлари ва босқичларини белгилайди.

Конституцияни амалга ошириш уни бевосита ҳаракатга келтирувчи ёрдамчи қонунлар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги конституциявий қонун, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлисга сайлов туғрисидаги, судлар туғрисидаги, прокуратура, маҳаллий ҳокимият органлари туғрисидаги ва бошқа бир қанча қонунларнинг қабул қилинишини, яъни бутун конституциявий ҳуқуқ тармоғининг янгиланишини, бу эса, ўз навбатида, бутун қонунлар тизимининг қайта янгиланишини тақозо этади.

Конституцияни амалга ошириш усуллари. Конституция нормалари мажбурлов, йўл қўйиш, тақиқлаш усуллари билан амалга ошади. Бу усулларни қўллаш ҳуқуқ субъектларининг хусусиятларига ҳам боғлиқ. Масалан, халқ кон-

¹ Алексеев С. С. Общая теория права. Т. 1. — М., 1981. — 303-б.

² Тожиқонов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1995. — 47-б.

ституцияни, унинг нормаларини давлатдан (унинг органларидан), жамоат бирлашмаларидан, меҳнат жамоаларидан, фуқаролардан бошқача тарзда ва усулда амалга оширади. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этиш, умумий овозга (референдумга) қўйиш усуллари билан ҳал этилади. Давлат органлари, хусусан, Олий Мажлис қонун чиқариш, уни кучга киритиш усуллари билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов, рағбатлантириш, ишонтириш усуллари билан ҳуқуқий нормаларни амалга оширадилар. Ҳуқуқ тартибот органлари эса, асосан, мажбурлов ва тақиқлаш усулини қўллайдилар.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ривожланишининг янги босқичи Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция билан бошланади. Мазкур сана давлатимиз тарихида абадий унутилмас воқеа бўлиб қолади. Чунки бу конституция Ўзбекистон Республикасининг мустақил, суверен давлат сифатида, ўз халқининг хоҳиш-иродаси асосида қабул қилган биринчи конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илгари қабул қилинган барча конституциялар, авваллари, Россия империяси, кейинчалик эса собиқ Совет Иттифоқи империяси тазйиқи остида, уларнинг мақомида тузилган, қабул қилинган эди.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз давлатининг тарихини билиши шарт. Келгуси конституциявий ривожланишимизда хулоса чиқармоқлик учун ҳам унинг яхшиёмон, қалтис ва мустаҳкам томонларини пухта ўрганиб чиқмоғимиз зарур.

Ўзбекистон конституциявий ривожланишининг тарихи уни узоқ вақт давомида (70 йилдан ортиқ) мустамлака қилиб турган Совет Иттифоқининг конституциявий ривожланиши билан боғлиқ ва ўша конституциявий ривожланишга мос келади. Чунки Туркистон Автоном Республикаси 1917 йилги Октябрь инқилоби натижасида Россия Федерацияси тузилиши билан унинг таркибига кирган эди.

Ўша даврда Ўрта Осиёда вужудга келган Бухоро ва

Хоразм Халқ Совет Республикалари ҳам Россия Федерациясига қарам бўлган ва 1920 йиллардаги сохта инқилоб натижасида Совет республикалари деб эълон қилинган. Лекин, аслида, улар Россиянинг босиб олиши натижасида тузилган ва унга бутунлай тобе бўлган.

1924 йилда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши натижасида бу уч республика (Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХДС)дан Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон АССР тузилиб, уларнинг ҳаммаси собиқ Совет Иттифоқи таркибига киритилган. Иттифоқдаги республикалар учун Иттифоқ Конституцияси тааллуқли бўлиб, республикалар ўз конституцияси ва қонунларини Совет Иттифоқи Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда унга тўла мос келадиган ҳолда қабул қилишлари шарт эди. Агар республикада чиқадиган ҳуқуқий ҳужжатлар Совет Иттифоқи қонунларига мос келмаса, бекор қилиниши керак эди. Шунинг учун ҳам Иттифоқ таркибига кирадиган барча республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ривожланишининг босқичлари собиқ Совет Иттифоқи конституциявий ривожланишининг босқичларига бутунлай мос келади.

Шунга асосан, собиқ Совет Иттифоқидаги юрист олимлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг юрист олимлари Ўзбекистон Республикаси конституциявий ривожланишининг тарихий босқичларини қуйидагича кўрсатадилар.

Биринчи босқич ҳисобланган капитализмдан социализмга ўтиш деб номланган ва 1917 йилдан 30-йилларнинг ўрталаригача давом этган даврга РСФСРнинг 1918 йилги конституцияси ва бошқа республикалар, шу жумладан ўша даврда РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Автоном Республикасининг 1918 йилги конституцияси, Бухоро ХДСР, Хоразм ХДСРнинг шу даврда қабул қилган конституциялари киради. Бу давр конституцияларига, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг собиқ Совет Иттифоқининг 1924 йилги конституцияси асосида қабул қилинган 1927 йилги конституцияси киради.

Иккинчи босқич — социализмни қуриш ва унинг ғалабасини мустаҳкамлаш деб номланган ва 30-йилларнинг ўрталаридан 80-йилларнинг ўрталаригача давом этган давр конституцияларига — собиқ Совет Иттифоқининг 1936 йилги конституцияси асосида қабул қилинган Ўзбе-

кистон ССРнинг 1937 йилги конституцияси, Ўзбекистон таркибига кирувчи Қорақалпоғистон АССРнинг 1937 йилда қабул қилинган конституцияси киради.

Учинчи босқич — бу социализмнинг узил-кесил ғалабаси ва уни қайта қуриш деб номланган ва 80-йилларнинг ўрталаридан собиқ Иттифоқнинг парчаланишигача бўлган давр конституцияларига — собиқ Совет Иттифоқининг 1977 йилги конституцияси асосида қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги конституцияси ва Қорақалпоғистон АССРнинг ўша йилги конституцияси киради. Бу конституцияларга 1988—1990 йиллардаги қайта қуриш даврининг ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларини ҳисобга олиб, айрим ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ривожланишининг қисқача тарихи ана шундан иборат.

1. Туркистон АССРнинг Конституцияси, унинг тузилиши ва асосий мазмуни

Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги биринчи конституция 1917 йилдаги Октябрь давлат тўнтаришининг ғалаба қозониши ва Совет давлатининг барпо қилиниши натижасида вужудга келди. У давлат тўнтариши натижасини қонуний тартибда расмийлаштирди. Ушбу Конституция давлат қурилиши соҳасидаги маълум даражада тажриба ҳосил қилингандан кейингина пайдо бўлди. У 1917 йил Октябридан 1918 йил июлигача ўтган даврда Совет ҳокимиятининг раҳбар органлари томонидан чиқарилган давлат ҳуқуқий актлари (декретлар, қарорлар, декларациялар, мурожаатлар ва бошқалар)да янги давлат тузумини барпо қилиш соҳасида олиб борилган сиёсий ва ташкилий ишларни юридик жиҳатдан расмийлаштирди. Конституция қабул қилингунга қадар чиқарилган ҳуқуқий актлар янги Совет давлатининг асосий конституциявий принципларини белгилаб берган эди. Бу принциплар янги қабул қилинажак биринчи Совет давлати конституциясига асос бўлди. Масалан, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III Бутун Россия съездида қабул қилинган актлар орасида «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси» алоҳида ва муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу ҳужжат ва конституцияни тайёрлаш учун тузилган комиссия ҳужжатлари

асосида V Бутун Россия Советлар съезди 1918 йил 10 июлда Россия Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилиб, 1918 йил 19 июлда уни тасдиқлади.¹

Туркистон АССР Конституциясини тайёрлаш, қабул қилиш ва унинг моҳияти тўғрисида гап бошламасдан аввал Россия Федерациясининг 1918 йилги Конституциясига қисқача изоҳ бериш жоиз. Чунки Туркистон АССР Конституцияси узининг тузилиши, мазмуни ва моҳияти бўйича Россия Федерациясининг Конституцияси асосида вужудга келган.

Россия Федерациясининг 1918 йилги Конституцияси қуйидаги 6 бобдан иборат эди:

I боб. Меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси;

II боб. РСФСР Конституциясининг умумий қоидалари;

III боб. Совет ҳокимиятининг тузилиши;

IV боб. Актив ва пассив сайлов ҳуқуқи;

V боб. Бюджет ҳуқуқи;

VI боб. РСФСРнинг герби ва байроғи ҳақида.

РСФСРнинг 1918 йилги Конституциясида конституциявий тузумнинг қуйидаги асосий принциплари ўз аксини топган:

а) Конституция Россияда пролетариат диктатурасини мустаҳкамлади;

б) Конституция Республикадаги бутун ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқонлар депутатлари Советлари қўлига ўтганлигини қонунлаштиради;

в) Конституция давлатнинг иқтисодий негизини — ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулкчилиги ва халқ хўжалигининг социалистик системасини яратиш соҳасидаги биринчи қадамларини кўрсатиб, социалистик мулк билан бир қаторда капиталистик, хусусий мулкнинг ҳам борлигини тасдиқлади;

г) коммунистик партиянинг Совет жамиятидаги ягона сиёсий раҳбар ва етакчи куч эканлигини қонунда белгилади;

д) Россия Республикаси давлат тузилишининг федератив шаклига мансублигини мустаҳкамлаб, федерация ва мухторият (автономия) принципларини ўрнатди;

е) фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда

¹ Конституция Российской Советской Социалистической Федеративной Республики от 10 июля 1918 года // Съезды Советов в документах. 1917—1936 гг. — М., 1959. — 70—84-б.

синфийлик принцига асосланилди, эксплуататор ва бой синф вакиллари сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинди, Совет давлати органларининг биронтасида ҳам уларга ўрин йўқ эканлиги кўрсатилди;

ж) сайлов ҳуқуқининг принциплари (ҳамма учун эмас, тенг эмас, куп поғонали, очиқ овоз бериш принциплари) мустаҳкамланди;

з) революцион қонунчилик принциплари белгиланди, бу ерда фақат ишчилар ва камбағал деҳқонлар манфаатлари кўзланиши эълон қилинди.

РСФСР Конституцияси Россия ижтимоий ва давлат тузумининг асосий принципларини мустаҳкамлаш билан бирга, РСФСР таркибига кирувчи автоном республикаларнинг Конституциявий қонунлари учун асос бўлди, лекин Туркистон АССР Конституцияси ва РСФСР Конституцияси қабул қилингунга қадар Туркистон ҳудудида 1918 йил 30 апрелда Бутун Туркистон Советларининг Бутун Туркистон съезди томонидан қабул қилинган низоми амал қилди. У «Туркистон Совет Федератив Республикаси ҳақида низом» деб аталиб, матбуотда 1918 йилнинг 5 май куни эълон қилинди. Низомга кўра:

1) Туркистон ўлкаси Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинди ва унга Хива ва Бухородан ташқари бутун Туркистон жуғрофий ҳудуди киритилди;

2) Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном равишда бошқарилиб, Россия Федерацияси ҳукуматини тан оладиган ва ўз ишларини у билан келишиб олиб борадиган бўлди;

3) ишчи, солдат, деҳқон ва мусулмон-деҳқонлар Советларининг қурултойи Туркистон Федератив республикасининг олий қонун чиқарувчи органи деб белгиланди;

4) Туркистон ўлкасининг съезд сайлаб қўйган 36 кишидан иборат Марказий ижроия комитети доимий ишлаб турадиган қонун чиқарувчи олий орган деб белгиланди;

5) ижроия органи вазифалари ва ўлкани бошқаришни съезд томонидан сайлаб қўйиладиган 16 кишидан иборат Халқ комиссарлари советига топширилди;

6) жойларда ҳокимият Советларга ва уларнинг ижроия комитетларига топширилди.

Советлар съездининг ушбу қарори Туркистонда Совет Автоном Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилиб, Москвага Бутун Россия Марказий ижроия комитети ва Халқ комиссарлари совети билан Туркистон чегарала-

рини белгилаш ва у билан ўзаро муносабатларини келишиб олиш учун ваколатли делегация юборди.¹ Делегация 1918 йил 4 июнда Москвага етиб келди. Унинг таркибига С. П. Килячев, К. П. Болятовский, С. М. Юсупов, В. Т. Степанов, В. А. Троицкийлар кирган эди.

Туркистондан келган ушбу делегация асосида РСФСР ҳукумати қошида Туркистоннинг доимий ваколатхонаси ташкил этилиб, унга муайян ваколатлар берилди. Масалан, Россия комиссариатларидан Туркистонга тегишли хатлар юборилган бўлса, ваколатхона улар бўйича ўз хулосаларини берар ва агар Россия ҳукуматининг қарорлари Туркистоннинг миллий урф-одатлари, дини ва иқтисодий шароитига тўғри келмаса, унга баъзи бир ўзгартишлар киритиши мумкин эди.

Туркистоннинг вакилик делегацияси Бутун Россия МИКнинг алоҳида тайинланган делегацияси билан биргаликда Туркистон Республикасининг Россия Федерацияси билан алоқалари асосини белгилаши, ваколатларни бўлиб олиши ва умуман, Туркистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаши керак эди.²

Бутун Россия МИК комиссияси Туркистон Республикаси комиссияси билан биргаликда Туркистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Лекин тайёрланган ушбу конституция лойиҳасини Бутун Россия МИК раёсати маъқулламади: лойиҳада Туркистон автоном республикасига кўпроқ ҳуқуқлар бериб юборилган эди. Конституция лойиҳасидаги бундай ҳолатлар Туркистон делегацияси томонидан таклиф қилинган эди. Бу эса, Россия раҳбариятининг фикрича, Федерация принципларига асло тўғри келмас эди.

Туркистон АССРнинг биринчи конституцияси Ўлка Советларининг VI қурултойида 1918 йил 15 октябрда қабул қилинган эди.³ Бу даврда фуқаролар уруши туфайли Туркистон вақтинча РСФСРдан ажралиб қолган эди.

Туркистон Республикасининг Конституцияси РСФСРнинг 1918 йил 10 июлда қабул қилинган конституцияси

¹ Съезды Советов в документах. Сборник документов 1917—1936 гг. Ч. 1. — М., 1959. — 254-б.

² Конституционное развитие Узбекской ССР. — Т., 1986. — 8—9-б.

³ Конституция Республики Туркистан Российской Советской Социалистической Федерации // Съезды Советов. В документах. Ч. 1. — М., 1959. — 274—289-б.

ҳамда «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси» асосида тузилган эди.

Ушбу Конституцияда Туркистон АССРнинг ҳуқуқлари, юқорида айтилганидек, кенгроқ талқин қилинган бўлиб, суверен давлат ичидаги автоном республика ҳуқуқидан кенгроқ эди. Бунинг сабабини Туркистоннинг 1918 йилги конституциясининг ўзидан билиш мумкин. Булар: Туркистоннинг Марказдан узоқлиги, ҳар томондан оқ гвардиячилар ўраб олганлиги ва улар билан курашда Россиядан ажралиб қолганлиги, кўп миллатлилиги, жуғрофий, этнографик ва ҳўжалик хусусиятларидир. Ушбу сабаблар, албатта, Туркистон Конституциясига таъсир қилиши табиий эди.

Ушбу конституция бўйича, Туркистон федератив республика бўлиб, ўз таркибига бошқа аъзоларни қабул қилиш ва уларнинг чиқиб кетишига рухсат бериш ҳуқуқига, бундан ташқари, халқаро алоқалар, қонунлар чиқариш, халқ ҳўжалигининг айрим соҳаларига раҳбарлик қилиш, молия соҳасида мустақил сиёсат олиб бориш каби кенг ҳуқуқларга эга эди.

Ушбу конституцияга биноан, Туркистон автоном республикаси РСФСР таркибидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эди. Конституцияда, шунингдек, Россияда қабул қилинган қонунлар Туркистон Республикаси Марказий ижроия комитети томонидан маъқуллангандагина қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган эди.¹

Конституция тузувчилар бундай қоидаларни ўша даврда Туркистон билан ёнма-ён бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам революция бўлади, уларнинг ўрнида ҳам демократик давлатлар пайдо бўлади, балки улар Туркистонга қўшилиб, федератив давлат тузадилар, деган хаёлда киритган бўлишлари мумкин.²

Ҳақиқатан ҳам, 1920 йилга келиб Хоразм ва Бухорода халқ совет республикаси тузилди. Улар Туркистон АССР ва у орқали РСФСР билан яқиндан ҳарбий-сиёсий, дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатдилар.

Албатта, Россия ўзининг аввалги мустамлакаси бўлган Туркистонга бундай мустақил давлатчилик ҳуқуқини беришни хоҳламас эди. Шунинг учун ҳам Туркистон Республикасининг 1918 йилги ушбу конституциясини Бугун Россия МИКи тасдиқламади.

¹ Съезды Советов в документах. Т. 1. — 279-б.

² Конституционное развитие Узбекской ССР. — Т., 1986. — 10-б.

Туркистон Республикаси МИК раисининг Туркистон Автоном Республикаси ташкил бўлганлигини тан олиш ва уни РСФСР таркибига киритишни ҳамда унинг конституциясини тасдиқлашларини сўраб ёзган мурожаатномасига жавобан Россия Халқ комиссарлари советининг Раиси В. И. Ленин ушбу масалани РКП(б) МК Сиёсий бюросида кўришни таклиф қилди. 1919 йил 30 август куни Сиёсий бюро бу масалани кўриб чиқиб, Туркистон АССРнинг сиёсий ва ҳуқуқий мақомини белгилаш учун РСФСР ХКС қошида Туркистон ишлари бўйича кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу мажлисда РСФСР БРМИК ва ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича Комиссияси (Турккомиссия)нинг Ш. З. Элиава, А. С. Киселёв, П. А. Кобозов, Г. И. Бакия, Ф. И. Голошекин-дан иборат шахсий таркиби тасдиқланди.

Кейинчалик 1919 йил 23 сентябрда РКП(б) Марказий комитетининг Ташкилий бюроси Турккомиссия таркибига ўзгартириш киритди: Ш. З. Элиава унга раис бўлиб, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ф. И. Голошекин ва Г. И. Бакия аъзо бўлиб кирдилар. 1919 йил 5 октябрда РКП(б) Марказий қўмитасининг ташкилий бюроси Туркистон ишлари бўйича кенгаш тайёрлаган «Туркистон ишлари бўйича комиссиянинг ваколатлари тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлади. Йўриқнома 1919 йил 8 октябрда РСФСР Халқ комиссарлари советининг қарори билан тасдиқланди.

Ушбу йўриқномага кўра,

1) Турккомиссияга Туркистон ўлкасида РСФСР манфаатларини ҳимоя қиладиган Совет идораларини тузиш, Совет ҳокимиятини тузишга маҳаллий мусулмон меҳнаткашларни ҳам тортиш вазифалари юкланади;

2) биринчи моддадаги вазифалар бажарилгунга қадар Турккомиссия РСФСР БРМИК ва ХКС номидан Туркистонда ва унга чегарадош давлатларда ўз фаолиятини юритади ҳамда Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига раҳбарлик қиладиган олий идора ҳисобланади;

3) шу билан бирга Турккомиссияга РСФСР ташқи ишлар халқ комиссариати кўрсатмаларига амал қилиб, Осиё мамлакатларининг барчаси билан алоқа қилиш вазифаси юкланди;

4) барча марказий идораларга Туркистон билан бўладиган иқтисодий, сиёсий, ҳарбий алоқаларни фақат Турккомиссия орқали амалга ошириш ва Туркистон ҳокимият ва бошқарув органларининг Марказ билан

алоқасини ҳам Турккомиссия орқали амалга ошириш ҳақида кўрсатма берилган;

5) Туркистонга келадиган ҳамма кредитлар, пуллар фақат Турккомиссия номига келиши ва шу комиссия орқали сарф қилиниши кўрсатилган, Москвадан келадиган барча моллар ва озиқ-овқатлар фақат Турккомиссия ихтиёрига юборилган;

6) Турккомиссия фавқулодда ваколатларга эга бўлган. Унга, жумладан, Комиссия фикрича, Совет ишини юриштишга қаршилиқ курсатаётган амалдор шахсларни, судга бериш ва ҳибсга олиш, Туркистон Советларининг навбатдан ташқари қурултойини чақириш, маҳаллий ҳокимият томонидан қамоққа олинган шахсларни озодликка чиқариш ҳуқуқи берилган.¹

Турккомиссиянинг фаолияти ва ваколатлари РСФСРнинг Туркистонда ўрнатган ҳокимияти қандай эканлигини ва у кимнинг манфаати учун хизмат қилишини кўрсатади. Туркистон Октябрь тунтаришидан аввал Россияга қандай қарам бўлган бўлса, Совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг ҳам шундай қарам ҳолатда қолди, ҳеч қандай мустақиллик тўғрисида, миллий манфаат тўғрисида ёки мухторият тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Турккомиссия ўзининг 1920 йил 23 февралдаги мажлисида Туркистон мухториятининг белгилари ва чегараси тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва қарор қабул қилди. Турккомиссия Туркистонни ўша ерда яшайдиган халқларнинг миллати, урф-одати ва иқтисодиётига қараб вилоятларга (областларга) бўлишни маъқул топди.

Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасини эса республика ҳудудига бутун ҳокимиятни амалга оширувчи орган деб эълон қилди. Лекин бу ҳокимият мудофаа, ташқи алоқа, ташқи савдо, темир йўл транспорти, почта, телеграфни бошқариш каби баъзи бир вазифаларни бажаришдан озод қилинган ва ушбу вазифалар РСФСРнинг мутлақ ихтиёрига берилган эди. Хўжалик ва иқтисодий ҳаёт Туркистонда фақат Россия қонунлари билан бошқариларди. Турккомиссиянинг ушбу қарори тўғрисида 1920 йил 4 мартда телеграф орқали Москвага — Ленинга хабар юборилди. 8 март куни РКП(б) Сиёсий бюроси Туркистон АССРнинг Низомини маъқуллади.

РКП(б) Сиёсий бюроси Турккомиссия юборган Туркистон Республикасининг Низомини тасдиқлаш билан

¹ Конституционное развитие Узбекской ССР. — Т., 1986. — 14—15-б.

бир қаторда, Турккомиссия билан Туркистон АССР олий ҳокимият ва ижроия органлари ўртасида ва РСФСР билан Туркистон ўртасида ўзаро муносабатлар урнатиб бўлмагани учун янги комиссия тузиб, унга бундай алоқаларга аниқлик киритиш, бу тўғрида конституциявий қонун қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай мушкул даврда Туркистон АССРнинг МИК раиси Турор Рисқулов партия Марказий Комитетининг бу соҳада чиқарган қароридан норози бўлган ҳолда, Туркистон АССР Низомининг лойиҳасини олиб, ўзи Москвага борди.

Бу лойиҳада РСФСРнинг БРМИК ва ХКС чиқарган қарорлари Туркистон Республикаси ҳудудида фақат Туркистон Республикаси МИК эълон қилгандагина амалга оширилиши кўрсатилган эди, бу эса РСФСРнинг 1918 йилги конституциясига зид эди.

Турор Рисқулов Туркистон Республикаси — миллий Совет Республикаси эканлиги ва унинг асосий халқи туркий миллатлардан ташкил топганлиги сабабли республиканинг номини РСФСРнинг «Турк республикаси» деб номлашни ва шу номдан келиб чиқиб, барча ҳукумат идораларининг номи ўзгартирилишини таклиф этди. Туркистондаги коммунистлар ва Турккомиссия Рисқуловнинг бу режасига, Лениннинг Ўрта Осиёда миллий Совет республикалари тузиш тўғрисидаги режасини унга қарши қўйдилар.

В. И. Лениннинг кўрсатмасига биноан, Т. Рисқуловнинг ушбу таклифи 1920 йил 25 майда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида кўриб чиқилди ва унга бутунлай қарши чиқилди. Сиёсий бюро «Туркистон Республикаси тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор Т. Рисқулов таклифига қарама-қарши эди. Ушбу қарорда Турккомиссиянинг ўз ҳаракатларида Туркистон Республикаси МИК ва ХКС билан маслаҳатлашиб иш олиб бориши кераклиги, ўз ишлари юзасидан, вақти-вақти билан Туркистон Республикаси олий ҳокимият органларига хабар қилиб туриши, уларни секин-аста ўз иши билан таништириб бориши кераклиги, уларнинг ҳуқуқларини, айниқса маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини аста-секин кенгайтириш мумкинлиги, дин уламолари, панисломистлар ва буржуа миллатчилари билан кураш олиб бориш учун алоҳида чоралар ишлаб чиқиш ва феодализм сарқитлари билан курашиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар бор эди.

Лениннинг таклифига биноан, Туркистон Республикасини уч қисмга — Ўзбекия, Қирғизия ва Туркменияга

бўлиш кераклиги, бунинг учун республика харитасини кўриб чиқадиган комиссия тузиш таклиф қилинган эди.

1920 йил 14 сентябрда Бутун Россия МИК Раёсати Турккомиссия томонидан тайёрланган «Туркистон АССР РСФСРнинг Автоном қисми» деган ҳужжатни кўриб чиқди ва маъқуллади. Бутун Россия МИК 1921 йил 11 апрелда уни ўзининг «Туркистон Совет Социалистик Республикаси» деган декретида эълон қилди.¹ Ушбу декретга биноан, Туркистоннинг маҳаллий халқлари ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар (қозоқлар) деб топилди ва республика номи «Туркистон Совет Социалистик Республикаси РСФСРнинг автоном қисми» деб аталди. Туркистон Совет Социалистик Республикаси Сирдарё, Семиречинск, Фарғона, Самарқанд, Закаспий областларидан иборат деб белгиланди.

Декретга биноан, РСФСР ҳуқуқига муҳофаа, ташқи ишлар вазирлиги, ташқи савдо, почта ва телеграф, молия-кредит ва бюджет масалалари кириб, улар Турккомиссия орқали амалга оширилиши мўлжалланган. Турккомиссияга жуда кўп ҳуқуқлар берилган, Россия қонунларининг Туркистонда амалга оширилишини назорат қилиб бориш, агар улар маҳаллий шароитга тўғри келмаса, амал қилинишини тўхтатиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Қолган ҳамма масалаларни Туркистоннинг олий ҳокимият ва ижроия органлари мустақил амалга оширилиши белгиланган.

Туркистон АССРнинг янги конституцияси 1920 йил 24 сентябрда ТАССР Советларининг IX съездида қабул қилинган бўлиб, бу Конституция батамом Бутун Россия МИК томонидан қабул қилинган «Туркистон ССР РСФСРнинг Автоном қисми» деган қарорига асосланган эди.

Туркистон Автоном Республикасининг 1920 йилги Конституцияси 20 боб, 109 моддани ўз ичига олувчи 6 бўлимдан иборат эди.² Унинг икки бўлими — 1) Эксплуатация қилинувчи меҳнаткаш халқларнинг ҳуқуқлари декларацияси ва 2) РСФСР Конституциясининг асосий қоидалари — РСФСРнинг 1918 йилги конституциясидан кўчириб олинган эди. Қолган тўрт бўлим Туркистоннинг ижтимоий ва давлат тузилишига, Туркистон Автоном

¹ История Советской Конституции. — М., 1957. — 282—283-б.

² Қаранг: Съезды Советов в документах. Т. 1. — М., 1959. — 445—463-б.

Республикаси билан РСФСРнинг ўзаро муносабатларига (III бўлим), олий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда ижроия органлари (IV бўлим 9-боб) бағишланган эди. Бу бўлимда Бутун Туркистон Советлари қурултойи, МИК ва унинг раёсати, Халқ Комиссарлари Совети ва Халқ Комиссариатларининг тузилиши, уларни ташкил этиш тартиби ва ваколати кўрсатилган. Шу бўлимда маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетларининг ваколатлари ҳам кўрсатилган.

Охири, яқунловчи (6) бўлимда гап Туркистон Республикасининг молия ва бюджети масаласи тўғрисида боради. Туркистон Республикасининг 1920 йилги конституцияси маҳаллий шароитни, республиканинг миллий, этнографик, жуғрофий ва бошқа хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда, асосан РСФСРнинг 1918 йилги конституцияси асосида тузилган.

2. Хоразм Халқ Совет Республикасининг Конституцияси

1920 йил феврал ойидаги революция натижасида Хива хонлиги афдарилиб, унинг ўрнига халқ-демократик давлати — Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилди.

1919 йил ноябр ойида Хоразмда «қўзғолон» кўтарилди ва халқ номидан Турккомиссияга мурожаат ташкил қилиниб, Қизил Армия ёрдамга чақирилди ва 1920 йил 25 январда Хива шаҳри Қизил аскарлар қўлига ўтади ва охири 1920 йил 2 февралда Жунаидхон ҳокимлиги тугатилади. Ҳокимият вақтинчалик Революцион қўмита ихтиёрига ўтади.

Революцион қўмита «мажлиси мабусан» номи билан юритилиб, беш аъзодан иборат эди (Хивадаги ўзбеклар ва туркманлар уруғларидан иккитадан ва битта диний вакил). Революцион қўмита манифест қабул қилиб, Россия ҳукуматига мурожаат қабул қилди. Бунда Хивада хонлик ҳокимияти йўқ қилинганлиги ва ҳокимият, уларнинг фикрича, халқ қўлига ўтганлиги, помещчиклар, бекларнинг мол-дунёси халқ қўлига, камбағал деҳқонлар қўлига ўтганлиги, эксплуатациянинг бутунлай йўқ қилинганлиги эълон қилинган эди. Бу ҳақиқатга бутунлай тўғри келмайдиган бўлган эди.

Турккомиссия Хоразмга алоҳида комиссия бошлиғи Г. И. Бройде, Юсуп Ибрагимов (Турк фронт реввоен Совет) ва Паҳлавон Хўжа Юсуп (ёш бухорочилар партияси МК) юборади. Улар Хоразм революциясидан кейин тузилган муваққат ҳукуматни қайтадан тузди-

лар. Хоразм муваққат ҳукуматига бошлиқ қилиб Паҳлавон Хўжа Юсуп тайинланди. Бу ҳукумат 8 комиссардан ташкил топган эди (5 коммунист, 1 ёш хивалик ва 2 партиясиз).

1920 йил 27—30 апрелда Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойи бўлиб ўтди, унда Хоразм ХСР олий ҳокимият органларини тузди ва тарихда биринчи Хоразм Конституциясини қабул қилди. Съезд Лениннинг номига телеграмма юборди ва унда Совет Армияси, унинг ўз Армияси мустақкам бўлганга қадар Хоразм ҳудудида қолишини илтимос қилди, чунки давлат тўнтаришини Совет Армияси ташкил қилган ва амалга оширган эди. Съезд Халқ Нозирлари Советини тузди.

ХХСРнинг биринчи конституциявий ҳужжати Марказий Сайлов Комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, 1920 йил апрель ойида қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун» эди. Унда ХХСРда яшаб турган ва 18 ёнга тулган фуқароларнинг, жинси ва миллатидан қатъий назар барчасига сайлов ҳуқуқи берилган. Сайлаш ва сайлашни ҳуқуқидан хоннинг оила аъзолари ва қариндош-уруғлари, революция душманлари ва ростовшчиларгина маҳрум этилган. Қонунда Хоразм Советлари съездида делегатлар сайлаш нормалари ҳам кўрсатилган эди.

Ушбу сайлов қонунининг амалга оширилиши натижа-сида сайланган делегатлар, юқорида кўрсатилганидек, 1920 йил 30 апрелда Бутун Хоразм Советларининг ташкилий съездида ХХСРнинг биринчи Конституциясини қабул қилди. Ушбу Конституция 13 боб, 37 моддадан иборат бўлиб, унда давлат ва ижтимоий тузум асослари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, сайлов системаси ҳамда олий ва маҳаллий ҳокимият органларини сайлаш тартиби кўрсатилган.¹

Хоразм ХСРнинг Конституцияси хон ва унинг оиласига тегишли мулкни, давлат мулки деб эълон қилиб, Хоразмда демократик революция ғалаба қозонганлигини, давлат ҳокимияти меҳнаткаш халқ қўлига ўтганлигини эълон қилди. Шу билан бирга, Конституцияда Хоразмнинг иқтисодий хусусиятлари инobatга олиниб, асосий ишлаб чиқариш қуроли, хусусий мулкчилик сақлаб қолинди, савдода хусусий ташаббуснинг озод эканлиги тан олинди, чекланмаган миқдордаги пул билан муомала

¹ История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. — Т., 1976. — 41—46-б.

қилиш ҳуқуқи берилди. Унда, шунингдек, республикада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш мақсадида миллий буржуа вакилларига завод ва фабрикаларга эга бўлиш, ташқи давлатлар билан қўшма корхоналар тузиш ҳуқуқлари берилиши кўрсатилган эди.

Турккомиссиянинг 1920 йил 11 майдаги қарори билан ХХСРнинг «Асосий Низоми» қабул қилинди. Унга асосан, Республика Конституциясига ўзгартишлар киритилди: Халқ Нозирлари Советининг ҳуқуқлари чекланди; улар энди фақат олий ижроия органи бўлиб, қонун чиқариш ҳуқуқи ХХСР МИКга ва Советлар съездига қолдирилди.¹

Сайлов тўғрисидаги қоидаларга ҳам ўзгартишлар киритилди. Советларга сайловда Хоразмда бошқа бировнинг меҳнатини эксплуатация қилмайдиган, ўз меҳнати билан яшовчи меҳнаткаш фуқаролар қатнашиши мумкин бўлди. Аввал хонликда полицияда хизмат қилган кишилар, савдогарлик қилиб кун кўрувчилар, йирик ер эгалари, беклар, бировнинг кучидан фойдаланувчи бойлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган эдилар. Агар қишлоқ аҳолисининг тўртдан уч қисми ёқлаб чиқса, қишлоқ имомлари сайловда иштирок этишлари мумкин бўлди.

Конституцияга киритилган бу ўзгартишларни Бутун Хоразм Советлари II съездининг 1921 йил 20 майда чиқарган қарори тасдиқлади. Конституцияга киритилган ўзгартишлар, асосан, ХХСР Советлар съезди ва Марказий ижроия комитети ваколатларига оид бўлиб, ушбу органлар қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи органлар деб белгиланди. МИК съездлар орасида қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат қилувчи орган бўлиб, съезд чиқарган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб борар эди. МИК, ўз навбатида, доимий ишлаб турадиган МИК Раёсатини сайлаб қўядиган бўлди. У етти аъзодан иборат бўлиб, уч ойда бир марта чақирилар эди.

Демак, ХХСР Конституцияси ўша даврдаги Хоразм республикасининг ва давлат тузилиши, ҳокимият ва ижроия органлари тузилиши, тартиби, ваколоти, сайлов системаси, молия ва бюджет, давлатнинг рамзларига доир масалаларни ўз ичига олган эди.

ХХСР Россия билан Иттифоқ шартномаси тузиб (1920 йил 13 сентябр), асосий ишларни шу шартнома асосида олиб борди. Ушбу Иттифоқ шартномасига би-

¹ Съезды Советов в документах. Т. 2. — 497, 514—521-б.

ноан, РСФСР Хоразм Суверен Совет Республикасини тан олди; узининг Хоразм хони худудидаги эски мол-мулкини ХХСРга топширди; иқтисодий томондан ёрдам берадиган бўлди; мудофаа, ташқи савдо, темир йул, почта ва шунга ўхшаган бошқа масалалар бўйича вазифаларни олдиндан маслаҳатлашиб олиб борди. Кейинчалик бу вазифалар бутунлай Россия халқ комиссариатлари орқали амалга ошириладиган бўлди.

1922 йил 22 февралда Россия билан дипломатик ишлар бўйича шартнома тузилди. Бу шартномага асосан, ХХСРнинг ташқи алоқалари Россия орқали амалга ошириладиган ва Хоразм давлатининг ташқи манфаатларини Россия ҳимоя қиладиган бўлди. Шундай қилиб, ХХСР билан Россия уртасидаги халқаро муносабатлар, аста-секин ички муносабатларга, ХХСР эса РСФСРнинг таркибий қисмига айланиб қолди.

1923 йил октябрь ойида Бутун Хоразм Советларининг IV қурултойи бўлиб, унда ХХСРнинг тўрт йиллик иқтисодий-сиёсий ва маданий ривожланишига яқун ясалди ҳамда Хоразм — ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати деб эълон қилинди.

Ушбу съездга Хоразм компартияси марказий комитетининг ташаббуси билан Хоразм Республикасининг янги Конституциясини кўриб чиқиш таклифи киритилди. Хоразм Совет Социалистик Республикасининг иккинчи Конституцияси 1923 йил 20 октябрда Бутун Хоразм Советлари IV қурултойида қабул қилинди. Янги Конституцияда Хоразмда социалистик жамиятнинг пойдевори қўйилган эди.

Хоразмнинг ушбу Конституцияси 44 моддани ўз ичига олувчи 12 бобдан иборат 5 бўлимдан ташкил топган эди.¹

ХХСР янги Конституциясининг «Хоразмда меҳнаткаш халқ қандай ҳуқуқлардан фойдаланади» деган 1-бобида Хоразм ишчи, қизил аскар ва деҳқон депутатлари Совети республикаси эканлиги, марказда ва жойларда бутун ҳокимият Советларга тегишли эканлиги, бировнинг ҳисобига яшовчи фуқаролар Советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги акс эттирилган эди. Ушбу бобда фуқароларнинг, эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги белгиланди.

¹ Конституция ХССР, принятая 20 октября 1923 года // История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов.

Конституция ерга хусусий мулкчиликни бекор қилди ва уни давлат мулки деб эълон қилди, виждон эркинлиги, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги ва улар ишига аралашмаслигини белгилаб қўйди; давлатга барча фуқаролар учун зарур мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳуқуқи, фуқароларга эса сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиш, бепул ўқиш ҳуқуқи берилди; ватанни ҳимоя қилиш барчанинг бурчи деб белгиланди.

ХХСР Конституцияси жойлардаги Советларни тузиш масаласини ҳам кўриб чиқди, унда республикада 5 область ва 28 район Советлари съездини ташкил қилиш, область Советига ҳар беш минг кишидан бир делегат, район Советларига ҳар минг кишидан (200 та хўжаликдан) битта делегат сайлаш кўзда тутилган.

Конституция МИК қошида туркман, қирғиз, қорақалпоқ миллий бўлимлари ташкил қилишни кўзда тутган эди.

1924 йил 29 октябрда ХССР Советларининг V курултойи чақирилиб, унда (30 октябрь) «ХССРнинг миллий-худудий чегараланиши декларацияси» қабул қилинди. Бу декларацияга биноан, Хоразмда яшайдиган ўзбек аҳолиси тузилаётган Ўзбекистон ССРга қўшилиши, туркман аҳолиси (Ташовуз области) Туркменистон ССРга қўшилиши, қорақалпоқлар автоном область тузиб, Қозоғистон АССРга кириши мўлжалланган эди.¹

3. Бухоро Халқ Совет Республикасининг Конституцияси

Революциядан олдинги Бухоро феодал вассал давлати бўлиб, Россияга қарам эди. У ерда феодал урф-одат ҳукмрон бўлиб, асосий муносабатлар шариат қонунлари асосида юритиларди. 1920 йил сентябрида бўлган «революция» натижасида Бухорода халқ-демократик давлати пайдо бўлди. Бухоро кўп миллатли давлат эди: аҳолининг 50,7 фоизини ўзбеклар, 31,5 фоизини тожиклар, 10,3 фоизини туркманлар, 2,2 фоизини қозоқлар ва қирғизлар, 5,7 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил қилар эди.

Янги тузилган халқ ҳокимияти жамиятнинг ижтимоий ва давлат тузумини қонуний мустаҳкамлашга катта аҳамият берди. Шунинг учун Бухоро ХСРнинг Конституцияси қабул қилингунга қадар, «БХСРнинг жойлардаги

¹ История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. 352-б.

Совет ҳокимияти тўғрисида» муваққат низоми қабул қилиниб, Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси томонидан 1921 йил 21 июнида эълон қилинган эди. Муваққат низом қишлоқ (кент), район (туман) ва область (вилоят) инқилобий қўмиталарини ташкил қилиш тартиби ва уларнинг ваколатларини белгилаб берди. Шундан сўнг инқилобий ҳукумат янги тузумнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди. Улар тузилажак Бухоро Халқ Совет Республикасининг Конституциясига асос бўлиб хизмат қилди.

1921 йил 23 сентябрда Бутун Бухоро Советлари II қурултойи Бухоро Халқ Совет Республикаси Конституциясини қабул қилди¹.

У давлат ва ижтимоий тузум асосларини, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда белгилаб қўйди.

Бухоро Конституцияси 79 моддадан иборат бўлиб, 5 бўлим ва 16 бобни ўз ичига олди. Кириш қисмида революциядан аввалги Бухоронинг ички ва ташқи аҳволи, 1920 йил сентябрь ойидаги революциянинг моҳияти, унинг асосий иштирокчилари, унинг деҳқонлар революцияси эканлиги кўрсатилган эди. Чунки Бухорода ишчилар синфи жуда кам сонли эди, урта ва майда деҳқонлар кўпчиликти ташкил қилар эди. Конституциянинг кириш қисмида Сентябрь революциясининг Бухоро Республикасини ривожлантиришдаги роли кўрсатилган эди.

Конституциянинг қолган моддаларида давлатни идора этиш шакллари, олий ва маҳаллий ҳокимият идораларининг тизими ва фаолияти, сайлов системаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўрсатилган эди.

1923 йил сентябр ойида Бутун Бухоро Советлари IV қурултойи бўлди, Унда БХСР Халқ Комиссарлари Совети аъзоларининг кўпчилиги алмаштирилиб, янги сайлов қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ, ишчилар синфига, шу жумладан «Кўшчилар» иттифоқи аъзолари бўлган касаба уюшмаси аъзолари ва деҳқонларга сайловда иштирок этиш учун куп имтиёзлар берилди ва улар давлат аппаратида ишлаш учун жалб этилди². Бундан ташқари Совет аппарати идораларида ишлаш учун РКП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюросининг йўлланмаси билан коммунист ишчи ва деҳқонлардан юборилди.

¹ Съезды Советов в документах. Т. 2. — 554-б.

² Қаранг: *Ишанов А. И.* Бухарская Народная Советская Республика.— Т., 1969. — 356-357-б.

Бухоро Республикаси билан РСФСР уртасида алоқалар урнатилди. БХСР 1921 йил 4 мартда РСФСР билан иттифоқ шартномаси тузади. Шартномага асосан, РСФСР Бухоро Республикасини мустақил суверен давлат сифатида эътироф этади. РСФСР аввалги Бухоронинг Чор Россиясидан олган қарзларидан воз кечади ва РСФСРнинг Бухородаги мулкани бутунлай Бухоро Республикасиники деб эълон қилади.

Иттифоқ шартномаси орқали икки томоннинг ҳуқуқлари ва ваколатлари белгилаб қўйилди. Албатта, бу ҳуқуқлар Россия манфаати учун ён босган эди. Секин-аста Бухоро Республикаси ўзининг айрим ҳуқуқларини шартнома йўли билан РСФСРга топширди. Хусусан, ташқи савдо, мудофаа, телеграф, почта, иқтисодий, молия, темир йўл билан боғлиқ масалаларни РСФСР ҳукумати ҳал этар эди.

Бухоро кўп миллатли давлат бўлгани учун Бухоро Республикаси МИК қошида Туркман бўлими тузилиб, бу бўлим туркман миллати манфаатларини ёқлаб, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига ёрдам бериши ва МИК сиёсатини туркманлар орасида ўтказиш учун хизмат қилар эди. 1923 йил октябрига келиб Бухоронинг Чоржўй ва Керкин вилоятлари бирлашиб, Туркман об-ласти ташкил бўлди. 1924 йил сентябрида шарқий Бухоро вакиллари (улар, асосан, тожиклардан иборат эдилар) ўзларининг I Советлар қурултойида Бухоро МИКга бўйсунадиган Марказий ижроия комитетини туздилар. 1924 йилда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши натижасида Бухоро ХСРдан Тожикистон Автоном Республикаси ва Туркманистон ССР ташкил топди.

Бухоро ХСР Конституцияси (5-15 моддалари)га биноан, Бутун Бухоро Советлари съезди олий ҳокимият органи қилиб белгиланди. Бу съезд (300 кишидан ошмаган делегатлар) бир йилда бир маротаба чақирилар, унинг асосий вазифаси республиканинг ҳаёти, бошқарилиши ва ривожланишига тегишли муҳим масалаларни кўриб чиқиш, режалар қабул қилишдан иборат эди. Съезддан сўнг делегатлар ўз ваколатларини тугатиб, вилоятларга жўнаб кетар эдилар.

Конституцияга биноан, Советлар съездининг ваколати жуда катта эди, у республикадаги давлат ҳокимиятининг асосий вазифаларини бажарарди. Бундан ташқари, бу органнинг ваколатлари Конституцияда тўлиқ ёзиб қўйилган эди.

Конституциянинг 5 боби (24-30 моддалар) Советлар МИКига бағишланган эди. Бухоро МИКи съездлар орасида олий ҳокимият органи ҳисобланар, унга 85 киши сайланган эди. Улар республикадаги ҳамма синфлар, гуруҳлар вакиллари ни ўз ичига олган эди. Масалан, Бухоро Советларининг II съездида МИК таркибига ишчилар синфидан 5 киши, савдогар ва хунармандлардан 12, дин арбобларидан 3, хизматчилардан 30, деҳқонлардан 35 киши сайланган эди.

МИК Бухоронинг қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат қилувчи олий органи ҳисобланар, давлат бошқаруви соҳасидаги ҳамма қонунларни тасдиқлар ва эълон қилар, давлат аппаратини, Конституция талабларининг бажарилишини назорат қилар эди.

Бухоро МИК таркибидан унинг Раёсати сайланар эди, унинг бошқа аъзолари эса вазирликларда ва давлатнинг бошқа идораларида ишлар эдилар.

Республиканинг умумий ишларини бошқариш учун Халқ Нозирлар Совети ижроия ва фармойиш берувчи орган тузар эди. Халқ Нозирлар Совети фаолиятига Конституциянинг 6-чи боби бағишланган эди. ХКС Советлар съездига, унинг МИКига ва Раёсатига бўйсунар, қарор ва фармойишлар чиқарар эди. Бухоро Республикасида 10 та халқ нозирлиги ташкил қилинган эди. Адлия, ички ишлар, чет ишлар, ҳарбий ишлар, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва таъминот, савдо ва саноат, молия ва ер ишлари, давлат назорати шулар жумласидандир.

Бухоро Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинмалари қишлоқ, волость, уезд, шаҳар ва областлардан иборат эди.

Конституциянинг VII—XIV боблари сайлов ҳуқуқи, сайлов ўтказиш тартиби, уни назорат қилиш, бекор қилиш, депутатларини чақириб олиш, маҳаллий Советларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг таркибий қисмлари ва ижроия комитетларига доир масалаларга бағишланган эди.

20 ёшга етган фуқаролар (эркак ва аёллар) сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга эдилар. Сайловда қатнашиш ҳуқуқидан фақат қуйидагилар маҳрум этилган эдилар: қасддан қилган жиноий иши учун жиноий жавобгарликка тортилган кишилар, маҳбуслар, руҳий касаллар, катта ер эгалари ва капиталистлар, Амир ва унинг давлати раҳбарларининг қариндош-уруғлари.

Республикада Совет судлари билан бир қаторда қози

судлари ҳам ишлаб турар, улар район ва шаҳар Советлари Ижроия комитетлари томонидан сайланар, халқ маслаҳатчилари билан биргаликда жиноят ва фуқаролик ишларини коллегиял ҳал қилар эдилар. Улар иш кўрганда, фақат Совет қонунлари билан эмас, балки революция бекор қилмаган шариат ва одат нормаларига ҳам асосланардилар¹. Конституцияда чекланмаган хусусий мулкчиликка йўл қўйилган эди.

Совет қурилишининг тажрибасига асосланиб, 1922 йил 18 августда бутун Бухоро Советларининг III қурултойи Конституцияга ўзгартишлар киритди, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилди, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ташкил қилиш тартиби ҳамда фаолияти такомиллаштирилди: мактабларда она тилида ўқитиш белгиланди. Халқ нозирлари унтадан олтига қисқартирилди ва Конституциянинг бир неча моддаларига шунга ўхшаш ўзгартишлар киритилди, капиталистик унсурлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди ва ҳ.к.² 1924 йилнинг 19 сентябрида Бутун Бухоро Советларининг V қурултойи Бухоро Республикаси революциясининг демократик босқичи натижасини муҳокама қилди ва социалистик қурилиш босқичига утганлигини эълон қилди. Бухоро Республикаси Бухоро Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилинди. Бу воқеа Урта Осиёда миллий-давлат чегараланиши жараёнига тўғри келди ва Бухоро республикасининг ҳудуди янги ташкил қилинаётган Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон Автоном Республикаси ўртасида тақсимланди.

4. Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси

СССР МИКнинг 1924 йил 27 октябрда бўлган II сессияси Туркистон АССР Советларининг МИК фавқулоддаги сессиясини, Бутун Бухоро Советларининг 1924 йил 19 сентябридаги V съездининг ва Бутун Хоразм Советларининг 1924 йил 29 сентябридаги V съездининг миллий чегараланиш туғрисидаги қарорларини тасдиқлади. СССР МИКининг II сессияси республикаларнинг миллий республикалар тузиш туғрисидаги истакларини назарда тутиб, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг СССР таркибига кири-

¹ Қаранг: *Ишанов А. И.* Создание Бухарской народной Советской Республики. — Т., 1969. — 131—132-б.

² Қаранг: Конституционное развитие Узбекской ССР. 76—77-б.

ши, Тожикистон АССРнинг эса Ўзбекистон ССР таркибига кириши тўғрисидаги таклифларини маъқуллади.

1925 йил 17 февралда Бутун Ўзбек Советларининг I курултойида «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил қилиш тўғрисида»ги декларация қабул қилинди. Бунда аввалги Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳудудидаги республикалар асосида миллий-давлат чегараланиши натижасида Ўзбекистон Республикаси ташкил бўлганлиги эълон қилинди. Бу республика Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм областларидан ва Тожикистон Автоном Республикасидан ташкил топди.

1925 йил 13 майида Бутуниттифоқ Советларининг III съезди бўлиб, унда Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларини СССР таркибига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР ўз Конституциясини қабул қилиши керак эди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, 1925 йил октябрь ойида Ўзбекистон МИК Конституцияни тайёрлаш учун 26 кишидан иборат комиссия тузди.

Ўзбекистон Республикаси СССР Иттифоқи таркибига кирганлиги учун, унинг Конституцияси СССРнинг 1924 йилги Конституциясига мос равишда тузилиши шарт эди. Бундан ташқари РСФСРнинг 1918 йилги ва 1925 йилги Конституцияларидан асос сифатида фойдаланишга мажбур эди. Конституцияда меҳнаткаш халқнинг тўлиқ ҳокимияти ўрнатилганлиги, ишчилар синфининг бошқа меҳнаткашлар, деҳқонлар билан иттифоқдалиги, социалистик мулкнинг ҳукмронлиги, ҳокимиятнинг Советлар орқали амалга оширилиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан қўриқланиши, барча миллатлар ва элатларнинг биродарлиги ва дўстлиги каби асосий масалалар кўрсатилиши, бундан ташқари Туркистон Автоном Республикаси, Бухоро ва Хоразм республикаларининг конституциявий тажрибаси ҳам ҳисобга олиниши зарур эди.

«Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқлари» декларацияси, Ўзбекистон ССРни ташкил қилиш тўғрисидаги декларация, СССР Советлари III съездининг «Ўзбекистон ССРни Иттифоқ таркибига қўшиш» тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикасининг 1927 йилги Конституциясига асос қилиб олинди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституциясига биринчи бўлим сифатида киритилди.

Ўзбекистон ССР Советларининг 1927 йил 30 мартдаги II курултойида Конституция лойиҳаси тасдиқланди. Конституция Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилганлигини Ўзбекистон ҳудудида пролетариат диктатураси ўрнатилганлиги, миллий давлат тузилганлигини, хусусий мулк бекор қилинганлигини қонунлаштирди ва давлат органлари тузиш, ҳўжаликни бошқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос бўлиб қолди¹. Конституцияда дастурий вазифалар ҳам кўрсатилган эди.

Конституциянинг 2-моддасида Ўзбекистон ССР ишчи ва деҳқонларининг социалистик давлати эканлиги, унда бутун ҳокимият ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Советига ўтганлиги таъкидланган эди. Унда, шунингдек, иқтисодий тизимнинг асослари туғрисида ҳам гап юритилган: асосий ишлаб чиқариш қуролига нисбатан давлат мулкчилиги белгиланган, давлат мулки объектларига ер, ўрмон, ер ости бойликлари, сув, фабрика, заводлар, транспорт ва алоқа воситалари кириши кўрсатилган.

Конституцияда олий ҳокимият ва бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари тизими кўрсатилган. Олий ҳокимият органи Бутун Ўзбекистон Советлари курултойлари, улар орасида доимий ишлаб турадиган орган Ўзбекистон МИК эканлиги белгилаб қўйилган. Бу ташкилот ҳукумат ва бошқа вазирликларнинг давлат органлари фаолиятини бошқариб туриш, уларнинг ишларини мувофиқлаштириш, Конституция ва бошқа қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш билан шуғулланиши керак эди.

Конституцияда маҳаллий ҳокимият органлари — ишчи, деҳқон, қизил аскар Советлари ва уларнинг ижроия комитетларининг вазифалари ва тизими ҳам белгиланган эди.

Конституцияда Тожикистон Автоном Республикасининг Ўзбекистондаги ўрни, улар ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши кўрсатилган эди. Конституцияда Тожикистонга жуда кўп ваколатлар берилган эди. Масалан, Тожикистон Республикаси ўз вазирликларининг сонини

¹ Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси туғрисида тулароқ маълумотни Конституционное развитие Узбекской ССР. — Т., 1986. — 82—106-б.; Агзамходжаев А. А., Уразаев Ш. З. Развитие Конституции Узбекской ССР. — Т., 1957; Ишанов А. И. Развитие Конституции Узбекской ССР. — Т., 1983. китобларидан қаралсин.

мустақил белгилаб, ХКСнинг таркибини ўзгартирар, Ўз-ССР кодекс ва қонунларига Тожикистоннинг шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда ўзгартишлар киритар эди. Конституцияда революцион қонунчилик, ҳуқуқий тартиботни сақлаш тўғрисида ҳам гап борар эди.

Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам кўрсатилган эди. Конституция «меҳнаткашлар» ҳамда «фуқаро» тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўрсатди.

«Меҳнаткаш» атамасидан ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланувчи шахслар, «фуқаро»дан эса республикада яшайдиган барча шахслар тушуниланган. Шунинг учун Конституция, биринчи навбатда, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўрсатди. Конституция меҳнаткашларга ўз фикрини эркин билдира олиш (7-модда), мажлис қилиш (9-модда), бирлашмалар тузиш ҳуқуқини (8-модда) берди. Лекин бу ҳуқуқлар амалга ошмасдан, қоғозда қолиб кетди.

Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг СССР таркибидаги ҳуқуқий ҳолати, ўзининг қандай ҳуқуқларини СССРга берганлиги, республиканинг расмий равишда мустақил давлат деб эълон қилиниб, СССР таркибидан чиқиши мумкинлиги кўрсатилган эди. Лекин бундай ҳуқуқлар СССР томонидан кафолатланмаган, фақат номига ёзилган, ҳақиқатдан йироқ эди. Ўзбекистон аслида СССРнинг бир мустамлакаси, унинг таркибий қисми сифатида қўшиб олинган эди. Коллективлаштириш даврида ўрта ҳол ва бой деҳқонларни қонунга хилоф равишда кулоқ қилиш, ватанпарвар одамларнинг халқ озодлиги ҳаракатига қўшилиб кетишини «босмачилик» деб номлаш ва ўз ватанидан мажбуран қочиб кетиш оддий бир ҳол бўлиб қолган эди. Ушбу масалаларни ҳозирги замон талаби нуқтаи назаридан изоҳлаш, ҳақиқатни кўрсатиш зарур.

5. Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси

1936 йил 7 декабрда Совет Иттифоқининг янги Конституцияси қабул қилинди. Жамиятда руй берган иқтисодий, синфий, миллий соҳалардаги ўзгаришлар бу Конституциянинг қабул қилинишига сабаб бўлди. 1924 йилдан 1930 йиллар ўрталаригача Совет Иттифоқи иқтисодий соҳасида катта ўзгаришлар бўлиб, капиталистик хусусий мулкчилик бутунлай тугатилди ва халқ ҳужалигида

асосий уринни давлат мулки эгаллади. Бунинг натижасида жамиятнинг синфий тизимида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Капиталистик синфлар, бойлар, қулоқлар синф сифатида тугатилди ва жамиятда фақат икки синф — ишчилар ва деҳқонлар ҳамда уларга дўст зиёлилар гуруҳи қолди.

Шу давр ичида жамиятдаги ҳар бир миллат ўз йўлини танлаб олиб, миллий давлатчилигини тузди. Жамиятдаги бундай ўзгаришлар давлат олдида турган вазифаларни ҳам ўзгаришларга олиб келиши керак эди. Давлат олдида турган келажак вазифа, ўша даврдаги коммунистик таълимотга биноан, социализм ғалабасини мустақкамлашдан иборат эди. Бу ўзгаришлар ва ундан келиб чиқадиган иқтисодий, сиёсий ва давлат қурилиши соҳасидаги вазифалар янги Конституцияда ўз аксини топиши керак эди. 1936 йил 5 декабрда СССР Советларининг VIII фавқулодда съезди СССРнинг янги Конституциясини қабул қилди. Бу Конституция, ўша коммунистик таълимотга биноан, Иттифоқда иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни мустақкамлаб, давлатчиликни янада такомиллаштириш вазифаларини бажариши керак эди.

Совет Иттифоқининг 1936 йилги Конституциясига мос равишда, унинг таркибига кирувчи иттифоқдош ва автоном республикалар 1937 йилда ўз конституцияларини қабул қилдилар. Ўзбекистон ССР ҳам ана шу йили ўз Конституциясини қабул қилди.

Бутун Ўзбек Советларининг фавқулоддаги VI қурултойи 1937 йил 14 февралда Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини Совет Иттифоқининг 1936 йилги Конституциясига тўлиқ мос равишда қабул қилди. Бу янги Конституция ўша даврнинг мақсадига мувофиқ равишда «социализм қуриш» соҳасида қўлга киритилган ютуқларини қонунлаштирди. Бу ўзгаришлар ижтимоий ва давлат тузилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли бўлиб, уларнинг натижаси Конституцияда акс эттирилган эди.

Ўзбекистон ССРнинг ушбу Конституцияси 1927 йилги Конституциядан жуда кўп янгиликлари билан ажралиб турар эди. 1937 йилги Конституциядаги ўзгаришлар қуйидагилардан иборат эди:

1) ҳокимият, Конституцияда кўрсатилишича, меҳнаткашларнинг қўлига берилди, уни меҳнаткашлар депутатлар Советлари орқали амалга ошириши керак эди.

2) Советлар фаолиятида «демократик» деб номланган принциплар ривожлантирилди, ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари Советлари ўрнига доимий ишлайдиган меҳнаткашлар депутатлари Советлари келди. Советларнинг иш фаолияти шакллари ўзгарди, яъни Бугун Ўзбек Советлари съезди ўрнига доимий ишлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Совети (Олий Совет сессия чақиритиш тартибида ишлайдиган орган бўлди) ва унинг Президиуми, давлат бошқаруви органи сифатида — Халқ Комиссарлари Совети, жойларда, меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар Советлари, уларнинг ижроия органлари сифатида Ижроия қўмиталар ташкил этилди;

3) Советларга сайлов ўтказиш принциплари ўзгартирилди (сайловга қатнашиш ҳамма учун тенглик асосида, туғридан-туғри ва ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказиладиган бўлди);

4) Советлар депутатлари ваколатининг давомийлиги белгиланди (2,5 йил ёки 5 йил).

5) фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида бобда белгиланди;

6) олий ҳокимият органлари (Республика Олий Совети билан бошқарув органлари — Министрлар Совети) ваколатлари алоҳида белгилаб қўйилди;

7) ишлаб чиқаришда социалистик мулк иқтисодий тизим асоси қилиб белгиланди ва унинг икки шакли — давлат ва жамоат мулки кўрсатилди;

8) Ўзбекистон ССРнинг давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳам алоҳида боб сифатида Конституцияда кўрсатилди ва бу бобда Ўзбекистон ССР билан Совет Иттифоқи, Ўзбекистон ССР билан Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий тартибга солинди, Ўзбекистон ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлақларининг ҳуқуқий ҳолати кўрсатилди;

9) Прокуратура ва суд органларининг тузилиш тартиби ва ваколат асослари кўрсатилди;

10) Конституцияга ўзгартиришлар киритиш масаласи ҳам кўзда тутилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси ўз даврида катта аҳамиятга эга эди. Бу Конституция асосида Ўзбекистонда янги давлат ҳокимияти органлари янги сайлов тизими асосида қайта сайланди, бошқарув органлари тузилди, бутун республика ҳуқуқий тизими аста-секин янгиланди. Лекин ушбу Конституцияда мустақамланган муҳим демократик ҳуқуқий нормалар ҳаётда

амалга ошмасдан, қоғозда қолиб кетди. Мазкур Конституция нормаларига 1978 йилга қадар баъзи бир ўзгартишлар киритилди. Лекин бу ўзгартишлар жиддий бўлмай, вазирликларнинг номлари, турлари ўзгариши билан боғлиқ эди. Ўзбекистоннинг 1937 йилги Конституцияси урушдан аввалги, уруш вақтидаги ва ундан кейинги даврда Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг асоси бўлиб хизмат қилди.

6. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси

Собиқ Совет Иттифоқининг 1936 йилги ва унинг асосида тузилган Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси вақт ўтиши билан ўзининг аҳамиятини йўқотиб, ўзгартишлар киритишни тақозо этди. У қабул қилинган даврдан сўнг жаҳон миқёсида Совет Иттифоқида ва унинг таркибига кирган Ўзбекистон ССРда ҳам жуда катта иқтисодий, сиёсий, ўзгаришлар рўй берди. Пролетар давлатининг, Совет Иттифоқи доҳийларининг таърифига биноан, умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши ва бунинг натижасида республика моҳиятининг, вазифаларининг ўзгаришига, янги конституциявий ўзгаришларга олиб келди. Совет Иттифоқи ўзининг бундай ўзгаришларни акс эттирган янги Конституциясини 1977 йилнинг 7 октябрида қабул қилди.

СССРнинг 1977 йилги Конституцияси асосида ҳар бир иттифоқчи ва автоном республикада, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам янги Конституция қабул қилинди. 1977 йил 22 июнда республика Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституциясини тайёрлаш учун комиссия тузди. Комиссия таркибида Олий Совет депутатлари, мутахассислар, олимлар, давлат ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари бўлиб, улар 1978 йил март ойигача республика Конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу лойиҳа 1978 йил 19 мартда республика матбуотида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Лойиҳа муҳокамасида 5.557 минг киши иштирок этди. Муҳокама юзасидан ўтказилган мажлисларда 236 минг киши сўзга чиқди. Конституциявий комиссияга 1480дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар тушди. Комиссия бу таклифларни урганиб чиқиб, Конституция лойиҳасининг 17 моддасига ўзгартиш киритди. 1978 йил 15 апрелда республика Олий Советининг Раёсати Конституция лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилиб ва республика Олий

Советининг навбатдан ташқари сессиясини чақириб, Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш тўғрисида таклиф киритди.

Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси республика Олий Совети сессиясида 1978 йил 19 апрелда қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат органларининг тузилиши принциплари, уларнинг тизими ва ваколатлари давр талабига мослаштириб мустақамланган.

Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси кириш (муқаддима), XI бўлим, 21 боб ва 183 моддадан иборат бўлди.

Бу Конституция 1937 йилги Конституциядан ўзининг муқаддимаси билан ажралиб туради: унда республика босиб ўтган йўл, Конституцияга асос бўлган манбалар кўрсатилган. Бу Конституция СССР Конституциясига тула равишда мослаштириб тузилган.

1978 йилги Ўзбекистон Конституцияси кенг ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олди. Уларни умумлаштирганда, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ижтимоий тузум ва сиёсий масалалар;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;
- миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилиши;
- Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг принциплари.

Ўзбекистоннинг бу Конституцияси қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) Ўзбекистон ССРнинг сиёсий тизими, унинг жамиятни бошқаришдаги вазифалари, сиёсий тизим ривожланишининг асосий йўллари, ЎзССРнинг социал ривожланиш йўллари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати асослари, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўрнига халқ депутатлари Советлари бўлганлиги;

2) ошкоралик, қонунийлик, демократик централизм принципларининг давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти учун асосий принциплар қилиб белгиланганлиги;

3) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилганлиги ва кафолатланганлиги (меҳнат ва уй-жой билан таъминлаш ҳуқуқлари);

4) ҳар бир давлат органи ва мансабдор шахснинг топширилган вазифа юзасидан жавобгарлигининг оширилганлиги, фуқароларни давлат ва жамоат ишига жалб қи-

лишнинг кенгайтирилганлиги, уларнинг бир-бирлари олдадаги, халқ ва давлат олдадаги масъулиятининг оширилганлиги ва ҳ.к.

Мазкур Конституция 15 йил мобайнида республика учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Унинг асосида янги қонунлар ва бошқа юридик ҳужжатлар қабул қилинди, давлат органлари шаклланди, бу эса давлатнинг ривожланиши учун хизмат қилди.

7. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги Конституциясининг хусусияти ва тузилиши

1989—1991 йиллар давомида Конституцияга кўп ўзгартишлар киритилди. Лекин СССР парчаланиб кетиб, ҳар бир иттифоқ республикаси ўз мустақиллигига эришди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган республика Олий Кенгаши сессиясида ўзининг мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилди. 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси ҳар томонлама умумхалқ муҳокамасидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан моддама-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Конституция Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ва маданиятини ифодалади, давлат мустақиллигини тантанавор равишда эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг олимлари қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки, Ўзбекистон ислохотларининг равон ўтишини ёқтирмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишининг асосий сабаблари нималардан иборат эди?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бу тўғрида шундай деган эди: «Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тула ишонч

¹ Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати // И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т., 1996. 93-б.

билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилишнинг асосий сабабларидан бири шундан иборат эдики, Ўзбекистонда илгари амал қилиб келган конституциялар аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилар эди. Бошқариш ва ҳўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқ-бозлик усулларини ёқлайдиган, ишлаб чиқариш воситаларини умумхалқ мулки бўлишини тан оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни батамом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қоидалар расман мустақамлаб қўйилган эди. Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмасдан туриб, уни янги шароитга мослаштирмасдан туриб, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни қуриш мумкин эмас.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган иккинчи сабаб бўлди. Республика ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, табиийки, ушбу жуда муҳим воқеани Конституцияда мустақамлаб қўйиши, унинг ички ва ташқи сиёсати принципларини, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенитетига содиқлигини аниқ ифодаламоғи лозим эди. Конституция ўзбек давлатчилиги ривожланишидаги тарихий тажрибани ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган нормалари устунлигига таяниши, бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этиши керак эди².

Ушбу сабаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ўзида Ўзбекистоннинг янги шароити ва унинг мақсадларидан келиб чиққан вазифаларни акс эттиради. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусиятларидан кўриниб туради. Улар қуйидагилардан иборат.

1) Республика Конституцияси ҳақиқатан ҳам демо-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. — Т., 1995. — 29-б.

² Уша жойда.

кратик конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган;

2) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Мазкур Конституция дунё миқёсидаги илғор давлатлар конституциялари қаторида ўз ўрнини топди;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар. Бу фуқаролар манфаатининг устунлиги қонун билан мустақкамланган ва кафолатланган демакдир. Собиқ тоталитар тузум шароитида эса бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмас эди. Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир;

4) Ўзбекистон Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзида сингдирган. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлинганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир;

5) унда ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлаш принципи мустақкамланган. Бу, биринчидан, барча жорий қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини; иккинчидан, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини аниқлатади. Ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир жамоат ташкилоти, ҳеч бир мансабдор шахс қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас;

6) Конституцияда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, яъни тадбиркорлик, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига асосланган бозор муносабатларига ўтиш принциплари ўз аксини топган, хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Бундан кўзланган мақсад иқтисодиётни ўта марказлашишдан, яққаҳоқимликдан сақлаб қолиш ва хусусий тадбиркорликнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборатдир;

7) Конституцияда ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига

эга. Диний ташкилотлар давлатдан ажралган ва қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди;

8) Конституциянинг энг муҳим янгиликларидан бири шундаки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш принципи асосида амалга оширилади. Мазкур принципга асосан, қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳокимияти эса Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг учта асосий таянчидир.

9) Конституцияда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига алоҳида эътибор берилган. Ўзини ўзи бошқариш принципларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи — ҳоким лавозими жорий этилди. Муайян ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий вакиллик ҳокимияти — халқ депутатлари Кенгашларига, шунингдек, ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қиладилар. Шаҳарларда, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўзини-ўзи бошқариш органлари шаклида амалга оширилади;

10) Конституция Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси мақомига алоҳида боб ажратган. Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мақоми танилади ва унинг суверенитетини муҳофаза қиладди. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир;

11) Янги Конституция аввалги конституциялардан ўзининг коммунистик, синфий қарашлардан яккапартиявийлик принципларидан холи эканлиги билан ажралиб туради. Конституцияда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришга юридик замин яратилган;

12) Конституция Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида сиёсий қарашлар ва мафқуралар хилма-хиллигини ривожлантиришга йўл очиб беради;

13) Конституция инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи ҳисобланган яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлайди;

14) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлатимиз халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги, унинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган принципларни тани олиши ва ўз ташқи сиёсатини улар асосида олиб бориши мустаҳкамлаб қўйилган;

15) республикаимизнинг парламентар давлат бошқаруви шаклидан Президентлик Республикаси давлат бошқаруви шаклига ўтганлиги Конституциянинг давлат органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига бағишланган бобларида ўз аксини топган;

16) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бошидан охиригача миллий руҳ, ислом қадриятлари, миллий анъаналар, давлатчилик тажрибасининг таъсири ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси мустақилликнинг мустақкам пойдевори ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатидир. Унда 1978 йилги Конституцияга нисбатан жуда кўп янгиликлар мавжуд.

Бу Конституция муқаддима ва олти бўлимдан иборат бўлиб, улар 28 боб, 128 моддани ўз ичига олади. Конституциянинг муқаддимасида Ўзбекистон халқи номидан унинг нима мақсадда, қандай халқаро ғояларга, конституциявий тажрибаларга асосланиб қабул қилинаётганлиги кўрсатилган.

Конституциянинг биринчи бўлимида конституциявий тузумнинг асосий принциплари — давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг бошқа ҳуқуқий нормалардан устунлиги, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асослари эълон қилинган.

Конституциянинг иккинчи бўлимида гап инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисида боради. 5-бобда барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ижтимоий адолат принципи, ҳуқуқ ва бурчларнинг бир-бирига боғлиқлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги, ҳуқуқни амалга ошираётганда бошқа фуқаролар ҳуқуқларига зарар етказмаслик, республикада ягона фуқаролик ўрнатилганлиги, фуқароликнинг тенглиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги, Ўзбекистон ҳуқудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқларининг таъминланиши белгилаб қўйилган. Ушбу бўлимда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида боблар тарзида берилган: шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (6-боб), сиёсий ҳуқуқлар (8-боб), иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (9-боб), инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари (10-боб) ҳамда фуқароларнинг бурчлари (11-боб) кўрсатилган.

Конституциянинг учинчи — «Жамият ва шахс» бўлимида жамиятнинг иқтисодий негизлари (12-боб), жамоат

бирлашмалари (13-боб), оила (14-боб) ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида гап боради (15-боб).

Асосий қонуннинг тўртинчи бўлими «Давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиш» деб номланган бўлиб, унинг 16-боби республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишига; 17-боб Қорақалпоғистон Республикасига бағишланган.

Конституциянинг «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» номли бешинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (18-боб), Ўзбекистон Республикасининг Президенти (19-боб), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (20-боб), маҳаллий давлат ҳокимиятининг асослари (21-боб), сайлов тизими (22-боб), суд ҳокимияти (23-боб), прокуратура (24-боб), молия ва бюджет (25-боб), мудофаа ва хавфсизлик (24-боб) масалалари кўрсатилган.

Конституциянинг олтинчи бўлимида уни кучга киритиш ва ўзгартириш тартиби кўрсатилган. Хусусан, Конституцияни ўзгартириш тартиби 127 ва 128-моддаларда келтирилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

V БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1. Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари тушунчаси

Давлат конституциявий тузумининг асосий принциплари деганда, жамиятда ўрнатилган ижтимоий тузум, давлатнинг тузилиши, уни бошқариш шакли ва тартиби Конституция ва қонунларнинг устунлиги, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати қандай асосларда амалга ошириляётганлиги тушунилади.

Конституциянинг умумий ижтимоий қадриятларига оид хусусиятлари шу давлатнинг конституциявий принципларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари мустақил Ўзбекистон Конституциясининг биринчи бўлимида белгиланган. Собиқ Ит-

тифоқ ва иттифоқдош республикалар конституцияларида бундай ибора ва тушунчалар умуман учрамаган. Уларда жамиятнинг ижтимоий тузилиши деган тушунча бор эди (бунга иқтисодий негиз, сиёсий негиз ва социал синфий тузилиш кирар эди).

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида жамиятимиз конституциявий тузумининг асосий принциплари сифатида: давлат мустақиллиги, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, республика ташқи сиёсатининг асосий принциплари белгиланган.

У. Т. Тожихонов конституциявий тузумнинг асосий принципларини кенгроқ тушунади, юқоридагиларга қўшимча қилиб яна қуйидагиларни кўрсатади: инсоннинг олий қадрият эканлиги, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, иқтисодий фаолият шаклларининг хилма-хиллиги, ҳуқуқий демократик давлат, ҳокимиятнинг тақсимланиши¹. Бунинг боиси ижтимоий ҳаётнинг ёки ҳуқуқ тармоғининг у ёки бу соҳасидаги принципларига нисбатан бу принципларнинг устунлигидир.

Конституциявий тузум принципларини конституциявий ҳуқуқ фанида баҳолаётганда, уларни конституциявий ҳуқуқ норма-принциплари, норма-мақсадлари, норма-таърифлари деб ҳам конституция-ҳуқуқий нормалар қаторига қўшадилар. Чунки бу принциплар ҳуқуқий норма аҳамиятига эга.

Конституциявий тузумнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси қандай давлат эканлиги, унинг моҳияти, унинг бутун ички ва ташқи вазифаларини мустақил равишда белгилаши, давлат ичида ягона устун ҳокимият эканлиги, бошқа ҳеч қандай ҳокимиятни тан олмаслиги, ташқи давлатлар билан умумбашарий қадриятлар, халқаро шартномалар асосида мустақил иш олиб боришга қодир эканлигини кўрсатади.

Ундан ташқари, конституциявий тузумнинг ушбу принциплари Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувининг демократик асосда олиб борилишини, бутун ҳокимият халққа тегишли эканлигини, халқ бу ҳокимиятни ҳар хил (вакиллик ва туғридан-туғри) шаклларда амалга оширишини билдиради. Конституциявий тузумнинг ушбу асосий принциплари республика ҳуқуқий ти-

¹ Тожихонов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1996. — 4-б.

зимининг қандай асосда тузилганлигини, унда конституция ва қонунлар қандай ўрин тутишини, уларнинг ҳуқуқий тизимдаги устунлиги нимада эканлигини кўрсатиб, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларини, биронта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принципларига, шунингдек, республика ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий омиллари ҳам киради. Бу принципга асосан, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йул билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланишини билдиради.

Бу принциплар Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимининг асосини ташкил этади. Конституциянинг бошқа бўлимидаги ҳуқуқий нормалар конституциявий тизим принципларига қарама-қарши бўлиши мумкин эмас.

2. Давлат суверенитети, унинг турлари ва уни амалга ошириш шакллари

Давлат суверенитети давлатнинг мустақиллигини билдирувчи термин бўлиб, давлатнинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланади.

«Суверенитет» термини XVI асрда Францияда вужудга келган. Бу термин «Souverenitet» сўзидан келиб чиқиб, аслида, олий ҳокимият эгаси деган маънони англатади. Суверенитет давлатнинг умумий ва ажралмас хусусияти бўлиб, унинг тўла ҳуқуқлигини, ички ҳамда ташқи функцияларини амалга оширишда бошқа давлатларга қарам эмаслигини ифодалайди.

Суверен давлат ўз ички ва ташқи функцияларини бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бузмаган ҳолда, ўзи хоҳлаган тарзда бажаради. Суверенитет давлат билан бир

вақтда вужудга келади. Давлатларнинг хусусияти бўлган суверенитет тарихий ҳодисадир. Суверенитет тушунчаси доимий ривожланиш жараёнида бўлиб, доимо янги мазмун билан бойиб боради.

Умуман олганда, давлат суверенитети миллат, халқ суверенитетидан бошланади ва унинг ўрнига келади.

Халқ суверенитети ҳақидаги илмий таълимот дастлаб буржуа мафкурачиларининг феодализмга қарши кураши йўлида ишлаб чиқилган эди. Феодаллар синфи билан кураш учун буржуазия синфига таянч куч керак эди. Буржуазия бундай куч халқ оммаси эканлигини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам буржуазия ўз манфаатларини бутун халқ манфаати деб эълон қилди. Буржуазия ўз байроғига «Халқ манфаатлари қуриқчиси ва ҳимоячиси» эканлигини ёзиб қўйди, бутун халқни феодализмга қарши кураш учун инқилобга чақирди.

Буржуазия синфи намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган халқ суверенитети ҳақидаги таълимот бунда жуда асқотди. Шунини алоҳида айтиб ўтмоқ керакки, буржуа олимлари «давлат суверенитети», «миллат суверенитети», «халқ суверенитети» каби тушунчаларни аралаштириб, бир хил маънода ишлатаверардилар.

«Халқ суверенитети» назарияси француз олими Жан Жак Руссо туфайли француз буржуа революцияси арафасида ўзининг классик қиёфасини топди. Руссонинг таъкидлашича, халқ суверен ҳокимиятнинг асосчиси ҳисобланади. Унинг фикрича, «умумий ирода» томонидан бошқариладиган ҳокимият — суверенитет деб аталади¹.

Ж. Ж. Руссо ижтимоий шартнома тўғрисидаги асариде абсолютизмга қарши курашади. У француз буржуа революциясининг мафкурачиси сифатида халқни унинг манфаати учун курашга чақиради.

Конституциявий ҳуқуқ фанида *халқ суверенитети* деганда, одатда, халқ тўла ҳокимиятнинг эгаси эканлиги, унинг ўз ҳокимиятини бошқа ижтимоий кучлардан мустақил равишда, ҳеч кимга буйсунмасдан амалга ошириши тушунилади.

Ўзбекистон халқининг суверенитети мамлакатимизда ҳокимиятнинг тўлалигача халққа тегишлилигини билдиради. Халқ — ҳокимиятнинг ягона манбаи ва субъекти, унга ҳеч ким ўз иродасини ўтказа олмайди. Халқ сувере-

¹ Ж. Ж. Руссо. Об общественном договоре или принципы политических прав. — М., 1938. — 25-6.

итетининг мазмуни шундан иборатки, унинг ҳоқимияти бошқа субъектга берилмайди ва бўлинмайди. Ўзбекистонда давлат ҳоқимияти халқники, унга тегишли ва фақат унга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари жамиятнинг иқтисодий негизини, халқ суверенитетини мустақамлайди ва унинг амалга оширилишини кафолатлайди. Халқ суверенитети давлат ва миллий суверенитетларида намоён бўлади. Ўзбекистонда суверенитетнинг манбаи ва ягона эгаси бўлган халқ уни, энг аввало, давлат ҳоқимияти орқали давлат суверенитети сифатида амалга оширади.

Давлат ҳоқимияти фаолиятига айланган ва унинг органлари орқали амалга ошириладиган халқ суверенитети давлат суверенитети шаклини олади. Ўзбекистон халқи ўз ҳоқимиятини давлат суверенитетини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлайди. Ўзбекистон давлати ўзида халқ ҳоқимиятини, унинг суверенитетини акс эттириб, ўзи суверен бўлади, яъни давлат ҳоқимиятининг бутун суверенлик хусусиятларини ўзига қабул қилади.

Демак, ўз ижтимоий моҳиятига кўра, Ўзбекистонда халқ суверенитети ва давлат суверенитети ягона, бўлинмайдиган тушунчалардир. Улар бир-биридан ажралган суверенитетлар эмас, балки бир бутун халқ суверенитети бўлиб, халқ ва унинг давлати томонидан тўғридан-тўғри амалга оширилади;

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлатининг суверенитети халқ суверенитетининг давлат-ҳуқуқий шакли бўлиб, шу давлатда энг олий ҳоқимиятни мустақил амалга ошириш, давлат ичкарисида ва ташқарисида бошқа давлатларнинг аралашувисиз мустақил иш олиб бориш сингари хусусиятларни ўз ичига олади.

Давлат суверенитетининг амал қилиши давлат ҳоқимияти фаолиятининг учта тармогини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятини, унинг органларини, ички ва ташқи функцияларини амалга оширишдаги фаолиятидир. Давлат ҳоқимияти асосий функцияларининг амалга оширилиши натижасидагина давлат суверенитети ҳаётга татбиқ этилади, ҳоқимиятнинг хусусиятлари ҳақиқий амалга оширилади.

Бизнинг давлатда халқ суверенитети ифода этилишининг бошқа шакли миллий суверенитет ҳисобланади.

Миллий суверенитет деганда, биз, авваламбор, миллатнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳолатини тушунамиз. Ҳар бир

миллат ўзининг суверен сиёсий ва ҳуқуқий ҳолатига кўра, ўз сиёсий статуси (ҳолати)ни, ўз иродаси билан, бошқа халқларнинг аралашувисиз мустақил тарзда белгилайди, иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини танлайди ва ўз миллий давлатини тузади¹.

Шундай қилиб, миллий суверенитет миллатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг мустақил яшаш ҳуқуқини билдиради. Бу ҳуқуқнинг маълум шаклда амалга оширилиши, яъни ўзининг миллий давлат шаклини танлаши, якка ҳолда ёки бошқа миллатлар билан биргалашиб давлат тузиши миллий суверенитетнинг амал қилиши ҳисобланади.

Ўз иродаси билан ўзининг миллий давлатини ташкил этган халқ эндиликда *давлат суверенитетига* эга бўлади ва бундай давлат суверен давлат тариқасида халқаро ҳамжамият давлатлари томонидан бирин-кетин тан олинади. Ўзбек, қорақалпоқ миллатларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Давлат суверенитети давлат ҳокимиятининг уч хусусияти, яъни ушбу ҳокимиятининг мазкур ҳудудда энг олийлиги, унинг ягоналиги ва мустақиллиги билан ажралиб туради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда давлат суверенитетининг ягона моҳиятини билдиради.

Давлат ҳокимиятининг энг олийлиги деганда, унинг шу давлатнинг бутун ҳуқуқий тизимини мустақил равишда белгилаши, шунинг асосида давлатда умумий ҳуқуқий тартиб ўрнатилиши, давлатнинг органлари, жамоа бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустақил равишда белгилаши тушунилади. Давлат ҳокимиятининг энг олийлиги давлатнинг ўзи мустақил қабул қилган конституциясида ва бошқа давлат органлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади.

Давлат ҳокимиятининг ягоналиги деганда, унинг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги, давлат ҳокимиятининг халқ иродасини ифодалаши, унинг манфаатларига хизмат қилиши ва фақат конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши тушунилади. Конституцияда кўзда тутилмаган ҳолларда эса, давлат ҳокимияти вакола-

¹ Қаранг: А. И. Лепешкин. Советский федерализм. — М., 1977. — 253—254-б.

тини ушлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тухтатиш ёки тугатиб қуйиш, давлат ҳокимияти органларига параллел равишда янги тузилмалар ташкил этиш Конституцияга хилоф ҳисобланиб, қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси).

Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги деганда, давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатларида халқаро ҳуқуқ нормалари асосида мустақил равишда иш олиб бориши тушунилади¹. Давлат суверенитетини ва уни ҳимоя қилиш ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Бу, энг аввало, Ўзбекистон халқининг давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил қилиши, республика Президентини сайлаши ва бу органлар орқали ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини шакллантиришидир.

Давлат суверенитетини амалга ошириш ва уни ҳимоя қилиш шаклларида яна бири республиканинг қонун чиқарувчи органи бўлмиш Олий Мажлиснинг Конституция ва қонунлар чиқариш, бошқа давлат органларининг ҳуқуқий нормалар яратиш соҳасидаги фаолиятидир.

Давлат суверенитетини ҳимоя қилиш ва уни амалга ошириш республикани ҳарбий мудофаа қилиш йўли билан — унинг қуролли кучлари орқали, дипломатик йўллар билан — Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз орқали, иқтисодий йўл билан — Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа давлат ижроия ҳокимият органлари, республика иқтисодини ташкил қилиш ва уни бошқариш орқали амалга оширилади.

Давлат суверенитетини ҳимоя қилиш функцияси республика Миллий хавфсизлик қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, суд ва прокуратура органларига топширилган.

Шундай қилиб, давлатнинг суверенитети уни ташкил этувчи ҳокимият органлари, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органларининг ваколатлари ва уни бажариш соҳасидаги фаолияти орқали амалга оширилади.

¹ Злотопольский Д. Л. СССР — федеративное государство. — М., 1967. — 207—908-б.

3. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари ва рамзлари

Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб мустақиллик тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйди. Мустақиллик тўғрисидаги бу ғоялар ўша йилларда республикамизда қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган¹.

1990 йилнинг март ойида республика Олий Кенгаши ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг истиқболдаги фаолият дастури ва республика иқтисодий, ижтимоий-маънавий мустақиллигининг асосий концепцияларини қўриб чиқди ва маъқуллади. Мазкур концепцияларда Ўзбекистоннинг мустақил давлат эканлиги, республиканинг барча бойлиги, жумладан, ер, ер ости бойликлари, табиий заҳиралар, маданий ва тарихий бойликлар унда яшаб турган халқларнинг миллий мулки эканлиги эълон қилинган эди.

1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессияси Мустақиллик тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон мустақиллигининг асосий принциплари — республика қонунларининг унинг ҳудуди ва чегараларида устунлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, ўз тараққиёт йули, ўз номи, давлат рамзларини белгилаш ва бошқалар ифода-лаб берилди. Республика Олий Кенгаши ўзининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида СССР сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олиб, Ўзбекистон халқлари тақдирини ўйлаб ва Мустақиллик тўғрисидаги декларацияни амалга ошириб, Ўзбекистон давлат мустақиллигини тантанали равишда эълон қилди ва «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди². Олий Кенгашнинг кейинги сессиясида бу қонунга конституциявий қонун мақоми берилди. Профессор А. Х. Саидов айтганидек, мазкур қонун 1992 йилнинг де-

1. *Агзамходжаев А.* Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан. — Т., 1993. — 44-59-б.

² ЎзССР Олий Совети Ведомостлари. — 1991, № 11, — 245-б.

кабрига қадар Ўзбекистоннинг муваққат Конституцияси мақомини бажарди¹.

1991 йилнинг 29 декабридаги референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатимизнинг мустақил ривожини учун овоз берди ва тарихимизда биринчи марта умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан республика Президентини сайлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси демократик жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатини, унинг суверенитетини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Конституцияси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда ифодаланган аънаналарни давом эттирди. Мазкур аънаналарга кўра, халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи сифатида таърифланади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият олдига конституциявий даражада ўзининг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини мустаҳкамлади. Бу эса ёш мустақил Ўзбекистон давлатининг энг нуфузли халқаро уюшмаларга кириши учун имконият берди. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бу амалда бизнинг халқаро майдонда тан олинимишга ва халқаро иқтисодий муносабатларга киришимизга йўл очиб берди.

Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳамда Хельсинки жараёнининг қатнашчисидир. Ўзбекистон Республикаси 170 дан ортиқ давлат томонидан тан олинган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний қадриятлар устунлик мавқеига эга бўлди.

Суверен давлат сифатида Ўзбекистон Республикасининг қандай давлат-ҳуқуқий белгилари бор, улар нималарда ўз аксини топади? Бундай давлат-ҳуқуқий белгилар қуйидагилардан иборат.

1. Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясини мустақил равишда қабул қилди. Бу Конституция республикадаги ижтимоий-сиёсий тузумни, ўз фуқаролари ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишини, давлат органлари тизимини ва тузилиш принципларини белгилайди.

2. Ўзбекистон суверен давлат сифатида ўз ҳудудида давлат ҳокимиятини мустақил амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасига муво-

¹ Саидов А. Х. Мустақиллик қомуси. — Т., 1993. — 7-6.

фиқ, республиканинг давлат ҳудуди ва чегараси дахлсиз ва бузилмасдир, у давлат ҳимоясидадир. Давлат ҳудудининг яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлиги ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидандир. Бу соҳадаги барча ўзгаришлар халқ референдумидан, халқнинг хоҳиш-иродаси билдирилганидан кейин қонуний асосда киритилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети унинг бутун ҳудудига тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг бутун мамлакат ҳудудида устунлиги республика ҳуқуқий тизимининг бирлигини, қонунларнинг мувофиқлигини ва барқарорлигини таъминлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси ўз еридан, ер ости бойликларидан, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳираларидан фойдаланишни ўзи мустақил белгилайди ва уларни муҳофаза қилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат ҳуқуқий белгиларидан яна бири ўз давлат фуқаролигининг мавжудлигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VI бобида айтилишича, республика фуқароликни Инсон ҳуқуқлари декларациясига мувофиқ равишда белгилайди. Бу ҳол Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини белгилашда ва мустақамлашда жуда катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон фуқаролари чет элларда суверен Ўзбекистон давлатининг ҳимоясида бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида ўзининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тизимини мустақил равишда белгилайди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз Конституцияси асосида янги давлат органлари тизимини шакллантирди ва жараён ўз маромида давом этмоқда. Ушбу органлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари белгилаб берган ваколатлар доирасида ва асосида амал қилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикасининг суверен мустақиллик белгиларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги модданинг Конституцияда белгиланганлигидир. 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири эди. Конституцияга асосан ўзбек тили давлат ҳимоясига олинган. Бугун сал бўлмаса унутаёзган тилимизни фаол тикламоқдамиз. Мазкур йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда: қонунларимиз, давлат ҳужжатлари,

илмий асарлар, дарсликлар, ўзбек тилида қонунларимиз ёзилмоқда.

2005 йилга қадар ўзбек ёзуви лотин алифбосига кўчарди. Бу билан бизга жаҳон маданияти ва ахборотидан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун кенг имкониятлар очилади. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва узига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш муҳим вазифадир. Шу билан бирга, республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва тилларига ўзаро ҳурмат муносабатида бўлиш конституциявий талаблардандир. Бунинг учун кенг ва етарли шарт-шароитлар яратилган. Турли халқларнинг республикамизда ишлаб турган етмишдан ортиқ миллий маданий марказларини бунинг мисоли сифатида кўрсатиш мумкин¹.

7. Ўзбекистон Республикасининг ўз миллий армияси ва давлат бюджетига, ўз пул бирлигига эгаллиги ҳамда эмиссия ҳажмини мустақил белгилаши ҳам унинг суверенитети белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

8. Ўзбекистон суверенитетнинг давлат рамзлари ҳам мавжуд. Улар Конституциямизнинг 5, 6-моддаларида белгилаб қўйилган бўлиб, уларга, асосан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланган давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳияси киради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Республика Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган. Бу байроқ республиканинг тарихига хос энг яхши анъаналар билан бир қаторда бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий хусусиятини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаворанг бўёқ — зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек, ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзи.

Оқ ранг — тинчлик ва поклик, ёш мустақил давлатимиз ошиб ўтиши лозим бўлган довондаги йўлнинг ёрқин ва чароғон бўлиши учун эзгу ният тимсоли.

Байроқнинг қизил рангдаги йўллари ҳар бир тирик жон қон томирида жушиб турган ҳаётий кучнинг, барҳаётликнинг рамзидир.

¹. Тожионов У. Т. Истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизи. — Т., 1994. — 11-б.

Яшил ранг — табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзи.

Байроқдаги ярим ой ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Чунончи, ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. 12 рақами қадимдан халқимиз учун мукамаллик тимсоли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам байроғимизга ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган.

Давлат байроги бизнинг кўҳна ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва буюк келажагимизнинг рамзидир.

Ўзбекистоннинг Давлат герби 1992 йил 2 июлда республика Олий Кенгашининг сессиясида тасдиқланган. Гербимиз марказида қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Гербнинг юқори қисми Ўзбекистоннинг собит ва барқарорлиги рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган.

Қуёш тасвири — ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ният рамзи. Гербдаги бошоқлар — ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалланнинг, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари серқуёш Ўзбекистон бойлигининг тимсоли.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси 1992 йилнинг 10 декабрида Республика Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган.

Мадҳия матнида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, унинг серқуёш ўлка эканлиги, элга бахт, дўстларга йўлдош ва меҳрибонлиги, халқсеварлиги сингари ўлкамизга шон-шуҳрат келтирадиган қадриятлар тараннум этилган. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳридир. Ҳар бир давлат ўз пойтахтига эга бўлади. Пойтахт шаҳар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир: унда давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиғининг қароргоҳи, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашади, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тадбирлари амалга оширилади.

Тошкент — қадимий, икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган йирик шаҳар. Унинг икки миллиондан зиёд аҳолиси, замонавий бинолари бўлиб, илм-фан, маданият маркази ҳисобланади, унда кўплаб халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий анжуманлар ўтказилади.

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

1. Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга оширишнинг асосий шакллари

Халқ ҳокимиятчилиги Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принципларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига асосан, халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир. Давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради.

Халқ ҳокимиятчилиги деганда, Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли эканлиги, давлат халқ иродасини ифодалаш ва унинг манфаатларига хизмат қилиш лозимлиги, давлатнинг олиб бораётган сиёсати фақат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги тушунилади.

Халқ ҳокимиятчилиги Ўзбекистон Республикасида ҳокимият фақат Конституция ва қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идоралар орқалигина амалга оширилишини билдиради. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади.

Давлат ҳокимиятининг ваколатларини Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ҳамда ҳокимият органларига параллел равишда янги тузилмаларни ташкил этиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шунинг учун ҳам республикада халқнинг ўзи томонидан, унинг манфаатини кўзлаб тузилган органлар фаолият кўрсатиши мумкин, яъни ҳокимият фақат халқники.

Халқ ўз тақдирининг эгасидир. У — бутун моддий бойликларнинг ва маънавий қадриятларнинг эгаси. Халқ давлат ишларини ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Халқ ҳокимиятчилиги Ўзбекистон Республикасида турли шаклларда амалга оширилади. Халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг асосий шакллари — бу вакиллик демократияси. Бунда Ўзбекистон халқи ўз ҳокимиятини вакиллик органларига сайланган депутатлар орқали амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, республика Президенти ва халқ депутатла-

ри вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини, ўзини ўзи бошқарувчи органларни халқнинг ўзи сайлайди ва улар, ўз навбатида, халқ номидан фаолият кўрсатадилар.

Халқ томонидан бевосита сайланмайдиган идоралар ва мансабдор шахслар юқорида кўрсатилган халқ сайлаб қўйган органлар томонидан ёки республика Президентининг фармониغا асосан ташкил этилади ёки тайинлаб қўйилади.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда вакиллик демократияси янада чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Халқ томонидан сайлаб қўйиладиган давлат органлари бевосита халқ олдида жавобгардирлар ва унинг иродасини ифодалайдилар. Шунинг учун ҳам сайлаб қўйиладиган давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актларнинг бажарилиши ҳамма учун мажбурийдир.

Халқ ҳокимияти амалга оширилишининг яна бир шакли бевосита ёки туғридан-туғри демократия ҳисобланади. Халқ ҳокимиятчилигининг бу шакли — халқнинг давлат органларини тузишда ва уни бошқаришда туғридан-туғри қатнашишини билдиради. Халқ ҳокимиятчилигининг бу шаклда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бевосита демократия қўйидаги кўринишларда намоён бўлади.

1. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади ва халқнинг фикри аниқланиб қарор қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига биноан, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига тақдим этилади. Республикада энг муҳим қонунларнинг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясининг лойиҳаси икки мартаба республика ва вилоят рўзномаларида эълон қилиниб, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва халқнинг таклифлари, истаклари аниқланди. Конституция лойиҳасининг муҳокамаси барча меҳнат жамоаларида, корхоналар, ўқув юртларида, идоралар ва вазирликларда, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишларида, матбуот, телевидение ва радиода, жамоат уюшмаларида ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтди. Конституция комиссияси умумхалқ муҳокамаси натижаларини умумлаштириб, Конституция лойиҳасига ўзгар-

тишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритди. Бундай тажрибалар фақат Конституция қабул қилишда эмас, балки барча муҳим қонунларни қабул қилишда, Республика Олий Мажлисининг қонун чиқариш фаолиятида қўлланилади;

2. Халқ Ўзбекистон Республикасида референдум орқали ўзининг иродасини ифода этади. Референдум давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ўзбекистон Республикасида бир неча бор референдум ўтказилди. Масалан, 1991 йилнинг 30 декабрида ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. 1995 йил 26 мартда республикада ўтказилган референдум республика Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган бўлиб, бу саволга овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди.

Референдум республикада амалга оширилаётган ишларни, ижтимоий-иқтисодий сиёсатни халқ қандай баҳолаётганлигини кўрсатади. Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдумни ўтказиш, унга қўйиладиган масалалар, референдум ўтказиш тартиби, унинг қарорини эълон қилиш ва кучга киритиш масалалари 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми туғрисида»ги қонунда мустақкамланган;

3. Ўзбекистон Республикаси депутатларининг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари ва учрашувларини ҳам халқ ҳокимиятчилигини бевосита амалга ошириш шакли сифатида кўрсатиш мумкин. Бунда халқ ўз депутатларининг халқ депутатлари Кенгашларида қандай ишлаётганликларидан хабардор бўладилар ҳамда депутатларга ўз талаб ва истакларини билдирадилар;

4. Халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг яна бир кўриниши халқнинг муайян жамоат бирлашмалари хусусан касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа ташкилотлар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишидир. Масалан, сиёсий партияларнинг республика Олий Мажлиси сайловларида ўз номзодларини кўрсатиши ва сайлаши, Олий Мажлис

ишида партия фракцияларининг иштирок этиб, қонун чиқаришда ўз сиёсатларини ўтказишга ҳаракат қилишлари шулар жумласидандир.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасига биноан, Ўзбекистон халқи номидан давлатнинг фақат икки органи иш олиб бориш ҳуқуқига эга: Олий Мажлис ва республика Президенти. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳам халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йули билан сайланади. Халқ худди шу йул билан Олий Мажлисга ва Президентга ўз ваколатини беради. Конституцияда кўрсатилган мазкур икки давлат органидан бошқа ҳеч бир гуруҳ — сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Шу уринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биринчи бор «Ўзбекистон халқи» тушунчасига таъриф берилган. Конституциянинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», — дейилган. Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принцига асосланади. Ҳокимиятнинг бўлиниши принци демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шартидир. Мазкур принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шарт-шароит яратади. Бу принципнинг Конституцияда мустаҳкамланганлиги демократик ҳуқуқий давлат сари қўйилган дастлабки муҳим қадамлардан биридир.

Ҳокимиятнинг бўлиниши назариясининг алоҳида ва яхлит таълимот сифатида яратилиши XVII—XVIII асрдаги буржуа инқилоблари даврига тўғри келади. Бу таълимотнинг асосчилари Жон Локк ва Шарл Монтескьелар бўлиб, уларнинг фикрича, ҳокимият қонун чиқарувчи,

ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлингани ва уларнинг ҳар бири ўз фаолиятининг хусусиятига мувофиқ алоҳида мустақил орган томонидан амалга оширилгани маъқул¹.

Собиқ социалистик давлат ва ҳуқуқ назарийтчилари атайлаб ёки билиб-билмай «ҳокимиятлар тақсимланиши» таълимотига нисбатан салбий муносабатда бўлдилар. Совет Иттифоқи мавжуд бўлган давр мобайнида давлат тизими, шунингдек унга хизмат қилувчи фан Ленин томонидан яратилган ва бу таълимотга қарама-қарши бўлган концепцияга асосланди. Амалда эса барча муҳим давлат қарорларини ягона ҳукмрон коммунистик партия қабул қилиб, сўнг уларни қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ёхуд суд органлари орқали расмийлаштирар эди².

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан сўнг, ўз давлатчилигини режалаштиришда ҳокимиятнинг бўлиниши принципига амал қила бошлади. Республика Президенти И. А. Каримов давлатнинг янгиланиш йуналишларини белгилаб, шундай деган эди: «...Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир»³.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи ўзининг қонуний ифодасини топган. Конституциянинг 11-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципининг талабларига биноан, давлат ҳокимиятида ваколатлар, турли давлат органларига, чунончи, қонунчилик ваколатлари — республика Олий Мажлисига, ижроия ваколатлари — республика Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасига, судлов ваколатлари эса — суд органларига тақсимлаб берилган.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонунчилик соҳасида

¹ Қаранг: *Одилқориев Х.* Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ва Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви //Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. — Т., 1995. — 74-91-б.

² Қаранг: *Ўша асар*, —79-б.

³ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йули. — Т., 1992. — 8-б.

барча ваколатларга эга. Олий Мажлис бевосита халқ томонидан сайланадиган ва қонун чиқариш фаолиятини амалга оширадиган бирдан-бир умуммиллий вакиллик органи ҳисобланади. Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолияти, ўз аҳамиятига кўра, у амалга оширадиган бошқа ваколатлар орасида устун ҳисобланади. Республика Олий Мажлиси баъзи бир қонуларнинг бажарилишини назорат қилиш функциясини ҳам амалга оширади (Конституциянинг 78, 86 ва 93-моддалари).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Республика Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. У фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир; Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Республика Президентининг ваколатлари Конституциянинг 93-моддасида таърифланган. У давлат раҳбари сифатида халқаро муносабатларда юқори вакилликни олиб боради, музокаралар ўтказди, битим ва шартномаларни имзолайди, республика томонидан имзоланган ҳужжатларга риоя этилишини таъминлайди.

Президент республикамизнинг чет эллардаги дипломатик вакиллари тайинлайди, чет эл дипломатик вакиллари қабул қилади.

Давлат раҳбари тариқасида Президент ҳар йили Олий Мажлисга ички ва ташқи халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади.

Президент давлат бошлиғи сифатида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини уйғунлаштиради. У ўз ваколатларини халқдан олади, шу боис ўз имзоси билан халқ иродаси ва истагини акс эттирувчи қонунни имзолайди. Конституцияда республика Президентининг ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатидаги ваколатлари ҳам мустаҳкамланган (93-модданинг 9, 12, 13-бандлари). Ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлган Президент ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқарувнинг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни республика Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Президент ижроия ҳокимиятининг бошлиғи си-

фатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзоларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Шунингдек, Президент Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Ўзбекистон Республика ижроия ҳокимияти тизими таркибига, Президентдан ташқари, Республика Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимликлар ва ижро этувчи бошқа органлар киради.

Ҳокимият бўлиниши принципига асосан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XX бобида суд ҳокимияти тузилишига алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, Конституциянинг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, деган норма мустаҳкамлаб қўйилган. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди томонидан амалга оширилади ва улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Ҳокимият бўлиниши нуқтаи назаридан қараганда, Конституциянинг Ўзбекистон Конституциявий суднинг ташкил этилишига, унинг асосий вазифаларига доир 108-моддаси ғоят муҳим аҳамиятга эга. Конституциянинг 109-моддасида белгиланган Конституциявий суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг қатъийлиги ва улар юзасидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидалар ҳам алоҳида ҳуқуқий аҳамияти билан ажралиб туради. Шунингдек, Конституциявий суд аъзолари ўз фаолиятида мустақил эканликлари ва фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунушлари тўғрисидаги қоидалар конституциявий аҳамиятга эга¹.

Олий суд, Олий ҳужалик суди ва улар тизимидаги судларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, судьяларнинг дахлсизлиги, уларнинг Олий Мажлис ва бошқа вакиллик органларига

¹ Азизхужаев А. А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси // Ҳаёт ва қонун. 1994. 2-сон. — 3-7-б.

депутат булолмасликлари тўғрисидаги қоида суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос бўла олади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамланган ҳоқимиятнинг тақсимланиши принципи Ўзбекистонда ягона давлат ҳоқимиятини ташкил қилишга, учала ҳоқимият органларининг ўзаро уйғунликдаги фаолият воситалари мазкур органларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтиришга қаратилгандир.

3. Халқ ҳоқимиятчилигини амалга оширишнинг шарт-шароитлари

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаёти ва сиёсий тизимлари мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳоқимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий партиялар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги конституциявий йул билан эътироф этилган.

Маълумки, шўролар ҳоқимияти даврида ижтимоий ҳаётга, давлатга баҳо бериш партиявий, синфий манфаатларга хизмат қилиш нуқтаи назаридан қаралар эди. «Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждолларини билмайдиган манқуртларга таянар эди... Бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди, яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда турар эди»¹.

Республика иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида кейинги йилларда юз берган тарихий воқеалар етмиш йилдан ортиқроқ ҳукм сурган коммунистик мафқура, синфийлик, яккапартиявийлик иллатларини тугатди, миллий онгни қайта уйғотди, миллий қадриятларни тиклаш учун ҳаракат бошланди. Маънавиятни мафқуравий якка ҳоқимликдан озод этиш мафқурани мутлақо инкор этишни англамайди. Мафқурасиз маънавият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай мафқура муайян гуруҳлар манфаатидан келиб чиқади. Мафқурада мақсад белгиланади, мақсадга эришиш йўллари, усуллари, восита-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. — 8-б.

лари, таянч кучлари аниқланади. Буларнинг ҳаммаси республикада миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўйди. «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмайлик. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши лозим»¹.

Миллий истиқлол мафкураси — жамиятдаги руҳий вазиятнинг кўрсаткичи, ундаги хоҳиш-ироданинг намоён бўлишидир, айти замонда у жамиятдаги барча кишиларни — миллат ва элат вакилларини, ижтимоий-сиёсий куч ва гуруҳларни бирлаштирувчи омил ҳамдир.

Миллий истиқлол мафкураси — бу мустақил миллий давлатчилик қуриш учун амалга оширилаётган ва узоқ муддатга мўлжалланган ислоҳотлар, буюк келажакимизга ишонч руҳида суғориладиган тақдириломон ғоялар ҳамда ҳаракатлар мажмуидир².

Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш назарий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Чунки, маънавий соғлом инсонларгина баркамол жамият қуриш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбек халқи бошқа миллатлар орасида ўзининг асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк аждодларимиз умумбашарий маърифатпарварликни бино қилишда бевосита иштирок этганлар. Бу билан улар жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшганлар. Ўтмишдошларимизнинг бой маданий меросидан ижобий фойдаланиш миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш учун катта хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Конституцияси ўзида ифодалаш орқали республика халқларининг эрки, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Энг аввало, у халқро ҳу-

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т., 1993. — 190—191-б.

² Қаранг: Саидов А. Х., Тожихонов У. Т., Тошқулов Ж. Мустақиллик ва ҳуқуқий мафкура. — Т., 1995. — 8-б.

куқнинг умуминсоний қадрияти ва бирламчи ҳуқуқига суянган. Конституцияда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча асосий қоидалари қамраб олинган. Конституцияда кўп миллатли мамлакатимиз мустақкам маънавий ва ҳуқуқий макон эканлиги асосий ғоя қилиб олинган.

Ўзбекистонда чинакам демократиянинг зарурий ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийлик принципи амалда шаклланмоқда. Республика Олий Мажлисига ва вилоят, туман, шаҳар депутатлар Кенгашларига сайловлар ҳам, Президент сайлови ҳам кўппартиявийлик асосида ўтказилди.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари сингари умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон Конституциясида мустақкамланган ва у миллий давлатчилигимиз манфаатларига тўла мос келади. Инсоннинг энг асосий ва муқаддас ҳуқуқи — бу унинг тинч яшаш ҳуқуқи. Давлат ва жамиятнинг бурчи эса мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдир. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш давлат ва жамиятни дамократлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари конституция ва амалдаги барча қонунлар тизими ҳамда давлат органлари томонидан ҳимоя қилинди.

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири — бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат ўтказишдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундирилган.

Ўзбекистон ижтимоий адолат жамиятидир. Шу боис, республикада ўтказилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдир.

Бу борада аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш—ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий адолатли давлат қурилаётган экан, ҳар бир фуқарога унумли ва ҳалол меҳнат қилиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб берилмоғи зарур.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқич, яъни ижтимоий ҳимоялаш воситасини чуқурлаштириш, уни ўзгариб бораётган шароитларга мослаштириш зарурати туғилди. Шундай бир восита зарурки, бунда аҳолининг турмуш даражаси ишончли равишда ҳимоя қилинган, кафолатланган бўлиши лозим.

Маълумки, ижтимоий адолат принциплари авваламбор оилада қарор топиши керак. Чунки оила жамиятнинг негизидир. Бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндошуруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса олий даражадаги маънавий қадриятдир.

Юқорида айтилганидек, давлат ўз фаолиятини инсонлар ва бутун жамиятнинг порлоқ келажагини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширмоқда. Шу пойдевор устида республикамизда янги ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Унда қонунга буйсуниш ва барқарорлик тараққиётнинг асосий шарти бўлади.

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

1. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи тушунчаси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишини эълон қилди. Бунини Конституция ва қонуннинг жамиятдаги бошқа ҳуқуқий нормалардан устунлиги ва мустақам нуфузга эга бўлишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилашда беш асосий принципдан бири сифатида Конституция ва қонуннинг устунлиги принципини кўрсатган эдилар. Қонуннинг жамиятдаги ролини оширишнинг бирдан бир йўли ҳуқуқий давлат қуришдир.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципидан чекинилган, ҳукмрон партиянинг кўрсатмалари ва йўл йўриқлари асосида иш юритилган. Партиянинг иродаси қонунлар ҳокимияти ўрнини босар эди. Мамлакатимиз ўзининг истиқлол йўлига кириши билан демократик жараёнлар жадаллашди, ҳуқуқий давлат қуриш тамойиллари ишлаб чиқилди, қонунга итоаткорлик эса ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми сифатида баҳолана бошланди¹.

Жамиятда қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг бош мезонидир. Бундай жамиятда оддий фуқародан тартиб Президентгача ҳамма қонун талабларини бажариши шарт.

Конституция ва қонун жамиятда олий юридик кучга эга. Бу республикада олий давлат ҳокимият органидан ташқари ҳеч бир органнинг қонун чиқариши ёки унга ўзгартиш киритиши мумкин эмаслигини билдиради. Давлат аппаратининг барча ижро органлари фақат қонунга мувофиқ бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қиладилар. Конституция ва қонунлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишда давлатнинг асосий қуролига айланади, давлат ҳуқуқий тизимининг асосини ва ҳуқуқ манбаини ташкил этади. Конституция ва қонунларга риоя қилиш, уларга ҳурмат билан қараш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Қайси бир давлатда қонунга ҳурмат бўлса, уларнинг бажарилиши яхши йўлга қўйилган бўлса, шу мамлакатда тартиб, интизом бўлади.

2. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонуннинг устунлиги принципини амалга ошириш кафолатлари

Мамлакатимизда кўрилаётган амалий чоралар туфайли давлат томонидан қонунчилик таъминланмоқда. Амир Темур ўз тузукларида тегишли тартиб ва қонунга амал этиш унинг тақдири ва ютуқларининг асоси ҳамда таянчи бўлиб хизмат қилишини ёзган эди. Қонунларнинг сўзсиз амал қилишига ишончсизлик жойлардаги ижроия ҳокимиятлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига маънавий салбий таъсир қилиб, уларни ҳуқуқий ночор ҳолга солиб қўяди.

¹ Тожихонов У. Қонунга итоаткорлик — ҳуқуқий маданиятнинг муҳим хусусияти // Халқ сузи. 1996. 12 март.

Республика Президенти И. А. Каримов 1996 йил бошларида Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятининг фаоллари билан бўлган йигилишларда сўзлаган нутқларида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳуқуқбузарлик иллатига чалинганликларини куйиб-пишиб гапирган эди. Зеро, ҳуқуқий давлат куриш жараёнида раҳбар ходимларнинг қонунга бўйсунушлари айниқса катта аҳамиятга эга. Чунки халқ жойлардаги ҳар бир раҳбарга адолатпешалик тимсоли сифатида қарайди. Фуқаронинг ҳуқуқбузарлиги бир марта қораланса, раҳбарнинг қонунга итоатсизлиги ўн бора қораланади. Президент И. А. Каримов оддий фуқаро аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беришини, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланишини, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етишини таъкидлаб ўтган эдилар.

Шунинг учун қонунларнинг ижросини уюштирувчи ва назорат қилувчи идоралар ходимларининг қонунларга бўйсунуши, уларнинг ҳар бир бандига, ҳар бир сўзига оғишмай амал қилиши долзарб масала бўлиб қолди. Конституция ва қонунлар ҳамма учун баробар хизмат қиладиган умумий тартиб ўрнатадиган асосий омилдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларга эътибор бериш, уларнинг халқ орасида обрўини тиклаш ва энг муҳими, давлатни идора қилишда фақат Конституция ва қонунларга биноан иш юритиш келажакда Ўзбекистоннинг ривожланишига, унинг ҳуқуқий, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги деганда нима тушунилади? Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III бобида кўрсатилишича, Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи бу, биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъий ҳукмронлигини яъни ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунуш мажбуриятидан холи бўлиши мумкин эмаслигини; иккинчидан, асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинишини, унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилишини; учинчидан, ҳуқуқий нормаларни

татбиқ этишда Конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туришини; тўртинчидан, давлат органлари ҳуқуқий нормалар яратишда фақат Конституция ва қонунга асосланишлари ҳамда бу нормалар тўла равишда қонунга мувофиқ ишлаб чиқилмоғи лозимлигини билдиради.

Давлат ижроия органлари қонунларга қўшимчалар эмас, балки мазкур қонунларнинг ижросига оид ҳужжатларни қабул қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бирорта ҳам қонидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини махсус тарзда муҳофаза қилиш мақсадида давлат органлари тизимида илк бор Конституциявий суд жорий қилинди. Конституциявий суд тўғрисидаги қоидалар Конституциянинг 108—109-моддаларида ва 1995 йил 30 августда чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда ифодаланган. Уларга асосан, Конституциявий суд бутун республикада чиқадиган қонунларнинг, Президент фармонларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, ҳокимлар қарорларининг ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган шартномаларининг Ўзбекистон Конституцияси нормаларига мослигини назорат қилиб туради ва улар Конституцияга зид бўлган тақдирда, уларни бекор қилади.

VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги конституциявий асослар

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида, 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган.

Умуман олганда, истиқлол ҳар бир суверен давлатга ўз миллий манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш имконини беради. Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси олдида ҳам умумжаҳон жараёнларига ва халқаро ҳаётга қўшилиш йўлларини танлаш масаласи вужудга келди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ва фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни баргараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим восита-сидир¹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз ташқи сиёсатини мустақил юргизиш учун реал имкониятлар пайдо бўлди. Эндиликда бу сиёсат ташқаридан белгиланмасдан, чинакамига Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига, шарт-шароитлари ва имкониятларига жавоб берадиган тарзда шакллантирилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ташқи сиёсат йўналишлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш давлат фаолиятининг амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Чунки собиқ Совет Иттифоқи таркибида Ўзбекистон бундай ташқи сиёсат юргизиш, халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум эди. Эндиликда эса мустақил Ўзбекистоннинг ҳар тарафлама асосланган ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш республика раҳбарияти, хусусан Президентнинг, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий муносабатларга ваколатли давлат органларининг бевосита вазифасига айланди.

Президент И. А. Каримовнинг асарларида ушбу сиёсатнинг асосий принциплари, фаолият йўналишлари аниқ ва равшан ифодалаб берилган². Улар қуйидагилардан иборат.

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади — миллат ва давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш. Бунда Ўзбекистон умумий манфаатларни ҳам ҳар томонлама ҳисобга олади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ман-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули. — Т., 1992. — 24-б.

² Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули. — Т., 1992. — 25—40-б.

фаатлари халқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари фаолиятини белгилаб бераётган кучдир.

2. Ўзбекистон одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади. Унинг тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади.

4. Мафкуравий қарашларидан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

5. Ўзининг миллий ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган мустақил Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички миллий қонунлардан устунлигини тан олади.

6. Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик қатнашчиларининг тенг ҳуқуқлиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ўз ҳиссасини қўшмоқда.

7. Иқтисодий омиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқшини таъминлашнинг, жаҳондаги мавқеининг мустаҳкамланиши ва миллий валютаси тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади.

8. Ўзбекистон ўзининг дунё мамлакатлари билан муносабатларини, бу мамлакатларнинг мафкураси қандай бўлишидан қатъи назар, фақат халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қуриб келмоқда.

Давлатлараро муносабатлар соҳасида ягона ғоя амал қилиши лозим. Бу ғоянинг маъноси шуки, биргаликда тинч ҳаёт кечирishi, ҳамкорликка интилиши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, турли нуқтаи назар ва фикрларга бардошли бўлиши принципларини ўзида акс эттирган қонунлар устун бўлмоғи лозим¹.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилмоқда, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этмоқда.

2. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси мустақил ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асослари республикамиз Конституциясидан ўрин олган. Махсус «Ташқи сиёсат» бобида эса республиканинг бу соҳадаги асосий принциплари, фаолият йўналиши, мазмуни, асосий мақсади ва вазифалари баён этилган. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Давлатларнинг суверен тенглиги. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик қоидалари заминиде олиб боради. Бизнинг шиоримиз — «тенглар орасида тенг бўлиш».

2. Куч ишлатмаслик ёхуд куч билан таҳдид қилмаслик. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳужум қилмаслик, низоли муаммоларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиши тўғрисидаги халқаро ҳужжатларини тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ўзга давлатларнинг ҳудудлари яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлигини тан олади.

4. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан муносабатларда чиқиши мумкин бўлган низоларни тинч, сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон фуқаролар ва давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қуйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳ-

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. — 67-б.

камлаш учун, можароларни тинч йул билан ҳал этиш учун курашади.

5. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига оғишмай риоя қилади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг барча мамлакатлар эътироф этган қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган Ўзбекистон ташқи сиёсатида, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳуқуқ қоидалари ва принципларининг устунлигини тан олади. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан тўла ишончли негизида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатларни ўрнатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз халқининг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик уюшмаларига ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан чиқиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари тан олди. Юздан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди¹. Бу давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, техникавий ва маданий соҳаларда алоқалар ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 2 мартида халқаро ҳуқуқнинг тўла ваколатли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзоликка қабул қилинди ва Парламентлараро иттифоқнинг аъзоси бўлди. Республикамиз ҳозирда 20 дан ортиқ халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг аъзосидир.

Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг якунловчи ҳужжати ва Париж Хартиясига имзо чекиб, Хельсинки Шартномаси мажбуриятларига қўшилди. Мазкур шартномаларга қўшилиш Ўзбекистон тараққиётида янги мазмунга эга бўлган муҳим босқични бошлаб берди. Бу эса халқаро, сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда тенг ҳуқуқлилик асосида фаол ҳамкорлик қилиш имкониятларини вужудга келтирди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини эгалламоқда. Халқаро ташқи-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.-Т., 1995. — 65-6.

лотлар республика иқтисодиётини қайта қуришга кумаклашадиган энг самарали ҳамкордирлар. Улар кредит олиш, хорижий сармояларни туғридан-туғри жалб этиш, республиканинг жаҳон бозорида олға силжишида беқиёс ёрдам кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки миллий хавфсизлигимизнинг, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гаровидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар ва бутун халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ўз ташқи сиёсатини ривожлантириб бормоқда.

ТўРТИНЧИ БЎЛИМ

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари тушунчаси

Конституциявий ҳуқуқ фанининг асосий муаммоларидан бири шахснинг муайян давлатдаги ҳуқуқий ҳолати масаласидир. Бу муаммо бир неча масалаларни ўз ичига олиб, уларнинг ҳар бири фан учун ва ижтимоий амалиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда гап жамиятимизда шахснинг ҳолати, унинг эркинликларини таъминлаб берувчи шарт-шароитлар тўғрисида боради.

Инсон — ижтимоий мавжудот, у муайян ижтимоий муҳитда яшайди, оиланинг меҳнат жамоасининг аъзоси, маълум ижтимоий гуруҳ, миллатнинг вакили ҳисобланади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши шахс ҳолатининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Эркинлик шахсга хос хусусиятдир. Жамият қанчалик юқори даражада ривожланган бўлса, шахснинг эркинлиги шунчалик тулиқ, кенг бўлади. Собиқ Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистонда шахснинг эркинлиги фақат Конституция ва қонунларда расмий равишда ёзилган бўлиб, амалда эса шахс бундай эркинликдан фойдалана олмас эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, республикада халқ ҳокимиятчилиги принципи Конституция асосида мустаҳкамланди. Бу эса жамиятда шахс эркинлигини амалга ошириш учун барча имкониятларни яратди. Бугун жамиятда шахснинг янги тури шаклланимоқда, энг асосийси жамоа манфаати билан шахс манфаати ўртасида янги мувозанат шаклланимоқда. Бунда жамият ривожланишининг объектив талаби жамоа манфаати, бутун Ўзбекистон Республикаси халқининг, шу жумладан, ҳар бир шахснинг манфаати сифатида гавдаланимоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида кўрсатилишича, «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар».

Маълумки, ҳар бир шахс¹ (фуқаро, ажнабий шахс, фуқаролиги бўлмаган шахс) доимо жамият ва давлат билан муайян муносабатда бўлади. У жамиятга нисбатан шу жамиятнинг аъзоси сифатида, давлатга нисбатан эса унинг фуқароси ёки ажнабий давлатнинг фуқароси сифатида муносабатда бўлади. Унинг жамиятдаги ва давлатдаги ҳолати шу жамиятда у билан жамият ёки у билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Бу алоқалар ва муносабатларнинг моҳияти, яъни кишининг жамиятдаги ҳолати, шу жамиятда ўрнатилган иқтисодий негизлар, ишлаб чиқариш муносабатларининг нисбати билан белгиланади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида кишининг ижтимоий аҳволи шу жамиятнинг иқтисодий негизига, ишлаб чиқариш муносабатларига ва мулкчиликнинг турига қараб белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида жамият, давлат, жамоа ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг асосида барча мулк (давлат, жамоа бирлашмалари ва хусусий мулк)ларнинг тенг ҳуқуқлиги ётади. Давлат уларни бир хилда ҳимоя қилади. Бу эса кишиларга ҳақиқий эркинлик

¹ Шахс билан фуқарони айрим адабиётларда бир хил тушунчалар деб қарайдилар. Бу нотўғри фикрдир. Шахс деганда, маълум давлат ҳудудида яшайдиган барча кишилар, яъни фуқаролар, доимий ёки вақтинчалик яшовчи ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги йўқ кишилар тушунилади. Фуқаро деганда, ушбу давлатга тегишли, у билан барқарор ва доимий ҳуқуқий-сиёсий алоқада бўлган, маълум ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган шахслар тушунилади. Демак, шахс тушунчаси фуқаро тушунчасига нисбатан кенг.

учун, ўз кучини эркин синаб кўриш, ўз имкониятлари ва қобилиятидан фойдаланиш учун тўлиқ шароитлар яратади.

Лекин, шахснинг эркинлиги деганимизда, биз алоҳида шахснинг хоҳлаган, истаган нарсасини қилавериши, ҳеч қандай қонун ва қоидаларни писанд қилмаслиги, ўзбошимчалигини тушунмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасига биноан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида айрим шахснинг манфаати билан жамият манфаати, баъзи гуруҳлар билан миллатнинг манфаатлари бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин, лекин бу ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммодир. Бундай муаммолар ҳар томонлама ўйланган, ҳар бир шахснинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда, асосан бутун республика халқи умумий жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Жамиятнинг, давлатнинг шахслар билан бўладиган ва ҳуқуқий нормалар билан белгиланадиган ўзаро муносабатлари шахснинг ҳуқуқий ҳолати деб аталади.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати нима билан белгиланади?

Шахснинг жамиятдаги ҳолати унинг жамиятдаги ҳуқуқ ва бурчларини белгиладиган бутун ижтимоий нормалар (масалан, урф-одат, одоб, анъаналар, жамоат нормалари ва ҳуқуқий нормалар) билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида шахс билан давлат ўртасида юзага келадиган муносабатлар қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар билан белгиланади.

Бундай муносабатлар киши ҳаётининг асосий томонларини ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими ҳамма тармоқларининг нормалари билан тартибга солинади. Шунинг учун ҳам шахснинг ҳуқуқий ҳолати биттагина ҳуқуқий тармоқнинг эмас, балки бутун республикадаги ҳуқуқ тармоқларининг нормалари билан ўрганилади. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фани шахснинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганишда асосий ўринни эгаллайди.

Жамият ва давлатнинг шахс билан муносабатлари ва алоқаси тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар оддий қонунда эмас, балки фақат Конституция нормаларида ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда, шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ҳолати — бу кишининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ҳолати, унинг жамиятдаги, давлатдаги ўрнидир. Бу нормалар Ўзбекистонда яшовчи шахснинг жамият билан муносабатини, давлат билан муносабатини, уларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Бу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқлари тушунчаси билан инсон ҳуқуқлари тушунчаси ўртасидаги тафовутта тўхталиш жоиз.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари деганда, асосан, ҳар бир давлатнинг қонунларида ўз аксини топган фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисида гап боради. Лекин, фуқаролар ҳуқуқларининг асосийлари конституцияда мустаҳкамланган бўлади. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқлари бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормаларида ҳам ўз аксини топиши мумкин. Шу билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари деган тушунча ҳам бор. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар, биринчи навбатда халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топади, сўнг давлатлар уларни тан олган ҳолда ўз конституцияларида мустаҳкамлашлари мумкин.

Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига нечоғли риоя этилаётганлигига қараб, шу мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрўси ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари белгиланади. 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсоннинг асосий ҳуқуқларига ишончини мустаҳкамлаш ва БМТ принципларини амалга ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди. Бу муътабар ҳужжат ер юзидаги ҳар бир киши асосий ҳуқуқларининг обрўли баёнидир. Унда БМТ уставининг, инсон ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиниши барча ҳукуматлар ва барча халқларнинг муштарак бурчидир, — деган принципи ўз аксини топган. Бу декларация буюк тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, у жаҳон аҳлининг виждони, жамиятлар ва ҳукуматлар позицияларининг нечоғли тўғрилигини ўлчаб берадиган мезондир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кейин ана шу ҳужжатларга ҳуқуқий куч-қудрат бахш этадиган яна уч ҳужжат, яъни Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1996 йил 19 декабрь), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1996 йил 18 декабрь), Фуқаролик ва сиёсий

ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол (1996 йил 19 декабрь) қабул қилинди. Бу ҳужжатлар 1976 йилдан амал қила бошлади ҳамда халқаро ҳуқуқий муносабатларда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билль (қонун) деб атала бошлади¹. Ушбу ҳужжатларга имзо чеккан давлатлар инсониятнинг бутун тарихи мобайнида қайд этилган жамики ҳуқуқларини тан олишлари ва уларга риоя этишлари шарт. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси давлатлар учун тавсия сифатидаги ҳужжат бўлиб, ихтиёрий равишда бажарилади. Бу ҳужжат давлатлар суверенитетини, яъни ўз тақдирини ва ўз ривожланиш йўлини ўзи белгилаш ҳуқуқини чекламайди. Халқаро пактлар ва конвенциялар халқаро шартнома кучига эга ва фақат ушбу пакт ва конвенцияларга қўшилган давлатлар учун мажбурийдир. Бундай шартномаларга қўшилиш ёки қўшилмасликни ҳар бир давлат ўзи белгилайди.

Юқорида кўрсатилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактлар биргаликда давлатларнинг инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг асосини ташкил этади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларнинг моддаларида инсонларнинг ҳуқуқлари аниқ кўрсатилган: яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир; ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни ҳаётдан маҳрум қила олмайди; ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги, унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак; ҳеч ким эркин ҳолатда сақланмаслиги керак; ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас; бирор бир давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга; ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўрсатилишича, барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига, биродарларча муомала қилишлари зарур (1-модда). Ҳар бир инсон яшаш, эркин-

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль. — Т., 1992. — 4-б.

лик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир (3-модда), ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонликка иснод бўлган ёки кадр-қимматни хўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳиқ бўлмаслиги керак (5-модда).

Бу ҳуқуқлар инсонга берилган табиий ҳуқуқлардир. Инсон қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, дунёга келиши билан табиий ҳуқуқларга эга бўлиши шарт. Давлат фақат ўз фуқароларига қўшимча равишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги айрим ҳуқуқларни беради. Бундай ҳуқуқларни давлатлар ўз конституцияларида кўрсатиб қўядилар, керак бўлса ўзгартирадилар. Шунинг учун инсон ҳуқуқларини кенг маънода тушунмоқ лозим.

Ўзбекистон Республикасида бу масала қандай ҳал қилинган? Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро ҳужжатларни тан олиб, уларга содиқ қолишини маълум қилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки барча инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ратификация қилди (тасдиқлади). Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, инсон ҳуқуқларига бағишланган 70 та халқаро ҳужжатдан 35 тасини ратификация қилди. Ўзбекистон парламенти 1993 йил 27 ноябрда қабул қилган «Янги Европа учун» Париж хартияси, 1995 йил 31 августда қабул қилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол, ирқий камситишнинг ҳамма шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар шулар жумласидандир. Ратификация қилинган бу ҳужжатлардаги асосий қоидалар республика қонунчилигида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, инсон ҳуқуқи масалаларига оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Республика Президенти эса шу давр ичида инсон ҳуқуқи масалаларига бағишланган олтмишдан ортиқ фармон қабул қилди.

Республикада инсон ҳуқуқи билан шуғулланадиган бир қанча давлат органлари ва институтлари фаолият кўрсатмоқда. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқи бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг амалдаги қонунлар мониторинги институти ва инсон ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланувчи бир қанча ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари шулар жумласидандир.

Республикада кейинги йилларда БМТ ёки ЕХҲТ ташаббуси билан инсон ҳуқуқларига бағишланган кўплаб анжуманлар бўлиб ўтди.

2. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг таркибий қисмлари

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати бир неча қисмлардан иборат.

1. Давлат билан алоҳида шахснинг ҳуқуқий алоқаси шахснинг шу давлатга мансублиги билан, яъни шу давлатнинг фуқароси бўлиши ёки шу давлат ҳудудидаги ажнабий шахс бўлиб ёхуд фуқаро бўлмаган ҳолда яшаши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси ҳисобланиб, бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун шароитлар яратади, кафолатлар беради, агар бундай ҳуқуқ ва эркинликлар бузилса, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортади.

Демак, шахс ҳуқуқий ҳолатининг таркибий қисмларидан биринчиси шахснинг шу давлат фуқаролигига мансублигидир, чунки шахс билан давлат муносабатининг асоси фуқаролик ҳисобланади. Шахсларга бериладиган ҳуқуқ ва бурчларнинг ҳажми, шахснинг шу давлат фуқаролигига ёки хорижий давлат фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслигига қараб белгиланади. Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тўлиқ тааллуқлидир. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати бошқа ҳуқуқий соҳалар — маъмурий, фуқаровий, оилавий, меҳнат, ер ҳуқуқи соҳаларининг нормалари билан ҳам белгиланади. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳам конституциявий ҳуқуқ фанида ўрганилади.

2. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг иккинчи таркибий қис-

ми шахснинг умумий ҳуқуқий лаёқатидир. Бу таркибий қисм фуқаролик билан чамбарчас боғланган бўлиб, ундан мантиқан келиб чиқади ва унинг мазмунини аниқлаштиради. Фуқаролик ҳам, ҳуқуқий лаёқат ҳам давлат билан ҳар бир фуқаро ўртасидаги мустаҳкам алоқани билдиради.

Фуқаролик Ўзбекистон Республикаси билан конкрет шахснинг умумий ҳуқуқий алоқасини ўрнатади. Ҳуқуқий лаёқат эса фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштиради. Бу Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон фуқароларига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни берганлигини ва уларнинг бажарилиши кафолатланганлигини билдиради.

Умумий ҳуқуқий лаёқатлилиқ икки турда бўлади: ҳуқуқий лаёқатлилиқ ва муомала лаёқатлилиги. Конституциявий ҳуқуқ фанида, ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати — конституциявий ҳуқуқий лаёқатлилиқ дейилади.

Шахснинг конституциявий ҳуқуқий лаёқатга эгаллиги — унинг маълум ёшга кирганлиги, руҳий жиҳатдан соғломлиги ва ниҳоят, ўзининг қилган хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олиши, ўзини бошқара олишга қодирлигини англатади.

Конституциявий ҳуқуқ нормаларида муомала лаёқатига эга бўлиш учун ва қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун республика фуқаролари маълум ёшга тўлган бўлиши кераклиги кўрсатилган. Умумий қоидага асосан, Ўзбекистон фуқаролари балоғат ёшига (18 ёшга) етгандан сўнг, асосий ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва юридик мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

Баъзи бир ҳуқуқлардан фойдаланиш ёшлиқ давридан бошланади. Масалан, туғилгандан бошлаб фуқаролар шахсий мулк эгалари бўлишлари ва ворислик қилишлари мумкин, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, ҳаётини сақлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар етти ёшга тўлганда, билим олиш ҳуқуқига эга бўладилар; 25 ёшга тўлганларида республика Олий Мажлисига депутат бўлиб сайланишлари мумкин. Фуқаролар конституциявий бурчларини бажаришлари учун ҳам балоғат ёшига етган бўлишлари керак. Лекин улар маълум жинойтлар учун 14, 16 ёшдан, Ўзбекистоннинг янги Жинойт кодексига асосан, 13 ёшдан ҳам жавобгарликка тортилишлари мумкин. Руҳий касалликка чалинган фуқаролар (суд қарори билан) муомала лаёқатига эга бўлмайдилар.

3. Шахс ҳуқуқий ҳолатини янада аниқлаштирадиган таркибий қисмлардан бири фуқароларнинг Республика Конституцияси ва қонунлари билан белгилаб қўйилган асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларидир. Фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг таркибий қисмлари ичида Ўзбекистон халқларининг ҳуқуқи ва эркинликлари марказий ўринни эгаллайди, чунки давлат билан шахс ўртасидаги алоқаларнинг асосий қисми ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар асосида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам шахснинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида фикр юритилганда, баъзи олимлар шахснинг ҳуқуқий ҳолатини уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндиси ёки ҳуқуқ ва бурчларининг йиғиндиси деб тушунтирадилар¹.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг йиғиндисигина бўлмасдан, балки уларнинг бурчларини ҳам ўз ичига олади, чунки уларнинг ҳар бири давлат ва шахс ўртасидаги алоқада мавжуд бўлади.

Бу ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар давлат билан фуқароларнинг муносабатини белгилайди. Шунга қараб, давлатнинг демократик шаклда идора этилаётганлиги ёки этилмаётганлигини билса бўлади. Чунки фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берган ва уларнинг бажарилишини тўлиқ кафолатлаган давлатгина демократик давлат ҳисобланади.

4. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг яна бир таркибий қисми фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг принципларидир. Бу принципларга инсонпарварлик; жамият манфаати билан шахс манфаатларининг мос келиши, гуруҳ, партия ва давлат манфаатини инсон манфаатидан юқори қўймаслик; фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг умумийлиги, бирлиги ва тенглиги кабилар киради. Бу принципларга асосланиб, шахс ҳуқуқий ҳолатининг қандай эканлигини билиш мумкин. Мазкур принциплар кейинги параграфда батафсил қараб чиқилади.

5. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг тўлиқлиги ва ҳақиқийлигини билдирувчи таркибий қисм сифатида шахсларнинг Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиш механизми борлиги ва уларнинг кафолатланганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кафолатлаш — бу давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эр-

¹ Қаранг: *Мальцев Г. В.* Социалистическое право и свобода личности. — М., 1968, — 79—90-б.; *Кучинский В. А.* Личность, свобода, право, — М., 1978. — 112-б.

кинликларини амалга ошириш учун тегишли шароитлар яратиши ва керакли воситалар билан таъминлашидир. Кафолатлаш, ҳуқуқий ҳолатнинг бошқа таркибий қисмлари сингари, Ўзбекистон давлатининг ўз фуқароларига бўлган муносабатини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган инсонлар учун уларнинг ҳуқуқлар ва бурчларини таъминлашда иқтисодий-моддий, сиёсий-ғоявий, юридик ва бошқа кафолат турлари кузда тутилган. Бу кафолатларнинг қисқача мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин:

— иқтисодий-моддий кафолатга Ўзбекистонда ташкил топган иқтисодий негизлар, яъни барча мулк турларининг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг давлат томонидан бир хилда муҳофаза қилиниши киради;

— сиёсий кафолатга — Ўзбекистондаги сиёсий тузум, яъни республика халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, ҳокимиятни халқнинг ўзи амалга ошириши, жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамият сиёсатини амалга оширишда, давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этишлари киради;

— юридик кафолатларга — Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш йўл-йўриқлари кўрсатилганлиги, давлат томонидан бутун давлат ташкилотларига, мансабдор шахсларнинг зиммасига ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлаш юклатилганлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мавжудлиги киради.

Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Масалан, унга кўра, «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» (42-модда); «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» (43-модда).

3. Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатининг принциплари

Юқорида қайд этилганидек, шахслар ҳуқуқий ҳолатининг асосида қуйидаги принциплар ётади: 1) инсонпарварлик; 2) жамият манфаати билан шахслар манфаатининг мутаносиб (мослаштирилган) тарзда олиб борили-

ши; 3) ҳуқуқ ва мажбуриятнинг умумийлиги; 4) ҳуқуқ ва мажбуриятнинг тенглиги.

1. **Инсонпарварлик.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари туғрисидаги бобнинг мустақамланганлиги ва бажарилиши кафолатланганлиги Ўзбекистонда инсонпарварлик принципи амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Инсонпарварлик принципининг Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатини белгилашга асос бўлиб хизмат қилишининг белгиларидан яна бири шуки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, умуминсоний қадриятларни ўз қонунчилиги ва фаолиятига асос қилиб олди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олишига олиб келди. Масалан, 1990 йил ноябрь ойида Парижда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов 34 та давлат вакиллари томонидан қабул қилинган «Янги Европа учун» Париж Хартиясига имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Париж Хартиясида ёзилишича, давлатлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар: инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ҳар бир кишига туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, улар муқаддасдир ва қонун томонидан бунга кафолат берилади. Уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш — ҳар бир ҳукумат учун биринчи мажбурият, эркинлик, одамийлик ва тинчликнинг асоси.

Ушбу халқаро ҳужжатдаги ғоялар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ўз аксини топган. Республика Президенти И. А. Каримов таъбири билан айтганда, биз қураётган давлат: «Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

Республика Президенти Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ғояларига содиқлигини таъкидлаб: бу ғояларнинг олий мақсади — инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, Ўзбекистоннинг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 43-б.

кундалик ҳаётида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш деган эди¹.

2. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг бошқа принципи — бу жамият манфаати билан шахс манфаатларининг мослигидан иборат бўлиб, улар ўзида ҳуқуқ ва мажбуриятнинг бирлигини мужассамлаштиради.

Кишиларни ҳаракатга келтирувчи куч ҳамда уларнинг алоҳида хулқини йўлга солувчи омил — манфаат. Шахс ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, ушбу муносабатлар жамоаларда вужудга келади ва уларнинг манфаати, асосан, жамият манфаати билан белгиланади. Фуқаронинг қонуний манфаати — бу унинг моддий ва маънавий талаби бўлиб, у шахснинг қобилиятини ва унинг бутун жамиятдаги фаолиятини ривожлантириш билан белгиланади. Жамият манфаати эса — жамиятнинг мақсади ва вазифаси бўлиб, унинг ривожланиши учун хизмат қилади.

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари жамият манфаати билан узвий боғлиқ, уларнинг манфаати жамият манфаати билан, жамият ҳаётининг тарихий шароитлари билан боғлиқ. Ҳамма бир кишининг бахт-саодати тўғрисида ва бир киши ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш Ўзбекистонда қадимий миллий қадрият бўлиб, ҳозирги даврда ҳаётий қонуниятга айланиб қолган ва бу принцип жамият билан шахснинг ўзаро муносабатларида амал қилмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини ифодалаш, уларнинг эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш ҳамда шахснинг ҳар томонлама ва уйғун камол топишига кўмаклашиш республикамиздаги асосий вазифалардан бўлиб қолди. Иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳам жамият ва давлат ишларига асло бепарқ қараб турмайди. У ўз ватанини севади жамият ҳаётида фаол қатнашади. У барча моддий ва маънавий неъматларнинг яратувчиси, республиканинг асл хўжайинидир.

Конституцияда кўрсатилганидек, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким улардан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши ёки ҳуқуқи чеклаб қўйилиши мумкин эмас. Айни

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. —Т., 1993. — 46-б.

вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Республика Президенти И. А. Каримов 1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг сессиясида қилган маърузасида инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатларининг устун бўлиши кераклиги тўғрисида гапириб: давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қуриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифаларини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт», — деган эди¹.

Жамият ва шахс манфаатларининг бирлиги Ўзбекистон қонунларида, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларида, ҳуқуқлар билан бурчларининг бирлигида кўринади. Масалан, жамиятнинг ҳар бир аъзосига бир хил ҳуқуқ ва бурчлар юклатилади. Кимки ҳуқуқ эгаси бўлса, у албатта бурч ва мажбурият эгаси ҳамдир.

3. **Ҳуқуқ ва бурчнинг умумийлиги** принципи шуни билдирадики, ҳар бир фуқаро қонунда кўрсатилган ёшга кириши билан барча ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланиш имкониятига ва қонунда кўрсатилган бурчларни бажариш мажбуриятига эга бўлади.

Умумийлик ҳуқуқ ва бурчларни бажариш учун ҳаммага баробар имкон бериш, қонунда кўрсатилмаган бўлса, ҳеч кимни бурчни бажаришдан четлаштирмаслик демакдир. Умумийлик принципи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчларида яққол кўринади.

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, ҳар қандай шахсий ҳуқуқ ва бурчларнинг субъекти (эгаси) қонунда кўрсатилган ёшга етган ва бошқа талабларга жавоб берувчи ҳар бир шахс бўлиши мумкин.

4. **Ҳуқуқ ва бурчнинг тенглиги** шахс ҳуқуқий ҳолатининг принципи сифатида шундай маънони билдирадики, ҳар бир жамият аъзосига давлат бошқа жамият аъзолари билан бир хилда тенг юридик имкониятлар яратади. Шахсларнинг Конституция ва қонунларда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчлари ҳамма фуқаролар учун баробардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. — 23-б.

моддасида бу тўғрида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Тенг ҳуқуқлилики фақат тенг ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш деб тушунмаслик керак. Тенг ҳуқуқлилики фақат ҳуқуқларга нисбатан эмас, балки бурчларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ана шундагина у ҳақиқий тенг ҳуқуқлиликини англатади¹.

Х БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ

1. Фуқаролик тушунчасининг мазмуни. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари масаласини ўрганишдан олдин давлат билан фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат шаклларини, Конституцияда кўрсатилган асосий ҳуқуқлар, эркинликлардан фойдаланиш ва бурчларни бажаришнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш зарур.

Асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларни амалга оширишнинг ҳуқуқий шакли ёки асоси фуқаролик ҳисобланади.

Фуқаролик — шахснинг муайян давлатга мансублиги бўлиб, давлат унга нисбатан ўз ҳукмини ўтказди ва уни Конституцияда кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари билан таъминлайди, унинг ҳуқуқини ушбу давлат ичида ҳамда ташқарисида муҳофаза қилади².

Демак, фуқаролик шахснинг муайян давлат билан барқарор, доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасидир. Бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланadi.

Давлат фуқаросига шу давлат ҳудудида яшаб турувчи ҳамма шахслар ҳам кирадими? Бу саволга ижобий жавоб бера олмаймиз. Чунки маълум давлат ҳудудида шу давлат фуқароларидан ташқари чет эл фуқаролари, фуқаролиги

¹Қаранг: Курс советского государственного права / Под ред. В. Б. Шетинина. — М., 1971. — 89—90-б.

²Юридик адабиётда фуқаролик тушунчасига бошқа таърифлар ҳам берилган. Бундай тушунчаларнинг ҳар томонлама муҳокамаси В. С. Шевцов томонидан куриб чиқилган. Қаранг: В. С. Шевцов. Гражданство в Советском союзном государстве. — М., 1969. — 13—44-б.

йўқ шахслар ҳам яшайди. Давлат чиқарган қонунлар ва шу давлат ҳудудида яшаб турган барча шахсларга тааллуқлидир.

Демак, давлат фуқароси деганда, шахснинг фақат давлат ҳудудида яшаши ёки унинг ҳокимиятига бўйсунishi, ҳуқуқ ва бурчлар билан таъминланишигина эмас, балки шахс билан давлат ўртасидаги доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқалар, муносабатларни тушуниш керак.

Фуқаролик — ҳуқуқий ҳолатдир. Фуқаролик муносабатлари бир томонлама, алоҳида давлат ёки шахснинг хоҳиши билан бекор қилинмайди. Фақат давлат шахснинг хоҳиши билан ва унинг таклифига биноан, бундай ҳуқуқий алоқаларни узиши мумкин.

Шахснинг фуқаролик ҳолати давлат томонидан алоҳида юридик ҳужжат (паспорт ёки гувоҳнома) билан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги деган иборанимани англатади? Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, фуқаролик институти янги маъно ва мустақил аҳамият касб этди. Эндиликда фуқаролик давлатчилигимизнинг муҳим ва ажралмас белгисидир. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди, шунингдек, давлат бу шахсга ўз ҳокимиятини ўтказди ва уни конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида республика фуқаролигининг ҳуқуқий асослари белгиланган. Фуқаролик — бу шахс билан давлатнинг барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий муносабати бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарликларини ифодалайди. Бундай алоқалар инсон ва фуқаролар қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳурматлашга асосланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаро билан давлатнинг ўзаро мажбуриятга эгаллиги принципи республика конституциявий қонунчилигида биринчи мартаба мустаҳкамлаб қўйилди. Бу сиёсий тизим демократлиги ва халқчиллигининг ўта муҳим кўрсаткичидир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муноса-

бати билан қилган маърузасида шундай деган эди: «Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади»¹.

Конституция Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатади. Бу, биринчидан, давлатнинг ягоналиги, мустақкамлиги ва яхлитлигини; иккинчидан, барча фуқаролар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари бир хил сиёсий-ҳуқуқий мақомга эгаллиги, қонун олдида тенг ва ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти эканлигини; учинчидан, республиканинг бутун ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари манфаатларининг давлат томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинишини билдиради. Ўзбекистон фуқароларига берилган имтиёз ва афзалликлар қонун ҳужжатлари билан белгиланиб, улар ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт².

✓ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланган ҳолда ва унга мувофиқ равишда жорий этилди. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар. Бу Ўзбекистон фуқаролари тенг ҳуқуқдан фойдаланишини билдиради. Лекин баъзи бир давлатларда фуқаролик қачон ва қандай асосларда қабул қилинганлигига қараб, уларнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳар хил белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳар қандай вазиятда ҳам қонун ва суд олдида тенгдирлар. Одил судлов давлатнинг алоҳида фаолияти сифатида, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ўта муҳим юридик кафолати ҳисобланади.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қону-

¹ Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати, — Т., 1993, — 9-б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995.

ний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт.

✓ Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди (Конституциясининг 22-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали ўз фуқаролари олдида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларини давлат ичида ва унинг ташқарисида ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни республикадаги ва ундан ташқаридаги бутун давлат органлари тизимига ва масъул давлат органларига юклаган. Масалан, бундай умумий вазифалар қонун чиқариш соҳасида Республика Олий Мажлисига, қонунларни бажариш соҳасида умумий раҳбарликни амалга ошириш Республика Президентига, Республика Вазирлар Маҳкамасига ва бу соҳадаги махсус вазифаларни амалга ошириш бир неча махсус ташкилотларга топширилган. Ўзбекистон Президенти давлат томонидан чет давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонуний ҳуқуқларини чет элларда ҳимоя қилиш юзасидан шартномалар ва битимларни имзолайди ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, дипломатик йўллар билан бундай ҳуқуқларни тиклаш мақсадида норозилик хатлари юборади.

√ Давлат, ташқарисида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатиш фаолияти билан доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1994 йил сентябрида ўз қарори билан Ўзбекистон Республикаси Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига қўшилди. Бу ҳужжатга асосан, Ўзбекистон Республикасининг консуллик ташкилотлари чет давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг, жаҳон ҳамжамиятининг тула ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ҳозирги кунда узининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсатини юргизмоқда. Бу сиёсатни амалга ошириш жараёнида Ўзбекис-

тоннинг жуда кўп фуқаролари чет давлатларда Ўзбекистон манфаатларини ёқлаб фаол иш олиб бормоқдалар. Бу соҳалардаги Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда республиқамизнинг хориждаги ташкилотларигина эмас, балки Ўзбекистон тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган нуфузли халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳам ёрдам беради.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз фуқаролигига эга. Унинг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқароси ҳисобланади. Бу ҳолат шундан маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон фуқаролигига берилган барча ҳуқуқлардан тула ва тенг фойдаланадилар ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида фуқароларга юклатилган бурчларни ҳам бажаришга мажбурдирлар. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини Ўзбекистондагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам ҳимоя қилади.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Иттифоқнинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни билан белгиланар эди. Ўзбекистон фуқаролари айна вақтда Иттифоқ фуқаролари ҳам ҳисобланар эдилар.

✓ Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» қонун қабул қилди.

Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик, фуқароликка олиш, уни тўхтатиш, ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда болаларнинг фуқаролигини аниқлаш каби Ўзбекистон фуқаролигига доир масалалар кўрсатилган. Масалан, ушбу қонунга асосан, қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) ушбу қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқароси бўлмаган ҳамда Ўзбекистон фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан тугилганлар;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилган шахслар;

4) Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича фуқароликни олганлар;

5) давлат йуқлинимаси билан Ўзбекистондан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқийган шахслар, агар улар, Ўзбекистонда туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлат фуқароси бўлмасалар ва ушбу қонун кучга киргизилган кечин билан бир йил ичида Ўзбекистон фуқароси бўлиш истагини билдирганлар.

Юқорида кўрсатилган қонун бандининг биринчи қисмига асосан, ушбу қонун кучга кирган вақтда, яъни 1992 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқароси бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар, шунингдек, ушбу қонунга мувофиқ, фуқароликка қабул қилинган шахслар Ўзбекистоннинг фуқароси ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши ёки шундай никоҳни бекор қилиши бу шахсларнинг фуқаролигини ўзгартиришга сабаб бўлмайди. Шунингдек, эр-хотиндан бири фуқаролигининг ўзгариши ҳам иккинчисининг фуқаролигининг ўзгартиришига олиб келмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшаши унинг фуқаролигини тўхтатишга сабаб бўлмайди. Бундай шахсларнинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Фуқаролик тўғрисидаги қонунга асосан, алоҳида ҳолларда, хорижий фуқаролар бўлмиш ватандошлар, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ва бувалари бир вақтлар мавжуд тузум туфайли ватани ташлаб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, уз илтимосларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси махсус комиссиясининг хулосасига мувофиқ, Республика Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин (қонуннинг 10-моддаси).

✓ Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан туғилган болалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ташқарисида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланадилар (13-модданинг 2 банди).

Агар ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлса-ю, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон фуқароси бўлса, қуйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади: 1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса; 2) агар Ўзбекистон

Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса-ю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган бўлса.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, у Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

✓ Турли давлатларнинг шу соҳадаги қонунларини ўрганиш шуни кўрсатадики, туғилган боланинг фуқаролиги туғилган жой принципи ва қонига асосланган принцип асосида ҳал қилинади.

Биринчи принципга асосан, бола қаерда туғилган бўлса, ўша давлатнинг фуқаролигини олади, иккинчисига кўра, асосан ота-онаси қайси давлат фуқароси бўлса, қаерда туғилишидан қатъи назар, ота-онасининг фуқаролигини қабул қилади. Бунда ота билан онанинг тенг ҳуқуқлилиги сақланади. Баъзи бир давлатларда ҳар икки принцип ҳам бирдан ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги туғрисидаги қонунга асосан, боланинг фуқаролигини аниқлашда иккинчи принцип, яъни ота-онасининг қонига асосланиш принципи асос қилиб олинган.

Агар онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси аниқланиб, у Ўзбекистон фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш

Чет эт фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз фармони билан амалга оширади. Ҳужжатларни Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги расмийлаштиради.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига кириш учун, қонунда айрим шартлар белгиланган, чунончи бундай шахс:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиши;

2) сўнги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаган бўлиши (ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буvasи ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди);

3) қонуний тирикчилик манбаларига эга бўлиши;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиши ва унинг талабларини бажариши шарт.

Шуни қайд этиш керакки, фуқароликка кириш учун қўйилган (1, 2, 3-бандлардаги) шартлар ва талаблар алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, ушбу қонунда республикадаги осойишталикни, тинчликни таъминлаш мақсадида чет эллик шахсларни Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишда бир неча тусиқлар қўйилган, чунончи фуқароликка даъвогар шахс:

— Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тuzумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларда аъзо бўлса;

— Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, бундай шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоси рад этилади (17-модда).

Илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан Ўзбекистон фуқаролигига тикланиши мумкин.

3. Ўзбекистон фуқаролигининг тўхтатилиши

Фуқаролик тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши асослари ҳам кўрсатилган. Бундай ҳолат, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши оқибатида, фуқаролигини йўқотиши оқибатида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга ва ушбу қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан тўхтатилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг ҳам тўхтатилишига сабаб бўлади (19-модда).

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунда фуқароликдан маҳрум этиш чоралари кўзда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини фуқароликдан маҳрум этиш ва уни Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юбориш мумкин эмас. Агар қонунларда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон фуқароларини бошқа давлатлар ихтиёрига топшириш ҳам мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунда фуқароликдан чиқиш масалалари ҳам кўрсатилган. Унга асосан, белгиланган тартибда, шахсга, унинг илтимосига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади. Агар Ўзбекистон фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий муносабатларни бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

√ Шу билан бирга, фуқароликдан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг фуқароликдан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди (20-модда).

Фуқаролик тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш асослари ҳам кўрсатиб қўйилган. Ўзбекистон фуқаролигини йўқотишга қуйидагилар сабаб бўлади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки диннинг ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги аниқланса;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз бўлган маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Шу сабаблар бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади (21-модда).

Фуқаролик тўғрисидаги қонунда ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда болаларнинг фуқаролигига оид масалалар ҳам кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг янги паспорти ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унда Ўзбекистон фуқароларига паспорт бериш ва ундан фойдаланишни қайд қилиш, рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш, шунингдек, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тартиби белгиланади.

Ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда болаларнинг фуқаролиги. Ота-оналарнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига утганда ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида, уларнинг 14 ёшга тулмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради. Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, ана шу ота ёки онанинг фуқаролиги ўзгарганда 14 ёшга тулмаган боланинг фуқаролиги ҳам тегишли равишда ўзгаради.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олса, болаларнинг фуқаролиги қандай ҳал қилинади?

Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси

фуқаролигини олса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра, бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилиши мумкин.

Чет эл фуқароси бўлмиш болани Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахс фарзандликка олса, у бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаросига айланади.

Чет эллик шахс томонидан фарзандликка олинган Ўзбекистон фуқароси бўлган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолади.

Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида уларнинг розилиги талаб қилинади. Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек, болалар фарзандликка олинган тақдирда, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг фуқаролиги фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб бўлмаган шахсларни тавсифлаш учун ҳуқуқшуносликда «муҳожирлар», «чет эллик фуқаролар», «фуқаролиги бўлмаган шахслар» деган бир қатор иборалар қўлланилади.

Муҳожир деганда бошқа мамлакатдан келган киши тушунилади. Бу тушунча «чет эллик фуқаро» иборасидан кенгроқ бўлиб, уни ҳам қамраб олади. Юридик фанда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари (миллий паспорти ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжати) бўлган шахслар чет эллик фуқаролар деб тан олинадилар.

Фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий таърифи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг 11-молдасида берилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республи-

каси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади».

Чет эл фуқаролари икки тоифага бўлинадилар: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчилар ва вақтинча яшаб турувчилар. Бу икки тоифага мансуб бўлган чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатида айрим фарқлар бор.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган шартномалари ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормалари асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлар, хусусан, шахсий, мулкий, оилавий ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланадилар, шунингдек, ўзларини ҳимоя қилиш учун суд органларига мурожаат қила оладилар. Айни пайтда, улар Ўзбекистон фуқаролари билан бир хил мажбуриятларни ўтайдилар.

Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга республика конституциясининг умумий руҳидан келиб чиққан ҳолда уларнинг миллати, ирқи, жинси, диний эътиқоди ва бошқа жиҳатларига қараб таъқиб этилмаслиги сингари инсон ҳуқуқларининг кафолатлари берилади. Айни чоғда, чет эллик фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига, унинг фуқаролари ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги чет элликларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўлами, юқорида кўрсатилганидек, ушбу шахсларнинг Республикамизда муқим ёки вақтли истиқомат қилишларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи чет эллик шахслар, Ўзбекистон фуқаролари сингари, қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар. Масалан, улар ишчи ва хизматчи бўлиб ишлашлари ёки бошқа фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Улар дам олиш, соғлиқни сақлаш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш, шахсий мулк сифатида уй-жойли бўлиш, илм олиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳда бўлишлари ва уни бекор қилишлари мумкин.

Агар булар Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланган ва жамоат уюшмалари низомларига қарши бўлмаса, бу тоифадаги чет эл фуқаролари касаба уюшмаси, кооператив ташкилотлари, илмий, маданий, жисмоний тарбия ва жамоат уюшмаларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Қонунчиликда Ўзбекистондаги чет элликларнинг бундай фарқланиши амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда доимий яшовчи чет элликлар тоифасига ички ишлар органлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома ёки яшаш учун гувоҳнома олган шахслар киради.

Ўзбекистонда доимий ва вақтинча яшовчи чет элликлар Ўзбекистон юрисдикцияси (тасарруфи)га итоат этишига қараб, Ўзбекистон Республикаси тасарруфига тўла итоат этувчи шахслар (масалан, сайёҳлар, талабалар, стажёрлар, мутахассислар ва бошқа); Ўзбекистон Республикаси тасарруфига муайян чегараларда итоат этувчи шахслар (яъни, консуллик иммунитетига эга шахслар, чет эл ҳарбий ва ҳаво кемалари экипажи, ҳарбий қисм хизматчилари) ва давлат идораларининг тасарруф доирасидан аслида озод этилган шахслар (дипломатик ходимлар ва дипломатик иммунитетдан фойдаланувчи кимсалар)га ажратиладилар.

Ўзбекистондаги чет элик фуқароларга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир қаторда, виждон эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқлар кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга шундай кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва кафолатланиши билан бир қаторда, улардан Ўзбекистон қонунларини ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш талаб қилинади.

Чет эл фуқаролари ўз ҳаракатлари билан Ўзбекистон фуқароларининг давлат ва жамоатнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Чет элик фуқаролар жумҳурият ҳудудида ҳаракат қилишлари ва яшаш учун жой танлашлари мумкин. Агар чет элик фуқаронинг фаолияти (ҳаракатлари) Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини сақлаш манфаатларига зид келса; аҳолининг соғлиғи ва маънавиятига зарар етказса; божхона,

молия қоидаларини ва бошқа қонун-қоидаларни қўпол равишда бузса, у давлат ҳудудидан мажбуран чиқариб юборилиши мумкин¹.

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида қилган жиноий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқбузарлик ишлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир хил асосда жавоб берадилар. Улар Ўзбекистон ҳудудида жиноят қилсалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг айрим ҳуқуқлари чеклаб қўйилади. Жумладан, улар республикадаги вакиллик органлари сайловига иштирок эта олмайдилар, уларга сайлана олмайдилар; умумхалқ овоз бериши (референдум)да қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Чет эллик фуқаролар айрим лавозимларни эгаллашлари ва меҳнат фаолиятининг қонунда ман этилган баъзи турлари билан шуғулланишлари, масалан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида, миллий хавфсизлик хизматида, ички ишлар органларида ишлашлари мумкин эмас. Бундан ташқари, чет эл фуқароларини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон ҳудудида яшаш жойини танлаш ва кўчиб юриш ҳуқуқлари бир мунча чекланган. Бундай чеклаш давлатнинг миллий хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг соғлиғи ва ахлоқи, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ.

Ўзбекистондаги чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда муҳим бўлган жиҳатлардан бири республика Конституциясида белгиланган бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида таъминланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси муҳожирларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро эталон ва мезонлар даражасида таъминлайди; иккинчидан, республика ҳуқумати иккиёқлама халқаро шартнома ва битимлар асосида конкрет мамлакатдан келган фуқаролар ҳуқуқларини чеклаши ёки уларга айрим имтиёзлар бериши мумкин. Бундай чеклов ва имтиёзлар шерик мамлакатнинг тегишли хатти-ҳаракатларига айнан мувофиқ бўлади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 15. — 65-6.

Чет эл фуқароларининг алоҳида тоифасини чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар хизматчилари ташкил этади. Улар ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилиши ва уларга итоат этиши керак. Лекин улар дипломатик ва консуллик имтиёзларидан ва дахлсизлик (шахсий дахлсизлик, жиной, фуқаролик ва маъмурий иммунитет ва бошқа имтиёзлар)дан фойдаланадилар. Бундай тоифадаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва консуллик вакиллари тўғрисидаги ҳужжатларида, Ўзбекистон иштирок этган халқаро шартномаларда кўрсатилган (Ўзбекистон Республикаси Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига 1994 йил сентябрида қўшилган).

Ўзбекистон Республикасида яшовчи хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг шахсини ва яшаш ҳуқуқларини билдирадиган махсус ҳужжатлар — гувоҳномалар берилади. Бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти 1994 йил 23 декабрда тасдиқлаган «Хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга бериладиган Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низом» асосида берилади.

5. Фуқаролик тўғрисидаги қонунни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритувчи давлат идоралари ва уларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган.

✓ Қонуннинг 29-моддасига кура, фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритувчи давлат идоралари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, чет элда яшаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган

шахслар Ўзбекистон Республикасининг Президентига тегишли илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, уларни Ўзбекистон Республика фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бундан ташқари, Республика Президенти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш, фуқаролигидан чиқиш, фуқаролигини йўқотиш тўғрисида қарорлар қабул қилади (30-модда).

Қонуннинг 31-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унга бўйсунувчи идораларнинг фуқароликка оид масалалар бўйича ваколатлар кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилиш;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текшириш;

3) фуқаролик масалаларига доир аризани зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллаш;

4) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган ҳолларни қайд этиш.

Фуқаролик масалалари билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳам шуғулланади. Қонуннинг 32-моддасига биноан, ушбу муассасалар: чет давлатларда доимий яшаб турган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади; фуқаро масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллайди; чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди; чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини қайд этади; Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшаб турган фуқароларини ҳисобга олади.

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза унинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идорасига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса Ўзбекистоннинг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан мурожаат этган тақдирда, унинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистоннинг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар идораси ёки Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик органи мазкур ариза юзасидан асосланган хулоса чиқаради.

Фуқароликка оид масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фуқаролик масалалари бўйича комиссияни тузади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни Республика Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси номига юбордилар. Ушбу комиссия фуқаролик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида ариза берувчиларнинг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хулосаларини, бошқа ҳужжатларни ҳамда гувоҳларнинг тегишли тарзда расмийлаштирилган кўрсатмаларини атрофлича баҳолайди. Комиссия аризаларни кўраётганда, Ўзбекистон фуқаролигига қабул этиш ёки унинг фуқаролигини тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги, шу жумладан, республикада унга иш, тураржой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрни эътиборга олади. Комиссия ҳар бир

ариза ёки тақдимнома юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Фуқаролик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонлар чиқаради. Агар фармонда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, фуқароликдаги ўзгаришлар Президентнинг фармони чиқарилган кундан бошланади. Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консулик муассасалари зиммасига юклатилади.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ички ишлари идоралари ёки дипломатия ваколатхоналари ёки консулик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти топширилади, 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, лекин Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар идораси томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади.

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛИК КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

1. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг юридик хусусиятлари ва кафолатлари

Ҳуқуқ ва бурчлар инсонларнинг ҳуқ-атворини тартибга солиш воситаси бўлиб, жамият, давлат ёки муайян ижтимоий гуруҳлар томонидан ўрнатилади.

Маълумки, ҳуқуқий нормалар кишиларнинг юриш-туришларини тартибга солади, уларга муайян ҳуқуқлар, эркинликлар беради ёки маълум бурчларни юклайди.

Юридик нормаларнинг талаблари ҳуқуқ ва бурчга бир хилда тааллуқлидир. Агар ҳуқуқ норма орқали шахсга берилган ҳуқуқий ҳаракат имконияти бўлса, бурч унга

мувофиқ ҳаракат қилиш заруратидир. Ҳуқуқ — шахсга табиат, жамият, давлат томонидан бериладиган ўз ҳаракатининг тури ва меъёрини танлаб олиш имконияти, бурч эса жамият ва давлат томонидан белгиланган ва ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган талабларни бажариш заруратидир. Жамият ва давлат у ёки бу бурчларни белгилашда шахс зарурий ҳаракатининг тури ва меъёрини инobatга олади.

Юридик ҳуқуқ ва бурчлар жамиятда амал қилувчи ижтимоий нормаларнинг бир қисминигина ташкил этади. Улар давлат томонидан ўрнатилади, ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топади ва давлат ҳокимияти томонидан таъминланади, кўриқланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари деганда нима тушунилади?

Давлат томонидан ўрнатиш ҳуқуқий нормалар инсонларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб, уларга ҳуқуқ ва эркинликлар беради ва бурчлар юклайди. Ҳуқуқлар ҳам, бурчлар ҳам, ўз навбатида, ҳуқуқий нормаларнинг талабларига жавоб беради. Ҳуқуқий давлатнинг белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устуңлиги принципи фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг Асосий Қонунда акс этишини тақозо этади.

✓ Ҳуқуқ шахсга табиат ва давлат томонидан берилган ўз эҳтиёжини қондириш имкониятлари ҳамда унинг турмуш жараёнида ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларини белгиловчи ҳуқуқий нормалардир.

✓ Бурчлар эса шу жамиятдаги шахслар учун бажарилиши мажбурий бўлган ёки бирор-бир ҳаракат қилишдан воз кечишни белгилайдиган ҳуқуқий нормалардир.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг таърифини бериш мумкин.

✓ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари деганда, Ўзбекистон давлати томонидан ўрнатилиб, унинг Конституциясида қайд қилинган, ҳар бир фуқарога ўзининг хатти-ҳаракатини танлаш, унга берилган имтиёзлардан шахсий ҳаётида ва жамоат ишларида қатнашиш учун фойдаланиш имконияти тушунилади. Асосий Қонунда кўрсатилган имкониятлар бир вақтда ҳуқуқ, баъзи бирида эркинлик деб аталиши мумкин. Чунки бу тушунчаларни фарқлаш жуда қийин, чунки маълум бир ҳуқуқий имко-

НИЯТНИ бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ ҳам эркинлик деб баҳолаш мумкин¹.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи қайд қилинган. Бу эса бир тарафдан ҳуқуқ бўлса, иккинчи тарафдан эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш эркинлиги деб талқин этилиши мумкин. Кўриниб турибдики, асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ўзаро боғлиқ ва биринчи ҳолда уларни эркинлик деб ҳам тушунишимиз мумкин.

Фуқароларнинг бурчи — бу жамиятнинг, давлатнинг фуқаро олдига қўйган талабларидир. Бу талаблар асосан шу жамиятнинг, давлатнинг олдидан турган вазифалари билан боғлиқ бўлади, ижтимоий заруратни акс эттиради (масалан, Ватанни ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва ҳ.к.).

√ Демак, асосий бурч (мажбурият) деганда, Ўзбекистон давлати томонидан белгиланиб, Конституцияда мустаҳкамланган, ҳар бир фуқаро бажариши зарур бўлган, бажармаслик эса жавобгарликка олиб келадиган хатти-ҳаракатлар ва яшаш тарзи қоидаларини тушунамиз. Ўзбекистон Республикаси томонидан фуқаролар олдига қўйиладиган бурчлар янги авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек умумий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган.

Конституциявий бурчларга бутун Ўзбекистон Республикаси учун зарур бўлган энг умумий талаблар киради ва уларнинг бажарилиши бутун жамият манфаатлари учун мутлақо зарурдир.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Конституцияда белгилаб қўйилган бўлиб, улар жорий қонунчилик нормаларида, яъни конституциявий, маъмурий, фуқаровий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқий нормаларда ривожлантирилган, аниқлаштирилган, тўлдирилган.

Конституциявийлик ҳуқуқ нормалари бошқа ҳуқуқ

¹. Қаранг: Советское государственное право. — М., 1980. — 229-230-б.

тармоқларидаги нормалар билан биргаликда мустақил ҳуқуқий институтларни ташкил қилиш мумкин (хусусий мулкчилик ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи). Уларнинг асоси конституциявий ҳуқуқ ва конституциявий бурчдир. Шу билан бирга фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари биргаликда конституциявий ҳуқуқ тармоғининг мустақил институтини ташкил қилади, чунки фақат уларнинг йиғиндиси инсоннинг жамиятдаги ўрнини, унинг ҳуқуқий ҳолати асосини кўрсатади¹.

✓ Конституциявий ҳуқуқ фанида фуқароларнинг Конституцияда ўз аксини топган ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар деб номланади, бошқа қонунларда, фармонларда, кодексларда кўрсатилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар эса асосий эмас деб кўрсатилади².

✓ Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари асосий деб аталишининг икки сабаби бор: биринчидан, улар фуқароларнинг муҳим манфаатларини ифода этади ва айти пайтда давлатнинг олий манфаатларини ҳам кўзда тутди, иккинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари оддий, жорий қонунларда эмас, балки Конституция нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади ва фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари шу асосий ҳуқуқлар асосида яратилади ва уларга мос бўлиши керак.

✓ Конституциявий ҳуқуқ фани фуқароларнинг барча ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини эмас, балки фақат Конституцияда кўрсатилган асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ўрганади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бирор-бир ҳуқуқ тармоғи нормалари фуқароларнинг асосий қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига қарши ёки уларни ўзгартиришга қаратилган бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолат Ўзбекистон Конституциясининг 16-моддасида алоҳида таъкидланган. Унда бирорта ҳам қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги қайд этилади.

¹ Қаранг: Советское государственное право /Под ред. С. С. Кравчука. — М., 1980. — 229-б.

² Қаранг: *Ленёшкин А. И.* Курс Советского государственного права. Т. 1. — 480-б. Курс Советского права / Под ред. Б. В. Шетинина, — М., 1971. — 203-б.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳуқуқ билан бурч бир принципга асосланганлигини кўрсатади. Бу шахс манфаати билан жамият, давлат манфаатининг узвийлиги, уларнинг бир-бирини тўлдириши, бир-бирига мувофиқ келишидир. Бу тизим фақат умуминсоний қадриятларни ўзига асос қилиб олган демократик давлатларга тааллуқлидир.

Инсон фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ҳуқуқий мақомини олган. Бу асосий ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчлар жаҳонда қабул қилинган умуминсоний қадриятларга, ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий анъаналарига, миллий қадриятларга асосланган ва ҳозирги замон талабларига жавоб беради. Ўз навбатида, берилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизми ҳамда кафолатлари Конституциянинг ўзида белгилаб берилган.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақкамланган асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари маълум хусусиятларга эга. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунлари ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ёки улардан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларда эмас, балки бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақкамланган. Шунинг учун ҳам бу ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар асосий ёки конституциявий ҳуқуқлар ва бурчлар дейилади.

2. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари биринчи навбатда, бевосита шахс ва фуқаро билан давлат ўртасидаги муҳим алоқаларни ифодалайди. Бунда давлат бир вақтнинг ўзида ҳам фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини таъсис этувчи, ҳам бу ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларнинг таъминланишини кафолатловчи, уларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган бўлиб майдонга чиқади.

3. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари қандай амалга оширилишидан қатъи назар, доимо мавжуд бўлиб, амалдаги ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топади. Улар тугатилмайди ёки янгидан пайдо бўлмайди. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмагунча бу ҳуқуқ ва бурчлардан

воз кечолмайди, ундан фойдаланаверади. Бу ҳуқуқ ва бурчлар фақат давлат томонидан Конституциянинг ўзгартирилиши натижасида янги ҳуқуқий актлар ёрдамидагина янгилашни мумкин.

Демак, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари доимий ҳисобланади, бир неча бор фойдаланганлиги билан йўқ бўлмайди.

4. Конституцияда кўрсатилган асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар барча фуқароларга бир хилда тааллуқлидир, улар тенглик асосида берилади, уларнинг мазмуни ҳам, ҳажми ҳам бир хилда тушунилади. Фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларининг бу хусусияти ҳуқуқ ҳам, эркинлик ҳам, бурч ҳам барча фуқаролар учун баб-баравар тааллуқлилигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида: «барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёз ва афзалликлар фақат қонун билан белгилашиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт», дейилган, Конституциянинг бу қондаси Ўзбекистонда давлат сифатида дунёдаги энг демократик мамлакатлар даражасига кўтарди. Чунки инсонни улуғлаш, унинг ким бўлишидан қатъи назар қонун олдида тенглигини таъминлаш, ҳақ ва ҳуқуқини кўриқлаш фақат демократик давлатларгагина хосдир. Фуқароларнинг Ўзбекистонда бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш қондаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моддаларига тўла мос келади. Ўз навбатида, фуқароларнинг давлат билан ҳуқуқий алоқалари мазмуни ва ҳажми хилма-хил шаклларда ҳам бўлади. Бир фуқаро ўзига берилган ҳуқуқлардан қисман фойдаланса, иккинчи фуқаро ўз ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин, бу фуқароларнинг ихтиёридир.

5. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари реалдир. Уларнинг амалга оширилиши фақатгина фуқароларнинг шахсий ҳаракатларидан эмас, балки Ўзбекистон давлати ва жамияти томонидан таъминланади. Бу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда фақат конституциявий ҳуқуқ нормаларигина эмас, балки бошқа ҳуқуқ тармоқларининг (меҳнат, маъмурий, жиноят ҳуқуқлари) нормаларидан ҳам фойдаланилади.

Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг

реал амалга оширилишининг турли йўллари мавжуд: биринчидан, давлат ўз Конституциясида ўзининг бутун органлари, мансабдор шахсларига фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни буюради; иккинчидан, давлат ушбу ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчларни таъминлашни муҳофаза қилиш учун махсус органлар тузади (ички ишлар органлари, прокуратура ва суд органлари); учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини муҳофаза қилишда жамоат уюшмалари (касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, хотин-қизлар бирлашмалари ва бошқалар) ҳам иштирок этадилар. Тўртинчидан, Конституциянинг X боби («Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари»)да моддама-модда кафолатларнинг турлари кўрсатилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиздир, суд қарорисиз фуқароларни улардан маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бу давлатнинг ҳеч ким ҳеч қачон бошқа бир шахснинг ҳуқуқини бузишга асло йўл қўймайди деганидир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳуқуқнинг ҳамма соҳаларида ўз ифодасини топган бўлиши керак. Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти органлари ўз сиёсатларида ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизминини кенгайтириш ва мустақамлаш заруратидан, умумэтироф этилган фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуида тўпланган умуминсоний қадриятларга асосланади¹.

6. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ўзаро боғлиқдир. Фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларининг ўзаро алоқадорлиги Республика Конституциясида кўрсатилган. Конституциянинг 19-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар», 47-моддасида эса «Барча фуқаролар Конституция белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар» дейилган. Бу Конституциявий қоидалар шуни билдирадики, жамият ва давлат олдида ҳеч қандай бурчларни адо этмасдан, фақат ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб ҳаёт кечириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустақамлаш, ижтимоий ва шахсий манфаатларни уйғунлаш-

¹ Тожионов У. Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1996. — 13-б.

тириб қушиб олиб бориш, фуқароларнинг юксак онглигини тақозо этади. Фуқароларнинг жамият олдида ўз масъулияти, халқнинг бахт-саодати учун доимий равишда ҳаракат қилиш, ўз ватанини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунларга риоя қилиш каби юксак ватанпарварлик бурчини тушуниши — улар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг ажралмас қисмидир.

Фуқароларнинг ўз бурчини бажариши ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш каби демократиянинг жуда зарур элементиدير.

Ҳар бир фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланар экан, бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари, эркинликларига путур етказмасликлари шарт (20-модда).

Давлат ҳам, ўз навбатида, қонунлар асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши, уларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши лозим.

Демак, фуқаролар ва давлат ўртасидаги боғлиқлик табиий ва қонуний бўлиб, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат қанчалик тўғри, қонуний ва адолатли бўлишига қараб мамлакатда тинчлик, осойишталик, ободончилик ишлари ривож топади.

2. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг тизими

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ўзининг мазмуни ва характерига қараб ҳар хил бўлади. Улар давлат билан фуқароларнинг асосий муносабатлари ва алоқалари негизини билдиради ва шу маънода улар бир бутунликни, яъни ажралмас бирликни ташкил қилади. Шунинг учун ҳар бир ҳуқуқ, эркинлик ва бурчни фақат алоҳида-алоҳида эмас, балки маълум тизимга солиб бир-бири билан ички боғлиқликда куриб чиқиш керак.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тизими таркибий қисмларининг алоқалари маълум йўналишларда бўлади. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Баъзи бир конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларнинг амалга оширилиши бошқа ҳуқуқлар ва эркинликларнинг амал қилиши учун асос бўлади. Маса-

лан, Ўзбекистон фуқаросининг меҳнат қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши, унинг дам олиш ҳуқуқини, ижтимоий таъминот ҳуқуқини амалга оширишга боғлиқ бўлади.

2. Баъзи ҳуқуқ ва бурчларнинг амалга ошиши, бошқа бир бурчлар ва ҳуқуқларнинг тухтатилишига олиб келади. Масалан, фуқароларнинг вақтинчалик ва доимий меҳнат қобилиятини йўқотиши, ижтимоий таъминот ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини келтириб чиқаради.

3. Фуқароларнинг баъзи бир ҳуқуқдан тўғри фойдаланмаслиги ёки конституциявий бурчини бажармаслиги уларнинг бошқа конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишига таъсир қилиши мумкин. Масалан, меҳнат қилиш ҳуқуқининг бузилиши, ишдан қонунсиз бўшатилиши, фуқароларнинг дам олиш ва моддий таъминот ҳуқуқининг бузилишига олиб келиши мумкин¹.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг бир бутунлиги, ички боғлиқлиги, уларни баъзи асосларга кўра маълум гуруҳларга бўлишни, таснифлашни тақозо этади.

Инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини таснифлаш учун маълум гуруҳларга бўлиш, уларни ўрганиш учун катта аҳамият касб этади. Баъзи бир давлат ҳуқуқи соҳаси олимлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ўрганишда умуман, уларни маълум гуруҳларга бўлмасдан Конституцияда қандай ёзилган бўлса уша тартибда таҳлил қиладилар².

Бошқа кўпчилик давлатшунос олимлар эса³, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини маълум тизимга солиб таснифлаш, гуруҳларга бўлиб ўрганиш зарурлиги ва бунинг сабабларини кўрсатадилар. Бундай гуруҳларга бўлиб ўрганиш, аввало, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини ҳар томонлама, чуқур ўрганишга, уларнинг мазмуни, бошқа ҳуқуқ ва бурчлар билан алоқаларини аниқлашга ёрдам беради.

¹ Қаранг: Советское государственное право /Под ред. С. С Кравчука. — М., 1980. — 238—239-б.

² Қаранг: Советское государственное право / Под ред. С. С. Кравчука. — М., 1986.

³ Қаранг: *Лепёшкин А. И.* Курс советского государственного права. Т. 1. Государственное право СССР. — М., 1967.

Айрим муаллифлар асосий ҳуқуқ ва бурчларни гуруҳларга бўлишда уларнинг фуқаролар ва давлат орасидаги муносабатлар ҳолатига эътибор берадилар¹.

Умуман юридик фанда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган: 1) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар; 2) сиёсий ҳуқуқлар; 3) шахсий ҳуқуқлар. Ҳуқуқларни, эркинликларни гуруҳларга бундай бўлиш тўғри бўлсада, унинг бир камчилиги бор: бу гуруҳлар ўз ичига фуқароларнинг конституциявий бурчларини киритмаган.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини гуруҳларга ажратишда асосан, икки талаб ҳисобга олиниши керак. Биринчидан, унда инсоннинг ҳаёти ва фаолияти соҳасидаги муҳим томонлари, иккинчидан, гуруҳларга бўлишда фақат ҳуқуқ ва эркинликларни ҳисобга олиш билан чекланмасдан албатта конституциявий бурчларни ҳам қўшиш керак. Чунки конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларнинг бирлиги шахснинг ҳуқуқий ҳолати принципи ҳисобланади².

А. Г. Мазохина асосий ҳуқуқ ва бурчларни 4-гуруҳга бўлади: 1) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва эркинликлар; 2) сиёсий ҳуқуқлар ва демократик эркинликлар; 3) шахсий эркинлик; 4) фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Бунда муаллиф фуқароларнинг бурчларини алоҳида гуруҳга бўлади³. Бу ерда А. Г. Мазохина асосий ҳуқуқ ва бурчларни умуман тўғри тизимлаштирган, лекин бизнинг фикримизча, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини асосий ҳуқуқ ва эркинликлар тизимига алоҳида гуруҳ қилиб киритиш нотўғри, чунки бу фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати принципларидан бирини ташкил қилади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини маълум гуруҳларга ажратишда уларнинг ижтимоий сифатларини тўлиқ белгилаб берадиган муҳим ҳаётий белгиларни ҳисобга олиш маъқул бўлур эди.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини илмий асосланган тартиб-

¹ Қаранг: Курс советского государственного права. / Под ред. Б. В. Шетинина. — М., 1970. — 225-б.

² Қаранг: Советское государственное право /Под ред. С. С. Кравчука. — М., 1980. — 241-б.

³ Қаранг: Мазохина А. Г. Свобода личности и основное право граждан в социалистических странах Европы. — М., 1965. — 132-б.

да таснифлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Унга асосан, Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (VII боб);
- 2) фуқароларнинг сиёсий соҳадаги ҳуқуқлари (VIII боб);
- 3) инсон ва фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари (IX боб);
- 4) фуқароларнинг бурчлари (XI боб).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини бундай гуруҳларга ажратишнинг ўз қонунияти ва сабаби бор. Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўзининг давлат тузилиши, фаолияти ва ҳаётини умуминсоний қадриятлар асосида олиб боришни мақсад қилиб қўйди. Бунда шахснинг манфаати, унинг шаъни, қадр-қиммати ҳамма нарсадан юқори туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг биринчи саҳифаларидаёқ инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари баён қилинган, ундан сўнг эса сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлар жой олган. Бундай изчиллик ўз ички мантиғига эга. Мабодо илгари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг устуворлиги таъминланган бўлса, энди эса барча тоифадаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг бир маънода акс этиши кўзга ташланади, айти замонда шахсий ва сиёсий ҳуқуқларнинг афзаллиги кўрсатилади. Зеро илгари бундай ҳуқуқларга аксарият риоя қилинмаган¹. Аслида инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири унинг тинч-тотув яшаш ҳуқуқидир. Худди ана шу ҳуқуқ билан демократиянинг инсонийлиги билинади. Давлат ва жамиятнинг асосий мажбурияти — мазкур ҳуқуқларни барча воситалар билан кафолатлашдир. Зеро бу билан демократиянинг инсонийлиги белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида фуқароларнинг бундай асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг киритилиши, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасининг халқаро андозаларга мувофиқ жиддий кенгайганлигини кўрсатади.

¹ Тожихонов У. Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1996. — 12-б.

3. Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тизимининг асосини ташкил қилувчи фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциянинг VII бобида қонунан мустақамланган бўлиб, Республикадаги бутун ҳуқуқ тармоқлари учун асосий манба ҳисобланади. Фуқароларнинг мазкур ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, чунончи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга ҳамда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга тула мос келади ва ана шу ҳужжатлардан келиб чиқади.

Шахсни, унинг ҳаётини ижтимоий ҳавfli тажовузлардан муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳаётининг дахлсизлиги учун реал кафолатлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», — деб ёзиб қўйилган.

Ҳақиқатан ҳам, яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқидир, ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, фикрлаш, шахсий ва ижтимоий аҳволидан, ёши, жисмоний кучи, соғлиғидан қатъи назар яшаш ҳуқуқига эга. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 6-моддаси 1-бандида: «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким узбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди», — деб белгиланган¹.

Инсоннинг яшашдан мақсади ягона бўлиб, тинчлик ва осойишталикда, фаровон ҳаёт кечиришдир. Ўз навбатида, инсон бу мақсадга эришиш учун ўз олдига қўйилган талабларни ҳам сидқидилдан бажариши лозим.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи Конституция ва бошқа турли қонунлар билан муҳофаза қилинади. Бу соҳада Жиноят кодекси муҳим ўрин эгаллаб, у махсус воситалар орқали инсон ҳаётини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилади.

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль. — Т., 1992. — 36-б.

Шахс яшаш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан бири, республика қонунчилигида афв этиш институтининг ташкил этилганлигидир. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир кимса, ким бўлишидан қатъи назар, республика Президентига ўзининг афв этилишини сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар афв этилгудек бўлса, ўлим жазоси 20 йил озодикдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида ҳар бир инсонга эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи берилган. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ҳар бир шахс туғилиши билан шахсий дахлсизликка эга бўлиб, эркин ҳаёт кечиради, яъни бу ҳар бир киши эркин равишда, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши мумкин, фақат шахснинг ҳаракатлари қонунга зид бўлмаслиги керак, деганидир. Ҳеч ким инсонга қонунсиз таъсир ўтказиш, уни баъзи ҳаракатларни қилишга мажбурлаш ёки унинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас.

Шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг турли соҳалари билан, шу жумладан, жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади, унда бу ҳуқуқларга тажовуз қилганлик учун жавобгарлик ўрнатилиб, турли жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида қўрилган «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» деган қоидалар халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мос келади. Масалан, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 9-моддаси 1-бандига асосан, «Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноангина озодликдан маҳрум қилиш мумкин»¹.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида шахсни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қоидалардан, ҳаётда кенг фойдаланилмоқда, улар инсоннинг

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. — Т., 1992. — 38-б.

тинчлиги, осойишталиги ва фидокорона меҳнат қилишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Собиқ иттифоқ давридаги тоталитаризм тузумида Ўзбекистонда фуқаролар устидан зўравонликлар, асоссиз қамоққа олишлар, инсон қадрининг поймол этилиши ва бошқа салбий тартиблар ҳукм сурди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бунга йўл қўйилмайди ва ҳар қандай қонунбузарликлар жавобгарликка олиб келади. Фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишда прокуратура, суд ва ички ишлар органларининг урни беқиёсдир. Масалан, амалдаги қонунларга биноан шахсни ҳибсга олиш ва уни ушлаб туриш ҳақидаги масалани прокурор ҳал қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасида: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», — деб кўрсатилган.

Айбсизлик презумпцияси деганда — юридик фанда айби қонунда белгиланган тартибда ва тегшли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланиши тушунилади. Ўзбекистон мустақил бўлиб, ўз Конституциясини қабул қилгач айбсизлик презумпцияси одил судловнинг асосий принципи бўлиб қолди. Бу принципга амал қилинганда, жазо тайинловчи суд жазо тайинлашдан аввал жиноятни айнан шу шахс содир этганлигини аниқлашга мажбур.

Жиноят содир қилган шахснинг айбдорлигини исботлаш мажбурияти терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судга юклатилган. Конституцияда айбланувчига узини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилган. Қоидага кура, шахснинг бу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қийноқ, зўрлик ва бошқача тарзда инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни тақиқлайди. Бу конституциявий қоида «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 7-моддасидаги: «Ҳеч ким азобланмаслиги ё жазога мустаҳиқ этилмаслиги керак. Жумладан, ҳеч қандай шахс, унинг розилигисиз, тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказишга мубтало қилнмаслиги керак», — деган халқаро нормаларига мос келади¹.

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль. — Т., 1992. — 37-б.

Бундай халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Конституциясидан келиб чиқадиган қоидалар Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир шахс ўз ҳаётига ўзи эгалик қилишининг кафолатланганлигини билдиради.

Ўзбекистон Конституциясининг 27-моддасида ҳар бир инсонга ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган.

Шахсининг шаъни ва қадр-қиммати бу инсонга тегишли хусусиятдир, бу хусусият катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг бузилмаслиги қонун билан қўриқланади. Давлат биринчи навбатда уларни фуқаровий, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар билан қўриқлашга кафолат беради.

Конституциянинг ушбу моддасида: «ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас», — дейилган. Инсоннинг турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, мулк шаклидан қатъи назар ҳамма уй-жойларга, ҳамма биноларга тегишлидир. Уй-жойга рухсатсиз киришга фақат қонун билан кўрсатилган ҳолларда ва белгиланган тартибда йўл қўйилади. Жиноят процессуал қонуни эса уйни кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш шартлари ва асосларини белгилаб беради. Турар жойга у ерда яшовчиларнинг эркига қарши, зўрлик ишлатиб, ноқонуний кириш ҳолларида жиноий жавобгарлик келиб чиқади ва жазо қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси республика ҳудудида фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, келиш ва ундан чиқиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бу ҳуқуққа мувофиқ, шахс ўз хоҳиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ундан чиқиб кетиши ва қайта келиши мумкин. Қонунда кўрсатилган чеклаш чегара ҳудудларига тегишли. Чегара ҳудудларида бўлишни алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқароларнинг келиб кетишини алоҳида назорат қилиш тартиблари давлат чегараларини қўриқлашда давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро жиноятчиликка қарши кураш манфаатларидан келиб чиқади.

Чегара ҳудудларида доимий яшамайдиган шахсларга, у ерга кириш ҳақидаги рухсатнома яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан ўрнатилган тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга кетиш қоидалари махсус ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Конституциянинг 29-моддаси ҳар бир инсонга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини беради, лекин бундай эркинлик амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашларга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши керак. Чунки республика конституциявий тузумига қарши қаратилган ахборот ва бошқа маълумотлар давлат, жамият ва фуқаролар учун жиддий хавф туғдириб, жамиятнинг осойишта ва тинч ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Фуқароларга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш, тарқатиш ҳуқуқи уларга давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига, корхона, ташкилот, муассасаларга таклиф, ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиш йўли билан жамоат ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашиш имконини беради.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш туғрисидаги ҳуқуқларининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати туғрисида»ги қонунида кўрсатилган.

Давлат манфаатига дахлдор ёки бошқа сирларни сақлаш ниятида сўз эркинлиги ва уларни баён қилиш ҳуқуқи чекланган. Бундай чеклашнинг шарт эканлиги давлат сирларини ошкор қилишнинг, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка, давлатнинг мудофаа қудратига, давлат ва жамиятнинг бошқа ўта муҳим манфаатларига зарар етказиши мумкинлиги билан асосланади.

Давлат сирларини сақлаш бундай сирларга эга бўлган барча давлат идоралари, корхоналар, бирлашмалар ҳамда мансабдор шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мажбуриятидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш каби ўз ҳуқуқидан фойдаланаётган пайтда жамиятга ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказмасликлари керак.

Конституциянинг 30-моддаси Ўзбекистоннинг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлигини қайд қилган. Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари томонидан қабул қилинган, фуқароларнинг ҳуқуқи ва манфаатига дахлдор ҳуқуқий қоидалар билан уларни таништириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам Конституциянинг 83-моддасида «Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир» деб мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, барча ишларни судларда кўриб чиқётганда фуқароларнинг ўзларига тегишли ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқлари, барча судларда ишларни кўриб чиқишнинг очиқ тарзда ўтказилиши суд процесси қатнашчиларининг барчасига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, унинг ҳужжатлари орқали ҳимоя қилишга имкон яратади.

Республика Конституциясининг 32-моддаси республика халқининг ҳаммаси учун виждон эркинлигини кафолатлайди. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Бундай конституциявий қоидаларнинг амалга оширилиши жамиятимизда осойишталик ўрнатиш ва жамият фаровонлигини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг¹ янги таҳририда фуқароларнинг динга ёки шунга мос эътиқодга ўз муносабатини белгилаш, ифодалаш ҳамда ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-русумларни бажариш ҳуқуқларини таъминлайди, ижтимоий адолат ва тенгликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туради.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 15 май 1998 й.

Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини бевосита ва билвосита чеклаш, уларга бевосита ёки билвосита бирон-бир имтиёзлар белгилаш, хусусан, душманлик ва адоват уйғотиш, ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди муносабати билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш, шунингдек, диний иншоотларни оёқости қилиш қонун билан жазоланади. Ҳеч ким ўз диний эътиқодига кўра қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши мумкин эмас.

Динлар ва диний ташкилотлар давлатдан ажралгандир. Бир дин ёки диний эътиқод учун иккинчи бир дин ёки эътиқодга нисбатан бирон-бир даражада имтиёз ёки чеклаш белгилашга йўл қўйилмайди. Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг қандайдир вазифаларини бажаришни юкламайди, диний ташкилотларнинг қонунларга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийликни тарғиб қилишга оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайдилар ва сиёсий партияларга молиявий мадад кўрсатмайдилар.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига ва ҳуқуқ тартиботга риоя этишга мажбурдирлар.

Юқорида кўрсатилган виждон эркинлиги тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунга кўра, Ўзбекистонда давлат таълими тизими диний ташкилотлардан ажратилгандир. Ўзбекистон фуқаролари, динга муносабатидан қатъи назар, таълимнинг барча турлари ва даражаларидан баҳраманд бўла оладилар. Давлат ўқув юртларида диний таълим берилишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, бу қонунда виждон эркинлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳалқаро ҳуқуқ талаблари ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг давлатнинг пухта уйлаб ўтказаётган оқилона сиёсати жамиятнинг динга муносабатини анча ўзгартириб юборди. Диндорларнинг қонунларга қатъий риоя этиши, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳалқнинг барча табақаларини жипслаштиришга ёрдам берди.

Маълумки, ҳар қандай диний эътиқод соф диний

ақидалардан ташқари эзгулик, ишонч, ҳалоллик, меҳр-шафқат, олижаноблик, меҳнатсеварлик, халқлар ўртасида дўстлик, Ватанга муҳаббат каби маънавий ва ахлоқий тушунчаларни ўзида сингдириб, асрлар оша бизгача сақланиб келган. Бу маънавий бойлик умумбашарий қадрият бўлиб хизмат қилиши керак.

Лекин собиқ Совет Иттифоқи даврида республикада жамиятнинг барча табақалари ахлоқий таназзул ва маънавий қашшоқликни бошидан кечирди. Шу сабабли инсон руҳини поклаш муаммоларини, ахлоқий муаммоларни ҳал қилмай туриб, биз дунёвий, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишдек асосий вазифани ҳал қила олмаймиз. Республика президенти И. А. Каримов Ўзбекистонни демократик ва ижтимоий адолатли жамиятга айлантиришнинг ижтимоий ва маънавий соҳадаги вазифаларига тўхталиб, шундай деган эди: «Хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш бир дунёқарашнинг яккаҳоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом — ота-боболаримизнинг дини, онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир»¹.

Ҳақиқатан ҳам, тарих шуни тақозо этадики, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни қўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган, халққа раҳнамо бўлган, у одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлаштиришга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган. Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган. Шунинг учун динга, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътибор берилиши лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ундан ортиқ бошқа конфессиялар эркин фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг вакиллари республикада Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун меҳнат қилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий, истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 46-б.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда «Динга эътиқод қилиш ёки узга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин» дейилган¹.

4. Фуқароларнинг сиёсий соҳадаги ҳуқуқлари

Ўзбекистонда халқ ҳокимиятининг амалга оширилиши ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида фаол амалий ва ҳуқуқий иштирок этиш имконини беради. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII бобида сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида гап кетганда, бу ҳуқуқлар асосан Ўзбекистон фуқароларига тегишли эканлигини алоҳида уқдириш лозим. Чунки фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, Конституцияда кўрсатилганидек, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш (32-модда); ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш (33-модда); касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш (34-модда) ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин.]

Конституциянинг «Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар» деб номланган VII бобида кўрсатилган ҳуқуқлар ва эркинликлар эса нафақат Ўзбекистон фуқароларига, балки Ўзбекистонда яшовчи барча инсонларга тегишлидир.

Ўзбекистон Конституциясининг фуқароларга берадиган сиёсий соҳадаги ҳуқуқлардан бири шу «Жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш»дир (32-модда). Бундай иштирок этиш икки йўл билан амалга оширилади:

1) бевосита иштирок этиш. Бу референдум ўтказишда, давлат органларини сайловлар йўли билан ташкил этишда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида иштирок этиши билан амалга оширилади;

2) фуқаролар ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, давлат

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1998 й., 15 май.

органлари, республика Президенти орқали жамият ва давлат ишларини амалга оширишда қатнашадилар.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик давлатнинг ажралмас хусусиятидир.

Юридик адабиётларда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини, унинг усулларига қараб вакиллик демократияси ва бевосита демократия деб аташади.

Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимиятини ўзлари сайлаб қўйган вакиллари орқали, вакиллик органлари бўлган халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширадилар. Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Республика Президенти иш олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларга ўз хоҳиш иродасини билдириш, тенглик ва эркинлик асосида, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар, кўп партиявийлик, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бундан ташқари, фуқаролар сайлов жараёнида сайлов ўтказувчи органларни шакллантиришда иштирок этиш, номзодлар кўрсатиш, номзодларнинг ишончли вакили, ташвиқотчиси бўлиш, сайловларнинг қонунларга асосан ўтишини назорат қилиш мақсадида комиссияларда иштирок этиш сингари ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Улар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш ҳамда референдумларда давлат ва жамиятнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунига асосан, референдум давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари, республика қонунлари ва ўзга қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир.

Референдум орқали фуқаролар ўзларининг хоҳиш-

иродаларини бевосита билдириб, унга мажбурий тус берадилар. Халқ муҳокамасига қўйилган масала юзасидан халқнинг овози ҳал қилувчи овоз бўлиб ҳисобланади ва бирон-бир орган томонидан тасдиқланишига йўл қўйилмайди. Уни ўзгартириш ёки бекор қилиш фақат референдум орқали ҳал қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунда референдумни тайёрлаш ва ўтказиш, унинг натижаларини яқунлаш, референдум қабул қилган қарорларни эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби кўрсатилган.

Конституциянинг 33-моддаси фуқароларга ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бундай ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон давлатининг жаҳондаги умумэтироф этилган принципларга содиқлигидан далолат беради. Фуқаролар митинглар, йиғилишлар ва намоёишларда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳуқуқига, сўзга чиқиш эркинлигига эгадирлар. Ҳокимият органлари фуқароларнинг бундай тадбирлар ўтказиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Уларга биноларни, майдонларни, кўчаларни бериш, ахборотларини кенг тарқатиш, телевидение ва радиодан фойдаланиш имконияти таъминланган.

Ҳокимият органлари митинглар, йиғилишлар ва намоёишларнинг йўналишларини белгилайдилар ҳамда уларнинг бошланиш ва тугаш вақтини назорат қиладилар. Чунки бу тадбирлар жамоат тартибини бузмаслиги, тус-туполон келтириб чиқармаслиги, фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солмаслиги, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этмаслиги керак.

Ҳокимият органлари айрим ҳолларда, фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина фуқароларнинг бундай митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар ўтказишини тўхтатиши ёки таъқиқлаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолат нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, балки халқаро ҳуқуқ нормалари ҳисобланган «Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактда ҳам ўз аксини топган.

Унга кўра, тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи давлат ёки жамоат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли-

нинг соғлиғини, маънавиятини ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун томонидан чеклаб қўйилиши мумкин¹. Бундай тартиб жаҳон тажрибасида осойишталикни сақлаш сиёсатига мос тушади.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимига кирадиган ҳуқуқлардан яна бири фуқароларнинг касаба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституциянинг 34-моддасида ўз аксини топган.

Бундай уюшмалар фуқароларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, хоҳиш-иродасини ифода этишнинг ўзига хос шаклидир. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни жамоат бирлашмаларига фаолият учун барча шароитларни яратиб беради. Бу қонунда жамоат бирлашмаларига ҳуқуқий тушунча берилган. Жамоат бирлашмалари — бу умумий манфаатдорлик негизида бирлашган, фуқароларнинг эркин хоҳиш билдириши натижасида вужудга келган кўнгилли тузилмалардир. Жамоат бирлашмалари камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар оммавий ҳаракатларга аъзолик ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, қонунийлик, ўзини-ўзи бошқариш ва ошкоралик принципларига асосан ташкил этилади.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг мақсадлари қуйидагилардан иборат: 1) фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш; 2) фуқароларнинг фаолиги ва ташаббусини ривожлантириш, давлат ва жамоат ишларини идора қилишда иштирок этиш, қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Давлат жамоат бирлашмаларидан юқорида кўрсатилган вазифаларини бажаришда қонун доирасида иш қуришлари талаб этилади. Шу билан бирга давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ва уларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун шарт-шароитлар яратилишига кафолат беради.

Давлат жамоат бирлашмаларига маълум ҳуқуқларни

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль. — Т., 1992. — 44-б.

беради, бундай ҳуқуқлар уларнинг дастурий ҳужжатларида, низомларида ўз аксини топади.

Демак, давлат фақат қатъий белгилаб қўйилган масалаларни, яъни жамоат бирлашмаларини ташкил этиш тартиби, меҳнат қилиш шароити, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий кафолатлаш, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солади. Жамоат ташкилотлари ўз шаклланишининг ички тартиби ва фаолияти масалаларини ўзлари мустақил белгилайдилар.

Давлат жамоат бирлашмаларидаги озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматининг камситилишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимият билан муҳолифатнинг ўзаро муносабатлари заминиде вужудга келиши мумкин бўлган барча масалалар аниқ тартибга солинган. Ҳокимият билан муҳолифат бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларига, таклифларига сабр-бардош билан қараши, бир-бирлари билан тинч келишув йўлини қидириши, қандай қилиб бўлса ҳам бир мақсадга — Ватан тинчлиги, осойишталиги ва равнақига хизмат қилишлари керак.

Лекин Ўзбекистон Конституцияси жамоат бирлашмаларининг мақсади ва фаолияти Конституция ва амалдаги қонунларга зид келмаслигини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига асосан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи ва фаолияти бошқача тарзда қонуннинг бузилишига олиб келувчи жамоат бирлашмаларини тузиш тақиқланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 35-моддаси ҳар бир шахсга бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши шарт. Асосий Қонунда бундай қонуннинг кўрсатилиши Ўзбекистонда ҳар қандай фаолият фақат қонунга асосан олиб борилишидан, қонунбузарликларга йўл қўйилмаслигидан ва ҳамма нарса фуқаролар учун, халқ

иродасини ифодалаш учун қилинаётганлигидан далолат беради.

1994 йилнинг 6 майида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини берувчи асосий қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари белгиланган.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқариш жараёнида ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб мурожаат этишга; давлат ва жамоат ҳуқуқларини тиклашга ҳақлидирлар. Фуқаролар фақат ўзларини эмас, балки бошқа шахслар ва ташкилотларнинг манфаатини ҳам кўзлаб мурожаат қилишлари мумкин. Фуқаролар мурожаатлари ҳар хил шаклда — таклифлар, аризалар, шикоятлар тарзида амалга оширилиши мумкин.

Таклифлар — фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатларидир. Бу органлар, бирлашмалар ва ташкилотлар фуқароларнинг таклифини ҳар томонлама кўриб чиқиши ва фуқаронинг илтимосига биноан, кўриб чиқиш натижалари тўғрисида унга маълумот бериши шарт.

Аризалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимос баён этилган мурожаатларидир. Улар тегишли органлар ва ташкилотлар томонидан ҳар томонлама, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, уларнинг ижроси таъминланиши, ижро натижаси ариза берувчи фуқароларга хабар қилиниши шарт.

Шикоятлар — давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатларидир. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят, бўйсунув

тартибига қараб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга ёхуд судга берилади.

Фуқароларнинг шикоятларини хатги-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзларига жўнатиш таъқиқланади.

Фуқароларнинг мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа бўлиб ифодаланган бўлиши ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Фуқаролар мурожаатларни уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига эга давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек, барча даражадаги депутатларга юборишлари мумкин.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлмаган давлат органига, жамоат бирлашмасига, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади. Мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни рад этиш таъқиқланади.

Фуқароларни мурожаат қилганлиги учун таъқиб остига олиш ва мурожаатни қўллаб-қувватлашга мажбур этиш қонун билан таъқиқланади.

Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши вақтида давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг ходимлари томонидан фуқароларнинг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларнинг, давлат сири, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган бoshқа ахборотларнинг ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун ҳам фойдаланилади. Фуқароларнинг ҳал этилиши оммавий ахборот воситаларининг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларга доир фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг таклифлари таклиф тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади. Қонунда кўрсатилишича, барча даражадаги депутатлар, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг

ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт. Қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади.

Шу билан бир вақтда, фуқаролар ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилганларида далилларни бузиб кўрсатишга қасддан йўл қўйишлари, ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган ёлғон маълумотларни тарқатишлари, танқид қабилида тухмат қилишлари мумкин эмас.

Ўз навбатида ариза, таклиф ва шикоятларнинг кўриб чиқилишини қонунга хилоф тарзда рад этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз ва қонунга зид қарор қабул қилиш қонунга биноан жавобгарликка олиб келади.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини давлат ҳокимият органлари, шунингдек, уларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар назорат қиладилар.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни республика прокуратура органлари амалга оширадилар. Улар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

5. Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги асосий ҳуқуқлари

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, ижтимоий ва давлат қурилишидаги асосий ютуқларимиздан бири — фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги конституциявий ҳуқуқларидир. Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясининг IX бобида кўрсатилган бўлиб, улар: шахсларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи; меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқи; адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи; дам олиш ҳуқуқи; қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи; малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи; билим олиш ҳуқуқи; илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларидан топади. ↘

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда мулкчиликнинг давлат монополияси муқаррар равишда мулкнинг жонли, аниқ одамлардан бегоналашувига олиб келди. Илгари амал қилиб келган Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар шахсий мулкнинг манбаи меҳнат даромадлари эканлиги кўзда тутилган ва фуқаролар мулки бўлиши мумкин бўлган баъзи объектларгина санаб ўтилган эди, холос. Янги Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддасида биринчи марта фуқароларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституция даражасига кўтарилди. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг мулкка бўлган муносабатини жиддий равишда ўзгартиради. Чунки мулкнинг кўпайиши, даромад миқдорининг ошиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши, иш жойларининг кўпайиши, етук технология янгиликларининг ишлаб чиқаришда қўлланиши ва бошқа муҳим масалалар бевосита мулкдорларнинг ихтиёрида бўлади. Бу иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келадиган муҳим омилдир.

Шахсларнинг конституцияда мустаҳкамланган мулкдор бўлиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида», «Қорхоналар тўғрисида», «Ишбилармонлик тўғрисида»ги ва бошқа қонунларида ўз аксини топди.

Собиқ Иттифоқдаги қонунларда фуқаролар мулкнинг объекти фақатгина шахсий мулк (уй-рўзғор буюмлари, шахсий истеъмол моллари, ёрдамчи хўжалик асбоб-ускуналари, турар жой, меҳнат жамғармаси ва бошқалар) бўлиши мумкин эди. Ишбилармонлик билан шуғулланишга ва хусусий мулк эгаси бўлишга йўл қўйилмас эди. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Фуқароларнинг мулки ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишдан, ўз хўжалигини юритишдан олинган даромадлар, кредит ташкилотлари, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларга сарфланган маблағлардан келадиган даромадлар, меросхўрлик йўли билан ва қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларда мулкка эгалик қилишдан олинадиган даромадлардан вужудга келади.

Мулк эгаси ўзига тегишли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ўз хоҳиши билан амалга оширади, мулкдан хоҳлаган хўжалик фаолиятини ёки қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин. Давлат эса, ўз

навбатида, бу ҳуқуқни қонун билан тартибга солиб, ўз идоралари орқали назорат қилиб туради, уларнинг шакллари-ридан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилигини таъминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида фуқаролар мулкига кирмайдиган объектлар ҳам белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, республика банклари ўз мижозлари ва гумашталарининг молиявий олди-бердиси, ҳисобдаги пули ва омонат жамғармаларига доир маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, мижозлар ҳисобдаги ва омонат банкидаги ўз пул маблағлари ва бошқа бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этилган, жамғармага банд солинган ёки мулк мусодара қилинган ҳоллардагина суд ва тергов органларига шундай маълумотномалар берилади.

Фуқаролар мулки васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам меросхўрга қолдирилиши, берилиши мумкин.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган, мулкнинг барча шакллари тенглиги ва ҳимоя қилиниши тан олинган, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан мулкдорларни кўпайтираётган демократик ҳуқуқий жамият қурмоқда. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги кунда энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Шахсларнинг бу конституциявий ҳуқуқлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга бутунлай мос келади.

Бу ҳуқуқлар фуқароларга баъзи ҳуқуқ ва эркинликлар беради. Ўз навбатида, ҳар бир фуқарога қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни бирлаштиради.

¹ Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. — Т., 1994. — 11-б.

Ҳар бир шахс ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра қандай фаолият билан шуғулланиши, қандай касб ва мутахассисликни танлашни ўзи ҳал этади. Меҳнат тўғрисидаги кодексга биноан, ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш тақиқланган.

Конституцияда кўрсатилган адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқининг таркибий қисмидир. Меҳнат шароитлари бевосита корхонанинг ўзида ва маъмурият билан ходим ўртасидаги келишувга кўра қонун асосида белгиланиши мумкин. Бундан ташқари, фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий кафолатлари бевосита қонунлар билан мустаҳкамланган. Қерда ишлаши ва қандай ишни бажаришларидан қатъи назар, барча ходимлар учун бу кафолатлар таъминланади. Фуқароларни ишдан бўшатиш фақат қонунда кўзда тутилган тартибдагина амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунига¹ мувофиқ, маъмурият ташаббуси бўйича ходимни ишдан бўшатишга фақат касаба уюшмаси комитети розилиги билан йўл қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун бўйича ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш имкони берилади. Ходимни ишга тиклаш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори маъмурият учун мажбурий бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт. Бунда ходимнинг бузилган ҳуқуқи тикланибгина қолмай, мажбуран ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ ҳам тўланади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун бўйича интизомий, моддий, маъмурий жавобгарликка, муайян ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида² (1992 йил 13 январь) фуқароларни ишсизликдан ҳимоялашнинг конституция-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ, унингча сессия (1992 й. 2—3 июль) — Т., 1994. — 84-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ, тўққизинчи сессия (1992 й. 4 январь, 13—14 январь) — Т., 1993. — 115-б.

вий ҳуқуқи белгилаб берилган. Ушбу қонун бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш шароитида инсоннинг иш билан таъминланишга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини белгилаб беради. Қонун Ўзбекистон Конституцияси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Чунончи, бу қонун маъқул келадиган ишни танлаш ва ишга жойлашишда ҳақ олмай кумаклашишни; ҳақ олмай янги касб (мутахассислик) ургатишни, иш билан таъминлаш тизимида ёки шу тизим йўлланмаси билан стипендия тулаб, бошқа ўқув юрларига ўқишга юборишни; фуқароларнинг ёши ва хусусиятларини ҳисобга олиб, меҳнат шартномалари тузиш имкониятини; ишсизлик бўйича нафақа тулашни, ишдан маҳрум бўлганларга бериладиган бошқа кафолатларни қўзда тутаети.

Ўзбекистон Конституцияси ҳар кимнинг меҳнат қилишга бурчли эканлигини қўзда тутмайди. Мазкур бурч собиқ иттифоқ давридаги Конституцияларда мустаҳкамлаб қўйилганлиги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга зид эди, чунки бу халқаро ҳужжат шахсларни меҳнат қилишга мажбур этишни тақиқлайди. Ундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилотининг 1957 йил 25 июнида қабул қилган «Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида»ги конвенциясида ҳам меҳнат интизомини сақлаш воситаси сифатида мажбурий меҳнатни қўллашга йўл қўйиш мумкин эмаслиги қўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддаси ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга эканлигини мустаҳкамлайди. Бу ҳуқуқдан меҳнат шартномаси (контракт) асосида, мулкчилик ва ҳужалик юритиш шаклидан қатъи назар, бирон-бир корхонада ишлаётган ходим, шунингдек, айрим кишига ёлланиб ишлаётган шахслар ҳам фойдаланадилар. Қонунда иш вақтининг энг кўп муддати ва таътилнинг энг кам муддати кафолатланади. Қонун билан белгиланган нормаларга риоя этиш корхоналар, муассасалар, ташкилотлар учун мажбурийдир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1935 йил 22 июндаги конвенциясига мувофиқ иш ҳафтаси 40 соат қилиб белгиланган. Шу ташкилотнинг «Ҳақ туланадиган таътилар тўғрисида»ги 132-сонли конвенциясига мувофиқ бир йил

ишлагандан кейин белгиланган таътил ҳеч бир ҳолда уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сунг, 1992 йилда Халқаро меҳнат ташкилотига тула ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги кодексиди ҳам ҳафталик иш вақтининг муддати 40 соатдан ошмаслиги, таътилнинг энг кам муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги кўзда тутилган. Шундай қилиб, Республика қонунлари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мослаштирилди.

Меҳнат тўғрисидаги кодексига мувофиқ, ходимларнинг айрим тоифаларига қисқартирилган иш куни, баъзиларига узайтирилган таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига мувофиқ, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўз ходимларига маблағлари ҳисобидан, қонунда кўзда тутилганига қўшимча тариқасида меҳнат ва ижтимоий имтиёзлар, шу жумладан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил беришлари мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддаси ҳар бир инсонга қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини беради. Конституцияда илк бор пенсиялар, нафақалар, бошқа ижтимоий ёрдам турларининг миқдори расман белгиланиб, тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги курсатилган.

Республика Президенти И. А. Каримов: «давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам курсатиши керак»¹, — деган эдилар.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Қариганда, меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотганда ва бошқа ҳолларда қонунда кўзда тутилган моддий таъминотдан ташқари, фуқаролар ижтимоий таъминот ва

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йули. — Т., 1992. — 47-б.

ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланадилар. Пензионерлар ва ногиронларнинг турли ижтимоий хизматга бўлган ҳуқуқи «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бошқа норматив ҳужжатларида мустақкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган ижтимоий ҳуқуқлардан яна бири — ҳар бир инсон учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши учун маълум шароитлар яратмоқда: етарли малакали тиббий мутахассислар тайёрлаш, замонавий тиббиёт ускуналари, самарали дори-дармонлар етказиб бериш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда; касалликларга қарши кураш ва касалликларнинг олдини олиш миллий дастури ишлаб чиқилган ҳамда бу дастур давлат мақоми даражасига кўтарилган. Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури поликлиникаларда ва кундузги стационарларда беморларга малакали хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутди.

Республикада соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди, шу номда халқаро жамғарма ташкил этилди.

Тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистонда тобора такомиллашиб бормоқда, сифати яхшиланмоқда, ходимларни тиббиёт кўригидан ўтказиш ривож топмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза-лаш тўғрисида»ги қонуни фуқароларни уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишга қабул қилишни тақиқлашни кўзда тутди.

Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури суғуртали тиббий хизматга ўтиш, рақобатлашишга қодир бўлган хусусий клиникалар ва дорихоналар ташкил этиш орқали тиббиёт хизматини янада такомиллаштириш мақсадини ҳам кўзлайди.

Республика Конституцияси ҳар бир шахсга билим олиш ҳуқуқини беради. Конституциянинг 41-моддасида кўрсатилган бу ҳуқуқ, давлат томонидан бепул умумий таълим олиш билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ билим олиш, шахснинг келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, қайси миллатга

мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий аҳволи, машғулоти тури, яшаш жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганидан қатъи назар, ҳар ким учун тенгдир.

Республика таълим тизимида мулкчиликнинг барча шаклларидаги ўқув юртлари учун мажбурий бўлган таълим даражасига ва фанлар бўйича ўтиладиган дарслар ҳажмига нисбатан, асосий талабларни белгилаб берадиган, жаҳон амалиёти мезонларига мувофиқ келадиган давлат андозалари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги тўққизинчи сессиясида Ўзбекистонда таълим тизimini ислоҳ қилиш масаласи курилди ва «Таълим тўғрисида» янги қонун қабул қилинди¹.

Ўзбекистонда таълим тизимининг такомиллашуви, ўқув режалари ва дастурининг янгиланиши, ўқитиш босқичлари ва шакллариининг янгиланиши республикада таълимни юқори даражага кўтаришга эришишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида билим олиш тизими оила ва мактабгача тарбия муассасаларида; фуқароларнинг бошланғич, таянч, ўрта мактабларда, бошқа таълим юртлари (гимназия, лицей ва бошқалар)да умумий таълим олиши билан; олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими бўйича шаклланган.

Республикада таълим олаётган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида улар белгиланган тартибда стипендия, нафақа, ётоқхона, текин овқат ва бошқа имтиёзлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Конституциясининг 42-моддаси шахсларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини биринчи марта конституциявий мақом даражасига кўтарди.

Шахсларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий ташвиқотлар юриштиш ва ихтиролар қилиш, адабиёт ва санъатнинг янги асарларини яратиш йўли билан амалга оширилади. Давлат эса бунинг учун тегишли моддий шароитлар яратиб, фуқароларнинг илмий-техника ва бошқа бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш йўли билан илмий, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятига кўмаклашади, уларнинг таклиф ва тавсияларини жорий этишга имкон беради.

¹ Қаранг: Халқ сўзи. 1997. 30 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августда чиқарган «Ижодкор ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ижодкор ёшларнинг маънавий ўсиши учун шарт-шароитларни яхшилаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, республика маданияти ва илмий-техника қўдратини кутаришга қўшадиган ҳиссаларини оширишга қаратилган тадбирлар кўрсатилган. Турар жойга муҳтож ижодкор ёшларга уй-жой бериш, муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун Давлат мукофотини таъсис этиш; республика мактаб олимпиадалари, ижодкор ёшларнинг халқаро ва республика танловлари ғолибларини моддий рағбатлантириш, ихтисосли олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

6. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш деганда, шахсларнинг Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда ҳар бир инсоннинг бу ҳуқуқларини ҳақиқий амалга ошириш тушунилади.

Кафолатлаш қонунда кўрсатилган, мумкин бўлган имкониятларни ҳаётда амалга оширишдир.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларга фақат эгаллик қилиш билан чекланмасдан, улардан фойдаланиш ва уларни бузилишдан муҳофаза қилиш ҳамдир.

Кафолатлашнинг моҳияти — давлат ва унинг органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиши, уларни амалга ошириш учун доимий равишда зарур воситалар билан таъминлашида ифодаланган бурчида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонларга маълум ҳуқуқлар ва эркинликлар бериш билан бирга уларни амалга ошириш учун керакли иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлайди.

Иқтисодий соҳадаги кафолатлар — Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида кўрсатилган ва иқтисодиётнинг негизини ташкил этувчи мулк шакллариининг хилма-хиллигидир. Уларда мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлили-

ги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланган.

Инсон сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланганлиги Ўзбекистонда ҳокимиятнинг халққа тегишлилиги, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги; давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланганлиги; Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши; ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигидир.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари жуда кўп ва турличадир. Улар Ўзбекистон қонунларида кўрсатилган ва мустақамланган. Ҳуқуқий кафолатларнинг кўпчилиги амалдаги қонунларда кўрсатилган бўлиб, улар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини очиб беради ва ойдинлаштиради ҳамда уларни амалга ошириш тартибини ўрнатади.

Ҳуқуқий кафолат тўғрисида сўз борганда, шароит ва воситаларни ажрата билиш керак. Шароит — бу асосий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш, сиёсий-ҳуқуқий режимдир. Восита (усуллар) — бу фуқаро ёки давлат органларининг у ёки бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмидир. Масалан, ҳуқуқий восита сифатида фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда судга мурожаат қилишни ёки прокурорнинг тавсияномасини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий демократик давлат қураётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун турли воситалардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида (2-модда) давлат органларининг фуқаролар олдидаги масъулиятининг белгилаб берилиши, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга қаратилган муҳим воситадир. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъулияти фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида вужудга келади. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини ўзининг турли органларига юклайди. Масалан, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, ҳокимларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муҳо-

фаза қилиш вазифаси юкланган. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг (суд, прокуратура, ички ишлар органлари) асосий вазифаси ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишдир.

Фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни осонлаштириш учун, давлат қушимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади, натижада тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш имконияти кенгайди ва уларнинг кафолатлари кучаяди.

Масалан, Конституциянинг 34-моддасида фуқароларнинг касаба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш каби сиёсий ҳуқуқи мустақкамланган. Бу ҳуқуқни таъминлаш чоралари, уни амалга ошириш йуллари «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда¹, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда² белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахсга бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда³ бу ҳуқуқларни амалга ошириш қоидалари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари билан белгиланган.

Давлатнинг фақат тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги масалани тўла ҳал қилмайди. Фуқароларнинг шундай конституциявий ҳуқуқлари борки, уларнинг тўла амалга ошиши учун тегишли моддий, молиявий имконият бўлиши зарур. Бунинг учун давлатда моддий, иқтисодий имконият етарли бўлиши керак.

Фуқароларнинг баъзи асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ амалга ошириш учун, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳозирги даврда давлат иқтисодий сиёсатининг асосий негизидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. № 4. 76-модда.

² Уша манба. 1992. № 9 344-модда.

³ Уша манба. 1994, № 5. 140-модда.

моддаси ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Фуқароларнинг бундай ҳуқуқи қурилаётган ҳуқуқий давлат белгиларидан биридир.

Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниш принципларининг амалга оширилиши натижасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги кучайди, уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолияти кенгайди. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида судларнинг вазифасига фуқароларнинг республика Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган, ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлаш ҳам киради, деб кўрсатилган.

Фуқаролар ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласалар, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин. Бу фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тикловчи энг самарали тадбир ҳисобланади.

Фуқароларнинг давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки қарори юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи бир неча жорий қонунларда мустаҳкамланган. Масалан, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида фуқароларнинг давлат органи, жамоат бирлашмаси ва мансабдор шахснинг нотўғри хатти-ҳаракати ёки қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кўрсатилган¹. Ўзбекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги қонунининг 14-моддасида маҳаллий ҳокимият идораларининг фуқароларга тегишли ерни бериш ҳақидаги қарори устидан уларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлса, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28-моддасида фуқароларнинг ҳокимлар қабул қилган қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кўрсатилган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1994. № 5, 140-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. № 5, 126-модда.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларда фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи бир неча моддаларда қайд қилинган. «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида кўрсатилишича, «Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя қилиниши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади»¹. Демак, фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг ва ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятининг мавжудлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолатидир.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган шароитда, аҳолининг маълум қисмини иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаб туриш республика Президентининг давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг беш тамойилидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимояни ташкил этиш принципининг амалга оширилишидир². Бу ҳолат Конституциянинг 45-моддасида ўз аксини топган. Бу қоидага биноан, «вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ёки ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». Масалан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги³ ва «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги⁴ қонунлар ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва ҳимоясини таъминлаш, уларнинг ижодий иқтидорларидан имкони борича тула-туқис фойдаланиш ва ёшлар учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш зарурлигини кўрсатади. Қо-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ ун учинчи сессия. (1993 йил 2—3 сентябр) — Т., 1994. — 24-б.

² Қаримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг узига хос йўли. — Т., 1993. — 42-43-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ саккизинчи сессия (1991 йил 18—21 ноябр) — Т., 1994. — 43-б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ саккизинчи сессия (1991 йил 18—21 ноябрь) — Т., — 43-б.

нунда вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳам ўз ифодасини топган.

Меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари ҳам давлат томонидан алоҳида ҳимоя қилинади. Давлатнинг бу соҳада олиб бораётган сиёсати бундай кишиларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини, иқтисодий ва сиёсий турмушда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилгандир.

Бундай шахсларнинг даволаниши, дам олиши, билим олиши учун давлат томонидан алоҳида имтиёзлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган. Аёллар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш учун давлат кенг миқёсда қўшимча тадбирларни амалга оширмақда. Давлат аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унга ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратиш билан бирга, аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат қилишда, соғлиғини мустаҳкамлашда яхши шароитлар ва имтиёзлар яратиб бериши ҳам зарурдир. Чунки, тенг имконият ва қўшимча шароит, имтиёзлар ўрнатиш билангина аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланиши мумкин. Бундан ташқари, оиладаги ишларнинг асосий қисми аёллар зиммасига тушади, бунинг натижасида аёллар ўзларининг тўла ҳуқуқлилиги имкониятидан фойдалана олмайдилар. Шунинг учун давлат аёллар билан эркакларнинг тенглигини эълон қилар экан, буни таъминлаш учун аёлларни қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўрмақда. Уларга фарзанд кўришдан аввал ва кейин бериладиган ҳақ тўланадиган таътил миқдори, болаларга бериладиган нафақалар миқдори кўпайтириб борилмоқда. Аёлларнинг иш вақти қисқартирилиб, болаларни муҳофаза қилиш республикамизнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

7. Фуқароларнинг конституциявий бурчлари

Ўзбекистон Республикасида шахсларга нисбатан ҳурмат, ишонч бўлиши, уларнинг ташаббусини, ижодкорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда, улардан

жамият ва давлат олдидаги маълум бир бурчларни бажариш ҳам талаб қилинади.

Фуқароларнинг интизомини мустаҳкамлаш, давлат ўрнатган тартиб ва қоидаларига риоя қилиш жамиятимиз ривожини таъминлаш шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган конституциявий тузум фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, уларни амалга оширишни кафолатлаш билан бирга фуқаролар зиммасига маълум бурчларни бажаришни юклайди.

Конституциянинг 19-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан ўзаро боғлиқдирлар. Шунинг давоми сифатида, Конституциянинг 20-моддасида: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт», — дейилган.

Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги шахс, жамият ва давлат манфаатининг узвийлиги принципида намоён бўлади. Бу принципнинг амалга оширилиши Ўзбекистон фуқароларининг ўз бурчларини тушунган ҳолда ва ихтиёрий бажарганликларида ҳам намоён бўлади. Демак, ҳуқуқ бор жойда бурч ҳам бўлиши зарур. Жамиятда шахснинг тутган ўрни, мавқеи фақат ҳуқуқ билангина эмас, балки шу билан бирга бурч билан ҳам белгиланади. Фуқаро ўзига берилган эркинлик билан бир қаторда юклатилган масъулиятни ҳам сезиши зарур. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига асосий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаши билан бирга уларга нисбатан муайян бурчларни юклатиши Конституция ва қонуннинг устунлигидан далолат беради.

Фуқароларнинг конституциявий бурчлари жамият ва давлатнинг маълум шахснинг олдига қўядиган жуда зарур талабдир. Бу талаб Конституция моддаларида ўз аксини топган ҳамда амалдаги қонунларда аниқ белгиланган. Конституциявий бурчларнинг ўзи ҳам ҳуқуқий характерга эга бўлиб, унинг бажарилиши маълум воситалар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари Конституция нормаларида ўз аксини топиб, маълум тизимни ташкил қилади. Уларга: Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (48-модда);

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш (49-модда); атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш (50-модда); қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш (51-модда); Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ (52-модда); ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялаши (64-модда); вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши (66-модда) киради.

Бозор иқтисодиётига ўгиш шароитида олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажариш, келажакда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни, адолатли жамиятни куриш Конституция ва қонунларга риоя этиш, уларни белгиланган тартибда ижро этишга боғлиқдир. Республика раҳбарияти бу масалаларга катта эътибор бермоқда. Чунки ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахс қонунларга риоя қилмаса, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, ҳуқуқий давлат тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Республика Президенти И. А. Каримовнинг таъкидлашича «Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги таъминланишидир... Улуғ бобокалонимиз Амир Темурайтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»¹.

Ўзбекистон халқининг иродасини ўзида акс эттирадиган Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари жуда муҳим вазифани бажаради. Улардаги нормаларнинг тўғри амалга оширилиши республикада осойишталикни, бозор иқтисодиётига тинч ўтишни, демократик принциплар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди.

Конституциянинг 48-моддаси Ўзбекистон фуқаролари зиммасига Конституция ва амалдаги қонунларга риоя қилиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, республика фуқароси деган юксак номга муносиб бўлиш мажбуриятини юклайди.

Конституция ва қонунларга риоя қилмаслик давлат томонидан белгиланган қоидаларнинг бузилишига, юридик жавобгарликка олиб келади. Шунинг учун республикада фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қа-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 121-б.

ратилган, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ тизими яратилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматини пастга урадиган, унинг обрўсига путур етказадиган ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Фуқароларнинг конституциявий бурчлари амалдаги қонунларда ўзининг ифодаси ва ривожини топган. Масалан, фуқаровий ҳуқуқ нормаларида кишиларнинг шаъни ва қадр-қимматини пастга урадиган, унинг обрўсига путур етказадиган ғайриқонуний ҳаракатлар учун юридик чоралар белгиланган, шу жумладан, ушбу масалаларнинг суд орқали ҳал қилиниши кўрсатилган.

Ўзбекистон фуқароларининг шаъни ва қадр-қиммати жиноят қонунлари билан ҳам ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланиши билан бирга бу ҳуқуқлар бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилиниши мажбурийлиги ҳам ифода-ланган.

Конституциянинг 49-моддаси фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлигини ва маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам республика минтақасининг қадимий тарихи ва маданияти, унда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, бу маънавий ва тарихий бойликлар, шубҳасиз, Ўзбекистон халқи онгига ва турмуш тарзига ижобий таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон фуқароларининг ўз халқи тарихига нисбатан ҳурматда бўлиши, уни авайлаб-асрашга мажбурлиги туғрисидаги қонуннинг Конституцияга киритилиши муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга.

Собиқ Иттифоқ даврида миллий, маданий меросимизга эскилик сарқитлари деб қаралиши ва уларнинг фарзли танқидий баҳоланиши туфайли миллий қадриятлар топталди ва аждодлар бунёдга келтирган илм-фан, маданият соҳаларидаги бойликлардан унумли фойдаланиш имконияти бой берилди. Мустақиллик туфайли миллий

маданиятни тиклаш, маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик ҳисобланган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга келтириш ишлари бошланиб кетган.

Фуқароларнинг бу конституциявий бурчларининг мазмуни ҳар бир фуқаронинг зиммасига аждодларимиз яратган маънавий ва маданий меросни, маданият ёдгорликларини ҳар томонлама авайлаб-асраш, муҳофаза қилиш масъулиятини юклашдан иборат.

Фуқароларнинг конституциявий бурчларидан яна бири, уларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлигидир (50-модда). Фуқаролар бу бурчларининг конституциявий даражага кутарилганлиги уларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга қаратилган бўлиб, у яшаш муҳити, табиат ва маънавият ҳамда экологиянинг бир-бири билан боғлиқлигига асослангандир.

Маълумки, табиий муҳитнинг ҳолати, табиий бойликлардан фойдаланиш даражаси иқтисоднинг ривожланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга боғлиқ. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилишга Ўзбекистон Республикаси катта аҳамият бермоқда. Ушбу соҳада бир неча қонунлар қабул қилинди.

Экологик ислоҳотлар жараёнида «Табиатни муҳофаза қилиш» (1992 йил 9 декабрь), «Ер тўғрисида» (1998 йил 30 апрел), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993 йил 7 май) ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, уларда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари атрофлича ёритилган. Чунончи, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг XXIV бобида фуқароларнинг сувдан унумли фойдаланишлари ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш, сувнинг ифлосланиши ҳолларининг олдини олиш ва уни бартараф қилиш ишларини олиб боришда қатнашиб, суд муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан қонунларга риоя қилиш, сув манбалари ҳолатларини яхшилаш ва бошқа қўшимча жавобгарликлар кўрсатилган¹.

Фуқаролар ва тегишли ваколатли идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилмаслиги, айрим ҳолларда уларни қўпол равишда буз-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонун ва қарорлар. Ун иккинчи чақириқ ун иккинчи сессия (1993, 6—7 май) — Т., 1994, — 66-б.

ганлиги оқибатида табиатга катта зарар етмоқда. Масалан, Орол денгизи ҳавзаси ва Орол бўйидаги носоғлом экологик вазият Марказий Осиё халқларига табиий, иқтисодий зарар етказмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, жамоат ташкилотлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилмалари, «ЮНЕСКО» ҳам бу масалани ҳал қилишга катта аҳамият бермоқда ва бу йўналишда махсус иш олиб бормоқда.

Халқаро экология ва соғломлаштириш ташкилотининг Ўзбекистондаги «ЭКОСАН» бўлими ҳам шу соҳада фаол иш олиб бормоқда.

Қонунларда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган конституциявий мажбуриятни бажармаган шахсларни мулкий, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш ҳам белгиланган.

Фуқароларнинг конституциявий бурчларидан яна бири уларнинг қонун йўли билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўплашга мажбурлигидир (51-модда). Солиқлар юридик шахслар ва фуқароларнинг давлатга тўлайдиган мажбурий тўловлари бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти шу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизими, давлатнинг табиати ва вазифаларига кўра белгиланади.

Фуқаролардан олинадиган солиқлар давлат ривожланишининг турли даврларида республика ҳал қиладиган масалаларга қараб ўзгариб боради. Ҳозирги даврда фуқаролардан олинадиган солиқларнинг турлари қонунларда кўрсатилган. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи туғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонуни ва унга киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар билан ҳамда шу қонун асосида 1993 йил 21 майда қабул қилинган низомда кўрсатилган қоидалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистоннинг доимий истиқомат жойига эга бўлган ва эга бўлмаган фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишлидир. Солиқ тўлаш манбаи шахсларнинг пул ёки натура тарзида олган даромадлари ҳисобланади. Бу солиқлар иш ҳақи тўловлари, мукофотлар ва бошқа даромадлардан; фуқароларнинг деҳқон хўжалигини юритишдан олган даромадларидан; Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистондаги манбалардан оладиган даромадларидан ташкил топади. Бу солиқ ва йиғимларни ундиришни давлат идоралари томонидан Ўзбекистон

Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги органлари, ўзини ўзи бошқарувчи идоралар амалга оширади.

Солиқларни ўз вақтида тўламаган, тулашдан бўйин товлаган, даромадини яширган ва солиқ тўғрисидаги қонунларни бузган шахслар учун молиявий (жарима тўлаш, яширган ёки камайтириб кўрсатган даромадни ундириш), маъмурий (жарима тўлаш) ва қонунда кўрсатилган ҳолларда жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган. Шуни қайд қилиш керакки, фуқаролардан ундирилган солиқлар ва туловлар фуқароларнинг эҳтиёжлари учун халқ таълимига, соғлиқни сақлашга, моддий ёрдам ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига сарф қилинади.

Ўзбекистон Конституциясининг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — унинг ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг қудратини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун барча чораларни куриши лозим. Республиканинг мудофаа асослари давлат мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилган сиёсий-иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлардан иборат. Республиканинг мудофаа қудрати қуролли тажовузлардан ҳимоялаш мақсадида сақлаб турилади. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги¹ 1992 йил 3 июль қонунда республиканинг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг конституциявий бурчи эканлиги ифодаланган. Ундан ташқари ўша вақтда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва хизмат тўғрисида»ги қонунда² ҳам мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, умумий ҳарбий мажбуриятнинг мақсади Ўзбекистон фуқароларининг ўз мамлакатини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтишларидан ҳамда республика қуролли кучларини бутлаш ва захира тайёрлашни таъминлашдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинлари фуқароларни умумий ҳарбий мажбурият асосида ҳарбий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонун ва қарорлар. Ун иккинчи чақириқ унингчи сессия (1992 йил 2—3 июль).—Т., 1994. — 189-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар. Ун иккинчи чақириқ унингчи сессия (1992 йил 2—3 июль). — Т., 1994. — 189-б.

хизматга чақириш ҳамда фуқароларнинг битимга асосан ҳарбий хизматга кириши орқали тўлдирилади.

Қонунга кўра, тинчлик вақтида саломатлиги ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув кунида 18 ёшга тулган Ўзбекистон фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида фуқаролар ҳарбий хизматни муқобил хизмат ўтиш йули билан алмаштириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат туғрисида»ги 1992 йил 3 июль Қонунида кўрсатилганидек, муқобил хизмат фуқаролар ўтайдиган давлат хизмати-нинг алоҳида тури бўлиб, бу хизмат фуқаронинг корхоналар, муассасалар, халқ хўжалиги ташкилотлари, юқори малака талаб этмайдиган (ёрдамчи ишларни ёки ўз малакасига мос ишларни, шу жумладан фалокат, фожиа, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид) ишларни бажариши билан боғлиқдир. Муқобил хизматни 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар ўтайдилар¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Куролли Кучлар сафларида ҳарбий хизмат қилиши ўзининг фахрий ва муқаддас бурчи эканлигини, унга хиёнат қилиш эса энг оғир жиноят саналишини ҳамиша эътиборда тутадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ХII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг иқтисодий негизлари ва уларнинг вазифалари

Жамиятнинг иқтисодий негизлари деганда, жамиятдаги мавжуд иқтисодий ҳаёт, ишлаб чиқариш воситаларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ унинчи сессия (1992 йил 2—3 июль). — Т., 1994. — 238-б.

нисбатан мулкчилик шакллари, ижтимоий йўналишга қаратилган ишлаб чиқариш мақсади, жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг адолат принципи асосида тақсимланиш, хўжаликни бошқаришда бозор иқтисоди принципларига асосланганлик тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, унинг иқтисодий негизиде аста-секин ишлаб чиқариш қуролларига ҳар хил мулкчилик шакллана бошлади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиёти-нинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини мустаҳкамлайди. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Маълумки, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этувчи мулкий муносабатлар ишлаб чиқариш воситаларини ва меҳнатнинг барча маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир. Бу муносабатлар маълум ижтимоий гуруҳларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрнини, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш усулини белгилаб беради. Мулкий муносабатлар ашёвий муносабатлар тарзида юридик жиҳатдан бошқарилгач ёки расмийлаштирилгандан кейин, улар мулк ҳуқуқи шаклини олади. Бу эса мулкдор шахсга ўз мулкни ўз хоҳишига кура эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатини беради.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти собиқ Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг, марказлаштирилган режалаш, марказлашган тақсимлаш принциpidан воз кечиб, ўзини-ўзи бошқаришга, ўзини-ўзи моддий таъминлашга ва бозор иқтисодиёти тизимига ўтмоқда. Бозор ҳар бир кишидан шахсий тадбиркорликни, ишбилармонликни талаб этади, уни боқимандалик кайфиятидан воз кечишга мажбур этади ва одамларда моддий манфаатдорликни оширишга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, республикада мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини кўпайтиришга, давлат мулкни хусусийлаштиришга ундайди. Бўлаётган ушбу жараёни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 19 ноябрда «Давлат тасарруфидан чиқа-

риш ва хусусийлаштириш тўғрисида» қонун қабул қилди¹. Бу қонунга асосан, давлат тасарруфидан чиқариш деганда, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш тушунилади.

Хусусийлаштириш жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат хўжалик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишларидир (Қонуннинг 1-моддаси).

Қонунда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектлари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектлари тулиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади. Лекин давлат мулкининг баъзи бирлари хусусийлаштирилмайди. Қонунда кўрсатилишича, ер, ер ости бойликлари, ички сув, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий заҳиралар, маданият бойликлари ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди. Давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ва мол-мулкларнинг турлари ҳамда гуруҳларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ, Республика Олий Мажлиси белгилайди.

Ушбу хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунда давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш шакллари ва шартлари, бу тўғрида қарор қабул қилиш, нархни белгилаш тартиби ва давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ шунга ўхшаш масалалар ҳал этилган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини ташкил этувчи барча мулк шаклларига тенг ҳуқуқ берилишидан кузланган асосий мақсад ва вазифалар фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг моддий ҳамда маънавий талаб ва эҳтиёжларини тобора кўпроқ, тўлиқроқ қондириб бориш учун ҳуқуқий асос яратиш ҳамда уларнинг иқтисодий фаолиятининг, тадбиркорлик ва меҳнат қилишининг давлат томонидан кафолатланган эркинлигини, мустақиллигини, ижодий фаоллигини таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республикамизнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1992. 1-сон. (1993 йил 7 майда ушбу Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган).

иқтисодий соҳадаги вазифалари тўғрисида гапириб: «Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, тайёрга-айёрликни батамом тугатиш»ни¹ шундай вазифалардан бири сифатида кўрсатган эди.

2. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари, уларнинг объектлари, субъектлари ва муҳофаза қилиниши

Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонуни², бу қонунга 1993 йил 7 майда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги Қонунда³ ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида Ўзбекистон Республикасидаги мулкларнинг турлари, уларнинг объектлари ва субъектлари, мулкчиликнинг ҳамма турларини ривожлантиришга давлат томонидан тенг шароит яратиб берилиши, уларнинг дахлсизлиги таъминланиши белгиланган. Мулкчилик тўғрисидаги қонунда (4-модда) мулккий ҳуқуқ субъектлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва ўзга бирлашмалари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги Кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқарув идоралари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулккий ҳуқуқ субъектларидир.

Турли юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар айнан битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин. Мулкчилик тўғрисидаги қонун

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. — Т, 1992. — 18—20-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари. 1990. 371—модда. — 31-33-б.

³ «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун. «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар». Ун иккинчи чақириқ ун иккинчи сессия. (1993 йил 6—7 май). 1994. — 154-б.

ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мулкнинг хусусий мулк ва оммавий мулк шакллари мавжуд; Фуқаролик кодексининг 208-моддасида «Фуқаролар, ҳужалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар» хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари сифатида кўрсатилган.

Республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тизилмалар мулки (муниципал мулк) оммавий мулк ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари ҳам бўлиши мумкин.

Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида хусусий мулкка таъриф берилади. Хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин.

Шахсларнинг хусусий мулк объектлари — фуқароларнинг ёлланиб ишлашдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қогозлардан келган даромадлардан, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ва кўпайиб боради. Фуқароларнинг хусусий мулки, уларнинг давлат мулкни хусусийлаштиришда иштирок этиши ҳисобидан ҳам вужудга келиши мумкин.

Хусусий мулк ўз мол-мулкни сармоя сифатида ўртага қўйиш, давлат, кооператив ва ўзга корхоналарнинг мол-мулкни, ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш, мол-мулкни кимошди савдосида ёки қонунда йўл қўйиладиган ўзга асосларда харид этиш асосида юзага келади.

Шахснинг хусусий мулки бўлиши мумкин бўла олмайдиган объектлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонунининг 8-моддасида ширкат (жамоа) мулкнинг

субъектлари ва объектлари кўрсатилган. Ширкат (жамоа) мулки оилавий мулкни, маҳалла мулкни, шунингдек, кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкни, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкни ўз ичига олади. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиб бориши давлат корхоналарини ижарага бериш, давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига айлантириш, фуқароларнинг юридик шахсларнинг мол-мулкни кооперативлар ва бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларни тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

Ширкат мулкига оилавий мулк киради. Оила аъзоларининг мулки оилавий мулкдир. Бу мулк оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзгор ва ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ҳамда даромад олиш мақсадида қонунда рухсат берилган ўзга фаолият учун керакли ишлаб чиқариш воситаларини, истеъмол буюмларини, яратилган маҳсулотларни ўз ичига олади.

Оилавий мулк ҳуқуқи эр-хотин ва оиладаги бошқа аъзоларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқидан, шунингдек, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Маҳалла мулки ижтимоий узини-узи бошқаришнинг бошланғич бўғинлари — маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулк, маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек, мазкур мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, моддий ва хайрия йўсинидаги ёрдамлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари берадиган моддий ва молиявий ресурслар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкнинг субъектидир. Маҳалланинг сайлаб қўйилган органлари маҳалла мулкига тўла хўжалик юритиш асосида эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Ширкат (жамоа) мулкига хўжалик жамияти ва ширкатининг ҳамма мулки киради. Юридик шахс ҳисобланган хўжалик жамияти ва ширкатнинг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа

асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади.

Акциядорлик жамияти акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек, уз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир.

Мулкчилик қонунда кўрсатилишича, **диний ташкилотларнинг мулкида** бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар уз маблағига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эҳсон қилган, ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидаги хайр-эҳсонлар, шунингдек, фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳеч бир турига солиқ солинмайди.

Мулкчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонунда ва Фуқаролик кодексида кўрсатилган яна бир шакли бу **оммавий мулкдир**.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий мулкига республиканинг ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг (муниципал) мулки киради. Оммавий мулкни тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари, Ўзбекистон Президенти, республика ҳукумати ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ҳамда улар вакил қилган идоралар амалга оширадилар.

Қонунда республика мулкининг объектлари кўрсатилган. **Республика мулкига:** ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва республика бошқарув органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин заҳираси, давлатнинг валюта ва бошқа фондлари, давлат аҳамиятига молик корхоналар, давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда давлатнинг республика истиқлолини ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклари киради.

Мулкчилик тўғрисидаги қонунда **Ўзбекистон Респуб-**

ликасининг халқи давлат мулкнинг субъекти сифатида кўрсатилган. Мулккий ҳуқуқни халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат бошқаруви органлари амалга оширадilar. Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонунда ва Фуқаролик кодексиди муниципал мулк объектлари ва субъектлари ҳам кўрсатилган. Бу турдаги мулкнинг объектлари давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, шунингдек, давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган мол-мулк, вилоят, туман, шаҳар ёки бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан иборат. Республиканинг мутлақ мулкига тааллуқли объектлар муниципал мулк ҳисобланмайди.

Маъмурий-ҳудудий тузилма мулкнинг субъекти шу тегишли маъмурий-ҳудудий тузилманинг аҳолиси ҳисобланади. Аҳоли эса ўзининг мулккий ҳуқуқини рўёбга чиқаришни давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар орқали амалга оширади.

Оммавий мулк бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўша корхонага тегишлидир. Корхона ўз мол-мулки билан хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Ўзбекистон Республикасида мулкнинг яна бир шакли бу **аралаш мулкдир**. Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, «Мулкнинг аралаш шакллари мулкдорларнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Аралаш мол-мулкка эгалик қилиш ҳисса қўшиб иштирок этиш принципи асосида ҳам, шунингдек, ўз маблағларини бирлаштирган мулкдорлар ўртасида даромадларни бир текис тақсимлаш ва томонларнинг келишуви билан ҳам амалга оширилиши мумкин»¹.

Ундан ташқари аралаш мулкка қўшма корхоналарнинг ҳам мулки кириши мумкин. Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбе-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонун ва қарорлар. Ун иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессия. (1993 йил 6—7 май) — 1994. — 161 б.

кистон Республикаси ҳудудида ҳужалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида барпо этилиб, улар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин»¹.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида Ўз ҳудудида давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳам вужудга келишига йўл қўяди ва уларнинг тенг муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Бу шаклдаги мулклар турига **чет эл фуқароларининг мулки** киради. Чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкларига эгалик қилиш ҳуқуқи берилади. Давлат бу мулкнинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтказилишини кафолатлайди.

Чет эл юридик шахслари ҳам Ўзбекистон ҳудудида ҳужалик фаолиятлари ва республика қонунларида ман этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган **Ўз мулкларига эга бўлишга ҳақлидирлар**. Чет эл юридик шахсларининг мулки давлат томонидан муҳофаза этилади.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида халқаро шартномаларда, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий, хайрия ва бошқа халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳамма турдаги **мулк**ий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди, мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди, мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиб олишга йўл қўймайди. Ҳар қандай ташкилот, корхона ва муассасалар, фуқаролар, шунингдек, барча ҳуқуқ субъектлари қонун олдида баробардирлар. Ҳамма мулк шакллари, шунингдек, хусусий мулк эгалари, ҳужалик юритувчи субъектлар, фуқаролар конституциявий асосда ўз фаолиятларини амалга оширишда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Уларнинг ҳуқуқларини бузган ва чеклаган шахслар қонун олдида жавобгардирлар. Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки ҳужалик суди томонидан амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мулкдан фойдаланиш қонун талабларига мувофиқ бўлиши, жамият ва давлат-

¹ Олий Кенгаш қабул қилган қонун ва қарорлар. — 162 б.

нинг, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулк турларининг ҳар хиллиги, уларни ривожлантиришда давлат иқтисодий ролининг ошиб бориши, мулкчилик ҳамма турларининг тенг муҳофаза қилиниши катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати ҳамда нархларни назорат қилиш ва уларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилмоқда.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Фуқаролик жамияти ва унинг конституциявий асослари

Жамият жуда мураккаб ижтимоий тузилма бўлиб, кишилар ўзаро муносабатларининг маҳсулидир. Ушбу муносабатлар инсонларнинг энг муҳим ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариши, алмаштириши ва истеъмол қилиши жараёнида юзага келади. Одам, ўз табиатига кўра, энг аввало, ижтимоий хусусиятга эга. Унинг ҳаётини жамиятдан ташқарида, бошқа одамлар билан кўп томонлама муносабатларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, жамият жуда қадим даврлардаёқ пайдо бўлган. Лекин фуқаролик жамияти кишилик жамиятининг маълум бир даврига, Европа цивилизацияси даврига мансуб ҳодисадир. Аммо бу фикр фуқаролик жамияти тўғрисида Шарқда мавжуд бўлган ғояларни инкор этмайди.

Фуқаролар мустақил шахс, жамиятнинг мустақил аъзоси сифатида муайян ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлганда ва ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни ҳис қила олгандагина фуқаролик жамияти тўғрисида гап бориши мумкин.

Ғарб цивилизациясининг фуқаролик жамият сари ривожланиши маълум ижтимоий ўзгаришлар, инқилоблар орқали амалга оширилди. Бу жараён фақатгина иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга эмас, балки маданий, ғоявий ва маънавий ўзгаришга ҳам олиб келди.

Фуқаролик жамияти — бу шундай жамиятки, унда кишилар ўзаро боғлиқдирлар ҳамда бир-бирлари билан

ва давлат билан мустақил равишда муносабатда бўлади-лар. Бундай жамиятда ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётни таъминлаш, уни ривожлантириб, авлоддан авлодга етказиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг, шахс билан жамоанинг муносабатларини маълум даражада мустақил равишда олиб бориш орқали амалга оширилади. Бундай жамиятда шахс ижтимоий муносабатларда, ўзининг шахсий хусусиятларини йўқотмасдан иштирок этади, ҳар бир шахс ўзлигини намоён қилиб, фаолиятининг шакл ва турларини эркин танлайди.

Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ғоят катта аҳамиятга эга. Чунки у мулкдор сифатида давлат ҳокимиятига нисбатан ўзини мустақил сезади, у қонунда кўрсатилган асосларда ўз манфаатларини ҳисобга олиб, хоҳлаган иши билан шуғулланиши, истаган касбини танлаши, ўзи танлаган жойда яшаши мумкин.

Фуқаролик жамиятида давлат инсонни зарур шахсий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминлайди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятининг аъзолари «инсон» деб, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари эса «инсон ҳуқуқлари» деб аталади.

Демак, фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқларини, давлат эса фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлайди. Бу икки ҳолда ҳам гап шахс ҳуқуқи тўғрисида боради: биринчисида, унинг алоҳида инсон сифатидаги яшаш ҳуқуқи, эркинлиги, бахтли ҳаёт кечириш ҳуқуқи ва бошқалар ҳақида, иккинчисида эса унинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида боради.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилотлар ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига кўппартиявийлик, сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги, жамиятни

бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг катталиги киради. Бундай жамиятдаги маънавий ҳаёт умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади.

Демак, фуқаролик жамияти — бу тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимидир. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларисиз ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларни шакллантиришга ва уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонунларнинг устуңлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилларидир.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини-ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистонда фуқаролар Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг таъкидлашича, «Ўтиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг ман-

фаатларини ифода этиши лозим булган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир»¹.

Демак, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш учун конституциявий асослар мавжуд, лекин уни тезлаштириш, инсонларнинг ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун имкониятлар яратиш, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг жамият-ни бошқаришда фаол иштирок этишига эришиш, оммавий ахборот воситаларининг, оиланинг жамиятдаги ролини ошириш, умуминсоний қадриятлар ва бутун дунёда чуқур илдиз отган демократик принципларни ўрганиш, улардан унумли фойдаланиш зарур.

2. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг тизими

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимида сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда катта роль ўйнайдилар. Жамоат бирлашмалари, моҳиятига қура, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ривожлантиришга, оммани жамиятни бошқаришга жалб қилишга ёрдам беради. Чунки уларнинг фаолияти, халқнинг республика мустақиллигини таъминлаш, Ўзбекистонни улуг давлатга айлантириш истагини ўзида акс эттиради. Республика Президенти И. А. Каримов жамоат бирлашмалари қаторига кирувчи сиёсий партиялар туғрисида Республика Олий Кенгашининг X сессиясида шундай деган эди: «Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одам-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 174-б.

ларга фойдаси тегса, ўша гоё жамиятга керак. Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган вазифаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин»¹.

Жамоат бирлашмалари нима, қандай бирлашмалар жамоат бирлашмалари сифатида тан олинади? Жамоат бирлашмалари умумий манфаатдорлик негизида бирлашган, фуқароларнинг эркин истаклари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмалардир.

Бу жамоат бирлашмаларига: сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа кўнгили жамиятлар, ижодий уюшмалар, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилган «Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонунида² жамоат бирлашмалари тушунчаси, уларнинг мақсади, турлари, иш фаолияти туғрисида мукамал маълумотлар берилган. Бу қонунга асосан, тижорат мақсадларини кузлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг фойда ундириб олишига кумаклашадиган кооператив, диний ташкилотлар, ҳудудий жамоанинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (микрорайонлар кенгашлари ва кўмиталари, маҳалла, уй, кўча, квартал, посёлка, қишлоқ кўмиталари ва бошқа ташкилотлар), халқ дружиначилари, уртоқлик судлари ва бошқалар жамоат бирлашмалари ҳисобланмайди.

Ўзбекистон фуқароларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун кенг куламдаги шарт-шароит яратилган. Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг давлат ишларида қатнашиш фаоллигини оширишда жамоат бирлашмалари катта аҳамият касб этади.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 16-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ахборотномаси. — 1991. 4-сон, 76-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. — 1993. 9-сон, 363-модда.

Ўзбекистон Республикасида амалий жиҳатдан катта ёшдаги аҳолининг қарийб ҳаммаси жамоат бирлашмаларининг фаолиятида қатнашадилар. Шуниси ҳам борки, кўпгина фуқаролар бир эмас, балки бир неча жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этадилар. Жамоат бирлашмалари ўз таркиби, мақсад ва вазифалари, фаолият шакллари ва иш услублари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган белгилар ҳам мавжуд. Бу жамоат бирлашмалари ўз низомларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ, жамиятни бошқаришда, ҳар хил вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашадилар. Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият қоидалари бир хил. Улар ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунийлик, инсонпарварлик ғояларига содиқлик, ошқоралик асосида тузиладилар ва фаолият кўрсатадилар.

Ихтиёрийлик принципи шуни билдирадики, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири ўз хоҳиш-иродаси ҳамда қизиқишларини ўз ихтиёрига кўра амалга оширади. Жамоат бирлашмалари ёки сиёсий партияларга кириш ёхуд кирмасликни фуқароларнинг ўзлари ҳал этдилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

Тенг ҳуқуқлилиқ принципи республикадаги барча жамоат бирлашмалари тенг ҳуқуқ асосида фаолият кўрсатишини англатади. Бирор-бир жамоат бирлашмаси ўз сони жиҳатидан оз бўлган жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки уларнинг ҳуқуқларини камситишига йўл қўйилмайди.

Ўзини-ўзи бошқариш тамойили шуни англатадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат, қонунда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. Худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Қонунийлик принципи барча жамоат бирлашмаларининг ўз низомларида ва бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

Ошқоралик жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очиқдан-очиқ олиб борилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти

туғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш ҳуқуқини ҳам ошкоралик тамойили асосида амалга оширадилар.

Инсонпарварлик принципига кўра ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча принципларни қоидалари асосида, инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигини, дахлсизлигини тан олган ҳолда иш олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадни бажариш учун ташкил этилади. «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида бу мақсадлар кўрсатилган. Унга кўра, «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади». Жамоат бирлашмалари маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш; халқларнинг маданий меросига ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш; қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истезод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратишга катта эътибор беришлари керак. Чунки, Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва раванқ топишини таъминлаб бўлмайди»¹.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. — Т., 1992. — 22-б.

Шу билан бир вақтда давлат фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституциявий тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудий бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адолатни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди.

Ундан ташқари ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа бўлимларини ташкил этиш давлат томонидан тақиқланади.

Шунингдек, жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайри демократик тарзда куч ишлатиш, тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга қонун билан барҳам берилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида бу тўғрида алоҳида ёзилган. «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хафсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади». Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддасида эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилишга қаратилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

¹ Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун. 3-модда.

Жамоат бирлашмалари ўз фаолият доираларига кўра куйидагиларга бўлинади: 1) республика жамоат бирлашмалари; 2) маҳаллий жамоат бирлашмалари; 3) халқаро жамоат бирлашмалари.

Республика жамоат бирлашмаларига ўз низомида белгиланган фаолиятни бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган, камида уч минг аъзоси бўлган жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ёки касаба уюшмалари киради. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига — вилоят, туман, шаҳар, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари киради.

Бу жамоат бирлашмаларига низомларида белгиланган фаолиятни бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса шаҳар ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари, вилоят, Тошкент шаҳар жамоат бирлашмалари киради.

Бутун туман (шаҳар) ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмалари туман (шаҳар) жамоат бирлашмалари дейилади.

Фаолиятини посёлкада, қишлоқ ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари посёлка, қишлоқ жамоат бирлашмалари дейилади.

Қонунга асосан, зарур бўлган ҳолларда вилоятлараро ва туманлараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари — Ўзбекистон Республикаси ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларидир.

Башарти чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг низоми ҳам жамоатчилик бирлашмаси туғрисида қонунга мувофиқ рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ўз низомларига мувофиқ халқаро жамоат бирлашмалари билан бевосита алоқалар урнатишлари мумкин.

3. Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг давлат органлари билан муносабатлари

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белги-

ланади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида»¹ ва Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларнинг кафолатлари тўғрисида»² Қонунларда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари, уларнинг мақсадлари, иш фаолиятининг шакллари, тузилиш тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзларининг давлат ва жамият ишларида қатнашиш ҳуқуқини жамоат бирлашмаларига уюшган ҳолда амалга оширадилар.

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти жуда кенг соҳаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳуқуқлари, ҳар бир жамоат бирлашмасининг низомларида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган бўлади.

Жамоат бирлашмаларининг низомлари давлат томонидан рўйхатга олинади. Низомларни рўйхатга олиш тартиби жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, республика вилоятлараро бирлашмаларининг низомлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Вилоят, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг низомлари эса адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмалари, уларнинг низомлари рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва юридик шахс деб тан олинадилар.

Жамоат бирлашмалари низомларида, дастурий ва бошқа ҳужжатларида белгиланган мақсадлар, вазифаларни амалга ошириш учун, ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатадилар, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини шакллантиришда қатнашадилар;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларнинг қарорларини тайёрлашда иштирок этадилар;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси. 1991, 4-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси, 1992, 9-сон.

— давлат ва жамоат идораларида эса ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, жамоат бирлашмаларининг дастурлари ва низомларида кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларни жалб қилиб, улар иштирокида давлатни ва жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшишлари учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда уларни тузиш ва фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳам кўрсатилган. Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йигилишни чақирадилар, унда низом, (ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар органлар тузилади. Қонунга мувофиқ, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жамоат бирлашмаларига аъзо этиб қабул қилинадилар. Республика сиёсий партияларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эса фақат 18 ёшга тулган фуқаролар эгадирлар.

Партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда иштирок этишни, шунингдек, республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият органларининг фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар. Уларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади ва бундай ҳужжатлар матбуот орқали омманинг эътиборига ҳавола қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз сиёсий иродасини ўзи хоҳлаган сиёсий партияга аъзо бўлиб, ўша партия орқали ифода этиши мумкин. Бундай эркинлик, ўз навбатида, халқ сиёсий онгининг ўсишига, республикада ҳар хил дунёқарашга эга, ўз Ватани истиқлоли ва ҳар томонлама ривожланишига бор куч-гайратини сарфлайдиган инсонларнинг кўпайишига олиб келади. Республикадаги сиёсий партиялар ҳар хил йўллар билан ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Сиёсий партиялар республика Олий Мажлиси, халқ

депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўра-тиш, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориш, рес-публика Олий Мажлисида ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларида ўз тарафдорлари бўлган депутатлар фрак-циялари, гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий партия-ларнинг дастурини, уларнинг мақсадларини ўрганиб чи-қиш имкониятига эгадирлар, ўз ихтиёрлари ва хоҳиш-иродаларини сиёсий партияларга аъзо бўлиш орқали ифодалайдилар. Сиёсий партияларга аъзолик фақат якка тартибда амалга оширилади. Бир партиянинг аъзоси айни вақтда иккинчи партияга аъзоликка қабул қилин-майди. Оммавий жамоат ҳаракатлари ҳам сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар, лекин уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилув-чи шахслар, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат фаолиятида фақат қонун доирасида иш юритадилар, шунинг учун бу шахслар сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларининг аъзолари бўла ол-майдилар.

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйила-диган тартибда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти би-лан шуғулланидилар ҳамда фақат ўз низомидаги вазифа-ларни бажариш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжа-лик фаолиятдан олинган даромадлар фақат низомда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Жамоат бирлашмалари туғрисидаги қонунга асосан, сиё-сий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларининг диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиши ман этилади, улардан тушган маб-лағлар эса давлат фойдасига ўтказилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясининг 60-моддасига асосан, ўз фаолиятларини мо-

¹ Қаранг: «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонуни. 16-модда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лисига сайлов туғрисида»ги қонун. 22, 25-моддалар; «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов туғрисида»ги қонун. 22, 25-моддалар.

лиявий таъминлаш манбалари ҳақида Республика Олий Мажлисига ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари туғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари бутун республика ҳудудида фаолият кўрсатадиган барча жамоат бирлашмалари учун уларнинг низомларида, бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ёшлар, болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйлардан, спорт иншоотларидан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Конституцияга асосан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ва жиноий қонунлар мажмуаларида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидалар мустаҳкамланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун бу қоидалар мажбурийдир. Қонунга асосан, сиёсий партиялар, ташкилотлар, бошқа жамоат бирлашмалари фаолияти асосан улар аъзоларининг (қатнашувчиларининг) ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан кели-

шилган ҳолда давлат органлари ва ҳужалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

Давлат молия органлари жамоат бирлашмаларининг маблаг билан таъминланишини ва улар даромадларининг манбаларини солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ назорат қилиб боради. Прокуратура органлари эса жамоат бирлашмалари республика қонунлари ва республика Президенти фармонларини қай даражада тўғри бажараётганлигини назорат қилиш ҳуқуқига эга. Жамоат бирлашмаларининг низомини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллуқли низом қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Жамоат бирлашмаси, уни рўйхатга олган Адлия вазирлиги органларига уларни қизиқтирган масалалар бўйича ҳисобот бериб туради. Рўйхатга олувчи адлия органлари жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тadbирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси низомига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишлари мумкин. Бу ҳар қандай бирлашма фаолияти ошкоралик билан амалга оширилишини таъминлайди.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун айбдор бўлган давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга жамоат бирлашмаси, шу жумладан, ўз низомини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмалари ҳам жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузсалар, жавобгар бўладилар.

Агар жамоат бирлашмаси ўз низомида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этса, шу жамоат бирлашмасининг раҳбар органи жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олган адлия органи ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига нисбатан бундай ҳаракат тегишли вилоят, Тошкент шаҳар, туман судлари томонидан амалга оширилади. Халқаро жамоат бирлашмалари, давлатлараро жамоат бирлашмаларининг бўлимлари, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг фаолияти эса республика Бош прокурори, Ўзбекистон Адлия вазирлиги тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Олий суди қарори билан тўхтатилиши мумкин. Бундай вақтда Олий суд қарори устидан шикоят қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан сўнг куппартиявийлик ҳолати вужудга келди. Ҳозирда Ўзбекистонда бир неча сиёсий партиялар, ижтимоий сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлди ва жамият ишида фаол иштирок этмоқда. Халқ демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Халқ бирлиги» ҳаракати шулар жумласидандир.

1996 йил 26 декабрда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Бу қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга қуйидагича таъриф берилган: «Сиёсий партия қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини руёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир».

Сиёсий партиялар тўғрисидаги ушбу қонунда, сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, улар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш тартиби, низоми, рўйхатга олиш, фаолиятини тўхтатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари, вакиллик органларидаги партия фракциялари, гуруҳларининг мақсади, вазифалари тўлиқ кўрсатиб берилган.

Ушбу сиёсий партиялардан республикада биринчи ташкил топган Ўзбекистон халқ демократик партиясига кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Бу сиёсий партия 1991 йил 5 ноябрда ташкил топди. Унинг аъзолари 350 мингдан ортиқ. Унинг низомида кўрсатилишича, бу партиянинг бош мақсади, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашдан иборат. Партия мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятидан муно-

сиб ўрин эгаллайдиган, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тан оладиган ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик ҳуқуқий давлат сифатида қарор топтиришга эришишдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсатида тарихан таркиб топган халқ демократик анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, ватанимиз ва жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб, меҳнат аҳлининг, ижтимоий аҳволи, насл-насаби, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат қоидалари асосида барпо этиш ғояларига садоқатли бўлиб қолишни мақсад қилиб қўйган¹.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг низомида бу партиянинг асосий фаолият шакллари ҳам кўрсатиб берилган. Масалан, бу партиянинг парламент фаолияти соҳасидаги вазифалари: партия ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экология ва бошқа дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жамиятга таклиф этиб, бошқа ижтимоий сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий етакчиликка эришиш учун ҳаракат қилади; у барча даражадаги ваколатли ҳокимият органларига сайлов чоғида ўз номзодларини қонунда белгиланган тартибда кўрсатади, уларнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланишига ва сайланишига эришиш учун ҳаракат қилади; у ўзининг сиёсий йўлини давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқарув жамоат органларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказди, улар орқали қонунда белгиланган тартибда қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир таклифларни киритади. Партия аъзолари бўлган депутатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш учун вакиллик давлат органларида партия гуруҳлари, фракциясида ана шу органларга тобедирлар. Пар-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг низоми // Ўзбекистон овози. 1992. 12 апрель.

тия гуруҳлари, партия фракциялари Халқ демократик партияси курултойлари ва конференцияларининг қарорларига амал қиладилар, сайланадиган тегишли партия органларининг тавсияларини эътиборга оладилар. Партия гуруҳлари, фракцияларининг аъзолари тегишли вакиллик давлат органларида овоз бериш чоғида биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика Олий Мажлисидаги фракцияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Олий Мажлис ваколатлари даврида унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот партия курултойи томонидан тингланади.

Ўзбекистон ХДПнинг ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари, фракциялари бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан ҳамкорлик қилишлари ёки ижобий оппозицияда бўлишлари мумкин¹.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида 1995 йил 24 февралда Халқ демократик партиясидан сайланган 69 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси, «Адолат» социал демократик партиясидан сайланган 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси, «Ватан тараққиёти» партиясидан сайланган 14 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди. Сессияда бу партия фракцияларининг раҳбарлари сўзга чиқиб, депутатларга фракцияларни тузишдан кўзда тутилган мақсад ҳақида сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов сессиядаги ўз нутқида парламентнинг ишида кўппартиявийлик тамойили жорий этилиши лозимлигини, парламентдаги ҳар бир партия фракцияси бошқалардан фарқ қиладиган ўз фаолият дастурига эга бўлиши лозимлиги, у республикада ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларга қандай сиёсий-ташкилий усуллар билан кўмаклашишини аниқ ва равшан тасаввур этиши кераклиги ҳақида сўзлади. «Республиканинг янги парламентида, — деди Президент И. А. Каримов, — сиёсий мураса фаолиятнинг асосий қондаси бўлмоғи керак. Фақат турли блок ва фракцияларнинг ғоя ва фикрлари кураши асосидагина халқи-

¹ Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг низоми // Ўзбекистон овози. 1992. 12 апрель.

миз олдида турган энг муҳим вазифа ва муаммолларни ҳал этишнинг мақбул йўллари аниқланиши мумкин»¹.

ХДП Республика Олий Мажлисининг сессияси олди-дан партиянинг Марказий Кенгаши сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисида кун тартибидаги масалаларга, қонун лойиҳаларига ўз муносабатини ишлаб чиқади ва партия фракциясининг Олий Мажлис сессиясидаги партия фракциясининг вазифаларини кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Масалан, 1995 йил 20 декабрда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сиёсий ижроқўми қабул қилган қарорда Олий Мажлис тўртинчи сессияси кун тартибига давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини киритиш назарда тутилган эди. Бу қонун ва ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашда Олий Мажлис қўмиталарида ишлаётган, ХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этдилар. Шунингдек, баъзи бир қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзолари ва партия кенгашларидан олинган таклифлар умумлаштирилиб, Олий Мажлис котибиятига тақдим этилди. Уларнинг энг муҳимлари қонун лойиҳалари матнларини тайёрлашда ҳисобга олинган. Ушбу қарорда партия сиёсий ижроия қўмитаси Олий Мажлисидаги ХДП фракцияси аъзоларига таклиф этилаётган сессия кун тартиби, шунингдек, муҳокамага қўйилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини асосан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир лойиҳа бўйича фракциянинг умумий нуқтаи назарини ҳимоя қилишни тавсия этган².

Олий Мажлис сессиясида кўриладиган масалалар ва партия фракцияларининг уларга муносабати фракцияларнинг шу масалаларга бағишланган махсус мажлисларида кўрилиб, умумий фикрлар ишлаб чиқилади. Масалан, 1996 йил 24 апрелда Олий Мажлисининг барча партия фракциялари ўз мажлисларида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси кун тартибига таклиф қилинаётган масалалар юзасидан фракцияларнинг нуқтаи-назарини ишлаб чиқдилар³.

Жамоат бирлашмалари таркибига кирувчи йирик бир-

¹ Халқ сўзи. 1995, 25 февраль.

² Қаранг: Ўзбекистон ХДП сиёсий ижроия қўмитасининг қарори. «Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сиёсий ижроқўмининг тавсиялари» // Ўзбекистон овози. 1995. 21 декабрь.

³ Қаранг: Халқ сўзи. 1996. 25 апрель.

лашмалардан бири қасаба уюшмаларидир. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига асосан: «Қасаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради» (1-модда).

Қасаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув органларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар. Улар мустақил равишда ўз низомларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар.

Қасаба уюшмалари ўз низомларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг қасаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа қасаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Қасаба уюшмалари тўғрисидаги қонунда бу уюшмаларнинг ҳуқуқлари кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерациясининг кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эга, шу масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этиши мумкин.

Қасаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қиладилар, давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашга оид сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар. Корхоналарда ишдан бўшатиладиган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний ва жамоат шартномасида белгилаб қўйиладиган чораларини таклиф этадилар.

Қасаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳволини ва бу соҳада қонунларга риоя этилишини назорат қилиб борадилар. Тегишли қасаба кўмитаси билан олдиндан келишилган тақдирдагина меҳнат шартномаси давлат идоралари маъмуриятининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари туғрисидаги қонунга мувофиқ, касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа ўртасида музокара-лар олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда асосий ҳуқуққа эгадирлар, уларнинг бажарили-шини назорат қиладилар. Агар касаба уюшмалари жа-моат шартномаси битими тузишни таклиф қилса, маъму-рият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси бу ҳақда музокара олиб бориши шарт.

Касаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқиш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг уй-жой шароити, уларни ижтимоий суғурта қилиш, уларнинг соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манфаатлари-ни ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқла-ри Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бир-лашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбир-ларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб со-лиқ тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонун-да белгилаб қўйилган кун кечирининг энг паст даража-сига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқ-дорига риоя этилишини назорат қиладилар. Касаба уюш-маларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан те-гишли давлат ва ҳўжалик идоралари билан битим тузиш-лари мумкин.

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар ва-кил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшма-лари туғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб борадилар ва аниқланган камчиликларни барта-раф этишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Маъмурият ка-саба уюшмаларининг бу туғридаги тақдимномаларини кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари туғрисида бир ой муддат ичида касаба уюшмасига хабар қилиши шарт.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиб, даъво, ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Шу мақсадда касаба уюшмалари инспекциялар, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин.

Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан

маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари касаба уюшмалари ҳуқуқларининг бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди.

Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунда (17-модда) кўрсатилишича, давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари шарт. Бу идоралар ва шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини бузганликлари ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Касаба уюшмалари мулкка эгаллик ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулк ва маблағга эгаллик қиладилар. Улар санаторий ва курортлар тизимига эга бўладилар, уларга йўлланмаларни тасдиқлайдилар ва уй-жойларни тақсимлашда иштирок этадилар.

Шу билан бирга касаба уюшмалари бошқа жамоат бирлашмалари қатори, ўз фаолиятида мутлақ эркинликка эга эмас. Касаба уюшмаларига Конституция ва қонунларни бажариш мажбурияти тулиқ татбиқ этилади. Шунинг учун Ўзбекистон қонунларида касаба уюшмалари фаолиятини назорат қилишнинг ҳар хил шакллари кўрсатилган. Касаба уюшмаларининг қонунларни бажариш фаолиятини назорат этишни республика прокуратураси амалга оширади. Уларнинг ўз низомларида кўрсатилган вазифаларини тўғри бажараётганликларини уларнинг низомларини рўйхатга олган ташкилот назорат қилади.

Касаба уюшмаларига қарашли корхоналар даромадларининг манбалари, улар олган маблағ миқдори ва тўлаган солиқ миқдорини давлат молия органлари ва солиқ инспекциялари томонидан қонунларга мувофиқ равишда назорат қиладилар.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат жамоат бирлашмаларига катта масъулият юклайди. Бундай масъулиятнинг асосий негизини ҳар қандай жамоат бирлашмаси олдига қўйилган ягона мақсадни, яъни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояланган бўлишини, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда онгли равишда ва фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Жамоат бирлашмалари

республикада амалга оширилаётган ислохотларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўзларининг фикрларини билдиришлари, ислохотлар натижасида ўз олдиларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ва барча аъзоларини уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги барча кучларни ягона мақсад — Ўзбекистоннинг юксак ривожланиши, ҳар бир фуқаронинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида бирлаштиради.

4. Оила ва жамият. Ўзбекистон Республикасида оилани ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Оилавий муносабатлар, она ва бола муҳофазаси, уларнинг эҳтиёжларини қондириш Ўзбекистон сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Маълумки, Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб қайд этилган. Бу модда жамиятимизда оиланинг тутган ўрнини, унинг мавқеини оширишга қаратилган бўлиб, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқийлик асосида амалга оширилишини мустаҳкамлайди. Ҳозирги кунда қурилаётган ёш оилалар давлатимизнинг келажак авлодларини тарбиялаб, жамиятимизга керакли бўлган иқтидорли, ватанпарвар ёшларни етказиб берувчи асосий бўғиндир. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов оила тўғрисида гапириб, уни жамиятнинг негизи деб баҳолаган эди. «Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, узининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамлар қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»¹.

¹ Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.* — Т., 1992. — 22—23-б.

Республикада ёш оилалар, оналик ва болалик алоҳида ижтимоий ҳимояланган. Бундай ғамхўрлик давлатимиз ва жамиятимиз учун ҳар томонлама соғлом авлод ўсиб-улгайишига олиб келади.

Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга, унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга маънавий ёрдам беришга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти. Маҳаллалардаги оқсоқоллар, фаоллар иштирокида кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти.

Республикада мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар ҳам оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бундай жамиятлар туркумига «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», «Орол» жамғармалари киради. Давлат томонидан оилага ғамхўрлик қилиш, уни ҳар томонлама моддий ва маънавий муҳофаза қилиш асосий вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июль Фармони¹га кўра, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оналарга давлат йули билан ёрдам беришни кучайтириш, ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оналарни нафақа билан таъминлашнинг ягона тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони²га биноан 1994 йил 1 октябрдан кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди².

Қачонки, ҳар бир оила ўз эҳтиёжларини тулиқ қондирса, жамиятимизда амалга ошириляётган ислохотлар кутилган натижаларни беради. Ҳар бир оилада тотувлик булсагина, маҳаллалар ва умуман кўп миллатли жамиятимиз янада гуллаб яшнайди. Бу эса республикамизда амалга ошириляётган оила туғрисидаги ғамхўрликнинг асосий мақсадидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддаси ота-оналарга ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбуриятини юклайди. Республика Президенти И. А. Каримов бола тарбияси ҳақида шундай деган эдилар: «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси айтиш мумкинки, ҳаётининг

¹ Қаранг: Халқ сузи. 1994. 18 июль.

² Қаранг: Халқ сузи. 1994. 26 август.

маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир»¹. Чунки давлат ва жамиятга сидқидилдан хизмат қила оладиган, билимли, пок виждонли шахслар кучли маънавий тарбияни ўз оилаларидан оладилар. Оиладаги муҳит, ота-онанинг ўзаро муносабатлари, оиладаги фаровонлик, кўни-қўшниларнинг ўзаро муносабатлари ўша оилада, вояга етаётган ёшларнинг тарбиясига бевосита таъсир этади. Агар оила мустақкам пойдеворга қурилиб, унда шарқона маънавий қадриятлар қарор топган бўлса, албатта бу оила жамият учун керакли инсонларни тарбиялаб, вояга етказишда етакчи ўринда туради. Республикамизда ижобий тарафлари барчага ибрат бўла оладиган жуда кўплаб оилалар мавжуд. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялар экан, биринчи навбатда фарзандини оиласига, кўни-қўшнilarига, жамиятга ва ўз Ватанига меҳр-оқибатли бўлишга тайёрлайди. Фарзандни дунёга келтириб, унга керакли билимларни бериш, вояга етган фарзандларни уйли-жойли қилишдек масъулиятли вазифа ҳар бир ўзбек оиласи учун минг йиллардан бери давом этиб келаётган анъаналардандир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялаши лозим.

Маълумки, Ўзбекистонда бола тарбиялаш билан фақат ота-оналаргина эмас, балки минглаб мутахассислар, жамоат бирлашмалари, давлат муассасалари ҳам шуғулланмоқда.

Конституцияга асосан, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Афсуски, республикамизда олиб борилаётган барча ижобий ишлар ҳам жамиятимизда юз бераётган ёшлар орасидаги оилавий ажралишларга, болаларнинг ота-она меҳридан маҳрум бўлишларига чек қўя олмаяпти.

Республикамизда кўплаб болалар уйлари, мактаб-интернатлари фаолият кўрсатади, уларда ота-онасининг васийлигидан маҳрум болалар тарбияланадилар. Давлат етим болалар тарбияси, уларга бағишланган хайрия ишларини рағбатлантириб, қўллаб-қувватламоқда. Бундай

¹ Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. — Т., 1994. — 128-б.

ижтимоий ҳимоя фақатгина давлатимиз томонидан эмас, купгина жамоат бирлашмалари, хайрия жамғармалари ва республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона, ташкилот, ўзини-ўзи бошқарув органлари иштирокида амалга ошириляпти. Бундай саъй-ҳаракатлар инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, энг эзгу қадриятларни ривожлантиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида мустақкам пойдеворга қурилган, маънавий қадриятлар устун турувчи мустақил Ўзбекистоннинг ривожланишини таъминлайди.

Ҳақиқий тарбияланган инсон ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддаси ҳар бир вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзанднинг ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиши мажбурийлигини мустақкамлайди.

Фарзандлар ўз ота-оналари меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганларида, айниқса бетоб бўлиб қолганларида, уларга ёрдам беришлари, улар нимага муҳтож бўлсалар, шуларни муҳайё қилиб туришлари лозим. Вояга етган фарзандларнинг ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари нафақа мажбурияти вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъи назар пайдо бўлади. Болаларнинг муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари ота-оналарни ўз фарзандларидан нафақа ундириш учун судга даъво аризаси билан мурожаат этишга мажбур этади. Ота-оналарига нисбатан ўз фарзандлик бурчларини эсларидан чиқариб қуйган фарзандлар тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уларнинг маънавий қиёфасини муҳокама қилиш учун яшаш ёки ишлаш жойларига юбориши мумкин.

5. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли

Оммавий ахборот воситалари деганда, газеталар, журналлар, телекўрсатув ва радиоэшиттириш дастурлари, ҳужжатли кино, оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа даврий нашрлари тушунилади.

Матбуот, телевидение ва радио, бошқа оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари муайян оммавий ахборот воситасининг вакили ҳисобланадилар. Таҳририят ўз низоми асосида иш олиб борадиган юридик шахсдир. У иқтисодий мустақиллик асосида ҳўжалик фаолиятини юритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-

моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари эркиндирлар ва қонунга мувофиқ ишлайдилар. 1991 йил 14 июнда «Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисида»¹ қонун қабул қилинган эди. Унга асосан, ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқи кафолатланган. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, танлаш, қабул қилиш ва оммавийлаштиришда қонун доирасида иш олиб борадилар. Конституцияга мувофиқ, улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситаларидан давлат сирини ёки қонуң билан махсус сақланадиган ўзга сирни очиш, мавжуд давлат тузуми ва ижтимоий тузумни зўрлик билан ағдариб ташлаш ёки ўзгартиришга даъват қилиш, урушни, зўравонлик, шафқатсизликни, ирқий, миллий, диний устунликни тарғиб этиш, шармсиз суратлар тарқатиш, жинсий жавобгарликка сабаб буладиган бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бу қонунда кўрсатилишича, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ўзларининг рухсатсиз аралашуви, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тақиқланади ва қонунга мувофиқ жазоланади.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, прокурор ёки терговчининг ёзма рухсатсиз, дастлабки тергов материалларини эълон этиш, номини кўрсатмаслик шарт билан маълумот берган шахсни айтиш (суд ошқор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустаснодир), балоғатга етмаган қонунбузарнинг шахсини унинг ёки қонуний вакилининг розилигисиз ошқор қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб шу ишни судда кўриб чиқиш натижаларини олдиндан айтиш ёки ўзгача йўл билан судга унинг қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирмай туриб таъсир кўрсатиш ман этилади.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунда, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи бор органлар ҳам кўрсатилган. Бундай органларга халқ депу-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. 8-сон, 180-модда.

татлари Кенгашлари ва бошқа давлат идоралари, рўйхатга олинган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган кооператив, диний ва ўзга бирлашмалари, меҳнат жамоалари киради. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситаларининг (бирор турига яқка ҳокимлик қилишга қонун йўл қўймади. Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти ўз фаолиятини тегишли оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганидан сўнг амалга ошира бошлайди.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза таъсис этувчи орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига топширилади. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза у олинган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Чет эл аҳлига мўлжалланган оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхатга олинади.

Оммавий ахборотни чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб бир йил давомида сақланиб туради.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига расмий норматив ҳужжатлар, суд амалиётини ёритувчи бюллетенлар чиқариш учун ахборотни рўйхатдан ўтказмай туриб, ошқора тарқатиш ҳуқуқини беради. Корхоналар, ташкилотлар, ўқув ва илмий муассасалар ўз фаолиятларида зарур бўлган ахборот материалларини ва ҳужжатларини ҳам рўйхатдан ўтказмай нашр этиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу билан бирга, ахборот воситалари тўғрисидаги қонун, агар оммавий ахборот воситасининг номи, мақсадлари ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид бўлса, бундай оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этади.

Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти ўз низомига эгадир. Бундай низоми таҳририят журналистлари жамоасининг умумий йиғилишида, жамоат аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлсагина, кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади.

Таҳририят низоми муассис, муҳаррир (бош муҳаррир) ва таҳририят муносабатларини, журналистлар жамоасининг ваколатларини тартибга солиб туради. Низом Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

Оммавий ахборот воситаларини ноширнинг бевосита ўзи ёки шартнома асосида ёхуд бошқа қонуний асосларда алоқа корхоналари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар тарқатадилар.

Муҳаррир рухсат этганидан кейингина оммавий ахборот воситаси маҳсулотини тарқатишга йўл қўйилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари ана шу идораларнинг расмий хабарларини эълон қилишлари шарт.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида Ўзбекистон фуқароларининг давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фаолияти ҳақидаги ишончли маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали оператив тарзда олиш ҳуқуқи кўрсатилган. Оммавий ахборот воситалари тегишли давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан керакли маълумотларни олиш ҳуқуқига эга. Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларига мавжуд маълумотларни ва ҳужжатлар билан танишиш имкониятини беришлари шарт. Сўралган маълумотларни тақдим этишдан бош тортганлик учун оммавий ахборот воситаси вакили юқори турувчи идорага ёки мансабдор шахсга, сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

Шу билан бирга оммавий ахборот воситаси тарқатган хабарларнинг ишончлилиги тўғрилиги учун масъулдир.

Қонунга биноан, агар оммавий ахборот воситаси таҳририятида эълон қилинган хабарлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва фуқаролар ёки ташкилотнинг шаъни, қадрқимматига доғ туширадиган бўлса, улар бундай хабарларни рад этишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Оммавий ахборот воситасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари поймол этилган фуқаро ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасида жавоб эълон қилишга ҳақли. Оммавий ахборот воситаси жавоб эълон қилишдан бош тортган ёки уни эълон қилиш муддати учун белгилаб қўйилган бир ойлик талабни бузган тақдирда, манфаатдор фуқаро ёки ташкилот маълумот эълон қилинган кундан бошлаб, бир йил давомида судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд жавоб эълон қилиш тўғрисидаги аризани қонунларда кўзда тутилган тартибда кўриб чиқади. Суд қарорига мувофиқ, фуқарога етказилган маънавий зарар оммавий ах-

борот воситаси, шунингдек, айбдор мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш учун туланадиган пул миқдорини суд белгилайди. Оммавий ахборот воситалари орқали кечирим сўраш, хатони ошкора тан олиш орқали ҳам маънавий зарарнинг ўрни қопланиши мумкин. Журналистлар томонидан судга, тергов органларига таъсир ўтказиш, амалдаги қонунларга мувофиқ, жиноий, маъмурий ёки ўзга жавобгарликка олиб келади.

Белгиланган қоидага кура, рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг эълон этилган мақсад ва вазифаларини адо этишини таъминлаш мақсадида, уларни рўйхатга олувчи органлар ҳуқуқий экспертиза ўтказиб туриши уларга ёрдам кўрсатиши, ахборот билан таъминлаш мумкин.

Давлат ва жамоа идораларининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун айбдор деб топилган мансабдор шахслари, шунингдек, оммавий ахборот воситасининг таҳририяти, муҳаррири, тарқатилган хабар ва мақолаларнинг муаллифлари жавобгар бўладилар. Бундай қоидаларнинг биринчи даражали аҳамияти шундаки, улар эҳтиросга берилган ахборотларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилишининг олдини олади ва уларга чек қўяди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти қонун белгиланган доирадан чиқиши мумкин эмаслигини билдиради.

Республика оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, унинг таъсирчанлигини ошириш бозор иқтисодиётини шакллантиришда ва ҳуқуқий давлат қуришда ғоят катта аҳамиятга эга. У Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги 1996 йил 7 май фармонида демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг, қонунчиликка риоя этишнинг, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим муассасаси сифатида радио ва телевидениени янада ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди, телевидение ва радионинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдаги ро-

¹ Қаранг: Халқ сўзи. 1996. 8 май.

лини кучайтириш борасида чора-тадбирлар муължалланди.

Жумладан, Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясига (Ўзтелерадио)га айлантирилди. Президент Фармонида кўрсатилишича, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Давлат телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг ҳуқуқий вориси, Ўзбекистонда телерадиоэшиттириш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериб боради; жамоатчиликнинг оммавий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ҳужалик юритувчи мустақил субъект ҳисобланади; оммавий ахборот воситаларининг муассиси, таҳририяти, тарқатувчиси ва ношири ҳуқуқларига эга. Ушбу фармонда Телерадиокомпаниянинг асосий вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

1997 йил 27 апрелда Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунда журналистнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, унга берилган ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кўрсатилган.

1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» қонун¹ қабул қилди. Бу қонунда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни қўшимча кафолатлайди, оммавий ахборот воситаларини ўз фаолиятидаги ахборотларнинг тўғрилиги учун масъулиятини оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 10-модда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА
МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ**

**XIV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ
ТУЗИЛИШИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ**

**1. Миллий-давлат тузилиши ва унинг шакллари.
Федерация ва автономия тўғрисидаги таълимот**

Давлат тузилиши давлат шаклининг бир туридир. Бу иборат давлатнинг шакли, давлатни идора қилиш шакли, давлатнинг тузилиш шакли ва сиёсий тартиб (режим) каби қатор тушунчаларнинг йиғиндисини англатади.

Давлат тузилиши деганда давлатнинг сиёсий ва маъмурий-худудий тузилиши, унинг булаклари, унинг марказий органлари, бу органларнинг жойлардаги маҳаллий органлар билан ўзаро алоқалари хусусияти тушунилади. Миллий давлат тузилиши деганда эса, давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий-худудий бўлиниши, давлат билан унинг таркибий қисмларининг ўзаро муносабатлари, давлат ва унинг таркибий қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатлари тушунилади¹.

Давлат тузилиши шу давлат олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади. Давлат тузилишига ва унинг шаклига уч нарса таъсир этади:

1) муайян даврда жамият ва давлат олдида турган иқтисодий вазифалар ва сиёсий мақсадлар;

2) давлатдаги миллатларнинг сони ва ўзаро муносабатлари;

3) давлат худудининг катта ёки кичиклиги.

Давлат тузилиши ёки миллий-давлат тузилиши ҳозирги даврда шу давлатнинг олдида турган иқтисодий вазифалари нималардан иборат, бу давлатда яшаётган ҳар бир миллат ва элат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгами, улар ўзларининг миллий суверенитетига эгами, бу давлат бир миллатли давлатми, тузилиши бўйича маъмурий-худудларга бўлинадими, ягона қонун чиқарувчи органлари борми, бу давлатда ягона фуқаролик жорий қи-

¹ Қаранг: Советское государственное право //Под ред. Е.И. Козловой и В. С. Шевцова. — М., 1978. — 190-б.

линганди ёки давлат иттифоқ давлатми, унинг таркибига кирувчи давлатларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай, бу давлатдаги миллатларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай каби саволларга жавоб бериши керак.

Давлат тузилиши оддий (унитар) ва мураккаб (федератив, конфедератив, империя) бўлиши мумкин.

Унитар ёки оддий давлат бу шу давлатнинг маъмурий-ҳудудий қисмлар (вилоятлар, туманлар, районлар, графликлар, губерниялар ва шу кабилар)га бўлиниб, ягона тизимдаги ҳокимият ва бошқариш органларига, конституцияга, фуқароликка, муайян ҳудудга, давлат чегарасига ва ўз қонунчилигига эга бўлишидир. Ҳозирги замонда кўпчилик давлатлар давлат тузилиши бўйича унитар давлатлардир (масалан, Италия, Франция, Англия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон).

Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар бўлмайди. Унитар давлатлар ичидаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, марказий ягона давлат ҳокимиятининг кучи давлатнинг бутун ҳудудига ўз таъсирини кўрсатади. Мураккаб давлатларга империя ва конфедератив давлатлар ҳам киради.

Федератив шаклдаги давлат қонун чиқарувчи органлари ўз ҳукуматига ва суд органларига эга бўлган бир неча давлатлар бирлашмасидан, иттифоқидан ташкил топади (бунда таркибий қисмлар ҳар хил давлатларда ўзига хос номлар билан — республика, штатлар, кнтонлар, ерлар деб аталади).

Федератив шаклдаги давлатлар ҳозирги замон давлатларида кўпроқ учрайди. Федератив давлат бу — бир неча суверен давлатларнинг иттифоқидан ташкил топган янги суверен давлатдир. Федерацияда умумфедератив давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, конституцияси, бюджети, давлат рамзлари бўлиши билан бирга унга кирувчи давлатларнинг ҳам ўз ҳокимияти ва бошқарув органлари, конституцияси бўлади. Федератив давлатлар ҳудудий ёки миллий-ҳудудий асосларда тузилади. Масалан, АҚШ ҳамда Германия ҳудудий принцип асосида, собиқ Совет Иттифоқи ва ҳозирги Россия Федерацияси эса миллий-ҳудудий асосда тузилган. Лекин, Россиянинг янги Конституциясида бу принциплардан воз кечилди ва Россия Федерацияси таркибига 21 та собиқ мухтор республикалари кирди. Ўзини мустақил деб эълон қилган республикалар билан бир қаторда, мухтор вилоятлар ва округлар-

дан ташқари, Россия маъмурий областлари, ўлкалари, Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари ҳам федерация субъектлари бўлиб кирдилар¹.

Собиқ Иттифоқ 1922 йилда ташкил этилган эди. Унинг федератив принциплари, Совет Иттифоқини тузиш Декларациясида курсатилишича, ихтиёрий, тенг ҳуқуқли, мустақилликни сақлаб қолиш асосида эди. Лекин 70 йиллик тарих шуни кўрсатдики, бу принциплар фақат қоғозда қолиб, Совет Иттифоқи унитар давлат бўлиб қолди ва охири парчаланиб кетди.

Ҳозирги кунда дунёда йирик федератив давлатлар мавжуд. Уларга АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон киради.

Империя шаклидаги давлат тузилиши асосан қулдорлик ва феодализм давридаги давлатларга хос эди. Федератив шаклдаги давлатлар ҳозирги замон давлатларида кўпроқ учрайди.

Давлатнинг империя шакли — зўрлик асосида тузилган мураккаб давлатларга хос бўлиб, уларнинг олий ҳокимият билан алоқалари ҳар хил бўлади. Масалан, қадимги империялар ҳудуди жуда катта бўлиб, йўл ва алоқа воситалари ёмон бўлганлиги сабабли, олий ҳокимият органи билан империяга кирувчи давлатлар уртасидаги муносабатлар, давлатни бошқариш тартиблари жуда бўш бўлган. Фақатгина капитализмнинг ривожланиш даврига келиб, империя билан унга кирувчи давлатларнинг ҳуқуқий алоқалари мустаҳкамланиб борди. Аммо, империяга кирувчи катта давлатларнинг давлат-ҳуқуқий ҳолати ҳеч вақт бир хил бўлмаган, яъни улар умумий давлат органларини тузмаганлар, империянинг давлат органларини тузишида иштирок этмаганлар, фақат империяга маълум миқдорда ўлпон тўлаб турганлар.

Давлат тузилишининг конфедерация шакли унга кирувчи давлатларнинг хоҳишига кўра тузилганлиги билан империядан фарқ қилади. Конфедерация аъзолари мустақилликни сақлаб қолиб, маълум бир вазифани бажариш мақсадида бирлашадилар.

Конфедерациянинг органлари унга кирувчи давлатларнинг иштироки асосида тузилади, уларнинг қабул қилган ҳужжатлари конфедерацияга кирувчи давлатлар орқали амалга оширилади. Лекин, конфедерацияга кирувчи давлатлар бундай ҳужжатларни тан олмаслиги ва

¹ Қаранг: Конституция Российской Федерации. — М., 1996,— 65-б.

бажармаслиги мумкин. Конфедерациянинг моддий асослари унга кирувчи давлатларнинг маблағларидан ташкил топади. Конфедерациянинг умумий ҳудуди, ягона фуқаролиги ва конституцияси бўлмайди. Шунинг учун ҳам конфедерация мустақил давлат ҳисобланмайди, у вақтинчалик иттифоқдир. Конфедерация асосий мақсадига эришганидан сўнг тарқалиб кетади ёки тузилган иттифоқни мустақамлаб федерацияга ўтади, ёхуд қўшилиб унитар давлат бўлиб кетади.

Масалан, тарихда АҚШ 1776—1787 йиллари, Швейцария — 1815—1848 (33 йил), Германия 1815—1856 (51 йил) конфедератив шаклидаги давлат бўлган.

Миллий давлат тузилиши маълум принциплар асосида амалга оширилади. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) миллатларнинг суверенлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- 2) миллат ва элатларнинг озод ривожланиши;
- 3) байналминалик, миллатларнинг ҳамкорлиги, дустлигини таъминлаш.

Бу принциплар ҳар бир миллий давлат тузилишига асос бўлиши керак, чунки федератив давлатми ёки яқка миллатли унитар шаклидаги давлатми, уларнинг ҳудудида ҳар хил миллат яшайди. Давлатнинг тузилишида, давлат органларининг шаклланишида ва унинг фаолиятида юқоридаги принциплар асос бўлиши шарт.

Федерация ва автономия туғрисидаги таълимот. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар федерация ва автономия туғрисидаги таълимот фақат Маркс-Ленин таълимоти асосида урганилар эди. Бу таълимотга асосан Маркс ва Ленин давлат тузилишининг шаклларига пролетар диктатурасининг манфаати юзасидан қараганлар. Уларнинг фикрича, пролетариат диктатурасининг давлат тузилиш шакли унитар бўлиши керак эди¹.

Чунки, уларнинг фикрича, унитар давлатда пролетариат бирлашган, жипслашган бўлади, бу давлатда ишлаб чиқариш марказлашган, саноат ривожланган бўлиши керак эди. Уларнинг фикрича, фақат миллатларнинг хоҳиши, иродасини назарда тутиб, уларнинг тинч-тотув ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан давлат тузилишининг федератив шаклда бўлишига розилик бериш мумкин эди² (Масалан, Англиядаги каби).

¹ Қаранг: Ленин В. И. Тула асарлар туплами. — Т., — 33—72-б.

² Қаранг: Ленин В. И. Тула асарлар туплами. — Т., — 33—72-б.

В. И. Ленин 1917 йилнинг июн ойига қадар Россиянинг давлат тузилиши фақат унитар шаклда бўлиши керак, деб айтган эди. Лекин, Россиядаги шароитнинг ўзгарганлигидан келиб чиқиб, 1917 йил июнь ойидан бошлаб Ленин ўз асарларида Россия федератив давлат шаклида бўлиши кераклигини бир неча бор таъкидлаган.

В. И. Ленин федератив давлат тузилишининг асосий принципларини ҳам кўрсатиб берган. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- 1) Федерация советлар асосида тузилиши шарт эканлиги;
- 2) Федерациянинг миллий асосда тузилиши;
- 3) Федерация қатнашчиларини ихтиёрий равишда қабул қилиш;
- 4) Федерация аъзоларининг тенг ҳуқуқличилиги;
- 5) Федерация аъзоларининг мустақиллиги;
- 6) Федерацияни демократик марказлашган принцип асосида тузиш.

Бу таълимотга асосан, миллатлар ўз тақдирини ўзлари белгилашлари ва хоҳлаган давлатни тузишлари мумкин эди. Агар улар мустақил давлат туза олмасалар, мухторият асосида ўз давлатларини тузиб, мустақил давлатлар таркибида яшашлари мумкинлиги ҳам уқтириб ўтилган ва бундай миллий мухториятларнинг турлари ҳам кўрсатиб берилганди. Булар мухтор республикалар, мухтор вилоятлар ва миллий округлардир.

Собиқ Иттифоқда Ленин таълимотида кўрсатилган давлат тузилиши шакллари мавжуд эди ва улар маълум вақтгача ҳаракатда бўлганлар. Масалан, Россия 1917 йилдан бошлаб федератив давлат тузилишига эга бўлган, унинг таркибида автоном республикалар, автоном областлар, миллий округлар бўлган. 1922 йил июль ойида Кавказorti федерацияси учта республикани (Арманистон, Озарбайжон ва Грузия республикаларини) ўз ичига олган, у 1936 йилгача амалда бўлиб, кейин тарқатиб юборилган ва улар алоҳида республика тарзида Совет Иттифоқи таркибига кирган эдилар. 1922 йил декабрида тўртта республика (РСФСР, Украина, Белоруссия ва Кавказorti Федерацияси) асосида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи тузилган. Бу иттифоқ 1991 йилда парчаланиб кетди. Шундан сўнг иттифоқ таркибига кирувчи иттифоқдош республикалар ўз мустақиллигини эълон қилдилар. Шундай қилиб, В. И. Лениннинг федерация тўғрисидаги таълимоти

ўзини оқламади. Буни Совет Иттифоқи мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши жиҳатидан унитар республикадир. Лекин Ўзбекистонда давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Чунки Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси мустақилдир¹.

Ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи асосида қорақалпоқ миллати Ўзбекистон ҳудудида ўз давлатини мухтор республика шаклида ташкил этган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Бу Мустақиллик туғрисидаги декларацияда, Мустақиллик асослари туғрисидаги қонунда ва ниҳоят, 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди².

Конституцияга асосан, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши бўйича унитар давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг унитар давлат деб аталишига қуйидаги хусусиятлар сабаб бўлади:

1) Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди тузилиши бўйича ягона бирликни ташкил қилади;

2) давлат ҳокимияти, бўлиниш принципи асосида тузилган бўлса ҳам, республика ҳудудида бир бутунликни ташкил этади ва уларнинг чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлари бутун Ўзбекистон ҳудудига тааллуқлидир;

3) қонунчилик тизими ҳам бутун Ўзбекистон учун тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг устунлиги асосида амал қилади;

4) прокуратура органлари ва суд ҳокимият тизими бутун Ўзбекистон ҳудудида ягонадир;

5) Ўзбекистонда ташқи сиёсатни бутун Ўзбекистон халқининг манфаатини кўзлаб ва унинг номидан фақат у сайлаб қўйган Олий Мажлис ва Республика Президенти амалга ошириши мумкин;

6) Ўзбекистонда молия, солиқ, божхона тузилиши ва республика Қуролли Кучлари, миллий хавфсизлик ва ички ишлар органлари хизмати марказлаштирилган;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. XVII-боб. — Т., 1992. — 22-б.

² Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. 1-боб. — Нукус. 1993.

7) Бутун Ўзбекистон худудида ягона фуқаролик жорий қилинган.

Ўзбекистоннинг ягона давлат эканлигини кўрсатиш билан бирга, Ўзбекистоннинг давлат тузилишидаги ўзига хос айрим федератив белгилар, федератив давлатга хос хусусиятларни ҳам кўрсатиш лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикасининг мавжудлиги ва унинг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан қўриқланиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий тизимида алоҳида Конституциянинг мавжудлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси умумдавлат органлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси давлат органларининг ва бошқа давлат-ҳуқуқий институтларининг ўзига хос ва маълум даражада мустақил белгиланиши: Жўқорғи Кенгес, Вазирлар Кенгаши, Олий суд органлари, республика фуқаролигининг мавжудлиги ва бошқалар;

г) Қорақалпоғистон Республикаси худуди ва чегарасининг дахлсизлиги, ўзгартирилиши ва бўлиниши унинг рухсатсиз амалга оширилмаслиги (Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 3-моддаси);

д) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз маъмурий-худудий тузилиши масалаларини ўзи мустақил ҳал қилиши;

е) Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси алоқаларининг ўзаро тузилган шартномалар ва битимлар орқали тартибга солиниши;

з) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз давлат рамзларига эга эканлиги. Демак, Ўзбекистон федератив шаклдаги давлат дейишга асос йўқ. Чунки, федератив давлат тузилишида федерацияга кирувчи ҳар бир субъектнинг ўз давлат органлари билан бир қаторда умумфедератив давлат органлари бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикасининг бундай умумий федератив органлари йўқ. Шунга асосланиб, Ўзбекистон Республикасини, давлат тузилиши бўйича, федератив давлатнинг баъзи бир белгилари, хусусиятларига эга бўлган унитар давлат деб ҳисоблаш мумкин.

2. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши. Унинг мақсади ва ўзаро мувофиқлаштириб турувчи органлари

Юқорида айтганимиздек, собиқ иттифоқнинг федератив давлат эканлиги, унга кирган иттифоқдош республикаларнинг мустақил эканлиги тўғрисидаги гаплар сохта бўлиб чиқди. 1985 йилда бошланган қайта қуриш, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш сиёсати одамларда қайта умид уйғотди, миллий онгни, уз-узани англашни юксалтириб юборди. Марказнинг республикалардаги сиёсий ва иқтисодий мустақилликка интилишларини ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди. Иқтисодий инқироз ва жойлардаги миллий оннинг ривожланиши натижасида 1922 йилда тузилган Иттифоқ шартномасини қайтадан тузиш ва республикалар мустақиллигини тиклаш масаласи, иқтисодий ривожланиш эркинлигини республикаларнинг ўзларига бериш масалалари тез-тез кўтариб чиқилди. Мустақил Давлатлар Иттифоқини қайта тузиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси тузилди. Ушбу шартнома лойиҳасида, республикаларга мустақилликни белгилайдиган жуда кўп ҳуқуқлар бериш кўзда тутилган эди. У кўп республикаларнинг олий ҳокимият органларида муҳокама қилиниб, маъқулланган эди. Ушбу шартнома лойиҳасини, Ўзбекистон Республикасининг Олий Совети ҳам маъқуллади ва Шартномани имзолаш учун нуфузли делегацияни сайлади. 1991 йил августда Москвада Шартнома имзоланиши керак эди. Лекин 1991 йил 19 августда Москвада Иттифоқнинг янги Шартномасини тасдиқлашни хоҳламаган, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолишга интилган давлат раҳбарлари давлатни тўнтариш ва ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб қолиш, Совет Иттифоқини аввалгича сақлаб қолиш учун ҳаракат қилдилар. Улар фавқулодда ҳолат эълон қилиб давлат комитетини туздилар ва ҳокимият органлари ишини тўхтатиб қўйдилар. Россия раҳбариятининг саъй-ҳаракати ва Куролли Кучларининг иштирокида давлат тўнтариши тўхтатилди.

Шундан сўнг, Собиқ Иттифоқига кирган республикалар ўзларини мустақил деб эълон қилдилар. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун ва баёнот қабул қилди.

Республикада ўтказилган умумхалқ референдуми буни

катъий тасдиқлади. Шундай шароитда илгариги Иттифоқ субъектлари (иттифоқдош республикалар) ўртасидаги муносабатларни давлатлараро шартномалар, келишувлар асосида тартибга солиш бошланди. Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ таркибидаги барча республикалар билан тегишли шартномалар имзолади. Ўзбекистон янгиланган мустақил давлатлар Иттифоқига киришга ва янги шартномани имзолашга розилигини референдум орқали билдирган эди.

Бироқ 1991 йил 5 декабрда Минск шаҳри яқинидаги Беловежская Пушава Россия, Украина ва Белоруссия давлат раҳбарлари Совет Иттифоқининг тарқатилганлигини ва Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги тузилганлигини эълон қилдилар. Бу ҳамдустликка РСФСР, Украина, Белоруссия кирган эди.

1991 йилнинг 21 декабрида Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина Олмаота шаҳрида ушбу битим юзасидан баённома имзолаб, «Тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар» мақомида МДҲ аъзоси бўлдилар. Кейинроқ бу мамлакатлар сафига Грузия қўшилди. Юқорида қайд этилган таъсис ҳужжатлари айна пайтда 12 мамлакат томонидан ратификация қилинди ва 1993 йил январда унинг низоми тузилиши билан яқунланди. Бироқ бу низом ҳали Туркманистон ва Украина томонидан ратификация қилинган йўқ. Шундай қилиб, айна пайтда 10 давлат МДҲ аъзоси, Туркманистон ва Украина МДҲ иштирокчилари бўлиб ҳисобланади¹. МДҲ аъзоларининг баёноти ва шартномаларида уларнинг биргаликдаги фаолиятининг асосий томонлари келишиб олинди. Булар:

- ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;
- умумий иқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш;
- иқтисодий ислоҳот ўтказиш;
- божхона сиёсати;
- транспорт ва алоқа, шунингдек, энергетика тизимини ривожлантириш;

¹ Қўринг: МДҲ: иқтисодий интеграция кенгаймоқда. Халқ сузи, 1996. 23 январь.

— саломатлик, атроф-муҳит ва экология хавфсизлигини сақлаш;

— уюшган жиноятчиликка қарши кураш сингари муҳим соҳалардан иборат.

Бу учрашувда МДХнинг умумий органлари тузилди.

Улар қуйидагилардан иборат:

1) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг Кенгаши;

2) шу давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгаши;

3) шу давлатлар мудофаа вазирлари Кенгаши;

4) ташқи ишлар вазирлари Кенгаши;

5) ички ишлар вазирлари Кенгаши ва бошқалар.

Бу органлар турли республика марказларида учрашувлар ўтказадилар, давлат раҳбарларининг учрашувлари бўлиб туради, турли масалалар муҳокама этилади.

Учрашувларнинг қарийб ярми иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланади. Уларнинг учдан бир қисми эса ҳарбий-сиёсий, яна қарийб шунчаси ташкилий ва умумий масалалардир. Қурилган масалалар бўйича ҳужжатлар қабул қилинади. 1993 йил 24 сентябрда Иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги шартноманинг имзоланиши, Ҳамдўстлик фаолиятининг амалга оширилиши кун тартибидаги муаммолардан бири бўлиб турибди. Россия, Белоруссия, Қозоғистон божхона иттифоқини тузиш юзасидан имзолаган битимга биноан ўз давлатлари божхона қонунчилигини мувофиқлаштирдилар. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бу иттифоқни шакллантиришда иштирок этиш юзасидан қатъият билдирдилар. Бироқ шу ўринда Ўзбекистон бу масалага ўзига хос ёндашаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизнинг божхона иттифоқига аъзо бўлиши бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир этмаслиги, чегаралар ҳар бир мустақил давлатнинг ўз армияси томонидан қўриқланиши, бу давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни ўзи мустақил амалга ошириши шартлигини таъкидлади¹.

Лекин қабул қилинган ушбу ҳужжатлар ҳар доим ҳам амалга ошмади. Ҳамдўстлик ривожланиши керак, бу ҳамма республикалар учун зарур. 1996 йил 19 январь куни Москвада МДХ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда ўндан ортиқ масала му-

¹ Қаранг: Халқ сузи. 1996. 23 январь.

ҳоқама қилинди. Божхона ва тўлов иттифоқини шакл-лантириш, МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши раисини сайлаш, мустақил давлатлар ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар, МДХ коллектив тинчликни таъминлаш кучларининг Тожикистонда бўлиш муддатларини узайтириш, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш ва мустақил давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш каби масалалар шулар жумласидандир. Ушбу масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатда бу Кенгаш тўғрисида шундай деган эди: «Биз муҳоқама қилинган масалаларга мамлакатимиз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндошдик. Лекин ушбу учрашув натижаларидан мамнунман. Чунки, биз имзолаган ҳужжатлар тарихан шаклланган иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг мустақкамланишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишга хизмат қилади»¹.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳуқуқий томондан давлат ҳам эмас, давлатлар устидан турадиган тузилма ҳам эмас, бу давлатларнинг келишиб иш юритадиган давлатлараро ташкилотидир.

Умумий қилиб айтганда, МДХ ҳуқуқий асосда, давлат раҳбарлари томонидан имзоланган юридик актлар асосида тузилган.

1993 йил январь ойида Тошкентда минтақамиз давлат бошлиқларининг учрашуви бўлди. Бу жаҳон сиёсий харитасига янги «Марказий Осиё» тушунчасини олиб кирди. Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг муносиб турмуш кечиршини таъминлаш, беқиёс табиий бойликлар, илм-фан, ишлаб чиқариш кучларини биргаликда ўз манфаатларига ишлатиш шу минтақадаги ҳамма аҳоли учун зарур эди. Бу ишлар Марказий Осиёдаги давлатларнинг бирлашиб, ҳамкорликда иш олиб боришини талаб қиларди. Шу асосда 1993 йил январь ойида Тошкентда Ўрта Осиёдаги беш давлат бошлиқлари Марказий Осиё минтақаси давлатлари ҳамкорлигини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу давлатлар ҳамма соҳада келишиб ишлаш, иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларни мустақкам-

¹ Қаранг: Халқ сузи 1996. 23 январь.

лаш ишларини олиб борадилар. Бу бирлашма «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» деб номланди. Бунга Марказий Осиёдаги давлатлар ва Қозоғистон Республикаси кирди. Бу бирлашманинг пайдо бўлиши МДХ билан алоқаларни бутунлай узиш, деган гап эмас. Улар МДХ давлатлари томонидан имзоланган ҳужжатларга амал қиладилар, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттирадилар.

Марказий Осиё Ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида Тошкентдан бериладиган телекўрсатувларни ушбу минтақадаги бешта республикага олиб беришга қарор қилинди. «Новый день» (Янги кун) минтақалараро газетаси чиқа бошлади. Худди шунга ўхшаган «Осиё» газетаси Алматида чиқа бошлади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари тез-тез учрашиб, ўз давлатларининг шу даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, бир-бирлари билан ҳар хил соҳадаги ҳамкорликлар тўғрисида келишиб оладилар; давлатлараро муносабатлардаги масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказиб, келажакдаги вазифаларини аниқлаб оладилар; улар асосий эътиборни иқтисодий интеграция бўлиб бутун бир иқтисодий макон тузиш, божхоналар фаолиятини келишиб олиш, тинчликни, хавфсизликни ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш масалаларни кўриб чиқиб, келишиб оладилар. Масалан, 1994 йил 29—30 апрелда Қирғизистондаги Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида, бир-бирини қизиқтирадиган муҳим иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича келишиб олинди. Томонлар Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазият, МДХ давлатларидаги аҳвол ва бошқа халқаро масалалар бўйича маслаҳатлашиб олдилар. Айниқса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон билан келишиб олинган Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграциясини йўлга қўувчи, бутун бир иқтисодий маконни жорий қилиш масалалари, божхона тўсиқларини олиб ташлаш, икки томонлама солиқ солишни бекор қилиш, валюта алмаштириш пунктларини очиш ва бошқа масалалар бўйича келишиб олинганлиги муҳим бўлди¹. Буларнинг ҳаммаси халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.

¹ Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари учрашувлари тўғрисидаги коммюнике. Халқ сўзи. 1994. 3 май.

3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши

Маъмурий-худудий бўлинмалар деганда, ҳар бир давлатнинг жойлардаги худудий бўлаклари тушунилади.

Худуднинг маълум маъмурий бўлақларга бўлиниши, давлатнинг асосий функция ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур тадбир ҳисобланади. Жумладан, давлат органлари ҳам ўз худудий бир бўлишига, яъни давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, суд, прокуратура, милиция органлари маълум худудий бўлақда ўз вазифаларини шу давлат худудий бўлақлари орқали амалга оширадилар.

Демак, маъмурий-худудий бўлақларга мос равишда давлат аппаратининг тегишли бўғинлари ҳам такомиллаштирилади.

Маъмурий-худудий бўлиниш икки хилда намоён бўлади:

- а) сиёсий-худудий бўлиниш;
- б) маъмурий-худудий бўлиниш.

Маълум давлат худудида сиёсий жиҳатдан алоҳида давлат (мустақил ёки мухторият шаклида) мавжуд бўлса, бундай давлатнинг худудий бўлиниши мураккаб ҳисобланиб, у сиёсий-худудий бўлинишига эга бўлган давлат дейилади. Агар давлат фақат маъмурий-худудий бўлақлардан иборат бўлса, бундай давлат маъмурий-худудий бўлинишга эга давлат дейилади.

Маъмурий-худудий бўлинишнинг амалга оширилишига таъсир қилувчи омиллар ва принциплар мавжуд бўлиб, улар табиий, сиёсий, иқтисодий омилларни ўз ичига олади. Юридик адабиётда олимлар маъмурий-худудий тузилиш принципларини ҳар хил таърифлайдилар. Масалан, Россия Федерацияси конституциявий ҳуқуқшунос олимлари Козлова Е. И., Кутафин О. Е. маъмурий-худудий тузилиш принциплари сифатида иқтисодий, миллий ва давлат аппаратини аҳолига яқинлаштириш принципларини кўрсатганлар¹. Бошқа бир гуруҳ олимлар маъмурий-худудий тузилишнинг тўртта принципини кўрсатадилар, юқорида кўрсатилган уч принципга яна бир принцип — фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафолатлаш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришни кў-

¹ Қаранг: *Козлова Е. И., Кутафин О. Е.* Конституционное право России. — М., 1995. — 285-б.

шадилар¹. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишининг принциплари қуйидагилардан иборат:

- 1) иқтисодий принцип;
- 2) сиёсий принцип;
- 3) миллий-маиший принцип;
- 4) давлат аппаратини оммага яқинлаштириш принципи.

1. Иқтисодий принцип давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши шу давлатнинг иқтисодий соҳадаги вазифаларни самарадорлик билан амалга оширишга қаратилганлигини билдиради. Шунинг учун давлат аппаратининг маҳаллий органлари, унинг иқтисодий ҳужалик юритиш функциясининг муваффақиятини таъминлаб бериш мақсадида ҳудудий жойлаштирилган бўлиши керак.

2. Сиёсий принцип давлатнинг ҳудудий тузилиши унинг сиёсий мақсадлари давлат ҳокимиятини амалга оширишга мос равишда ташкил этилганлигини англатади. Бу принцип, биринчидан, ҳар бир маъмурий-ҳудудий бўлинма давлатнинг, ҳокимият органлари вазифасини бажарувчи мустақил қисми деб тушунилишини; иккинчидан, ҳар бир ҳудудий қисм ўз вазифасини бажаришда юқори давлат ҳокимияти органларига бўйсунилишини англатади.

3. Миллий-маиший принцип маъмурий ҳудудий бўлинишда аҳолининг миллий таркиби, ўзига хос миллий-маиший хусусиятлари эътиборга олинганлигини билдиради. Мазкур принципда Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий бўлагидаги аҳолининг миллий таркибига эътибор берилади, уларнинг миллий ўз-ўзини бошқаришларига маълум даражада шароит яратиб берилади. Маъмурий-ҳудудий бўлак чегараларини ўрнатишда бир миллатга мансуб аҳолининг ҳар хил маъмурий-ҳудудий бирликда қолиб кетмаслиги таъминланади. Бундай тadbирлар миллий кадриятларимизнинг ўзига хос томонларини инобатга олиш, маданий, тарихий, диний, эстетик томонларга эътибор беришни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудий ташкилотларнинг эҳтиёжини ҳам ҳар томонлама қондиради.

4. Давлат аппаратини аҳолига яқинлаштириш принципи — маъмурий-ҳудудий тузилишда давлат ишларини

¹ Қаранг: Советское государственное право. — М., 1978. — 266—267-б.

бошқаришда халқнинг иштирокини таъминлаш ва давлат аппаратини аҳолига яқинлаштиришдир. Бундай тадбир давлат аппаратининг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлайди. Мазкур тадбирлар давлат аппаратининг иш юртиши устидан халқ назоратини ўрнатишни таъминлаб беради.

Маъмурий-худудий тузилишни амалга оширишда, фуқаролар учун тенг демократик шароитларни таъминлаб бериш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш принциплари ва омиллари ҳам ҳисобга олинади. Мазкур принцип ҳар бир маъмурий-худудий бирликда маданий-оқартув, тиббий, савдо, маиший хизмат мавжуд бўлишини тақозо этади.

Бундан ташқари, маъмурий-худудий бўлинишга физик, жўғрофий, демографик, иқтисодий-жўғрофий каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, маъмурий-худудий бўлинишнинг юқорида келтирилган принциплари ва омиллари бир томондан маҳаллий давлат аппаратининг арзон ва оддийлигини, унинг иш фаолиятида қулайликни таъминласа, иккинчи томондан аҳолига ва мазкур худудда жойлашган хўжалик объектларига максимал яқинлигини таъминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бирлигининг турлари. Уларни ташкил этиш ва ўзгартириш тартиблари. Ҳозирги Ўзбекистон худуди 1917 йил октябрдаги давлат тунтаришигача расман Россиянинг колонияси ҳисобланиб, унинг маъмурий-худудий тузилиши Россия қонунлари билан белгиланар эди. 1917 йилги октябрь инқилобидан сўнг, Ўзбекистон худудида янгидан ташкил қилинган РСФСР қонунлари амал қиладиган бўлди.

Маъмурий-худудий бирлик давлат аппарати тизими билан боғлиқ. РСФСР давлати ўз давлат аппаратлари билан бир қаторда янги маъмурий-худудий булакларни ташкил қилди. Бу иш 1922 йилдан бошлаб Совет Иттифоқини тузиш жараёнида айниқса қизгин тус олди. Чунки СССР давлати худуди унга қўшиб олинadиган бошқа иттифоқчи давлатлар худудлари ҳисобига ташкил топиши керак эди. Бу эса бўлгуси СССР давлати ва расман мустақил ҳисобланиб, унинг таркибига кирувчи иттифоқдош республикалар олдига катта маъмурий-худудий масалаларни ҳал қилиш вазифаларини кўндаланг қилиб қўйган эди.

Мазкур муаммо, айниқса, Марказий Осиё халқлари

ўртасида алоҳида аҳамият касб этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш жараёни дастлаб икки босқичда ўтказилди. Бу тадбир Ўзбекистон давлати тарихига «Маъмурий-ҳудудий районлаштирув» деган ном билан кириб келди. Унинг биринчи босқичи, «Ўрта Осиё миллий давлат чегараланиши», — деб ном олди ва у 1924—1925 йилларда ўтказилди.

Иккинчи босқич область, уезд, волость, қишлоқ совети шаклларидаги тўрт бўғинли маъмурий бўлинишдан — округ, район, қишлоқ совети шаклларига ўтиш орқали амалга оширилди. 1930 йилдан бошлаб округ маъмурий бирлиги область бирлиги билан алмаштирилди.

Районлаштирув принципи бир вақтнинг ўзида маъмурий-ҳудудий хўжалик аппаратини арзонлаштириш, аҳолига яқин қилиш ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш принципларини уйғунлаштириши керак эди. Уезд бўғинига бўлиниш ва уезд ижроия қўмиталари кераксиз, ортиқча бўғин сифатида бекор қилинадиган бўлди.

Волость бўғинини ҳам тугатиб, унинг ўрнига ихчам район бўғинини тузишга қарор қилинди. Советларнинг район съезди ва унинг ижроия қўмиталари жорий қилинди. Районлар уезд ва волость бўғинларининг вориси сифатида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қабул қилдилар.

Район советлари ўзлари жойлашган район ҳудудларида сиёсий, маданий-хўжалик соҳаларини бошқариб боришлари керак эди. Ўзбекистонда районлаштириш тадбирлари амалга оширилгунча, унинг ҳудуди Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм областларидан иборат етти та маъмурий-ҳудудий бирликлардан ташкил топган эди. Мазкур етти та область, ўз навбатида, 22 уездга ва 241 волостга бўлинган эди.

Асримизнинг 30-йилларидаёқ совет ҳокимияти томонидан ўтказилган маъмурий-ҳудудий тузилиш тамойиллари ва бўғинлари собиқ СССР тарқаб кетганидан кейин ҳам МДҲга кирувчи барча мустақил давлатларда ҳанузгача ҳаракатда бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигига конституциявий, тинч йўл билан эришди. Унинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳам барча давлат органлари институтлари сингари ўзининг конституциявий кафолатларига эгадир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVI-боби Ўзбекистон Республикасининг маъму-

рий-худудий тузилишига бағишланган. Мазкур бобнинг 68-моддаси «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат» — деган конституциявий нормани мустақкамлаб қўйгандир.

69-моддада эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилиши қонунлаштирилган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»¹ги қонунида Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиш шакллари ва уларни ҳал қилиш тартиби кўрсатилган. Бу қонунга асосан (1-модда), вилоятларни тузиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ, Олий Мажлис томонидан, Қорақалпоғистонда — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг розилиги билан амалга оширилади.

Қишлоқлар ва овулларни тузиш ва тугатиш туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари шаҳар ва қишлоқ жойларига бўлинади. Шаҳар жойларига шаҳар ва шаҳар посёлкалари, қишлоқ жойларига эса қишлоқлар ва овуллар киради.

Ҳар бир маъмурий-худудий бирликда давлатнинг маҳаллий вакиллик органи, ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги маъмурий-худудий бўлиниши республиканинг ишлаб чиқариш кучлари аҳолини, уларнинг жойлашиш характерини, транспорт ва алоқа

¹ Халқ сўзи. 1996. 7 сентябрь.

воситаларининг ривожланишини, жойлардаги бошқарувнинг ташкилий тузилишини акс эттиради.

Вилоят (область) — маъмурий-худудий бирликлар ичида энг йирик бугин бўлиб ҳисобланади ва алоҳида ўрин тутади. Вилоят бошқа маъмурий-худудий бўлақларнинг ҳаммасини ўз ичига олади ва шу тариқа муҳим ташкилий функцияни бажаради. Бу худудий бўлинма марказ билан жойларни боғлаб турадиган алоқа тузилмаси, деб ҳам таърифланади. Бу шуни билдирадики, республика миқёсидаги давлат органлари ўз вазифаларини, жойлардаги органлар билан алоқаларини фақат вилоят тизими ва унинг давлат бошқарув органлари — вилоят ҳокимияти орқали амалга оширадilar. Шу билан бирга, вилоят ўз таркибига кирувчи қуйи ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятига раҳбарлик қилади, уларни умумдавлат ва маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб бирлаштиради.

Вилоят маъмурий-худудий бўлинмалари бўлиши учун иккита сифатга эга бўлишлари керак: 1) қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш бирлиги; 2) вилоят ишлаб чиқарувчи бўлиши керак, яъни ишлаб чиқариш эҳтиёждан, сарфдан юқори бўлиши керак.

Демак, вилоятнинг тузилиши, мустаҳкамланиши, йириклашуви ёки бўлиниши иқтисодий жиҳатдан асослантирилиши лозим. Бу мазкур маъмурий-худудий бирликда халқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг комплекс ривожланишга олиб келиш лозим, вилоятнинг барча таркибий бўғинларининг мавжуд иқтисодий ва маданий алоқаларига таянмоғи шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳозирги даврда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ташқари 12та йирик вилоятлардан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 16-бобининг 66—67-моддаларида ўз аксини топган. Конституциянинг 66-моддасида кўрсатилишича, «Қорақалпоғистон Республикаси районлардан, шаҳарлардан, шаҳарчалардан, овуллардан иборат». Районларни, шаҳарларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади. Кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди вилоят тузилмаларига бўлинмасдан тўғридан-тўғри туманларга бўлинади.

Қорақалпоғистон Республикасида туман энг йирик маъмурий-худудий бирлик бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси вилоят ҳудудлари, ўз навбатида, бевосита туманларга ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга бўлинади. Ҳар бир вилоятда туманларнинг сони турличадир. Маҳаллий жойларда умумдавлат аҳамиятига молик бўлган тadbирлар ўтказиш, хўжалик ва маданий қурилиш ишларини амалга оширишда вилоят муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бўлиниши поғоналари ичида туман ўртанча бўгин ҳисобланади. Туман давлат юқори органларининг курсатмалари, қарорларини ҳаётга тadbиқ этувчи ва бажарувчи асосий бўғиндир. Туман давлат бошқарувининг хўжалик, социал-маданий қурилиш соҳалари учрашуви содир бўладиган чорраҳадир. Туманлар, давлатнинг иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий-маданий ҳаётига бевосита раҳбарлик қилишда улкан роль ўйнайдилар. Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, янги табиий ресурсларни ўзлаштириш ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан маъмурий-худудий бўлинмаларнинг чегарасидаги ўзгаришлар, аввало, қишлоқдаги туман бўлинмалари ҳисоби-га рўй беради.

Вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар туманлар билан бир қаторда маъмурий-худудий бўлинишнинг ўрта бўғини бўлиб ҳисобланадилар.

Шаҳарларнинг маъмурий-худудий бирлик сифатида алоҳида тасвирланишининг боиси шундан иборатки, улар саноати ривожланган марказ бўлиб ҳисобланадилар. Айнан шаҳарларда саноат ишчилари таркиб топади ва ривожланади. Маъмурий-худудий бирликлар ичида шаҳарлар маданий ва илмий марказ бўлиб ҳам ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўплаб шаҳарлар бўлиб, улар минг йиллар давомида ўзининг бугунги мавқеи томон ривожланиб келганлар. Уларнинг тарихий ривожланиш жараёнига кўплаб омиллар таъсир этган. Шунинг учун шаҳарлар аҳолиси сони, иқтисодий ва саноат салмоғи, маданий, илмий, ўқув масканларининг мавжудлигига қараб фарқланадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика, вилоят ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар тизими мавжуддир. Конституциянинг 78-моддаси 7-бандига асосан, шаҳарларни маълум тойфаларга ажратиш билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шуғулланади.

1996 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги қонунда¹ шаҳарларни аҳоли сонига, ишлаб чиқариш саноатига қараб тоифаларга ажратиш тартиблари кўрсатилган. Масалан, вилоят, республика (Қорақалпоғистон Республикаси) иттифоқидаги шаҳарлар туркумига камида 30 минг аҳолиси бўлган, муҳим саноат аҳамиятига эга бўлган, маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин. Ҳозир республикада бундай шаҳарлар сони 51та.

Шаҳарларни вилоят иттифоқидаги шаҳарлар туркумига киритиш ёки уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ, Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, туманга бўйсундиган шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида 7 минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилиши мумкин. Бу масалани ҳал қилиш, тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ, Жўрғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчалар (посёлка) туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлари яқинида жойлашган ҳамда қоида тариқасида, камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Бу масалани тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши амалга оширади.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида шаҳар туманлари ҳам мавжуд бўлиб, улар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаб қўйиш орқали бошқарилади.

Қишлоқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасида кўрсатилган яна бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб ҳисобланади. Қишлоқлар маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг қўйи бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шаҳар ҳудудларига кирмайдиган, маълум

¹ Халқ сўзи. 1996. 7 сентябр.

аҳоли сонига эга бўлган қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойлари қишлоқлар бўлиб ҳисобланадилар.

Овуллар эса қишлоқларга қараганда, кичикроқ ҳажмдаги яшаш ва турар жойларидан иборат аҳоли пунктларидир. Овулларда кўп ҳолларда чорвадор оилалар истиқомат қилиб, улар асосан кўчиб юрувчи бир неча чупонлар оилаларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши тизимида Қорақалпоғистон Республикаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши принциплари тўдалигича (вилоят бўғинидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикасига ҳам тегишлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

У ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал этади. Бунинг маъноси шуки, Қорақалпоғистон Республикаси халқ ҳужалигининг ривожланиши ва умуман Ўзбекистоннинг манфаатларидан келиб чиқиб, ўз ҳудудида барча давлат, иқтисодиёт, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалаларини ҳал қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида «туманлар, шаҳарлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади», — дейилган¹.

Бу қоидада, асосан, Қорақалпоғистон Республикасининг чегараси доирасида унинг ички маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари назарда тутилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳар қандай маъмурий-ҳудудий ўзгаришларни амалга оширишда, биринчи навбатда, халқнинг эрки-иродаси асосий омил ҳисобланади. Чунки халқнинг эрки-иродаси, халқ сўрови олий қонундир. Демак, бу масалада, биринчи навбатда, халқ манфаатларини ҳисобга олиш лозим.

Юқорида кўрсатилган қонунда маъмурий-ҳудудий тузилишларнинг чегараларини ўзгартириш ҳамда маъмурий марказларни кўчириш; аҳоли пунктларини бирлаштириш; шаҳар ва шаҳар посёлкаларининг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш; маъмурий-ҳудудий бирликлар,

¹ Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. — Нукус, 1993.

аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш; корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш каби масалалар ҳам курсатиб утилган.

XV БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги конституциявий мақоми

Қорақалпоғистон Республикаси суверен демократик давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан (70-модда), Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий-ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва уларнинг ўзаро шартномалари асосида белгиланади. Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон билан конституциявий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий ҳолати, биринчи навбатда, унинг мустақил давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси таркибига кириши, унинг бутун тўлиқ ҳокимият эгаси (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд) эканлигини билдиради. Бу Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти унинг халқи номидан амалга оширилишини, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги мустақил давлат деб эълон қилинганлигини билдиради¹.

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги конституциявий-ҳуқуқий ҳолатини билдирадиган иккинчи белги унинг ўз ҳудудига эга эканлигидир. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бузилмас ва дахлсиздир. Қорақалпоқ миллати ўз ерига, ўз бойликларига ўзи эгаллик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг ички чегара-

¹ Қаранг: *Тоғжихонов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. —Т., 1996. — 73—74-бетлар.

сига эга бўлиб, унинг Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва бошқа давлатлар билан ташқи чегаралари ҳам бор. Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг ҳудудий ҳокимият устунлигига эга. Қорақалпоғистон ўз ҳудудида ўзининг ҳокимиятини амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 73-моддасига мувофиқ, унинг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига асосан, туманларни, шаҳарларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Бу қоидага асосан, Қорақалпоғистон Республикасининг чегараси доирасида унинг ички маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон билан туташ ҳудудлари чегарасини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан ўша жой халқининг манфаатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги конституциявий-ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи яна бир хусусият шундаки, бу республика ўзининг конституциявий-ҳуқуқий тизимига эга. Уларга Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, республика қонунлари ва ўз ваколати юзасидан қабул қилинган бошқа ҳуқуқий норматив актлар, Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси билан тузган шартнома ва битимлари кирди.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг Конституциясига эга. Шунини таъкидлаш лозимки, собиқ Иттифоқ даврида автоном республикаларнинг конституциялари улар қайси иттифоқдош республикалар таркибига кирса, ўша республикалар давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан тасдиқланиши шарт эди. Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллигини қувватлади ва аввалги адолатсизликка чек қўйиб, Қорақалпоғистон Республикаси мустақил равишда ўз Конституциясини қабул қилишини тан олди.

Чунки, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг конституциялари энг ривожланган, тараққий

топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган асосий қонунлардир.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сингари ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, сўнгра халқ эрки-иродаси ҳисобга олиниб, қабул қилинган. Шунинг учун ҳам, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси республика олий қонун чиқарувчи органи томонидан мустақил қабул қилинган. Унинг қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан тасдиқланишига ҳожат йўқ. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳозирги Конституцияси 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган бўлиб, унда республика конституциявий тизимининг асосий принциплари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатлар; маъмурий-худудий тузилиш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларини ташкил этиш ва фаолият принциплари, ваколатлари; маҳаллий ҳокимият органларининг асослари мустақамланган.

Қорақалпоғистон Республикаси мустақил равишда ўзининг қонунларини ва бошқа ҳуқуқий норматив актларини ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Республиканинг ҳуқуқий доираси чегарасида қабул қилинган қонунлари шу давлат ҳудудида юқори кучга эга бўлиб, республикадаги барча юридик ва жисмоний шахслар учун бажарилиши мажбурийдир.

Қорақалпоғистон Республикаси конституциявий-ҳуқуқий тизими республикада мустақил бўлиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий-ҳуқуқий тизимига унинг таркибий қисми сифатида киради. Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мос бўлиши керак.

Чунки Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига суверен давлат бўлиб киришига хоҳиш билдирган халқ Қорақалпоғистон Конституциясининг Ўзбекистон Конституциясига зид бўлишини асло истамайди. Чунки бу Конституциялар умуминсоний ғоялар: тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва мустақил Ўзбекистон Республикаси халқларининг абадий бирлиги ва қонқардошлигини Қорақалпоғистоннинг янги қабул қилган Конституцияси ҳам тасдиқлади, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси бошидан охиригача ана шундай олийжаноб манфаатлар руҳи билан суғорилган¹.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон ҳудудида, шу жумладан, Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам ҳамма учун мажбурийдир. Агар Қорақалпоғистонда қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддият пайдо бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амал қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибида, ўзининг олий вакиллик органи — Жўқорғи Кенгес орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон таркибида давлат ҳокимияти органлари тизимини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари, вакиллик ва ижро этувчи органларни ташкил этиш умумий принципларига мувофиқ, мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг вакиллик қонун чиқарувчи органи — Жўқорғи Кенгесига, Вазирлар Кенгесига, суд тизими — Республика Олий суди, Республика Хўжалик суди, Конституциявий назорат қўмитаси, Республика прокуратура органларига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Бош прокурори билан келишган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси конституциявий-ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган яна бир белги — бу Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролигидир. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ягона фуқароликнинг ўрнатилишига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳам бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, Ўзбекистон

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995. — 183-б.

республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир, шу жумладан Қорақалпоғистон фуқаролари Ўзбекистон Конституциясида ва қонунларида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни бажаришга мажбурдир.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни тугатиш асослари ҳамда тартиби Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳақидаги қонун билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудида яшовчи чет эллик фуқароларнинг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномалар билан белгиланган бурчларини адо этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг иқтисодий негизларини ҳам кўрсатиб қўйган. Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ, «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Қорақалпоғистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан бабаробар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Қорақалпоғистон Республикасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Мулкдорнинг ўз мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг ери, ер ости бойликлари, суви, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралари умуммиллий бойлик ҳисобланиб, уларга қорақалпоқ халқи эгалик қилади. Улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади ва улар давлат муҳофазасидадир.

Қорақалпоғистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўзининг давлат тилига эга. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасига мувофиқ, қорақалпоқ тили ва ўзбек тили қорақалпоқ Республикасининг давлат тили бўлиб ҳисобланади. Бу миллатнинг

Ўз тақдирини ўзи белгилаши ва келажак авлоднинг истиқболини яратишга ўзи бошчилик қилишидир. Конституцияда кўрсатилишича, Қорақалпоғистон Республикаси ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг халқаро, илмий, маданий ва ташқи иқтисодий алоқаларини Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мос равишда Ўзбекистон Республикасининг ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширади (Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси).

Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий-ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган яна бир белги, унинг ўз давлат рамзларига эгалигидир. Қорақалпоғистон ўз Конституциясига асосан (5-модда), ўз қонуни билан тасдиқланадиган давлат рамзлари — давлат байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти — Нукус шаҳридир.

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзларида шу республика миллатининг тарихий, миллий анъаналари ўз аксини топган. Ҳар бир давлат рамзи тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қонун қабул қилади.

2. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар орқали тартибга солинади.

Бу конституциявий қоида Қорақалпоғистоннинг ривожланиши, унинг иқтисодиёти ва маданиятининг юксалиши учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон ўртасида турли соҳаларда, биринчи навбатда иқтисодий соҳада ўзаро муносабатларни мустақамлаш ва кенгайтириш Қорақалпоғистон мустақиллигининг, унинг иқтисодий ривожланишининг гарови ҳисобланади. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг социал-иқтисодий ривожидан даражаси жиҳатидан минтақанинг нисбатан қолақ ҳудудларидан ҳисоб-

ланади ва шу боисдан, Ўзбекистон Қорақалпоғистонни иқтисодий ривожлантириш, уни экологик соғлом минтақалар қаторига кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда бу минтақани юқори даражага чиқариш, уни мустақамлашга ҳаракат қилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон бу регионда хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва мулкчиликнинг барча шакллари ривожлантириш учун баб-баробар имкониятлар яратиш тадбирларини кўрмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз қонунларини бозор иқтисодиёти шароитига мослаштириб ривожлантириши керак, яъни янги бозор иқтисодиётига мослаштирилган ҳуқуқий тизимни яратиши, давлат қурилишига оид қарор, қонунлар чиқариши, давлат қурилиши соҳасида йирик ўзгаришлар киритмоғи лозим. Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг янги ҳуқуқий тизими ва давлат қурилиши соҳасидаги тажрибаси ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси Қорақалпоғистон учун намуна бўлиб хизмат қилиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий соҳада мулкчилик муносабатларини ҳар томонлама такомиллаштириши, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта аҳамият бериши керак. Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустақамлашга ҳаракат қилади ва уни муҳофаза этади.

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Конституцияда кўзда тутилган шартнома муносабати бундан ҳам ривожланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 75-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида низоли масалалар чиқиб қолган тақдирда улар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади. Бундай ҳолатларда, шубҳасиз, Конституция ва қонунларимизнинг устуворлигига қатъий амал қилган ҳолда, масала ҳар икки Республиканинг манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этилади. Ўзбек халқи билан қорақалпоқ халқининг дўстлиги, қон-қариндошлиги, улар маънавиятининг бирлиги, икки халқ ўртасидаги қадрдонлик ришталарининг мавжудлиги айниқса, Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мустақиллигини тан олгандан сўнг, бу халқларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат ва иззатининг ошиб бориши бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси

мустақил бўлишидан анча илгари, 1990 йил 20 июнда қабул қилган ўзининг «Мустақиллик декларацияси»да¹ Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитетини таъминлашни ўз зиммасига олиши ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишини эълон қилган эди.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг² 17-моддасида эса «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади», — деб кўрсатилган. Бу ғоялар ва фикрлар ниҳоят Қорақалпоғистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияда ва 1993 йилда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида қонуний ифодасини топган.

Бу моддада: «Қорақалпоғистон — Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирадиган суверен демократик республика», — дейилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети масаласига ижобий баҳо бериб, 1990 йилнинг 1 декабрида Нукусда бўлиб ўтган анжуманда Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибидаги суверен давлат эканлиги тўғрисидаги фикрни тўла қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида И. А. Каримов: «Асосий қонунимиз Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади», — деган эди³.

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини билдирувчи яна бир муҳим нарса — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 74-моддасида белгиланган Қорақалпоғистон Республикаси халқининг ҳуқу-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида ҳужжатлар. — Т., 1991. — 6-б.

² Ўша жойда, 12-б.

³ Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т., 1993. — 7-б.

қидир. Бу конституциявий моддага биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида ҳам мустақамланган.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

1. Давлат ҳоқимияти органи тушунчаси. Давлат аппарати органларининг тизими ва вазифалари

Давлат ҳоқимияти органи тушунчасини беришдан олдин, биринчи навбатда, давлат аппаратига берилган таъриф билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат аппарати бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган давлат ҳоқимиятини амалга оширувчи давлат органларининг йиғиндисиدير.

Юридик адабиётда «давлат аппарати» ва «давлат механизми» деган тушунчалар учрайди. Бу тушунчалар асосан бир хил мазмунга эга. Лекин «давлат механизми» тушунчасига давлат органларидан ташқари давлат аппарати ишини ташкил қиладиган, унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар киради. Уларга таяниб ва уларнинг ёрдами билан давлат аппарати ўз фаолиятини, давлат функцияларини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи, деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, олий ўқув юртлари, тиббиёт, молия-иқтисод бошқармалари ва шунга ўхшаш вазирликнинг фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган ташкилотлар унинг муассасалари, бўлимлари ҳисобланади.

Давлат аппарати қуйидаги белгилари билан бошқа ташкилотлардан ажралиб туради:

1. Давлат аппарати бошқариш билан шуғулланувчи алоҳида фуқаролар гуруҳидир.

2. Давлат аппарати давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган ва ўзаро бўйсунуш ёки келишиб олиш асосида боғланган давлат органлари ва муассасалари тизимидир.

3. Давлат аппарати халқ иродасини амалга ошириш, ўз вазифасини бажариши учун зарур воситалар ва мажбурлаш қуролларига эга бўлган органдир.

Давлат аппарати давлатнинг моҳияти билан узвий боғлиқдир. Давлат аппаратининг шаклланишига, унинг фаолиятига шу жамият тарихий тараққиётининг хусусияти, иқтисодий тузуми, ижтимоий муҳити ва муносабатлар шароити таъсир кўрсатади.

Ҳар бир жамиятда давлат аппарати давлатнинг олдида қўйган вазифаларини бажариш учун ташкил этилади ва шу давлат ҳокимиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси давлат аппарати халқ ҳокимиятини амалга оширишга, ҳозирги даврда аста-секин ижтимоий таъминланган бозор иқтисодиётига ўтиш, халқ манфаатларини амалга ошириш ва пировардида демократик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат аппарати республика олдида турган вазифа ва функцияларни бажариш учун тузилган, барча ваколатларга эга бўлган давлат органлари ва муассасалар тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат аппарати тизими қайта тузилди. Ўзбекистонда суверенитетни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодига ўтиш мақсадида марказлаштирилган тизимдан, хўжалик юритишнинг ўзини-ўзи таъминлаш шаклига ўтилди. Республикада илгари бутунлай бўлмаган бир неча янги давлат органлари тузилди. Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, давлат солиқ қўмитаси тузилди. Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш, Қимматбаҳо металлар, Фан ва техника давлат қўмиталари, Олий аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва шунга ўхшаган ассоциациялар, концернлар ва бошқа умумдавлат ташкилотлари тузилди. Банк тизими қайта ташкил этилди. Республиканинг Марказий банки бошқарув органларига бўйсунмайдиган бўлди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва ти-

жорат банклари тармоғи вужудга келтирилди. Прокуратура органлари, ички ишлар органлари эса фақат Ўзбекистон Республикасидаги инсон ва фуқароларга хизмат қиладиган ташкилотга айлантирилди.

Республикада давлат аппаратининг фаолиятини мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотларга мослаштириш сиёсати олиб борилмоқда.

Демак, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат аппарати республика иқтисодий, маданий, социал ҳаётини бошқарувчи турли давлат органларидан иборат бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир.

Улар қуйидагилардан иборат:

1) давлат аппарати органлари халқ манфаати учун хизмат қилади, унинг иродасини ифода этади;

2) давлат ҳокимиятининг барча органлари давлат номидан ҳаракат қилиб, халқнинг давлат ҳокимиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган давлат органлари томонидангина амалга оширилади (7-модда);

3) давлат ҳокимияти органлари ўз вазифасини амалга ошириш учун давлат томонидан берилган тегишли ваколатга, ҳуқуқ ва бурчларга эга.

Давлат-ҳокимият ваколатлари давлатнинг ҳамма органларига тегишлидир, шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясида улар давлат ҳокимияти органлари деб номланади. Лекин бу ваколатлар давлатнинг ҳар хил органларида улар бажарадиган аниқ вазифаларга қараб ҳар хил кўринишда намоён бўлади.

Давлат-ҳокимият ваколатлари давлат органлари ваколатларида намоён бўлиб, улар давлат органларининг ваколатлари, вазифаларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва унинг қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ва ҳукумат қарорларида, давлат органлари тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий норматив актларда кўрсатилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади (Конституциянинг 76-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради (Конституциянинг 108-моддаси). Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Республика Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди (Конституциянинг 98-моддаси);

4) давлат органлари қабул қилган ҳуқуқий актлар барча Ўзбекистон фуқаролари учун мажбурийдир. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради (Конституциянинг 98-моддаси);

5) давлат органлари маълум давлат томонидан ўрнатилган тартибда тузиладилар. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (91-модда) кўрсатилишича, Республика Президентини сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади. Шунингдек, ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби ҳам қонун билан белгиланади (Конституциянинг 103-моддаси).

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади (Конституциянинг 120-моддаси);

б) давлат органлари маълум бир миқдорда ўз ихтиёридаги моддий ресурслар ва ҳар хил муассасалар, ташкилотлар орқали ўз олдида турган вазифаларни амалга оширадилар.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, умумий қилиб айтганда, давлат органи — бу Ўзбекистон давлат аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, бир ёки бир неча гуруҳ Ўзбекистон фуқароларидан ташкил топган, давлат функциясини амалга оширувчи маълум давлат ҳокимияти ваколатига эга, бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий актлар чиқарувчи маълум тартибда ташкил қилинувчи органдир.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг тизими ва турлари

Ўзбекистон Республикаси давлат аппарати тузилиши жиҳатидан, қонун билан ўрнатилган тартибда ўз функ-

циясини амалга оширадиган ваколатли давлат органларининг йиғиндиси сифатида характерланади.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳар бир давлат органи ва муассасаси бозор иқтисодига ўтиш мақсадини амалга оширишга йўналтирилган, қатъий белгиланган давлат ишини бажариш режаси асосида ташкил этилади.

Давлат органлари ўзларининг ташкил этилиш тартиби ва бажарадиган вазифаларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Ана шу асосларга кўра давлат органлари тизими белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари жуда кўп ва улар ҳар хил белгиларга эга.

Давлат фаолиятини амалга ошириш (давлат функцияси) юзасидан давлат органлари учга бўлинади: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи ҳамда суд органлари.

Ҳокимиятлар тақсимланиш принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиш принципига таянади.

Ҳокимиятлар тақсимланишининг бундай принципини Ўзбекистон Республикасида жорий қилишдан мақсад — республикада демократиялаштириш жараёнини тезлаштириш, умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини тан олиш ва пировардида ҳуқуқий давлат қуришдир. Ҳокимиятларнинг бундай тақсимланиш принципи ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишидан, бюрократизмдан ва сиёсий ҳаётдаги бош-бошдоқликдан қутулиш, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш имкониятини беради.

Бундан ташқари бу принципни амалга ошириш ҳар бир ҳокимиятнинг ўз ваколатидан четга чиқишга ва бошқа ҳокимиятларнинг ваколат доирасига аралашшига йўл қўймайди.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, ҳокимиятнинг учала тармоғи, фақат улар ва албатта уларнинг учаласи биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этадилар¹. Улардан ташқари Конституцияда кўзда тутилмаган ҳеч

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. — Т., 1995. — 81-б.

бир орган ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди. Ўзбекистон Конституциясида кўрсатилишича, «Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади»¹.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият Республика Олий Мажлиси томонидан, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий Суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Учала ҳокимият органлари ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатадилар. Ўзбекистон Конституциясида бу ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи — Олий Мажлисдир. Республика Олий Мажлисининг мутлақ ваколатига Республика Конституцияси ва қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органлари тизими ва ваколатларини аниқлаш, бож, валюта ва кредит ишлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар масаласи, республика чегараларини ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамасининг тавсиясига биноан Республика бюджетини қабул қилиш ва уни бажариш устидан назорат ўтказиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, республиканинг халқаро шартномалари ва битимларини тасдиқлаш ва денонсация қилиш, Президент фармонларини тасдиқлаш кабилар киреди.

Бундан ташқари Олий Мажлис давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларни аниқлайди ва улар устидан умумий парламент назоратини уюштиради. Республика парламенти Олий Мажлис Раисини, Конституциявий судни, Олий судни, Олий ҳўжалик судини ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., — 1992. (7-модда). — 10-б.

Президент тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатини муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини, Марказий банк раисини тайинлайди ва ишдан озод қилади.

Туманлар, шаҳарлар ва вилоятларни ташкил этиш, туғатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш ҳам Олий Мажлис ваколатидадир.

Қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органининг хусусияти шундаки, бу орган кўппартиявийлик асосида бевосита халқ томонидан сайланади, бошқа ҳеч қандай йўл билан тузилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқининг иродасини амалга оширади ва унга умуммажбурий тус беради. Бу орган ўзи чиқарган ҳужжатга ҳуқуқий тус бериб, уларни бажаришга қаратилган чоралар кўради ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади. Қонун чиқарувчи орган қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (XVIII боб) ва 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»¹ ги қонунда Олий Мажлиснинг ваколатлар тизими, фаолият шакллари, унинг қўмиталари, комиссиялари, партия фракциялари ва блокларининг ваколатлари кўрсатилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳудудида унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз олий давлат вакиллик органи — Жўқорғи Кенгесига эга бўлиб, бу орган қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Жўқорғи Кенгес чиқарган қонунлар Ўзбекистон Конституциясига, қонунларига мос бўлиши лозим ва бу қонунлар бутун Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бажарилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органларига республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, жойларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ки-ради.

Маълумки, республика Президентининг давлат марказий органлари тизимида туган ўрни давлат бошқарувининг шаклига боғлиқ. Агар мамлакатда давлат бошқа-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси. 1994. 10-сон, 250-модда.

рувининг парламентар республика тури ўрнатилса, бу ҳолда президент фақат давлат бошлиғи вазифасини бажаради ва у ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қила олмайди. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг парламентар республика шаклида президент давлат органлари тизимида марказий ўринни эгалламайди. Бошқарувнинг Президентлик республикаси шаклидаги давлатларда эса республика президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади.

У давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувининг президентлик республикаси шакли ўрнатилган¹.

Республика Президенти 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида ижро органларининг аҳамияти тўғрисида гапириб, шундай деган эди: «Агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эрklarини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо қилади»².

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Президенти давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғидир. Айни вақтда у Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади. Республика Президентининг ўзи ҳукумат таркибини тузади, унинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади. Ҳукумат ва унинг аъзолари Президент олдида ҳисоб берадилар.

Республика Президенти давлат ва миллатнинг муштарак бирлиги рамзидир. Мазкур сифатда Президент Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. У давлат қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

Республика Президенти давлат ва ижроия ҳокимиятларининг бошлиғи сифатида республика ҳудудида Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро

¹ Қаранг: Қажумов Р. Қ., Қодиров А. Қ. Давлатнинг моҳияти ва шакли. — Т., 1995. — 53—54-б.

² Каримов И. А. Ўзбекистон — миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 15-б.

этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Президент Конституцияга биноан ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши ёки вакиллик, қонун чиқарувчи органнинг депутати бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат республика Президентининг ижро этувчи ҳокимиятни бошқаришидан ва «ҳокимият бўлиниши» принципига асосан, қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам республика Президенти бевосита сайловчилар томонидан сайланади ва унинг дахлсизлиги қонун билан мустаҳкамланган.

Ҳокимиятни ижро этувчи органлар давлат фаолиятининг алоҳида тури — ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширадilar. Улар давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи органларининг ҳужжатларини, республика Президентининг фармонларини бевосита бажарувчи, уларни амалга ошириш жараёнида ўз фармойишларини чиқарувчи органдир.

Бошқарув ва ижро органларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳам киради. Бу органлар иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, республика Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайдилар. Улар ўз фаолиятини бажариш юзасидан қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ижро органларига вазирликлар ва давлат қўмиталари ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, республикадаги бутун махсус бошқарув органлари тизими тубдан ўзгариб, республика мустақиллиги заминида қайтадан тузилди. Республикада Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо қоғозлар, Фан ва техника қўмиталари, Олий аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идоралар — вазирликлар, қўмиталарнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Банк тизими қайта ташкил этилди. Республиканинг Марказий банки бошқарув идораларидан мустақил бўлди. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий миллий банки очилди. Кўпгина тармоқ

вазирликлари ва идоралар мустақил хўжалик юритишга, бозор муносабатларига ўтганлиги туфайли тугатилди. Давлат моддий-техникавий таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Уларнинг ўрнига ихтисослаштирилган товар хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари очилди.

Умуман, мустақиллик даврида республикада халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳалдан ташқари марказлаштирилган тузилмаси тубдан ўзгартирилиб, кўпроқ корхоналарнинг ўзига мустақиллик берилди. Аксарият тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Уларнинг негизда хўжалик уюшмалари, концернлар ташкил қилинди, катта корпорациялар тузилди.

Бошқарув — ижро органларига вилоят, шаҳар, район ҳокимиятлари, уларнинг бўлим ва бошқармалари ҳам киради.

Конституцияга асосан, вилоят, район, шаҳар ҳокимлари жойларда вакиллик органи ҳисобланган халқ депутатлари Кенгашига бошчилик қиладилар. Жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимиятини тегишлигига қараб, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқарадилар. Ҳокимлар ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар.

Ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашларининг фаолият шакллари ташкил қилиш Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти органлари тизимига — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, вилоят хўжалик судлари киради ва уларнинг барчаси ўз иш фаолиятларини мустақил равишда, қонун асосида амалга оширадилар¹.

Бу суд ҳокимияти органларининг хусусияти шундаки, улар Конституцияга асосан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ле-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 1992. 107-модда.

кин бу давлат ҳокимияти тизимига кирган ҳар бир ҳокимият амалий иш юритишда қарама-қарши иш олиб бориши мумкин, деган маънони билдирмайди. Уларнинг бири иккинчисидан ажралган ҳолда иш юритмайдилар. Давлат ҳокимияти тизимининг бундай бўлиниши, ҳокимиятни ўта марказлаштиришдан, уни ягона юқори мансаб эгаси қўлида бўлишидан сақлайди, битта ҳокимиятнинг ўзбошимчалик билан иш юритишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида ва «Судлар тўғрисида»ги¹ қонуннинг 2-моддасида кўрсатилганидек, суд ўз фаолиятини мустақиллик, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуш принциплари асосида амалга оширади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (108-модда) биноан, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасида конституциявий назоратнинг олий суд органи ҳисобланади. Конституциявий суднинг ваколатига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар қабул қилган ҳужжатларнинг Конституцияга қанчалик мослиги тўғрисидаги ишларни кўриш киради. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатларaro шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди (109-модда).

Конституциявий суд Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.

Конституциявий суд ва унинг судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

Конституциявий суд ҳар бир кўраётган масалалари

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон, — Т., 1995.

юзасидан ҳал қилувчи қарорлар қабул қилади, бу қарорларнинг амалий мақсадларга мувофиқлигини кўзлаб, сиёсий майллардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз ҳуқуқий нуқтаи назарини ифода этади. Конституциявий суднинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Конституциявий судни тузиш тартиби, унинг таркиби, ваколатлар доираси, иш тартиби ва актлари Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суд тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (110-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У қабул қилган ҳужжатлар қатъий ва республика ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан (111-модда), мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Ҳўжалик судининг суд ҳокимиятини амалга оширувчи умумий судлар қатори одил судлов органи эканлиги Конституцияда мустаҳкамланган.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, колхозлар, якка ҳамда қўшма корхоналар, тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турли хил мулк шаклига асосланган халқаро бирлашмалари низоларини кўриб чиқиш учун ҳўжалик судларига мурожаат қиладилар. Ҳўжалик судлари иқтисодий доирада ва бошқарув жараёнида келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқадилар.

Ҳўжалик судларининг тузилиш тартиби, ваколатлари ва иш олиб бориш тартиби «Ҳакамлик суди ва ҳўжалик

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотнома-си. — 1995, 9-сон, 178-модда.

низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонун¹ ва Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси билан белгиланади.

Давлат органларининг юқорида кўрсатилган уч ҳокимият органлари тизимига кирмайдиган, алоҳида давлат органлари гуруҳини прокуратура органлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (118-модда) «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади».

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларига, Прокуратура тўғрисидаги қонунга биноан, инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш (умумий назорат); жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларини қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш; судларда жиноий ишлар кўриб чиқилишида давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қараб чиқишда иштирок этиш; қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш; ушланганларни сақлаш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш; жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш каби вазифаларни бажариш киради².

Республика прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият тартиби ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XXIV боб), «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

1 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992, 2-сон, 86-модда.

2 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1993, 1-сон, 29-модда.

публикаси қонуни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ташкил топиши, вазифалари ва фаолият шаклларига қараб бир-бирларидан ажралиб турадилар.

Давлат органлари ташкил топишига қараб, қуйидаги органларга бўлинадилар: сайланадиган давлат органлари ва тайинланадиган давлат органлари.

Сайланадиган давлат органлари халқ томонидан сайланиш йўли билан ташкил топадилар. Буларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашлари (вилоят, район, шаҳар миқёсида) киради. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан (90-модда), Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти таклифига биноан, Олий Мажлис Раисини, унинг ўринбосарларини, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик судини сайлайди.

Тайинланадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг шундай давлат органларики, уларни сайлашда халқ бевосита иштирок этмайди. Лекин вакиллик органлари томонидан бундай органларни тайинлаб қўйишлари мумкин. Республика Олий Мажлиси республика Президентининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди ва вазифасидан озод этади (78-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлайди, улар вилоят ва шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари эса тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади (102-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан тайинланадиган давлат органларига вилоят, туман, шаҳар ва ҳужалик судлари судьялари ҳам киради. Улар Президент томонидан тайинланадилар ва лавозимларидан озод этиладилар. Конституция бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош Вазирни, унинг биринчи ўринбо-

сари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалалар Олий Мажлис тасдиғига киритилади (93-модда).

Давлат органлари ўз ваколатлари характерига қараб, умумий ваколатли ва махсус ваколатли давлат органларига бўлинадилар.

Умумий ваколатли давлат органлари ўз ваколатига кирадиган умумий ёки кўп тармоқли бошқарув фаолияти билан шуғулланадилар.

Уларга қонун чиқарувчи — Республика Олий мажлиси, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, район, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимиятлари киради.

Махсус ваколатли давлат органларига ваколатлари ва фаолиятлари давлатнинг маълум бир махсус вазифасини бажаришга қаратилган органлар киради. Масалан, вазирликлар, ҳокимликларнинг алоҳида бошқармалари ва бўлимлари.

Давлатнинг ижроия ва бошқарув органларидаги махсус ваколатли органлар ҳам, ўз навбатида, тармоқ органлари, яъни маълум бир тармоқнинг бошқарувчи органлари ва тармоқлараро бошқарув органларига бўлинадилар. Биринчисига, асосан, вазирликлар, иккинчисига эса давлат қўмиталари киради.

Ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш усули бўйича давлат органлари кенгашган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи ёки яккабошчилик асосида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи давлат органларига бўлинадилар.

Биринчисида, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш кўпчиликнинг овоз бериши йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасида бундай давлат органларига — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари Кенгашлари вилоят, туман, шаҳар суд органлари киради.

Яккабошчилик асосидаги органларга, раҳбарларнинг ўзи томонидан мустақил ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилдиган давлат органлари — Республика Президенти, вазирлар, давлат қўмиталари раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг бошқарув, бўлим бошлиқлари киради.

Ваколат муддатлари бўйича, давлат органлари доимий ва вақтинчалик давлат органларига бўлинадилар. Доимий

давлат органларига асосий кўпчилик давлат органлари киради, чунки бундай органлар давлатнинг вазифаларини доимий оддий шароитда бажаришга мўлжалланган бўладилар.

Фавқулодда шароитларда (уруш, табиий офатлар) ёки давлатнинг баъзи бир муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларини бажариш мўлжалланганда, вақтинчалик давлат органларини тузиш ҳам мумкин. Бундай ташкилотлар ўз вазифасини бажариб бўлгандан сўнг, тарқатиб юборилдилар.

Вазифаларининг салмоғи ва ҳудудий фаолиятлари бўйича давлат органлари марказий ва маҳаллий давлат органларига бўлинадилар.

Марказий (ёки олий) органлар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди миқёси бўйича тузилган органлар бўлиб, уларнинг фаолияти ва чиқарган ҳужжатлари бутун республикада ўз тармоғи бўйича мажбурийдир.

Маҳаллий органларга Марказий органлардан паст турувчи маҳаллий аҳамиятга эга бўлган органлар киради. Маҳаллий органлар республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши бўйича бир неча поғонали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида Марказий органларга Республика Олий Мажлиси, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам марказий органлари бўлиб, уларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, давлат кўмиталари киради.

Бу поғоналарда олий мартабали лавозим Республика Президентлиги ҳисобланади. Президент ҳам бошқарув органлари бошлиғи, ҳам давлат бошлиғи ҳисобланади, чунки Ўзбекистон Республикаси президентлик бошқарувига ўтган давлатдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, ўз ваколатларини бажаришларига қараб, давлатнинг ички функцияларини бажарувчи органлар ва давлатнинг ташқи функциясини бажарувчи органларга бўлинади.

Асосий кўпчилик органлар давлатнинг ички функцияларини амалга оширадилар. Лекин умумий ваколатли органлар — Республика Олий Мажлиси, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳам ички, ҳам ташқи функцияларни амалга оширадилар.

Давлатнинг ташқи функцияларини бажарувчи органларга — Армия, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи

ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва банклари, чет эллардаги давлат органлари (дипломатик, савдо, вакиллик ва бошқалар) киради.

Бу давлат органлари ҳар бирининг тузилиш тартиби, ваколатлари, фаолият формалари Ўзбекистон Конституциясида ва улар туғрисидаги бошқа қонунларда кўрсатилган.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш принциплари

Давлат органларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари деганда, шу давлат органларининг қандай асосларда тузилиши, улар қандай асосларда фаолият кўрсатиши тушунилади. Бу принциплар давлат органининг моҳиятини, кимга хизмат қилишини, қандай демократик тамойиллар асосида ҳаракат қилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси давлат органларини тузиш ва фаолият кўрсатиш принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган.

Бугун Ўзбекистон Республикаси органларининг бирлиги, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги уларнинг умумий принциплар асосида тузилиши ва фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси давлат органларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишининг асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат органларининг ҳар бирига бағишланган қонунларда ўз ифодасини топган. Бу принциплар давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишларини, хусусияти ва асосларини белгилаб беради.

Бу асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

1) давлат органлари халқ иродасини ифода этиши ва давлат ҳаётини бошқаришда кенг омманинг иштирокини таъминлаши;

2) давлат ҳокимияти органлари тизимида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланганлиги;

3) давлат органлари ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат принципи асосида амалга оширилиши кераклиги;

4) демократик марказлаштириш принципи;

5) байналминаллик принципи;

6) қонунчилик принципи.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар манфаати устуңлиги қонуний равишда Конституцияда мустақамланган ва кафолатланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўз Конституциясида ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати, барча ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас деб ҳисобланиб, давлат ҳимоясига олинганлигини эълон қилди.

Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», — дейилган. Давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулият эгаси эканлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгила-нишича, «халқ давлат иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади».

Халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг, барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган. Айниқса, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгандан сўнг, ўз фаолиятида халқ манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш давридаги мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнларни бошқаришда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат ва унинг органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси давлат аппаратини тузишда, унинг ишини ташкил этишда ва бошқаришда пастдан юқорига қадар кенг халқ оммасини жалб этмоқда.

Халқ оммасининг давлат органларини тузиш ва уларнинг фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш принци-пи, айниқса, Ўзбекистон Республикаси олий қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлисга сайлов ўтказиш, Республика Президентини сайлаш тўғрисидаги, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашларини сайлаш тўғрисидаги қонунда ўз аксини топган.

Республика Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида давлат бошқарувида халқ оммасининг иштироки тўғрисида тўхталиб, шундай деган эди: «Ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди...

Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосида қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди»¹.

Давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиш принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат Ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиши принципи негизида амалга оширилиши кўрсатилган, яъни «давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади».

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи — Олий Мажлисдир (76-модда). У фақат Республика Конституцияси ва қонунларини қабул қилади, уларга ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритади, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларини аниқлайди, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари тизими ва ваколатларини аниқлайди. Конституциянинг 78-моддасида Республика Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият — бу Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасидир. Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, айни пайтда у Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида давлат органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири — ушбу фаолиятнинг **инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилиши кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, инсонпарварлик ғояларини амалга ошириш, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадрқиммати ва фаровонлигини ҳурмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистонда ижтимоий адолат қоидалари рўёбга чиқмоқда, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, қаровсиз қолган гўдақлар, ўқувчи-ёшлар

¹ Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т. Ўзбекистон, 1996, — 12-б.

давлат томонидан муҳофазага олиниб, моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Республика Президенти И. А. Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш — «янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигини сифат жиҳатидан тубдан юқори даражага эришиш услуби ва воситасидир»¹ — деб уқтирган эди.

Шунинг учун ҳам кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий мезонидир. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат билан бир вақтда давлат органлари фаолиятида қонунчиликка риоя қилишга аҳамият беради. Чунки давлат органларининг қонунларга риоя қилиши, уларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш ҳуқуқий давлатни шакллантиришни тезлаштиради.

Давлат органларини тузиш ва фаолиятини амалга оширишда **демократик марказлаштириш принципи** Конституция моддаларида ва ҳар бир давлат органи тўғрисидаги қонунларда мустақкамланган. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари шу принципга мувофиқ ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Давлат вакиллик органлари — Республика Олий Мажлиси ва вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари бу принципга асосан пастдан юқоригача сайлаб қўйилади, улар сайловчилар олдида ҳисоб берадилар, сайловчилар ишончини оқламасалар, депутатларни чақириб олиш мумкин, шунингдек юқори органларнинг қарорлари қуйи органлар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасини ижроия ва бошқарув органлари ҳам шу принципга асосан кўпроқ марказлашган органлар бўлиб, улар тайинлаш принципига асосан тузиладилар ва фаолиятлари ҳам марказлашган, яккабошчилик асосига мўлжалланган.

Республикадаги суд органлари тизими ҳам шу принцип асосида ташкил топадилар ва фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлатдир. Унинг ҳудудида 129 миллат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикасидаги барча давлат органлари тизимида ҳар бир фуқаро миллати, жинси, касби, диний эътиқодидан қатъи назар давлат органларига сайланади ёки тайинланади ва давлатни бошқаришда тенг қатнашади.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т., 1992, — 44-б.

Қонунчилик принципи барча давлат органларининг тузилишида ва иш фаолиятида Конституция ва қонунларга ва давлатнинг бошқа ҳуқуқий актларига сўзсиз амал қилиш демакдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Бундан ташқари, Конституциянинг 16-моддасида кўрсатилишича, «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Бу принцип Конституциявий қонунчиликни ва давлат аппаратида юксак интизом ва ҳуқуқий маданият бўлишини талаб қилади. Интизом ва мустақкам жамоат тартиби ўрнатилмаса, давлат органлари ўз олдига қўйган вазифаларни тўлиқ амалга ошира олмайди. Қонунчилик принципининг амалга оширилиши давлат органлари механизмнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайди.

XVII боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИ

1. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими деганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунларига мувофиқ, республика фуқаролари томонидан Республика Президенти, Олий Мажлис депутатлари ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини сайлаш тартиби тушунилади.

Сайлов тартиби Ўзбекистон Республикаси конституциявий-ҳуқуқи нормалари билан белгиланиб, уларнинг йиғиндиси сайлов ҳуқуқини ташкил қилади. Демак, сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи бир-бири билан ўзаро боглик, лекин бир маънони англатмайди.

Сайлов ҳуқуқи конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг муҳим таркибий қисми, унинг муҳим институти ҳисобланади. Сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаш-

ларининг сайлови натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисиدير.

Лекин «сайлов ҳуқуқи» термини фақат конституциявий-ҳуқуқий институтни билдирибгина қолмай, балки Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг алоҳида бир субъектив ҳуқуқини, яъни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини ҳам англатади. Бу ерда фуқароларнинг «сайлаш ва сайланиш» ҳуқуқига эътибор бериш лозим. Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи — бу фаол сайлов ҳуқуқи деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Республика Президенти, Олий Мажлис депутатлари, маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда қатнашиш ҳуқуқи бўлса, пассив сайлов ҳуқуқи — бу Ўзбекистон фуқароларининг сайланиш ҳуқуқи, яъни Республика Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига ёки халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланиш ҳуқуқини билдиради.

Профессор А. Саидов «Сайлов ҳуқуқи» тушунчасини ва иборасини икки маънода ишлатади. «Биринчиси, бу сайлов ҳуқуқи сайлаб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир... Иккинчиси, бу фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларни тузишда қатнашиш, яъни уларнинг таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва унга ўзларининг сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқларидир»¹.

Сайлаш ҳуқуқи фуқароларга сайланаётган органларни шакллантиришда қатнашиш имкониятини беради. Шу билан бир вақтда, кўппартиявийлик шароитида сайловчи муайян сиёсий партиянинг дастурини, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларининг фаолиятини маъқул деб топар экан, бу билан қонунчилик ҳамда олий мансабдор шахслар фаолиятининг йўналишини белгилаб қўяди.

Сайланиш ҳуқуқи номзод бўлмиш шахснинг сайловчилар томонидан эътироф этиладиган керакли касбий ва ахлоқий фазилатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувида фаолият олиб бориш имкониятини яратади.

Шундай қилиб, ҳокимият вакиллик органларига сайлов халқнинг ўзига тегишли давлат ҳокимиятини бевоси-

¹ Саидов А. Х. Сайлов ҳуқуқи. — Т., 1993. — 4-6.

та амалга оширишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, айна вақтда халқ сайловлар йўли билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи олий органларга, барча даражали Кенгашларга ана шу ҳокимиятни амалга ошириш ваколатларини беради.

Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқи ўз манбаларига эга. Булар сайлов ўтказиш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси конституциявий-ҳуқуқий нормаларидан иборат. Бундай ҳуқуқий нормаларга қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XXIII-боб), Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси (XXII-боб)нинг сайлов тўғрисидаги нормалари.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун, «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар киради.

Бу қонунлар фуқароларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминловчи юридик кафолатлар ва тартибларни ўзида мужассамлаштирган.

3. Сайлов ўтказиш билан боғлиқ бўлган юридик нормаларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг сайлов тўғрисидаги қонунларни бажариш юзасидан қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам киради. Масалан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш, сайлов комиссиялари тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи демократик асосларга қурилиб, халқ ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган. Бу сайлов тизими ҳокимият органларида аҳолининг барча қатламлари кенг кўламда вакилликка эга бўлишини, сайловга тайёргарлик жараёнида жамоат фикрини ҳар томонлама аниқлашни, вакиллик органларининг вазифаларини, депутатликка номзодларнинг амалий ва шахсий фазилатларини муҳокама этишни, халқ оммасининг овоз беришдагина эмас, балки сайлов ўтказиш жараёнида бевосита фаол иштирок этишини таъминловчи демократик қоидаларига асосланади.

2. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи принциплари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумийлик, тенг сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принципларига асосан сайловни амалга оширадилар.

Умумий сайлов ҳуқуқи шуни англатадики, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга кирган ҳар бир фуқароси сайлов ҳуқуқига эгадир. Сайловчилар рўйхатига сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини 18 ёшга тўлган ҳамда мазкур Кенгаш ҳудудида рўйхат тузилаётган пайтга қадар муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда: «Ўзбекистон фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир», — деб кўрсатилган. Қонунга асосан, 35 ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари Республика Президенти этиб сайланиш ҳуқуқига, сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига, сайлов кунигача 21 ёшга тўлган фуқаролар эса ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга, улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бевосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органига депутат бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, қонунлар умумий сайлов ҳуқуқини ҳар тарафлама ва изчил кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган сайловлар тенгдир.

Тенг сайлов ҳуқуқининг маъноси шундан иборатки, ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга; сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади; аёллар ва эркаклар тенг сай-

лов ҳуқуқларига эга; ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар; ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон бир афзалликка эга эмас. Буларнинг ҳаммаси тенг сайлов ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлайди.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги, ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши ҳамда шахсий овоз бериши билан таъминланади. Сайлов бюллетенлари шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандан кейингина берилади. Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашуви сайлов округларининг уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади. Чунки ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Бу билан амалда бир округдаги сайловчи овози бошқа округдаги сайловчи овозига амалий равишда тенг бўлишига эришилади. Бундан ташқари, тенглик сайлов принципи бутун Ўзбекистон фуқаролари сайлов ҳуқуқининг қонун томонидан тенг муҳофаза этилишини ҳам ифодалайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради; сайловчилар ўз номзодларига сайлов вақтида бевосита ижобий ёки қарши овоз беришлари мумкин.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи кўп поғонали сайловдан фарқ қилиб, кўп поғонали сайловда пастки поғонага вакиллик органи юқори поғона вакиллик органига ўз вакилларини сайлайдилар.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқининг устунлиги шундаки, бундай сайлов тартибида давлат ҳокимиятининг ҳамма сайланадиган органлари бевосита халқнинг вакиллик органи ҳисобланади. Бу сайлов тартиби сайловчилар билан вакиллик органлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга, вакиллик органларининг фаолиятини сайловчилар томонидан яхшироқ назорат этишга, депутатларнинг бевосита сайловчилар томонидан чақириб олинишини амалга оширишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларига ва Республика Президентига сайловларда овоз беришнинг эркинлиги ва яширинлиги таъминланади. Бу шуни билдирадики, сайловда овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди. ҲУчастка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биналарда ташкил этиб, фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эр-

кин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар. Бунинг учун сайлов участкасидаги овоз бериш биносиди, сайлов бюллетенларини тўлдириш учун албатта алоҳида хона ёки кабина бўлади. Кабинада овоз бераётган шахсдан бошқа бирор кимсанинг, шу жумладан сайлов комиссияси аъзоларининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетень сайлов қутисига шахсан сайловчи томонидан ташланади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, Ўзбекистон Республикасида сайловлар сайловчиларнинг ўз хоҳиши билан ихтиёрий равишда қатнашиши асосида ўтказилади. Ҳеч ким фуқароларни мажбурий равишда сайловга қатнашиш ёки қатнашмасликка мажбур қилолмайди ва бунга қонун йўл қўймайди. Сайловчиларнинг сайлов вақтида эркин хоҳиш билдиришини таъминлайдиган яна бир омил, сайлов қонунига асосан, сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида Республика Президенти лавозимига, Республика Олий Мажлисига ва бошқа вакиллик органларига сайловларни тайёрлаш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкоралик асосида амалга оширилади.

Сайловлар ошкоралик принципи асосида ўтказилишини билдирувчи яна бир нарса — сайловчиларнинг Республика Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгаллигидир¹.

Бундан ташқари, ҳар бир сайловчи, қонунга асосан, сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақти, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари қарорлари эса матбуотда эълон қилинади.

Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

¹ Қаранг: «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун. 12-модда.

Сайловчиларнинг ҳуқуқлари суд йўли билан ҳам ҳимоя этилади. Сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатги-ҳаракатлари устидан ҳар бир сайловчи судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга ва бу имкониятни амалга ошириш давлат томонидан кафолатланади.

3. Давлат вакиллик органларига сайлов ўтказиш тартиби. Сайловчилар рўйхатини, сайлов округларини ва участкаларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги қонунларга асосан, ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхати тузилиб, уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни ҳисобга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги сайловчи-ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, башарти, улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, ҳарбий қисмнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналарида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади. Сайловчилар рўйхатида ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганда, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхонасида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса — сайловларга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади. Фуқароларга эса участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти берилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил қилиш ҳудудий принципга асосланади. Бу деган сўз — сайловлар сайлов округлари орқали амалга оширилади.

Сайлов округи бу сайлов ўтказиш учун қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳудудий сайлов бирлигидир. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга асосан, Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказиш учун икки юз эликта ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан, Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Олий Мажлис томонидан белгиланади. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини, уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайлов тайинланган

нидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга асосан депутатлар сайловини ўтказиш учун халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда 60 тадан кўп бўлмаган, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда, қонунда белгиланган нормалар доирасида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайловда овоз беришни ўтказиш ва сайловчиларнинг берган овозини санаб чиқиш учун сайлов участкалари ташкил қилинади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган жойдаги сайлов округига киради.

Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради.

Олий Мажлис сайлов ўтказувчи сайлов участкалари шаҳар, туман ҳокимларининг тақдимномасига биноан, округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан, округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов участкалари эса туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан, ҳарбий қисмларда — ҳарбий қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса — истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловда эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилни кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

4. Сайлов комиссиялари

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларга асосан ташкил қилувчи комиссиялар сайлов комиссиялари, деб айтилади.

Сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ва уни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш Марказий сайлов комиссияси;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш округ сайлов комиссияси;

3) сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ:

— Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси (бу Марказий сайлов комиссиясига Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши Республика Президенти сайловини ўтказишни топшириши мумкин);

— Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

— участка сайлов комиссиялари тузилади.

Маҳаллий вакиллик органларига сайлов ташкил этиш ва ўтказиш учун:

— халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси;

— халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси;

— халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;

— округ сайлов комиссиялари;

— участка сайлов комиссиялари тузилади.

Республика Марказий Сайлов Комиссияси Олий Мажлис томонидан раис ва камида ўн тўрт нафар аъзодан иборат тартибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан, ҳар бир вилоятдан ва Тошкент шаҳридан вакиллар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

— республиканинг бутун ҳудудида Республика Президентига сайлов тўғрисидаги, Республика Олий Мажлисини сайлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади ва уларнинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар ва изоҳлар бериб боради;

— сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

— сайлов округ комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

— сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

— депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

— республика Президентлигига номзодларни, депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

— депутатликка номзодларнинг сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратилишини таъминлайди;

— сайлов комиссияларига маблағларни тақсимлайди, уларнинг сайлов билан боғлиқ бўлган моддий-техника, бино, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади;

— Республика Президенти ва Олий Мажлис депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баёнларининг, сайловларга доир бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шакллари, сайлов қўмиталари ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловларга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

— Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

— Республика Президентига ва Олий Мажлисга ўтказилган сайловларнинг республика бўйича умумий якуини чиқаради. Сайланган Президентни ва Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олади, сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган Президент ва депутатлар рўйхатини матбуотда эълон қилади;

— депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни Олий Мажлиснинг мандат комиссиясига топширади;

— сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— сайлов тўғрисидаги қонунлар жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

— Марказий сайлов комиссияси бундан ташқари сай-

лов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари Республика Марказий Сайлов комиссияси томонидан раис, раис ўринбосари ва камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда, сайлов тайинланган кундан йигирма кун кечикмай тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг ваколатлари сайлов тўғрисидаги қонунларда тулиқ кўрсатилган. Масалан, Республика Президентлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси сайлов округи ҳудудида сайлов тўғрисидаги қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил амалга оширилишини таъминлайди; участка сайлов комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов компаниясида иштирок этишлари учун уларга тенг шароит яратилишини таъминлайди сиёсий партиялар, округда жойлашган давлат органлари раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди; сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради; маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди; участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлишини назорат қилади; сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади; участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда округ сайлов комиссияларининг ваколатларига юқорида кўрсатилганлардан ташқари — сайлов участкалари тузиш, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилаш, уларнинг рўйхатини эълон қилиш; Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар бериш; депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашиш; депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга

олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказишни ташкил этиш ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн кун ичида Комиссия раиси ва 6—14 нафар аъзолардан иборат тартибда тузилади.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари қуйидаги ваколатларга эга: улар тегишли ҳудудда сайлов тўғрисидаги қонуннинг ижросини назорат қилади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ва сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан изоҳлар бериб боради; тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузади; уларга ном ва тартиб рақами беради; тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади; тегишли сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради; депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади; тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олади ва улар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади; депутатликка номзодлар сайлов компаниясида иштирок этишлари учун уларга тенг шароитлар яратилишини таъминлайди; сайловга доир сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхати, сайлов комиссиялари баёнлари, сайлов варақалари, ўз муҳри, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шакллари-ни тасдиқлайди ва тайёрланишини таъминлайди; сиёсий партиялар, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди; сайлов яқунларини чиқаради; сайланган депутатларни рўйхатга олади, сайлов яқунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатлар рўйхатини матбуотда эълон қилади; депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг Мандат комиссиясига топширади ва

қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинлангандан кейин кечи билан йигирма кун ичида комиссия раиси, раиснинг ўринбосари, котиби ва 6—8 нафар бошқа аъзолардан иборат тартибда тузилади.

Округ сайлов комиссиялари қуйидаги вазифаларни амалга оширади: сайлов округида сайлов тўғрисидаги қонун ижросини назорат қилади; сайлов участкаларининг манзилени округ сайловчилари эътиборига етказди; депутатликка номзодларнинг сайлов компаниясида иштирок этишлари учун уларга тенг шароитлар яратилишини таъминлайди; депутатликка номзодларга гувоҳномалар беради; уларнинг сайловчилар билан учрашувини ташкил этишга кўмаклашади; депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради; сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиши ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради; сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва участка сайлов комиссияларини сайлов бюллетенлари билан таъминлайди; сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади; лозим бўлса, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади; участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун участка сайлов комиссиялари сайловдан ўттиз кун олдин туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар, Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказиш учун эса сайлов тайинлангандан кейин эллик кундан кечикмай тегишли округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини тузади.

Маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказиш учун туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан эллик кун ичида участка сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистонда сайловни ташкил қилувчи ҳамма участка сайлов комиссияларининг ваколатлари бир хил, улар

қуйидагилардан иборат: сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади; сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисида аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади; сайлов куни овоз беришга иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади; аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади; овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди; сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади, берилган овозларни ҳисоблаб чиқади; сайлов масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, ҳал қилади.

Сайлов комиссияларининг ишини ташкил қилиш ҳам сайлов тўғрисидаги қонунда тўлиқ кўрсатилган. Сайлов комиссияси фаолияти коллегиялик асосида амалга оширилади.

Қонунга асосан сайлов комиссиялари таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятларини ошқора амалга оширадилар. Сайлов комиссияси мажлисларида номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этишлари мумкин. Сайлов комиссияси қабул қилган қарорлар матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб турадилар. Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга

қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, уч кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли вакиллик органи эътироф этганидан кейин сайлов округлари бўйича депутатларнинг ваколатларини тўхтатадилар.

5. Сайловни тайинлаш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколати тугаши билан Президентликка сайлов кунини Республика Олий Мажлиси тайинлайди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар белгиланган тартибда рўйхатга олинган республика сиёсий партиялари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўз низомлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, уларнинг съездларида, конференцияларида ёхуд уларнинг республика миқёсидаги раҳбар идоралари пленумларида, кенгашларида кўрсатилади. Бундан ташқари, меҳнат жамоалари, шунингдек, фуқароларнинг турар жойларидаги мажлислари сайлов ҳуқуқидан фойдаланувчи камида олтмиш минг фуқаро қўллаб-қувватлаган тақдирда, Республика Президентлигига бевосита номзод кўрсатишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 25 кун қолгунга қадар амалга оширилади.

Республика Президентлигига номзодни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади ва рўйхатга олинганидан кейин икки кун ичида бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради.

Давлат вакиллик органларига сайлов тайинлаш тартиби ва муддати сайлов тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, Олий Мажлис депутатлари сайлови аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига

депутатлар сайлови, қоида тариқасида, бир вақтда ўтказилади ва депутатларнинг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари эгадирлар. Лекин, республика сиёсий партияларининг депутатликка номзодлар кўрсатиши учун айрим шартлар ҳам қонунда кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборат: сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўлаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина, у Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин. Шунинг ҳам кўрсатиш лозимки, маъмурий-ҳудудий тузилмаларидан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан ўн фоизи имзосини тўплаши лозим.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партиялар сайлов тайинлангандан кейин йигирма кун ичида Марказий сайлов комиссиясига қонунда кўрсатилган керакли ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар Олий Мажлис депутатлигига икки юз эллик нафар номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан бит-

тадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари ҳал этадилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларинигина эмас, балки партиясизларни ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин.

Сайлов тўғрисидаги Қонунда Олий Мажлис депутатлигига номзодларга маълум талаблар қўйилади. Масалан, қуйидаги депутатликка номзод шахслар рўйхатга олинмайдилар: судланганлиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар; сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган қуйидаги шахслар — ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Депутатликка номзодни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда рўйхатга олинганлиги тўғрисида маҳаллий матбуотда хабар беради.

Сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашла-

рининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинлари (вакилларнинг йиғилишлари)да кўрсатилади.

Сайловда партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақлидирлар. Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатиладилар. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайдилар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари номзодларига қўйиладиган талаблар сайлов тўғрисидаги қонунда кўрсатилиб Олий Мажлис депутатлари номзодларига қўйиладиган талаблар билан тенг.

Сайловолди ташвиқоти, Республика Президентлигига номзод ва номзодларнинг кафолатлари. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, вакиллик органлари депутатлигига номзодлар Марказий сайлов ва бошқа сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан тенг асосларда сайловолди компаниясида қатнашадилар. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қил-

маслиги, унда уруш, миллий давлат, ирқий ва диний ҳусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Республика Президентлигига номзод, Олий Мажлис депутатлигига ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзод сайлов тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган миқдорда ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов компаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, номзодларни сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдордаги кабина ёки хоналар жиҳозланган, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов бюллетенлари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз бериш одатда сайловчиларнинг дам олиш кунига мўлжалланади ва соат 7 дан соат 20 гача ўтказилади.

Участка сайлов комиссияси овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Раис сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенларини, сайловчиларнинг рўйхатларини сайлов комиссияси аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов

бюллетени тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетени мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи, ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир. Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имконияти бўлмаган сайловчи, ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, уларнинг илтимосига кўра, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Сайлов қутилари комиссия раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин, участка сайлов комиссияси томонидан очилади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетени ва варақасини олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди, ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади. Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баённомада акс эттирилади. Баённома раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияси мажлисининг баённомалари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари ҳамда варақаларини олган сайловчилар сонини, овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди. Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланиб, баённомада акс эттирилади. Баённома қонуний расмийлаштирилиб, белгилан-

ган тартибда Олий Мажлис депутатларига ва республика Президентлигига сайловда марказий сайлов комиссиясига, маҳаллий вакиллик органларига сайловда эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли марказий сайлов комиссияси ва вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида сайлов натижаларини аниқлаб, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзодни Республика Президенти ёки вакиллик органи депутати этиб сайланган деб ҳисоблайди.

Ушбу сайлов комиссиялари сайлов чоғида йўл қўйилган ва оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деган хулосага ҳам келиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор тегишли марказий сайлов комиссияси ёки вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов яқунлари бўйича баённома тузадилар ва қарор қабул қиладилар.

Сайлов тўғрисидаги қонунлар депутатларга такрорий овоз беришни ва такрорий сайлов ўтказишни кўзда тутди. Масалан, сайлов округи бўйича депутатликка 2 нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу хусусда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайлов комиссияларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш сайлов тўғрисидаги қонун талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, руйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган ва уни ёқлаб берган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов тўғрисидаги қонунда такрорий сайлов қандай шароитларда ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ма-

салан, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса ёки овоз беришда сайланган депутатни аниқлаш имконияти бўлмаган бўлса; қонунда кўрсатилган сабабларга кўра депутатни руйхатга олиш рад этилган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади. Такрорий сайлов тегишли Марказий сайлов комиссияси ёки вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларининг топшириғига биноан, округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг руйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кечи билан бир ой ичида ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов якунларини кўриб чиқиб, округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида вакиллик органларига сайланган депутатларни руйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида»ги қонунга асосан сайловда ғалаба қилган республика Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси натижаларни эълон қилган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига асосан Президент Олий Мажлис сессиясида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

Сайловчиларнинг молиявий таъминоти. Сайлов тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига, маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Депутатликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қонун билан тақиқланади. Лекин сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси ва вилоят, туман, ша-

ҳар сайлов комиссиялари фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловчиларнинг вакиллик ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки сайлов тўғрисидаги қонунларнинг бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

ХVIIIб66. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Ўзбекистон Республикаси ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми

Депутатлар халқнинг ҳокимият вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи тўлақонли вакиллари дир. Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳуқуқий давлат куришда, чин маънодаги демократияга эришишда халқ депутатларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда давлат вакиллик органлари депутатларининг ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаб бериш лозим.

Депутатларнинг ҳуқуқий мақоми — бу депутатларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, улар фаолиятининг шакллари ва ваколатларининг йиғиндиси демакдир.

Ўзбекистон Республика депутатларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органлари депутатларининг ҳуқуқий мақомини ифодаловчи ҳуқуқий

нормалар ичида конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87—88-моддалари Республика Олий Мажлиси депутатлари фаолиятига ва уларни кафолатлашга бағишланган. Олий Мажлис депутатларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эканлиги Конституциянинг 82-модда-сида мустаҳкамланган.

«Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва депутатлик фаолиятининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари давлат вакиллик органлари депутатларининг ҳуқуқий ҳолатини ифодаловчи вакиллик органлари депутатларига сайлов тўғрисидаги бир неча қонунлар, вакиллик органлари комиссиялари ва қўмиталари тўғрисидаги низомлар ҳам мавжуд.

Депутатлар ўз сайланган органлари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши депутатларнинг қонунлар тайёрлаш ва уни қабул қилишда, Олий Мажлис ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилишда ташаббускорлик билан фаол иштирок этишига асосланган.

Вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари эса ўзи сайланган Кенгашларнинг ишида иштирок этиб, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий риожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар, қонунлар ва давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларининг жойларда ижро этилишини назорат қиладилар.

Ҳокимият давлат вакиллик органларининг депутатлари ўз фаолиятларида сайловчиларнинг, шунингдек, ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партиянинг ёхуд тегишли ҳокимият вакиллик органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи манфаатларини ифода этади.

Депутатлар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ, шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгашларининг қарорлари ва тегишли сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари асосида ташкил этадилар.

Депутатларнинг ваколатлари уларнинг ҳокимият ва-

киллик органларига сайланган кунидан бошланади. Тегишли ҳокимият вакиллик органи ўзи сайлайдиган мандат комиссиясининг таклифига биноан, депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида қарор қабул қилади.

Депутатнинг ваколатлари янги чақириқ ҳокимият давлат вакиллик органлари депутатлари сайланган кунда тугайди. Депутатлар ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда ўз ваколатларини амалга оширадилар. Улар ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун қонунга мувофиқ тарзда озод қилинишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари Олий Мажлисда доимий асосда ишлашлари ҳам мумкин. Депутатни Олий Мажлисга доимий ишга ўтказишни расмийлаштириш тартиби Олий Мажлис Кенгаши томонидан белгиланади.

Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган бирон-бир лавозимни эгаллашлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Олий Мажлисга сайланган депутатларга уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари эса ўз депутатлик фаолиятини ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш билан қўшиб олиб борадилар ва шунинг учун ўз депутатлик фаолиятини бепул амалга оширадилар.

Ҳар бир депутат ўз депутатлик фаолияти даврида ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб турадилар, тегишли ҳокимият вакиллик органида уларнинг манфаатларини ифода этадилар, сайловчилар олдида масъулдилар. Шунинг учун ҳам депутатлар доим аҳолининг ичида, бевосита аҳоли гавжум яшайдиган ва ишлайдиган жойларда фаолият кўрсатмоқлари зарур.

Депутатлар тегишли ҳокимият вакиллик органининг, бу орган тузадиган қўмиталарнинг, комиссияларнинг ишида фаол иштирок этишни таъминлайдиган барча ҳуқуқларга эга. Депутатлар бу органлар олдида масъулдилар. Ҳокимият вакиллик органи депутатнинг ўз иши тўғрисидаги, қабул қилинган қарорлар ва ўзига берилган топшириқларни қандай бажараётганлиги ҳа-

қидаги ахборотларини тинглашга ҳақли. Депутат ўз ва-зифаларини бажармаган, белгилаб қўйилган иш тарти-бини бузган тақдирда, унинг хулқи тўғрисидаги масала тегишли ҳокимият вакиллик органи ёки унинг топши-риғига кўра, бошқа орган томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Тегишли ҳокимликлар эса депутатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурлари қандай бажари-лаётгани тўғрисида, уларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифлари юзасидан қабул қилинган чоралар ҳақи-да хабардор қилади, депутатларнинг қонун ҳужжатла-рини, ҳокимият вакиллик органларининг иш тажриба-сини, жамоатчилик фикрини ўрганишларига кўмакла-шади ва уларнинг иши учун зарур бўлган бошқа ёр-дамни беради.

Ўзбекистон Республикасида депутат одоб-ахлоқ қои-даларига ҳам қатъий риоя қилиши лозим. Депутатнинг ўз мақомидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

«Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, «депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли ҳокимият вакиллик органи ёки комиссия томонидан кўриб чиқилиши мум-кин».

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси депутат-ларининг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мум-кин.

Депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонунда депутат ваколатларининг муддатидан илгари тўхтатилиши шарт-лари кўрсатилган. Бу қонунга мувофиқ, депутат ўз вако-латини зиммасидан соқит қилган, қонунга кўра депутат-лик ваколатини бажаришга номувофиқ лавозимга сайланган ёки тайинланган, унга нисбатан суднинг айб-лов ҳукми қонуний кучга кирган, суд уни муомалага лаё-қатсиз деб топган, депутатликдан чақириб олинган, Ўз-бекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган, вафот этган тақдирда, унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилади.

Бундан ташқари баъзи бир ҳолларда Олий Мажлис депутатининг ваколати Олий Мажлис қарори билан муд-датидан илгари тугатилиши мумкин. Депутатнинг депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвори бунга са-баб бўлиши мумкин.

2. Депутатлар иш фаолиятининг шакллари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари ўз фаолиятларини асосан икки шаклда амалга оширадилар. Бу уларнинг ҳокимият вакиллик органларидаги фаолияти ва сайлов округидаги фаолиятидир. Депутатлар ўз ваколатларининг асосий қисмини ўзлари сайланган ҳокимият вакиллик органи фаолияти орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига мувофиқ, республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг сессияси асосий иш шакли ҳисобланади.

Шу ҳокимият вакиллик органлари сессияларида депутатлар ўз ваколатларини амалга оширадилар.

Депутатнинг Олий Мажлис йиғилишида, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида амалга оширадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари депутатлар мақоми тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида берилган. Бу қонунга асосан, депутат тегишли ҳокимият вакиллик органининг сессияларида, ўзи сайланган қўмиталар ва комиссияларнинг мажлисларида қатнашиши, уларнинг ишида фаол иштирок этиши шарт.

Депутат тегишли ҳокимият вакиллик органининг сессиясида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. Депутат муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан баён қилган нуқтаи назари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонунга мувофиқ, ҳокимият вакиллик органлари депутатлари Олий Мажлис ва тегишли маҳаллий Кенгашларнинг органларига сайлаш ва сайланишга; тегишли вакиллик органи қараб чиқиши учун масалалар таклиф этишга; сессияда муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга; қарор лойиҳалари ва уларга киритиш учун тузатиш таклиф этишга; тегишли вакиллик органи тузадиган органларнинг шахсий таркиби, ушбу вакиллик органи сайлаб қўядиган, тайинлайдиган ёки тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг номзодлари хусусида ўз фикрини билдиришга; музокараларда қатнашишга, сўров билан мурожаат қилишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга; ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари хусусида изоҳ

беришга; Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, тегишли ҳокимият вакиллик органи қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқиш учун масалалар таклиф этишга ҳақлидирлар. Шунингдек, депутат сессияда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ва мулоҳазасининг матнини сессия стенограммасига киритиш учун раислик қилувчига топшириши мумкин ва қонунда назарда тутилган бошқа ва-зифаларни ҳам бажариши мумкин.

Олий ҳокимият вакиллик органлари депутати қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга. У тегишли вакиллик органида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириб, янги қонун ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида масала қўйиш, янги қонун лойиҳаларини, амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини киритиш, шунингдек, амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш ҳақида таклифлар билан чиқиши мумкин. Олий Мажлис депутатларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасида ва тегишли қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий ҳокимият вакиллик органлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг амалга оширилиши «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунда юридик жиҳатдан кафолатланган. Масалан, ушбу қонуннинг 10-моддасида «Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибда киритилган таклифни Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес мажлисида албатта кўриб чиқиб, қонун қабул қилиш; янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш; таклиф қилинган қонун лойиҳасини тақомилига етказиш учун тегишли қўмиталар ва комиссияларга юбориш; қонун лойиҳасини, таклифни асосли рад қилиш сингари қарорлардан, бирини қабул қилиш» билан кафолатланади.

Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари ўзаро келишув асосида ва расмий равишда вакиллик органида тузиладиган партия фракцияларига, блокларига ва депутатлар гуруҳларига бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳокимият вакиллик органларининг ижроия органлари, уларнинг мансабдор шахслари устидан назоратни амалга оширишнинг шакли сифатида депутатлар сўрови ҳуқуқига эгадирлар. Депутат сўрови, қонунда кўрсатили-

шича¹, сессияда давлат органлари ёхуд мансабдор шахсларга ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан расмий тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиб бериш ҳақида қўйилган талабдир.

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутати олий вакиллик органининг сессияларида Олий Мажлиснинг Раисига ва Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга, давлатнинг бошқа органи раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари олий ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий органларига, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам сўров юбориши мумкин.

Вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлари эса тегишли ҳокимга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимлик бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, Кенгаш ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сўров депутат ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан ёзма равишда ёхуд оғзаки киритилиши мумкин. Ёзма равишда киритилган сўров ҳокимият вакиллик органининг сессиясида ўқиб эшиттирилиши керак.

Сўров қаратилган давлат органи ёки мансабдор шахс сўровга кечи билан уч кунлик муддат ичида ёки тегишли ҳокимият вакиллик органи белгилаб қўйган бошқа муддатда, сессияда оғзаки ёки ёзма равишда жавоб бериши шарт. Сўров муносабати билан ўтказилган муҳокама натижаси бўйича қарор қабул қилинади.

Бундан ташқари депутатлар оғзаки билдирган ёки ёзма равишда берган таклиф ва мулоҳазалар ҳокимият вакиллик органи, унинг қўмиталари ёки комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ёки кўриб чиқиш учун тегишли давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг органлари ва мансабдор шахсларга юборилади.

Депутатлар таклиф ва мулоҳазалар юборган давлат органлари ва мансабдор шахслар бу таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, кечи билан бир ой муддат ичида таклиф ва мулоҳазалар натижалари тўғрисида бевосита

¹ Қаранг: «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонун. 12-модда.

депутатга ва тегишли ҳокимият вакиллик органларига маълум қилишлари шарт.

Депутатларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чиқариш устидан назорат Олий Мажлис Кенгаши, Жўқорғи Кенгес, тегишли комиссиялар ва кўмиталар, ҳукумат, ҳокимликлар томонидан амалга оширилади.

Депутатлар тегишли ҳокимият вакиллик органлари тузган кўмита ва комиссиялар фаолиятида ҳам фаол қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кўмита, комиссия ёки бошқа органлар таркибига кирган депутат мазкур органлар кўриб чиқиши учун ҳар қандай масала ва таклиф киритишга, бу масала ва таклифларни кўриб чиқиш учун тайёрлашда, уларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда, шунингдек, қабул қилинган қарорлар рўёбга чиқарилишини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга ҳақлидир.

Кўмита ёки комиссия таркибига сайланган депутат уларнинг ишида ҳал қилувчи овоз билан қатнашади.

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг иккинчи шакли уларнинг сайлов округларидаги фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳокимият вакиллик органлари депутатлари ўз сайлов округларида жуда катта иш олиб борадилар. «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасида депутатларнинг сайлов округидаги фаолият ва уларнинг ҳуқуқлари батафсил кўрсатилган. Масалан, депутатлар сайлов округида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқига эгадир. Депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан матбуот органларида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш борасида имтиёзли ҳуқуққа эга.

Бундан ташқари, депутат ўз сайлов округида аҳолини тегишли ҳокимият вакиллик органининг иши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туриши; қонунларнинг ва ҳокимият вакиллик органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда иштирок

этиши; жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти органларига хабар бериши, тегишли қонунлар ва қарорлар тайёрлаш чоғида ўз таклифларини киритиши шарт.

Депутатлар мақоми тўғрисидаги қонунда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиб туриши, сайловчилар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши кўрсатилган. Масалан, Олий Мажлис ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес депутатлари йилига камида бир марта, вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати эса йилига камида икки марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисоб бериб туриши ва ўзи сайланган ҳокимият вакиллик органининг иши ҳақида ахборот бериб туриши шарт.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бузилган бошқа ҳолларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарлик тўхтатилишини талаб қилишга ёки тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлидир. Қонунбузарлик факти депутатнинг талаби билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тузган баённомада қайд этилиши мумкин.

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти, шунингдек, милиция ходимлари қонун бузилган ҳолларни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари, кўрилган чоралар ҳақида депутатга маълум қилишлари шарт. Чора кўрмаган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

3. Депутатлик фаолиятининг асосий кафолатлари

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир депутатга ўз ваколатларини тўсиқларсиз ва самарали амалга ошириш учун шароит яратилишига кафолат берилади ҳамда унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади. Депутатнинг шаъни ва қадр-қимматига қасд қилган

шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жинойй ёки ўзга жавобгарликка тортиладилар. Депутатни ҳақорат қилган, унга нисбатан туҳмат қилган, унинг ишига тўсқинлик қилган, унга атайлаб сохта маълумот берган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Депутатлар депутатлик гувоҳномасини кўрсатиб, ўз ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қаршиликсиз кириш, уларнинг раҳбарлари ва давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмаларининг бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Депутат барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилишга ва ўртага қўйилган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар депутатнинг мурожаатига дарҳол, қўшимча равишда ўрганиш ёки текшириш зарур бўлган тақдирда эса, кечи билан бир ойлик муддат ичида жавоб қайтаришлари шарт.

Бундан ташқари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари депутатга ўз ваколатларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб берадилар. Тегишли вакиллик органлари ва ҳокимликлар депутатни вакиллик органларининг қабул қилган ҳужжатлари билан таъминлайдилар, ахборот ва ёрдамчи материаллар билан таъминлашга кўмаклашадилар, депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар, шу жумладан, ҳуқуқий масалалар юзасидан мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштирадилар.

Депутатларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳам қонун томонидан кафолатланади. Олий Мажлис депутати ўз ваколатлари даврида Олий Мажлиснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигини олдиндан олмасдан туриб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона, муассаса ёки ташкилот ишидан маъмурият ташаббуси билан бўшатилиши, ўқув юртидан чиқариб юборилиши мумкин эмас. Бошқа вакиллик органлари депутатларига ҳам меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қоида тааллуқли. Ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилган депутатнинг ҳокимият вакиллик органида ишлаган вақти умумий ва узлуксиз иш стажига, аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар, улар сайланган вакиллик органининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Олий Мажлис депутатига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан, Жўқорғи Кенгес депутатига нисбатан эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес депутатини мажбуран келтириш, ушлаш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юки, транспорти, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Депутат ўзининг депутатлик дахлсизлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиган мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, қонунда кўрсатилишича, башарти депутат ўзи сайланган Кенгашга қарашли бўлмаган ҳудудда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ҳибсга олиш ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортиш учун розилик олиш талаб қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш асослари ва тартиби

Республикада депутатни чақириб олишнинг қонуний мустақамланганлиги халқ ҳокимиятчилигининг тўлиқ намоён бўлиши ва депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги¹ қонуннинг 1-моддасида депутатни чақириб олиш асослари кўрсатилган. Депутатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини бузаётганлиги, депутатлик вазифаларини бажармаганлиги ёки сайловчиларнинг, шунингдек, депутатликка номзод

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. 5—6-сон. 67-б.

қилиб кўрсатган органнинг ишончини оқламаётганлиги уни чақириб олиш учун асос бўлади.

Депутатни чақириб олиш тўғрисидаги таклиф ҳокимият вакиллик органи депутатлигига номзод кўрсатган тегишли орган ёки тегишли сайлов округининг сайловчилари томонидан киритилади.

Қонунда кўрсатилган депутатликдан чақириб олиш асослари мавжуд бўлган тақдирда, депутатликка номзод кўрсатган тегишли орган, яъни сиёсий партиянинг олий органи ёки у ваколат берган орган вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари бу ҳақда қарор қабул қилиши мумкин. Мазкур қарор баённома билан ёки баённомадан кўчирма билан бирга Олий Мажлис Кенгашига юборилади. Депутатни чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли бўлса, ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида Олий Мажлис Кенгаши депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилади ва уни Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий Сайлов комиссиясига юборади.

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Кенгашининг қарори олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида депутатни чақириб олиш бўйича округ комиссиясини тузади, овоз бериш кунини тайинлайди ва бу ҳақда Олий Мажлис Кенгашига маълум қилади.

Депутатни чақириб олиш зарурлиги масаласи сайловчиларнинг йиғилишларида ёки уларнинг вакиллари йиғилишларида ҳам муҳокама қилинади. Олий мажлис депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклифни округда қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг сони сайлов куни рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этиши керак.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш тартиби юқорида кўрсатилган қонуннинг 5—6-моддаларида кўрсатилган, депутатни чақириб олиш эса маҳаллий Кенгашлар округ сайлов комиссиялари орқали амалга оширилади.

Чақириб олинаётган депутатнинг ҳуқуқлари ҳам қонун билан кафолатланган. Масалан, ҳокимият вакиллик органи, депутатга уни депутатликдан чақириб олиш тўғрисидаги таклиф ҳусусида ёзма билдириш хати юбориб, тушган ҳужжатларнинг нусхаларини унга илова қилиши керак. Депутат сайловчилар билан учрашишга, ўзининг чақириб олиниши тўғрисидаги масала кўриляёт-

ган йиғилишлар, сессиялар ва мажлисларда иштирок этишга ҳамда ўзини ҳимоя қилишга ҳақлидир.

Депутатни чақириб олиш юзасидан овоз бериш яширин бўлиб, депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қонунларнинг талабларига мувофиқ ўтказилади. Овоз бериш чоғида, башарти, сайловчи депутатнинг ваколатлари сақлаб қолинишига тарафдор бўлса, бюллетендаги депутатнинг фамилиясини ўчирмайди, агар депутат чақириб олинишини ёқлаб овоз берса, депутатнинг фамилиясини ўчиради.

Овоз бериш натижаларини аниқлашда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи депутатни чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса, у чақириб олинган ҳисобланади.

Овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш яқунлари қайд этилган пайтдан эътиборан унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган ҳисобланади.

ХІХ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

1. Олий Мажлис — Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолияти ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг уч асосий таянчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ана шу учта ҳокимият идорасининг ўзаро уйғун фаолиятини таъминлаш воситалари, уларни давлат сиёсатининг умумий йўналишлари бўйича ўзаро муросага келтириш ва бу идораларининг ўзаро бир-бирларини тийиб туриш механизмини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган¹.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлмиш Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг ваколатлари мукаммал белгилаб қўйилган.

¹ Қаранг: *Тожихонов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. — Т., 1996. — 73-б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги 1994 йил 22 сентябрь қонунининг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи ҳисобланади.

Қ 1992 йилги Конституция қабул қилингунга қадар, Республика Олий Кенгаши олий ҳокимият органи бўлиб ҳисобланар эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аввалги Олий Кенгашдан кўпгина жиҳатлари билан ажралиб туради. Республика Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг 1-сессиясида сўзлаган нутқида бу фарқларни кўрсатиб ўтиб, шундай деган эди: «Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бўтун мазмун моҳияти билан фарқ қилади. Унинг шаклланишидан тортиб, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва иш усулларига ча бун яққол исботлайди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий вакиллик органи деганда нима тушунилади, вакиллик органи ўзи нима? Олий давлат вакиллик органи халқнинг сайлаб қўйилган вакиллари бўлиб, улар асосан қонун чиқариш билан шуғулланадилар. Бу орган вакилларининг асосий фаолияти халқ иродасини ифода этишдан иборат. Олий Мажлис депутатлари уларни сайлаб қўйган халқ олдида ҳисобдордирлар. Халқ иродаси ушбу олий ташкилот чиқарадиган ҳужжатларда — Конституция, конституциявий ва бошқа қонунлар, қарорларда каби қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳужжатлар республикадаги ҳамма давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Олий Мажлис қабул қилган Конституция ва жорий қонунлар бошқа давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариши учун юридик манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 250 нафар депутат беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилдаги Конституциясига мувофиқ, ўн иккинчи чақриқ Республика Олий Совети депутатларининг сони 500 кишидан иборат эди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. — 25-б.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир палатали органдир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун асосида Олий Мажлисга депутатлар сайлаш тизими-га ўзгартишлар киритилди.

1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича Республика Олий Советига 21 ёшга етган фуқаролар сайланган бўлса, янги сайлов тўғрисидаги қонунга асосан, ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, маълумотидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Ушбу сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати тугагач, у янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси Республика Олий Мажлиси ваколатларини белгилайди. Республика Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари Республика Конституциясининг 78-моддасида тўлиқ кўрсатиб берилган. 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, республикада бутун давлат ҳокимиятини олий ҳокимият органи амалга оширар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентлик бошқарувига ўтганлиги муносабати билан Республиканинг янги Конституцияси, Олий Мажлис тўғрисидаги қонун Олий Мажлис ваколатларини, унинг асосан қонун чиқарувчи орган эканлигини белгилади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва фақат давлат идоралари томонидангина амалга оширилади. Шунинг учун Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф

ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан, Ўзбекистон Олий Мажлисининг қонун чиқариш соҳасидаги мутлақ ваколатларини² шаклан беш гуруҳга бўлиш мумкин: 1) давлат қурилиши соҳасидаги; 2) хўжалик соҳасидаги; 3) бошқарув ва суд органларини тузиш соҳасидаги; 4) қонунчилик соҳасидаги; 5) халқаро алоқалар соҳасидаги ваколатлар.

Олий Мажлиснинг давлат қурилиши соҳасидаги қонунчилик ваколатига қуйидаги масалалар киради: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ва ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ белгилаш; Ўзбекистон Республикаси таркибидаги янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқариш ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш; маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш, Марказий сайлов комиссиясини тузиш; ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш.

Олий Мажлиснинг хўжалик соҳасидаги қонунчилик ваколатлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига би-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 7-модда.

² «Мутлақ ваколатлар» иборасининг маъноси шундан иборатки, ушбу ваколатларни фақат Олий Мажлис амалга оширади. Бу ваколатларни Олий Мажлис Раиси ҳам, Олий Мажлис Кенгаши, унинг қўмита ва комиссиялари ҳам ҳал қилиши мумкин эмас. Бу ваколатларни Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Республика Суд органлари ҳам ҳал қила олмайди.

ноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикасининг бошқарув ва суд органларини тузиш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазирни, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси ва аъзолари, Олий суднинг раиси ва аъзолари, Олий ҳужалик судининг раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини лавозимига тайинлаш. Башарти, лавозимга кўрсатилган номзод Олий Мажлис томонидан қўллаб-қувватланмаса, мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа таклифи муҳокама қилинади.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими соҳалари бўйича ваколатига республика ҳуқуқ тизимининг барча соҳасидаги қонунларни қабул қилиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш киради.

Олий Мажлиснинг халқаро масалалар соҳасидаги ваколатларига халқаро шартномалар ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолиятини унинг таркибига сайланган депутатлар орқали амалга оширади.

Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партия ёки ҳокимият вакиллик органларининг вакили ҳисобланади. 1994 йил 25 декабрда Олий Маж-

лисга ўтказилган сайловда 250 депутат сайланган. Шу жумладан, Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блоки, 69 нафар депутатдан ташкил топган Халқ демократик партияси фракцияси, 47 нафар депутатдан таркиб топган «Адолат» социал демократик партияси фракцияси рўйхатга олинди.

Республика Олий Мажлисининг депутатлари ўз ҳуқуқлари ва бурчларини ижро этишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»¹ги қонунга амал қилган ҳолда ишлайдилар. Бу қонунда Олий Мажлис депутатининг ҳуқуқлари, бурчлари ва фаолиятининг шакллари ва кафолатлари тўла кўрсатилган.

Бу ҳақда олдинги бобларда етарлича сўз юритилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг шакллари

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг идораларининг фаолият тартиби Олий мажлис томонидан 1995 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти»² ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида чиқарилган бошқа қонунлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг масалалари жамоа бўлиб, эркин муҳокама қилиб ҳал этишга, ошкораликка, Олий Мажлис тузадиган органлар ҳамда у сайлайдиган ва тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олишига асосланади.

Олий Мажлис фаолиятининг доимий ва самарали бўлиши унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларнинг иши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиявий фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли — сессия ҳисобланади. Олий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. — 1995. 6-сон, 115-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. 1995. 6-сон. 97-модда.

Мажлис сессияси, унинг мажлисларида очилади ёки ёпилади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлислардан иборат бўлади.

✓ Олий Мажлис сессиялари Олий Мажлис Раиси томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади. Олий Мажлис Раиси сессияни чақириш тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига киритишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда сессия Олий Мажлис Кенгаши томонидан чақирилиб, бу ҳусудда қарор қабул қилинади. Сессияни чақириш тўғрисидаги қарор ҳамда унинг муҳокамасига киритиладиган масалалар ҳақидаги ахборот Олий Мажлис депутатларига ва аҳолига олдиндан маълум қилинади.

○ Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари депутатларга олдиндан, қоида тариқасида, сессия очилишидан камида ўн кун олдин тақдим этилади.

↪ Олий Мажлис сессиясига тайёргарлик кўриш учун ишчи гуруҳи тузилиши мумкин. Депутатлар ишчи гуруҳига одатда Олий Мажлис Раисининг муовинларидан бири бошчилик қилади ва сессияга қўйилган масалалар юзасидан депутатлар билан катта тайёргарлик ишлари олиб борадилар.

↪ Олий Мажлиснинг сессияси қаерда ва қачон ўтказилиши тўғрисидаги, шунингдек, сессияга келаётган депутатлар қаерда ва қачон рўйхатга олиниши ҳақидаги хабар сессия очилишидан камида уч кун олдин республика ва вилоят газеталарида эълон қилинади, телевидение ва радио орқали ўқиб эшиттирилади.

✓ Олий Мажлиснинг иши унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

✓ Олий Мажлиснинг янги чақириқ биринчи сессиясининг биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва у мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси сайлангунга қадар бошқаради.

✓ Олий Мажлис сессиясида раислик қилувчи унинг мажлисларини очади ва ёпади, маърузалар қилиш ва нутқлар учун сўз беради, қонунлар, қарорлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини, депутатларнинг кўрилаётган масалаларга доир таклифларини овозга қўяди ҳамда овоз бериш натижаларини маълум қилади, Олий Мажлис сессиясининг Котибиятига депутатлардан тушган сўровлар, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар ва таклифларни ўқиб эшиттиради, мажлислар залида тартибни таъминлайди.

Зарур ҳолларда раислик қилувчи келишмовчиликларни бартараф этиш ҳамда Олий Мажлиснинг ийши давомида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун депутатлар гуруҳлари, фракциялар, блокларнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб олади.

Олий Мажлис ҳар бир сессиянинг мажлислари даврида сессия Котибияти тузилади. Котибиятнинг вазифаси Олий Мажлис мажлисларининг стенограммаси юритилишини ташкил этиш, сўзга чиқиш истагини билдирганларни ёзиб бериш, депутатлар сўровлари, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар, таклифларни ҳамда депутатларнинг бошқа материалларини рўйхатга олиш, фуқаролардан Олий Мажлис номига келаётган мурожаатлар ва бошқа ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этишдир.

Олий Мажлис депутатлари, одатда, энг аввало сессиянинг кун тартибини муҳокама этадилар ва қабул қиладилар. Кун тартибига доир таклифлар Олий Мажлис Кенгаши томонидан дастлабки тарзда қараб чиқилади.

Олий Мажлис ўзининг биринчи мажлисида, ўзи сайлайдиган Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш тўғрисида, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда эса, айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарор қабул қилади.

Олий Мажлиснинг мажлислари очиқ ўтказилади. Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ, баъзи ҳолларда ёпиқ мажлис ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг исталган очиқ ва ёпиқ мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи шахслар, Конституциявий, Олий, Олий ҳўжалик судларининг раислари, Бош прокурор, Марказий банк бошқарувининг раиси ҳозир бўлишлари мумкин.

Бу ерда гап кўрсатилган мансабдор шахсларнинг Олий Мажлис мажлисларида қатнашиш ҳуқуқи ҳақида боради. Олий Мажлисте бундай кишиларнинг иштирок этиши ҳокимият барча шохобчаларининг самарали ҳам-корлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган мансабдор шахслар, фақат Олий Мажлис ишида эмас, балки Олий Мажлис органлари, жумладан, унинг Кенгаши, қўмита ва комиссияларининг мажлисларида ҳам қатнашишлари мумкин.

Олий Мажлис регламентида кўрсатилишича (17-модда), Олий Мажлис йиғилишларида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан таклиф этилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, илмий муассасалар, матбуот, телевидение, радио вакиллари ва бошқа шахслар ҳозир бўлишлари мумкин. Таклиф этилган шахслар Олий Мажлиснинг ишига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар, маъқуллаётганликлари ёки маъқулламаётганликларини билдиришдан ўзларини тийиб туришлари, тартибга риоя қилишлари ҳамда раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунушлари шарт.

Мажлислар, Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ, аҳоли учун қулай вақтда телевидение орқали кўрсатилиши ва радио орқали эшиттирилиши мумкин. Мажлислар тўғрисидаги ахборот республика ва вилоят газеталарида босиб чиқарилади, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Олий Мажлиснинг регламентида кўрсатилишича, Олий Мажлис иши давлат тилида олиб борилади ва рус тилида ҳамоҳанг таржимаси таъминланади. Депутат ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилда сўзга чиқиш ниятини Сессия котибиятига олдиндан маълум қилиб қўяди. Барча нутқларни ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш таъминланади.

Олий Мажлис ишига раислик қилувчи аризаларнинг тушиш навбати бўйича музокараларда қатнашиш учун сўз беради. Олий Мажлис депутати сессияда айнан бир масала бўйича икки мартадан ортиқ сўзлаши мумкин эмас. Сўзга чиқиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди. Маърузачиларга саволлар ёзма равишда юборилади ёки ўтирган жойдан микрофон орқали берилади.

Олий мажлисте кўрилатган масалалар бўйича музокараларни тўхтатиш сессияда ҳозир бўлган жами депутат-

ларнинг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш орқали амалга оширилади. Маърузалар тўхтатилгандан кейин маърузачи ва қўшимча маъруза қилган шахс яқунловчи нутқ билан сўзга чиқишга ҳақлидир.

Олий Мажлиснинг мажлисларида кўрилаётган масалаларга доир қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ёки Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ яширин овоз бериш ўтказилади. Бир масала юзасидан овоз бериш ўтказилаётганида, ҳар қайси депутат битта овозга эга бўлади ҳамда таклифни ёқлаб ёки унга қарши овоз беради ёхуд овоз беришда бетараф қолади. Овозларни санаб чиқиш тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлиснинг Раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёхуд Олий Мажлис депутатлари камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчилик фаолияти тўрт босқичда бўлади. Ушбу босқичлар конституциявий ҳуқуқ назариясида қонун чиқариш жараёни деб аталади ва қонун лойиҳасини таклиф қилиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш, ҳамда қонунни имзолаш ва эълон қилишдан иборат бўлади.

Қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга органларнинг рўйхати келтирилади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Олий Мажлиста қонунчилик таклифи билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳеч ким учун чекланмаган. Шундай таклиф киритилган тақдирда эса, қонун лойиҳалари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган юқорида кўрсатилган

идоралар ва шахслар орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилиши мумкин.

1997 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикаси қоидаларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуни» қабул қилинди. Бунда қонун яратиш жараёнини янада демократиялаштириш, уларни кенг омма орасида муҳокама қилиш, қонун яратишда молиявий-иқтисодий асосларни илова қилиш шартлиги кўрсатилган.¹

Қонун чиқариш жараёнининг иккинчи босқичи. Олий Мажлис тақдим этган лойиҳаларни қонун чиқариш жараёнининг барча қоидаларига тўла риоя этган ҳолда кўриб чиқиши шарт. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, Олий Мажлис шу қонун лойиҳасини маъқуллаш ёки инкор этиш ҳуқуқига эга.

Қонун лойиҳаси ёки қонун чиқариш тўғрисидаги таклиф дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун Олий Мажлис Раиси томонидан Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ва айтиб бериб вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига юборилади. Бунда хулоса тайёрлаш учун бош қўмита ёки комиссия белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бир неча ўқишда амалга оширилиши, шунингдек, жойлардаги депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилиниши мумкин.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқишида Олий Мажлис қонун лойиҳаси ташаббускорининг маърузасини ва бош қўмита ёки комиссиянинг қўшимча маърузасини тинглайди, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини муҳокама қилади ҳамда тузатишлар шаклида таклиф ва мулоҳазалар билдиради, зарур ҳолларда қонун лойиҳасини муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилиш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқади.

Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллайди ёки рад этади.

Қонун лойиҳаси маъқулланган тақдирда, Олий Мажлис уни иккинчи ўқишга тақдим этиш муддатини белгилайди.

Биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳасига доир тўхтам, агар Олий Мажлис депутатлари умумий со-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. № 9. 237-модда.

нининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Бундай тўхтам Олий Мажлиснинг қарори билан расмийлаштирилади.

Қонун лойиҳасига ва унинг айрим моддаларига тузатишларни депутатлар ёзма равишда Олий Мажлис Кенгаши, бош кўмита, комиссия ёки қонун лойиҳасини маромига етказиш топширилган кўмитага қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси бошланишидан камида уч кун олдин топширадилар. Қонун лойиҳасини маромига етказиш топширилган кўмита лойиҳага киритилган тузатишларни қараб чиқади ва уни иккинчи ўқишдаги муҳокамага тайёрлайди.

Маромига етказилган қонун лойиҳаси, Олий Мажлис Кенгашининг қарорига мувофиқ, иккинчи ўқишда муҳокамага киритилади.

Қонун лойиҳаси юзасидан иккинчи ўқиш чоғида, лойиҳа моддама-модда, бўлимлар бўйича ёки бутунлай муҳокама қилинади. Биринчи ёки иккинчи ўқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонун лойиҳасини қабул қилади ёки рад этади ёхуд маромига етказиш учун қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ, энг муҳим қонунларнинг лойиҳалари умумхалқ овозига (референдумга) кўйилиши мумкин.

Қонун чиқариш жараёнининг учинчи босқичи. Маълумки, Олий Мажлис ваколатлари амалга оширилишининг ҳуқуқий шакли у қабул қиладиган қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Олий Мажлис қабул қиладиган асосий ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонуни ўзига хос хусусиятларга эга. У фақат Олий Мажлис сессиясида қабул қилинади ва бутун Ўзбекистон халқининг эркини ифода этади. Ўзбекистон Республикасининг қонуни ўзида ҳуқуқий қоидаларни мужассам этади ва шунинг учун ҳуқуқий норматив акт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунларнинг бажарилиши барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар учун мажбурийдир. Давлат органларининг ҳуқуқий норматив актлари қонунга мувофиқ бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари барча давлат органлари, ўзини-ўзи бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар фаолиятининг ҳуқуқий асосидир. У давлат органлари чиқарадиган барча ҳуқуқий актлардан устун туради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларини, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади. Олий Мажлис ҳамда унинг Кенгаши, шулар билан бир қаторда мурожаатномалар, декларациялар ва баёноتلар қабул қилиши мумкин.

Конституциявий қонунлар Конституцияда кўрсатилган муҳим масалалар юзасидан қабул қилинади ва улар ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Бу қонунлар юридик кучи бўйича Республика Конституциясидан кейинги ўринни эгаллайди.

Конституция ва конституциявий қонунларни қабул қилиш ва уларга ўзгартишлар киритишнинг ўзига хос тартиби мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Конституцияни ўзгартирувчи ва тўлдирувчи қонунлар, шунингдек, бошқа конституциявий қонунлар Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида таклиф тақдим этилганидан кейин олти ой мобайнида ушбу таклифларнинг кенг ва ҳар тарафлама муҳокама қилинишини ташкил этиб, сўнг қабул қилиши мумкин.

Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, ушбу таклиф камида бир йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин.

Оддий қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар Олий Мажлис жами депутатларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Олий Мажлис ва унинг Кенгаши мурожаатномалар ва баёноتلарнинг лойиҳаларини, Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши қарорларига кўра, Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссияларига дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун топшириши мумкин. Бу ҳужжатлар ҳам Олий Мажлис депутатлари ёки Кенгаш аъзолари кўпчилигининг овози билан қабул қилинади.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, овоз бериш натижаларини ҳисоблашда қонунни қабул қилиш вақтида ҳозир бўлган депутатларнинг эмас, балки Олий Мажлисга

сайланган барча депутатларнинг умумий миқдорига нисбатан кўпчилик талаб этилади.

Қонун чиқариш жараёнининг тўртинчи босқичи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандига биноан, қонунларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти имзолайди. Президентнинг эътирозлари бўлса, у ҳолда Президент бу қонунни такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтариб юбориши мумкин. Агар қонунни Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисми тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди.

Қабул қилинган ва Президент имзолаган матн Олий Мажлисга сақлаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис қабул қилган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши ушбу қонунлар қўлланишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Олий Мажлиснинг ҳамда Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси имзолайди, у бўлмаган ҳолларда эса бундай ҳужжатларни Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири имзолайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Республика Президенти имзолаганидан кейин узоғи билан бир ҳафта ичида расман эълон қилинади. Агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, улар расман эълон қилинганидан кейин ўн кун ўтгач бутун Ўзбекистон ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга қиради.

Қонунлар тўлиқ матнининг «Ўзбекистон Олий Мажлиси ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида чоп этилиши, уларнинг биринчи марта расман эълон қилиниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан, қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг ижросини назорат қилади.

3. Олий Мажлис депутатлар блоклари ва партия фракцияларининг фаолияти

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламенти»да Олий Мажлис депутатларининг фракцияла-

ри, блоклари тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Бу қонуннинг 36-моддасида кўрсатилишича, Олий Мажлиснинг сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган депутатлари фракциялар ва блоklarга бирлашишлари мумкин.

Олий Мажлис депутати фақат битта депутатлар бирлашмаси (фракция, блок)да бўлишга ҳақли.

Фракциялар, блоклар ўз фаолиятини Олий Мажлис томонидан рўйхатга олинганидан кейин амалга оширади ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари доирасида иш олиб боради.

Фракция, блок раҳбари фракцияни, блокни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимос баён этилган ариза билан Олий Мажлисга мурожаат этади. Аризаларни Олий Мажлис сессиясида қараб чиқиш вақтида фракцияларнинг, блокларнинг раҳбарлари тузилган фракциянинг, блокнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида ахборот бериши, бошқа маълумотларни айтиши мумкин.

Олий Мажлис расмий фракцияларни, блокларни рўйхатга олиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади.

Олий Мажлис блок ва фракцияларнинг фаолияти тўғрисидаги масала мантиқан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва унга сайлов тўғрисидаги қонунлардан келиб чиқади. Бу ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади; сиёсий партиялар халқимиз турли табақа ва гуруҳларининг иродасини ифодалаб, депутатликка сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда ва унинг фаолиятини амалга оширишда иштирок этади. Чунки партия халқнинг, ижтимоий қатламнинг бир қисми бўлса, блок ва фракциялар Олий Мажлис ҳамда сиёсий партиянинг муайян бўлагидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1996 йил 26 декабрда «Сиёсий партиялар тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилиб, унда сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари фаолиятига алоҳида модда ажратди.

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ва ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади.

Сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга: сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш; сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши; тегишли равишда республика ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш; Олий Мажлис раҳбарлигига, қўмита ва комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш; сессияда муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орқали билдириш; назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг ва блокнинг раҳбарлари Олий Мажлис Кенгашининг таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 1-чақириқ 1-сессиясида Олий Мажлиснинг блок ва партия фракциялари рўйхатга олинди. Ҳозирги даврда Олий Мажлисида Халқ демократик партиясининг 69 депутатдан иборат фракцияси, «Адолат» социал демократик партиясининг 47 депутатдан иборат, «Ватан тараққиёти» партиясининг 14 депутатдан иборат фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу партия фракциялари бир-биридан фарқ қиладиган ўз фаолият дастурларига эга бўлиб Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолиятида сиёсий муросалар асосида фаолият кўрсатиб, энг муҳим вазифаларни бажаришга кўмаклашмоқдалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси туғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис томонидан, ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан, депутатлар орасидан яширин овоз бериш орқали, Олий Мажлис жами депутатлари ярмидан кўпининг овози билан Олий Мажлис ваколати муддатига тенг бўлган муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлиста ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг

Ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили, Олий Мажлиснинг депутати бўлади.

Олий Мажлиснинг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, муддатида олдин депутатларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи яширин овоз бериши орқали қабул қилинган Олий Мажлис қарорига биноан, чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 85-моддасига мувофиқ, Олий Мажлиснинг Раиси:

— Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис сессияларини чақиради, сессиянинг кун тартибига доир таклифларни қўмиталар ва комиссияларнинг раислари билан биргаликда тайёрлайди;

— Олий Мажлис ва унинг Кенгаши мажлисларида раислик қилади;

— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

— парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис Кенгаши билан келишган ҳолда Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

— қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига биноан, бу қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, Олий Мажлисга киритади;

— Олий Мажлис матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, уларнинг низомларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

— Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

— Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

— Олий Мажлис ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди.

Олий Мажлиснинг Раиси ўз ваколатларини бажариш

юзасидан фармойишлар чиқаради. У ўз ваколатидаги масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақлидир.

Олий Мажлис Раисига берилган бундай ваколатлар Олий Мажлис ишини ташкил этишда, қонунчилик фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари раиснинг топшириғига биноан, унинг айрим вазифаларини бажарадилар ва у йўқлигида ёки унинг ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда раиснинг вазифасини бажариб турадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ва унинг ваколатлари

Олий Мажлис ишини ташкил этиш ҳамда Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш учун Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркибига Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг, мандат комиссиясининг раислари, Олий Мажлис расмий блок ва фракцияларининг вакиллари кирадилар. Олий Мажлис Кенгашига Олий Мажлиснинг Раиси бошчилик қилади. Олий Мажлис Кенгашининг мажлислари заруратига қараб чақирилади ва Кенгаш умумий таркибининг ярмидан ортиғи ҳозир бўлган тақдирдагина ваколатли бўлади. Олий Мажлис Кенгашининг қарорлари, унинг мажлисларида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шунингдек, қарорлар Олий Мажлис Кенгаши таркибининг аъзоларидан бирма-бир сўраб чиқиш йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Олий Мажлис Кенгашининг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ундан ташқари, Олий Мажлис Раисининг таклифига мувофиқ, Кенгаш мажлисларида Олий Мажлис депутатлари, шунингдек, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳам қатнашишлари мумкин.

Олий Мажлис Кенгашининг ваколатлари «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонун билан белгиланади. Бу қонуннинг 17-моддасига биноан, Олий Мажлис Кенгаши Олий

Мажлис сессияси кун тартибига ва иш тартибига доир таклифларни тайёрлайди; Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахборотларни эшитади; қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштиришни уюштиради; Олий Мажлис Раисининг таклифига биноан, қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқади; Олий Мажлис сессиясида депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни таҳлил этади, ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади; сессиялар оралиғидаги даврда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибларда Олий Мажлис депутатларини жавобгарликка тортишга, шунингдек, иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади; Олий Мажлис иши ва депутатлар ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Бу қарорлар белгиланган тартибда эълон қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг самарали фаолият кўрсатишида, унинг ваколатларини амалга оширишда Олий Мажлиснинг муҳим органлари ҳисобланган кўмита ва комиссиялари алоҳида ўрин тутаяди.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг ваколатлари, уларни тузиш ва фаолият кўрсатиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламенти», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссиялари тўғрисида»ги низом билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш мақсади-

да депутатлар орасидан кўмиталар ва комиссияларни сайлайди ҳамда уларнинг раисларини тасдиқлайди.

Кўмита ва комиссияларни тузиш чоғида депутатларнинг касбий ва бошқа хил қизиқишлари, уларнинг ишлаб чиқаришга оид ҳаётий тажрибалари, эркин билдирилган хоҳиш-истаклари инобатга олинади. Кўмита ва комиссиялар таркибида фракциялар ва блоклардан вакил депутатлар бўлиши таъминланади. Кўмита ва комиссиялар Олий Мажлиснинг ваколат муддатига тенг муддатга тузилади.

✓ Кўмита ва комиссиялар рўйхати ва улар аъзоларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Кўмита ёки комиссия таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишлари мумкин эмас.

✓ Олий Мажлис депутати Олий Мажлиснинг фақат битта кўмитаси ёки комиссияга сайланиши мумкин. Кўмита ёки комиссия таркибига сайланмаган депутат уларнинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

✓ Кўмиталар ва комиссияларнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари Олий Мажлис олдида масъул бўлиб унга ҳисоб берадилар.

Кўмита ва комиссияларнинг (муваққатларидан ташқари) раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ўз фаолиятларини доимий асосда амалга оширадилар.

Зарур ҳолларда Олий Мажлис исталган вақтда янги кўмиталар ва комиссиялар тузиши, илгари тузилганларни тугатиши ёки қайтадан ташкил этиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида ушбу кўмита ва комиссияларнинг ваколатлари кўрсатилган. Бу кўмита ва комиссиялар:

1) Олий Мажлис, унинг Раиси, Олий Мажлис Кенгаши топшириғига биноан ёки ўз ташаббуслари билан тасарруфларидаги масалалар бўйича қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар;

2) қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайдилар, Олий Мажлис сессияси кун тартибига доир таклифларни киритадилар;

3) кўмита ёки комиссия ишида иштирок этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари вакилларини, мутахассислар ва олимларни таклиф этадилар;

4) ўзлари ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини ҳам, қонун чиқариш ташаббуси тариқасида тушган қонун лойиҳаларини ҳам илмий экспертизага юборадилар ва уларнинг фикрларини сўрайдилар;

5) ўрганиб чиқиш учун ўзларига берилган қонун лойиҳалари юзасидан ўз хулосалари, таклифлари ва мулоҳазаларини юборадилар;

6) Олий Мажлис йиғилишларида ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича маърузалар ва қўшимча маърузалар билан сўзга чиқадиладар;

7) юборилган республика бюджети лойиҳаларини, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, давлат стратегик дастурлари лойиҳаларини қараб чиқадиладар;

8) ўз тасарруфларидаги масалалар юзасидан республика ҳукуматига таклифлар киритадилар;

9) ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича давлат органлари ва жамоат бирлашмаларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, ёзма хулосалар, ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни талаб қиладилар;

10) қонунларнинг ва республика Олий Мажлиси бошқа қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

11) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республика Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг қонунларни, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатларини ва қўмиталар, комиссиялар тавсияларини бажариш юзасидан ахборотларини эшитадилар.

Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг зиммасига бир қатор ваколатларни юкласа-да, улар қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширувчи Олий Мажлис сингари мустақил давлат органи ҳисобланмайдилар ва шу боис норматив ҳужжатлар қабул қилмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг Кенгашининг топшириқларини бажариш учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузилиши мумкин.

Муваққат комиссияларнинг вазифаси ва уларнинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан уларни тузиш чоғида белгилаб қўйилади. Муваққат комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариб бўлганларидан кейин ёхуд Олий Маж-

лис ёки унинг Кенгаши қарорига биноан, фаолиятларини муддатидан илгари тўхтатадилар. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ишни ўз режаларига, Олий Мажлис, унинг Раиси ҳамда Кенгаши топшириқларига ва тавсияларига мувофиқ ташкил этадилар.

Қўмита ва комиссиялар масалаларни жамоа бўлиб эркин муҳокама қилиш, ошкоралик ҳамда кенг ташаббускорлик асосида ҳал этадилар.

Олий Мажлиснинг Раиси қўмита ва комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Мажлисларга давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислари ва олимлар таклиф этилишлари мумкин. Улар мажлисларда маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашадилар.

Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан комиссия ва қўмиталар тавсия тарзида қарорлар қабул қиладилар ва хулосалар чиқарадилар.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида барча масалалар улар аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Комиссия ёки қўмитанинг қарорлари, хулосалар ва мажлис баёнларини комиссия ёки қўмита раиси имзолайди. Ишлаб чиқилган тавсиялар тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилади ва зарур ҳолларда Олий Мажлис Раиси ва Вазирлар Маъқамасининг Бош Вазирига маълум қилинади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари қўмиталар ва комиссияларнинг қарорларини олгач, кўриб чиқишлар, натижалар ва кўрилган чоралар ҳақида, агар қарорда ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, узоғи билан бир ой муддат ичида хабар қилишлари шарт.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ўз фаолиятларини ошкоралик асосида амалга оширадилар, фаолиятлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги 1-сессиясида қўйидаги 13 қўмита ва комиссия тузилди: мандат комиссияси; бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси; иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар; фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси; sanoat, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси; аграр

ва : сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси; меҳнат ва аҳолини ҳимоя қилиш кўмитаси; атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси; қурилиш ва уй-жой, коммунал хўжалиги кўмитаси; матбуот ва ахборот кўмитаси; мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси.

Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими таъсис этилган. Бундан мақсад мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ўстидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назоратини амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисида» қонун қабул қилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ушбу қонун доирасида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдирди ҳамда бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳимоя қилиниши ҳамда тикланишига қаратилган тавсиялар беришга ҳақлидир. Қонуннинг ошкоралик, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини тан олиш Вакил фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади.

Вакилни Олий Мажлис ўз депутатлари орасидан ва ўз ваколати муддатига сайлайди.

Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистонда турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқади.

Вакил фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузаётган мансабдор шахслар ёки ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқади. Шунини таъкидлаш керакки, Вакил суд ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқишга ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган қонунда вакилнинг ўз фаолияти юзасидан ҳуқуқлари, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклаш воситалари, ариза ва шикоятлар юзасидан чиқарган хулосаларининг турлари кўрсатилган. Қонунда кўрсатилишича, Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш фаолиятига кўмаклашиш учун, Олий Мажлис то-

монидан унинг хузурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг регламентига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Кенгаши, Раиси, қўмита ва комиссияларининг фаолиятига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Котибияти томонидан таъминланади.

Олий Мажлиснинг Котибияти тўғрисидаги низом, Котибиятнинг тузилиши ва штатлари Олий Мажлиснинг Раиси томонидан тасдиқланади. Олий Мажлиснинг Котибияти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатларига, Олий Мажлис Кенгаши ва Раисининг кўрсатмаларига амал қилади.

Ушбу органнинг асосий вазифалари Олий Мажлис йиғилишларига, Олий Мажлис Кенгаши, қўмита ва комиссиялари мажлисларига, Олий Мажлис ўтказадиган бошқа тадбирларга ташкилий, ҳуқуқий, ахборот ва моддий-техникавий хизмат кўрсатиш; Олий Мажлис, унинг Кенгаши, қўмита ва комиссиялари ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш; қонунларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушган таклиф ҳамда мулоҳазаларини ҳисобга олиш ва умумлаштириш; қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, қўмита ва комиссияларининг тавсияномалари бажарилишини уюштириш ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиб бориш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотлар тўплаш, материаллар ва таклифлар тайёрлаш, уларнинг бажарилишига оид тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; ўз ваколатларини амалга оширишда, сайловчиларнинг аризаларини бажаришда, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш бўйича назоратни йўлга қўйишда. Олий Мажлис депутатлари сайловини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ материалларни тайёрлаш ва бу тадбирларни ўтказишда иштирок этиш; фуқаролардан Олий Мажлисга, унинг Кенгашига, унинг Раисига, қўмита ва комиссияларига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни ўрганиш, ҳисобга олиш, умумлаштириш ва қараб чиқиш вазифалари юклатилади. Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш учун Олий Мажлис Котибияти маълум бўлимлар тузади.

**1. Ўзбекистонда Президентлик Республикаси
бошқарувининг жорий этилиши**

Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида президентлик республикаси бошқарувининг жорий этилиши жамиятимиз ва давлатчилигимиз тарихида катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихида президентлик ҳокимияти институти жуда қисқа тарихга эга. Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи таркибида эканлигида бундай президентлик ҳокимиятини жорий этиш тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас эди. Чунки республикада ҳокимият фақат расмий равишда битта орган — советлар кўлида бўлиб, советлар қонун чиқариш ва ижро этиш ҳокимиятини бирлаштирган, ҳокимиятнинг бўлиниши принципи амалга оширишга йўл қўйилмаган эди.

Президентлик ҳокимияти институти эса фақат ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосланган мамлакатларга хос ҳолатдир. Шунинг учун ҳам, собиқ Совет Иттифоқида президентлик лавозимини таъсис этиш ғоясига Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ҳаракатининг тарафдори бўлган халқ депутатлари қаттиқ қаршилик кўрсатдилар¹. Лекин демократияни, жамиятни ривожлантиришнинг тезлашуви давлатчилик тизимининг аста-секин янгиланиши, президентлик лавозимининг демократик табиатини белгиловчи кафолатларнинг СССР Конституциясида мустаҳкамланиши 1990 йилда Совет Иттифоқида президентлик лавозимининг таъсис этилишига олиб келди. Шундан сўнг, иттифоқдош республикаларда ҳам президентлик лавозимлари таъсис этилиб, республикалар президентлик бошқарувига ўта бошладилар.

Ўзбекистон Республикаси иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқарувига ўтди ва республикада Президентлик лавозими таъсис этилди.

Маълумки, президентлик республикаси шаклидаги давлатларда республика Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. У давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Кучли ижроия ҳокимиятнинг Президент кўлида тўпланиши мамлакатдаги

¹ Қаранг: Совет Ўзбекистони. 1990. 14 март.

барча кучларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, мамлакатда барқарорлик ўрнатишга асосий кафолат бўлади. Жамиятдаги барқарорлик, осойишталик эса давлат олдида турган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий вазифаларни амалга оширишга реал имконият яратади.

Шунинг учун ҳам, президентлик лавозимининг таъсис этилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари қўйган дастлабки қадами эди.

Республика Олий Кенгаши қонунида таъкидланишича, мазкур конституциявий институтнинг жорий этилишидан қўзланган мақсад мамлакатимиздаги демократик жараёнларни янада ривожлантириш, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳафсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон ҳокимият ва бошқарув органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштиришдан иборатдир¹.

Демак, президентлик лавозими Ўзбекистонда нисбатан янги лавозимдир. У ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида вужудга келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1993 йил 12 февралда «Комсомольская правда» рўзномаси саволларига берган жавобларида бу ҳақда шундай деган эдилар: «Тарихнинг муайян давларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур»².

Ўзбекистон Республикасида президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида таъсис этилди ва шу муносабат билан Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясига Республика Президенти ҳақидаги махсус ян-

¹ Қаранг: «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонун) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун // Совет Ўзбекистони. 1990, 4 апрель.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т., 1996. — 146-б.

ги 12-боб киритилди¹. Республика Конституциясига киритилган 118-моддада Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи деб эълон қилинди. Шу бобнинг кейинги моддаларида Республика Президентига қўйилган талаблар, уни сайлаш тартиби кўрсатилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Республика Олий Кенгашининг шу сессиясида халқ депутатлари томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Шундан кейин ижро этувчи ва бошқарув ҳокимиятининг тузилиши такомиллаштирилди. Республика Министрлар Совети Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди.

1990 йил 20 июнда Республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида «Ўзбекистон давлат суверенитети тўғрисида»ги декларация эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда Республика мустақиллигининг асосий принциплари республика ҳудуди ва чегараларида республика қонунларининг устунлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, ўз тараққиёт йўли, ўз номи, давлат рамзларини белгилаш ва бошқалар мустаҳкамланди.

Республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг келгуси тақдири ва халқларнинг фаровон, мустақил яшашини ўйлаб, СССР сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олиб, ўзининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллигини тантанали равишда эълон қилди ва «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонунини қабул қилди².

1991 йилнинг 29 декабридаги референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатимизнинг мустақил ривожини учун овоз берди ва тарихимизда илк маротаба бевосита, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан Республика Президентини сайлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ва ўз миллий давлатчилигимизга асосланиб,

¹ Қаранг: Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституциясига (Асосий Қонун) ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон ССР Олий Совети ахборотномаси. 1990, 10—11-сон, 197-модда.

² ЎзССР Олий Совети Ведомостлари. 1991. 11-сон. 246-модда.

президентлик бошқарувининг ўзбекона йўлини танлади ва қарор топтирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президент ҳокимиятини анча мустақкамлади. Шу Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, айти пайтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Президент давлатнинг бош арбоби, миллатнинг рамизи, фуқаролар хавфсизлигининг кафолатидир.

Республика Президентини сайлаш тартиби, унинг номзодига қўйиладиган талаблар ушбу дарсликнинг «Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими» деб номланган XVII бобида тўлиқ ёритилган. Шунинг учун Ўзбекистон Президентини сайлаш тартибига алоҳида тўхталиб ўтилмасдан, республика Президенти сайлови якунлари тўғрисида қисқа маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига биноан, Республика Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Қонунга кўра, бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

1991 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтган республика Президентлигига сайлов «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябрь Қонунига асосан амалга оширилган. Амалдаги Республика Конституциясига мувофиқ, республика Президентини сайлашда Ўзбекистоннинг 18 ёшга тўлган фуқаролари иштирок этадилар. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Сайловда фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар қатнашиши мумкин эмас. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуни босилиб чиққандан сўнг, Марказий Сайлов комиссияси 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистоннинг биринчи Президентини сайлаш юзасидан катта ишларни бошлаб юборди. Биринчи навбатда, бутун

Ўзбекистон ҳудудида округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, республика Президентлигига номзодлар қонун асосида рўйхатдан ўтган республика сиёсий партиялари, Ўзбекистон қасаба иттифоқи федерациясининг съездларида, анжуманларида ёки уларнинг республика раҳбарий органлари Кенгашларида кўрсатилди.

Бундан ташқари, республика Президентлигига номзодлар ташкилотлар, муассасалар олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг жамоалари, фуқароларнинг турар жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги мажлисларда кўрсатилиши мумкин. Лекин бу ташкилотлар уларнинг таклифларини Ўзбекистоннинг 60 минг аҳолиси қўллаб-қувватлаган тақдирдагина Президентликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Республика сиёсий партиялари ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан Республика Президенти лавозимига номзод кўрсатилганда, номзодни қўллаш учун сайловчилар имзосини тўплаш шарт эмас.

Шу қоидаларга асосан, 1991 йил декабридаги президентлик сайловига тайёргарлик вақтида ушбу лавозимга иккита номзод Ўзбекистон Республикаси Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерациясидан И. А. Каримов ва «Эрк» партиясидан унинг раҳбари М. Солиҳ кўрсатилган эди.

Сайлов тўғрисидаги қонунга асосан, Марказий сайлов комиссияси тушган ҳужжатларни кўриб чиқиб, иккала номзодни рўйхатга олди. Республика Президентлигига сайлов ўтказиш давомида, Президент лавозимига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, номзодлар рўйхатдан ўтгандан сўнг, оммавий-ахборот воситаларидан, шу жумладан радио ва телевидениядан тенг равишда фойдаланиш имконияти берилди. Уларга сайлов олди кампаниясида ўз сайловчилари билан учрашишга, ўз дастурларини эълон қилиш учун тенг шароитлар яратилди.

Марказий, округ ва участка сайлов комиссияларининг ҳамма ишлари сайлов тўғрисидаги қонунга асосан, очиқ ва ошкора равишда амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси президентлик сайловини амалдаги қонунлар асосида ўтказиш имкониятини берди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентини сайлашда 10 млн. 515 минг 66 сайловчидан, 9 млн. 915 минг 181 киши ёки сайловчиларнинг 94,3 фоизи сайлов бюллетени олдилар. Сайловда 9 млн. 900 минг 58 киши ёки сайловчиларнинг 94,2 фоизи овоз бердилар.

Республика Президентлигига номзод И. А. Каримов учун 8 млн. 514 минг 136 сайловчи ёки жами сайловчиларнинг 86 фоизи овоз берди. Бошқа номзод учун 1 млн. 220 минг 474 сайловчи ёки жами сайловчиларнинг 12,3 фоизи овоз берди. Участка сайлов комиссиялари томонидан 129 минг 823 бюллетень ёки жами бюллетенларнинг 1,3 фоизи ҳақиқий эмас деб топилди¹.

Ўзбекистонда биринчи мартаба республика Президентини сайлови муқобиллик асосида ўтказилди. Бу Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг сайлов тизимида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатди.

Марказий Сайлов Комиссияси 1991 йил 30 декабрда сайлов натижаларини яқунлаб, сайлов тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан, И. А. Каримов 1991 йил 29 декабридаги сайловда сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги тўғрисида қарор чиқарди. 1991 йилнинг 29 декабридаги референдум натижаларининг аҳамияти шундаки, Ўзбекистон раҳбарияти республика халқларининг иродаси ифода этилишига эҳтиёткорлик билан муносабат билдирди. Бундай муносабат шу жиҳати билан эътиборга сазоворки, фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш сиёсатига халқ муносабатини ўрганмасдан келгуси стратегияни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Шу маънода 1995 йилнинг 26 мартда ўтказилган референдум Президент ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган бўлиб, у нафақат объектив зарурат — Президент ва Олий Мажлис сайловлари муддатини яқинлаштиришнинг балки босқичма-босқич демократик, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳам шаҳодатидир. Шу боисдан Ўзбекистон халқи республикада умуммиллий ҳамжиҳатликни таъминлайдиган ҳокимиятнинг яхлит тизимини яратишга интилишни, демократик ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти қуриш йўлини қувватлади².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Президенти сайлови якуни. Ўзбекистон Республикасида мустақил давлатнинг пайдо бўлиши. — Т., 1992. — 50-б.

² Қаранг: Тожиҳонов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. — Т., 1996. 7-б.

И. А. Каримов 1992 йил январда Республика Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясида қасамёд қабул қилди. 1992 йил 4 январиди эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ўз қарори билан И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 1991 йил 31 январдан киришди, деб эълон қилди¹.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий мақомига, хусусан, 93-моддаси республика Президентининг ваколатларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияда кўрсатилган ваколатларини мақсади, мазмунига кўра, шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) қонунчилик ва қонунийлик соҳасидаги ваколатлар; 2) давлат органларини тузиш соҳасидаги ваколатлар; 3) фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, бурчлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги ваколатлар; 4) халқаро муносабатлар соҳасидаги ваколатлар.

1. Ўзбекистон Президентининг қонунчилик ва қонунийлик соҳасидаги ваколатлари. Бу ваколатларнинг асослари Ўзбекистон Конституциясида белгиланган. Республика Президенти, биринчи навбатда давлат бошлиғи сифатида давлат ва жамият ривожланишининг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқади ва уларни Олий Мажлис йиғилишларида эълон қилади. Президентнинг бундай дастурларида республика олдида турган вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари, қонунчилик соҳасидаги асосий йўналишлар кўрсатиб берилади.

Республика Президенти давлат раҳбари сифатида қонунчилик жараёнининг бевосита иштирокчисидир. Конституциянинг 82-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. У Олий Мажлисга қонун лойиҳаларини ёки бирор масала бўйича қонун ишлаб чиқишни таклиф этиши мумкин. Бу билан республика Президенти қонунлар яратилишининг бошланғич даврида иштирок этади. Республика Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳалари муҳокама қилинаётганда

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ахборотномаси. 1992. 1-сон.

истаган вақтида сўз олиб, ўз фикрини билдириши мумкин.

Конституция 93-моддасининг 14-бандига асосан, республика Президенти Олий Мажлис томонидан қабул қилган қонунларни имзолайди. Бу ҳолат эса Олий Мажлис қабул қилган қонун фақат республика Президенти имзосидан кейингина кучга киришини билдиради. Қонунга эътирози бўлганда, Президент ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга, тасдиқлашни кечиктиришга ҳақлидир.

Агар Олий Мажлис ўзи қабул қилган қонунни илгариги ҳолатда депутатларнинг учдан икки қисмининг овози билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди. Президент қонунийликни таъминлашнинг кафилидир. Унинг бу соҳадаги фаолияти қонунийликни таъминлашда иштирок этувчи органларни тузишда, уларнинг фаолиятини назорат қилиб туришда ўз ифодасини топади. Республика Президенти прокуратура органларининг раҳбарларини тасдиқлайди, уларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини назорат қилади. Бундан ташқари республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва давлат қонунларига амал қилинишига, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунчиликни амалга оширишларига керакли шароитлар яратади.

2. Президентнинг давлат органларини тузишдаги ваколатлари. Ўзбекистон Конституциясида республика Президентига давлат органлари тузиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш борасида катта ваколатлар берилган. Бунда уларнинг айримларини республика Президенти бевосита ўзи тузади ёки уларни тузиш, тайинлаш, сайлаш, тасдиқлаш учун тавсия қилади.

Республика Президенти давлат раҳбари сифатида республикадаги давлат олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг ишларини йўналтириб, уларнинг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаб туради. У ҳокимият ва бошқарув органларини боғлаш вазифасини бажаради.

Ўзбекистон вазирликлари, давлат қўмиталари ва уларга тенглаштирилган идоралар ижроия ҳокимият раҳбари бўлган республика Президентининг фармони билан тузилади ёки тугатилади. Ушбу фармонлар тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритилади. Бош вазир, унинг биринчи ва бошқа ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг бош-

қа аъзолари ҳам республика Президенти томонидан тайинланади ёки лавозимдан озод қилинади. Олий Мажлис ушбу фармонларни тасдиқлайди.

✦ Президент Ўзбекистон Конституциявий судининг раиси ва аъзолари, Олий Суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари лавозимларига номзодларни, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, Марказий банк бошқарувининг раиси лавозимига номзодларни Олий Мажлисга тақдим этади.

✦ Президент Республика Бош Прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимдан озод қилади ҳамда бу масалани тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритади. Вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди.

✦ Вилоят, туман, шаҳар судлари ва тегишли ҳудуддаги ҳўжалик судлари республика Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади.

Конституция 93-моддасининг 12-бандига асосан, республика Президенти Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ тушадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини ҳам ўз қарори билан лавозимдан озод этишга ҳақлидир. Бундан ташқари республика Президенти миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

Президент Республика Куролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. У Куролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Конституциянинг 95-моддасида республика Президентига ўта муҳим ваколат юкланган бўлиб, бу Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқидир. Республика Олий Мажлиси қонунчилик фаолиятида ҳал қилиш қийин бўлган қарама-қаршилиқлар, ихтилофлар бўлиши ёки Олий Мажлис бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар Олий Мажлиснинг нормал фаолиятини таҳдидга солади.

Республика Президенти давлат бошлиғи сифатида бундай ҳолларда ўзининг конституциявий ваколатларидан фойдаланиб, ихтилофни ҳал қилиш чораларини қўради. Ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юзага келган тақдирда, Конституциянинг 95-моддасига кўра, Ўзбекис-

тон Республикаси Президентига Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқи берилган. Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

3. Республика Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, бурчлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Конституциясида Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир, деб белгиланган.

Республика Президенти ўз лавозимига киришиш пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан», — деб қасамёд қабул қилади.

Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини республика ҳудудидагина эмас, балки унинг ташқарисида, бошқа чет давлатлар ҳудудларида ҳам таъминлашнинг асосий кафили бўлади.

Ўзбекистон Президенти республика фуқаролигига қабул қилиш, фуқароликдан чиқариш, сиёсий бошпана бериш масалаларини ҳам ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва фахрий ёрлиқлари билан фуқароларни мукофотлайди.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам республика Президентига катта ваколатлар берилган. Президент инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун шахсан жавобгардир. Республика Президенти фуқаролар хавфсизлигини сақлаш учун керакли чоралар кўради. Жумладан, фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

Шунингдек, Президент давлат миқёсидаги катта байрамлар ва тантаналарга бағишлаб, амнистия тўғриси-

да ҳужжатлар қабул қилади, Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади.

4. Республика Президентининг халқаро муносабат соҳасидаги ваколатлари. Аввал айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Президенти халқаро муносабатларда республика номидан иш кўради. Унинг халқаро соҳадаги ваколатларини ана шу қоида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, республика Президентининг халқаро соҳадаги ваколатлари янада кенгайди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ таркибида бўлган вақтда халқаро миқёсда алоқа қилишга умуман ҳуқуқи йўқ эди. Мустақилликка эришгандан сўнггина, у халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этмоқда.

Республика Президенти биринчи навбатда мамлакат халқаро сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, ўз давлатининг вакили сифатида халқаро муносабатларда юқори вакилликни олиб боради; чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан музокаралар ўтказди, битим ва шартномалар тузади, уларни имзолайди, республиканинг тузилган ҳужжатларга рияз этишини таъминлайди.

Республика Президенти ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади; Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади.

Республика Президенти мамлакатимизга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш ҳуқуқига эга ва бу туғридаги қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

Республика Президенти Конституцияда кўрсатилган ушбу ваколатларини амалга ошириш учун ёрдамчи тарихида Президент девонини тузади ва унинг ишига раҳбарлик қилади. Республика Президентининг девони алоҳида давлат ҳокимияти органи ҳисобланмайди. Унинг вазифасига Президентнинг ваколатларини амалга оширишда зарур ташкилий, ҳуқуқий-маслаҳат, моддий-техник ва бошқа ҳар томонлама шароит яратиб бериш, Президент-

нинг бошқа давлат тизими органлари билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам бериш киради. Республика Президенти ўз фаолиятининг асосий соҳалари бўйича давлат маслаҳатчиларини тайинлайди ва улар орқали Президент девони ишига раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикасида Президент бошқаруви тизими доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Ҳаётнинг ҳар хил соҳаларига раҳбарлик қилиш учун янги органлар ташкил этилмоқда. Масалан, Республика Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги биринчи сессиясида давлатдаги олий мансабдор шахсларнинг маслаҳат органи сифатида республика Президенти ҳузурида хавфсизлик кенгаши тузиш таклиф қилинган эди. «Хавфсизлик кенгаши миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаши ва бунинг учун жавобгар бўлиши лозим. Кенгашнинг вазифалари кўп қиррали ва мураккабдир. У ушбу соҳада миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини ва давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқишга жавоб бермоғи керак. Шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар мажмуи Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлигида режалаштирилади ва амалга оширилади» — деган эди республика Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги нутқида¹.

Бундан ташқари, ислоҳотлар йўлини бундан буён ҳам жадал амалга оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммолар юзасидан қабул қилинган қарорларни биргаликда муҳокама этиш ва қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида махсус Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш тузилган. Кенгаш ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чоратадбирларини ишлаб чиқади, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлайди, республикада иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқади, иқтисодни ҳар томонлама ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилади ва улар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқа-

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.3. 1996. — 53-6.

ди. Бу тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асос бўлади.

Республика Президентининг Конституциянинг 91-моддасига мувофиқ, ўз вазифасини бажариб турган даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолат Президентнинг ижроия ҳокимиятини бошқаришидан ва ҳокимият бўлиниши принципига асосан қонунчилик ҳокимиятидан мустақил бўлиши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Президент давлат бошлиғи сифатида бевосита сайловчилар томонидан сайланади, ўз ваколатларини халқдан олади. Унинг дахлсизлиги қонун билан мустаҳкамланган. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бўлган шахс бу лавозимни сурункасига икки муддатдан ортиқ эгаллаши мумкин эмас.

Республика Конституциясининг 97-моддаси бу масалани жуда одилона ҳал қилган. Бу моддага биноан, ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди. Бу одилона конституциявий норма давлатчилик соҳасидаги катта тажрибага, билимга эга бўлган, Ўзбекистон мустақиллиги, равнақи, обрўси учун катта хизмат қилган шахсдан халқ манфаати учун яна фойдаланиш имкониятини беради. Бундай тажрибалар хорижий давлатчилик тарихида учраб туради ва бу ҳолат кўплаб давлатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланган.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият раҳбари сифатида ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий нормалар яратиш фаолияти билан ҳам шуғулланади. Конституциянинг 94-моддасида кўрсатилганидек, Президент Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Бу шуни англатадики, Президент фармони, Олий Мажлис томонидан қўшимча тасдиқлашни талаб қил-

майди. Ушбу фармонларда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, мулкчиликнинг ҳар хил турлари, аҳолининг ночор табақаларини ижтимоий муҳофаза қилишга доир масалалар ўз аксини топади.

Президент фармонлари ижроия ҳокимият таркибига кирувчи давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актлар ичида энг катта кучга эга бўлган қонун ҳужжатидир.

Маълумки, фармонлар Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига мувофиқ равишда, уларнинг ижросини таъминлаш, Президентнинг конституциявий ваколатларини амалга ошириш мақсадида чиқарилади. Шунинг учун Президент фармонларини Конституция даражасидаги ҳуқуқий акт деб айтиш мумкин. Ҳозирги иқтисодий ислохотлар жараёнида Президент фармонини қонун ижроси учунгина чиқариладиган воситачи акт деб тушунмаслик керак¹. Чунки Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, гоёт муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айти шу фармонлар ислохотларнинг асосий ғоясини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорларнинг қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми Президент фармонларида очиб берилди.

Шу боис ҳам Президент ваколатларининг ижроси юзасидан чиқарилган фармонларни қонунлар орқали ёки бошқа органларнинг актлари билан бекор қилиш ёки ўзгартириш мумкин эмас. Чунки ҳокимиятлар тақсимланиши принципига асосан, давлатнинг бир органи иккинчисининг ишига аралashi мумкин эмас. Бундай масалалар конституциявий механизмлар асосидагина ҳал этилади.

Республика Президентининг фармонлари жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва мафкуравий соҳалари бўйича қабул қилинади. Бу фармонлар қаратилган объектларнинг тавсифи ва келтириб чиқарилган ҳуқуқий оқибатига қараб норматив ва норматив бўлмаган фармонларга бўлинади.

Норматив фармонлар кўп марта қўлланишга мўлжал-

¹ Қаринг: *Одилқориев Х.* Президент фармонларининг ҳуқуқий табиати // *Ҳаёт ва қонун.* 1993. 3-сон. 14-б.

лаб чиқарилади ва маълум норматив қондани ўрнатади. Бундай фармонлар ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун мажбурийдир.

Норматив бўлмаган фармонлар (индивидуал фармонлар) эса айрим шахсларга қарата чиқарилган бўлиб, айнан улар учун дахлдор бўлган ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради. Жумладан, конкрет шахсга унвон бериш, тақдирлаш ёки афв этиш тўғрисидаги фармонлар бунга мисол бўла олади.

Шундай қилиб, республика Президентининг фармонлари республиканинг стратегик характерга эга бўлган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатиدير. Фармонлар билан бир қаторда республика Президенти давлат ва ижроия органлари бошлиғи сифатида узининг конституциявий ваколатлари доирасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган қарорлар ва фармойишлар ҳам чиқаради.

Президент фармонларида қабул қилинган ечимлар унинг қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва зарур чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Қарорлар воситасида иқтисодий ислоҳотнинг жадал суратда бориши ҳуқуқий жиҳатидан тартибга солинади, иқтисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларида ўзгартишлар қилинади.

Республика Президентининг кўпгина қарорлари муаммоларнинг баён этилиши ва мазмуни жиҳатидан белгиловчи характерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг айрим бўғинларида ислоҳотларни авж олдиришнинг бошлангич нуқтаси бўлиб хизмат қилади¹.

XXI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

1. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига ва 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон. 1996, 195—196-б.

си тўғрисида»ги қонуннинг¹ 1-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда самарали фаолият кўрсатишига, қонунларнинг ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг бажарилишига раҳбарликни таъминлайдиган ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига раҳбарлик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси тасаруфида бўлган ва давлат ва хўжалик бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича ўз ваколатига кирувчи барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг ижроия ҳокимият органи сифатидаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўлиқ кўрсатиб берилган. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиялик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, уларга зарур ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чора-тадбирларни кўради. Республика Президентининг бундай тадбирлари натижасида Ўзбекистонда давлат қурилишида катта муваффақиятларга эришилди. Буларнинг ҳаммаси давлат тизими органларининг фаолиятини уйғунлашти-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. — 1993. 5-сон. 202-модда.

риш ва уларнинг ҳамкорликда ишлашни таъминлади, давлат органларидаги интизомни кўтарди, пировардида республика иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг ривожланишига олиб келди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва тузилиш тартиби

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари қирадилар.

Ижроия ҳокимияти раҳбари бўлган республика Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини — Вазирлар Маҳкамасини тузади. У Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзоларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масала Республика Олий Мажлиси тасдиғига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига қиради. Бу Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикаларининг олиб бораётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий йўлининг бирлигини таъминлаш имкониятини беради.

Республика ҳукумати олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси билимдон мутахассислар, тажрибали ишлаб чиқариш ташкилотчилари, хўжалик органларининг раҳбарлари, таниқли иқтисодчи олимларни ўз ишига жалб қилиши мумкин. Уларнинг ташкилотчилик қобилияти, мутахассислик даражаси, маҳорати бозор иқтисодига ўтиш шароитида Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини самарали ташкил этишга ва муҳим масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

3. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабати

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабати тўлиқ кўрсатиб бе-

рилган. Масалан, ушбу қонуннинг 4-моддасида янги сайланган Олий Мажлис олдида Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши кўрсатилган. Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилишича, янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати давридаги фаолиятининг дастурини кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу дастур асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди, давлат бюджетини ишлаб чиқади, унга ўзгартишлар киритишни таклиф этади ҳамда Олий Мажлисга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз иши тўғрисида Олий Мажлис олдида ҳисоб бериб туради. Олий Мажлис эса, ўз навбатида, ҳукумат аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органининг фаолияти юзасидан ҳисоботини эшитиши ҳамда, зарур бўлганда, уни истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга таклиф киритиши мумкин.

Қонун бўйича, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Олий Мажлис, унинг қўмиталари ва комиссияларининг йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳукуматнинг қонун чиқарувчи орган билан яна бир муносабати Олий Мажлиснинг депутатлари Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг айрим аъзолари фаолиятига тааллуқли масалани кўрган, Бош вазир ана шу масала юзасидан зарур тушунтириш ва изоҳларни олиш ҳамда бериш ҳуқуқига эгалигида намоён бўлади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг ҳукумат фаолиятига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ва улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ва комиссияларига улар билан келишилган муддатларда ахборот беради.

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунда, ушбу органнинг Олий Мажлис депутатлари, қўмиталари ва комиссияларининг сўровларига жавоб беришига доир масалаларга ҳам ўрин берилган. Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилишича, Олий Мажлис сессияларида депутат-

лар, депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Вазирлар Маҳкамасига ёки ҳукумат аъзосига ҳукумат ёки унга бўйсунувчи давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг фаолиятига доир сўров билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Бунда ҳукумат аъзолари Олий Мажлис сессияларида уч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўртасидаги муносабатлар бутунлай бошқача тус олди. Мустақилликдан аввал икки республика ҳукуматларининг муносабатлари маъмурий-бошқарув тизими принциплари асосига қурилган бўлса, бу республикалар мустақилликка эришгач, уларнинг муносабатлари шартномалар асосида амалга оширилмоқда. Қонуннинг 8-моддасида ушбу ҳолат ўз ҳуқуқий аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Республика Президентининг фармонлари ҳамда ҳужалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалалари бўйича бошқа актларнинг қандай бажараётганлиги ҳақидаги ахборотларини эшитади; Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади; Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон қонунларига ва ҳуқуқий нормаларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўяди.

Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикалари ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа соҳадаги муносабатларга доимий ва кенг тус берилиши Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий ваколатхонасини тузишга олиб келди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан маълум муносабатларда бўлади. Бундай муносабатларнинг турлари ва ҳажми «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида тўлиқ кўрсатилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати сифатида жуда кенг ваколатларга эга. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган.

Ушбу қонунга биноан, Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополлаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади.

Республика ҳукумати хўжалик юритишнинг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради.

Вазирлар Маҳкамаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Юқорида кўрсатилган ваколатлардан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси:

— республика бюджетини, шунингдек, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади;

— бошқарув тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

— фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

— фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш,

уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

— соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларининг қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

— давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, катта авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

— ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вазирликларнинг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, улар ҳақидаги низомларни тасдиқлайди, уларнинг марказий аппарати ходимларининг сонини ва уларга сарфланадиган маблағнинг ҳажминини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси вазирларнинг ўринбосарларини давлат кўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бош бошқармалар ҳамда бошқарувнинг бошқа органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Вазирлар Маҳкамаси бундан ташқари вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг фаолиятини назорат қилади ва бу органларнинг актлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Демак, ҳукумат республика ҳаётининг иқтисодий, иж-

тимойи ва маънавий соҳаларига раҳбарлик қилади, ислоҳотларнинг асосий ҳуқуқий ташкилотчиси ҳисобланади. Ҳукуматнинг сиёсати ҳуқуқий асосда қурилган бўлиб, мафкура ҳукмронлигидан холидир¹.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда ҳукумат фаолиятини ташкил этиш тартиби тўлиқ кўрсатилган. Хусусан ушбу қонуннинг 13-моддасида кўрсатилишича, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилади:

— Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек ҳукумат ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

— бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари, республика ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурларининг лойиҳалари;

— давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг кўламига доир таклифлар;

— солиқ ва давлат божларининг ставкаларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

— давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

— белгилаб қўйилган давлат нархларида сотиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган қонунларининг лойиҳаси;

— давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси иш тартиби» билан белгиланган.²

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари республика Президенти — ҳукумат Раиси бошчилигида ёки унинг

¹ Қаранг: *Тожихонов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. — Т., 1996. — 77-б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами. — 1993. 11-сон. 40-модда.

топшириғига биноан, Бош вазир томонидан йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Қонунда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг вазифалари аниқ кўрсатилган. Масалан, Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, кейинчалик бу масала Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан тасдиқланади. Президентнинг топшириғига биноан, халқаро муносабатларда республика ҳукумати номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади. Қонунда кўрсатилишича, Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосари бажаради.

Бош вазирнинг ўринбосарлари эса вазирлар ваколатининг тақсимотига мувофиқ, ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар. Улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар, Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

Қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар. Улар Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида маълум масалаларни кўриб чиқишда иштирок этадилар, Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун таклифлар киритадилар ҳамда қарорлар ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда пул туланадиган бошқа лавозимни эгаллаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий ишини таъминлаш мақсадида, унинг доимий тузилмаси сифатида, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибда **Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати** фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Респуб-

ликаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари қарорлар, фармойишлар ва баён-қарорлар шаклида чиқарилади. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида доимий ва вақтинчалик комиссия тузади ва уларнинг аъзолари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чиқарадиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари у қабул қиладиган ҳужжатлар, қарорлар ва фармойишлар орқали амалга оширилади. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Республика Президентининг фармонлари ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун асосида қабул қилинади. Ушбу қонуннинг 20-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади. Республика Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деган асарида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳусусида тўхталиб шундай деган эди: «Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислоҳотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан жадал суратда тартибга солиш, иқтисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади. Ҳукумат даражасида қабул қилинадиган чоратадбирлар ғоят муҳим халқ хўжалик муаммоларини ҳал қилишга бўйсундирилади, ислоҳот жараёнининг ҳамма қатнашчиларини бу жараённинг ғоят муҳим томонларига йўналтиради. Кўпгина қарорлар муаммоларнинг

баён этилиши ва мазмуни жиҳатидан белгиловчи характерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг айрим бўғинларида ислоҳотларни авж олдиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади»¹.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир томонидан имзоланади.

Шошилиш ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар қонунга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида чиқарилади. Бундай ҳужжатлар ҳам Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир ёки унинг биринчи ўринбосари топшириғига биноан, Бош вазир томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши бевосита ёки вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари орқали назорат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, тегишли қарорлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни тайёрлаш Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб боришни Вазирлар Маҳкамаси аппарати амалга оширади.

XXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўзининг давлат органлари ва ҳуқуқ тизимини қайта шакллантиришга киришди. «Ўзбекистон Республикаси-

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т., 1996. — 195—196-б.

нинг мустақиллик асослари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлиш тартиби асосида қурилиши белгиланган эди. Шу асосда мустақил Ўзбекистон давлат органларининг вазифаларини чегаралаш, уларнинг ўз вазифаларини мустақил асосда бажариш ва шу билан ўз фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини яхшилаш учун чоралар кўрила бошланди. Бу ишларни амалга ошириш учун ўзбек миллий давлатчилик анъаналарига мурожаат қилиниб, маҳаллий ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида ҳоким лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги¹ 1992 йил 4 январь қонуни республикада маҳаллий ҳокимият органларининг янги тизими вужудга келишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонунда кўрсатилишича, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозимини таъсис этиш лозим деб топилди.

Ушбу қонунга биноан, вилоятларнинг ҳокимлари республика Президентининг жойлардаги расмий вакиллари бўлиб, тегишли вилоят Кенгашларига ҳисоб берадилар. Улар Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар ҳамда, шундан сўнг, халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар; туманлар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланадилар.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланадилар. Бу қонун қабул қилинган, маҳаллий ҳокимият органлари тизими ва уларнинг шаклланишига катта ўзгартишлар киритилди; жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари икки мустақил ор-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ тўққизинчи сессия. 1992. 13—14 январь. — Т., 1993. 24—25-б.

ганларга (вакиллик ва ижроия ҳокимиятига) бўлинди; ижроия ҳокимияти органлари вакиллик органларига тўғридан-тўғри бўйсунмайдиган орган бўлдилар; жойларда яккабошчилик асосида иш олиб борувчи, икки маҳаллий органга раҳбарлик қилувчи ҳоким лавозими таъсис этилди.

Юқорида кўрсатилган қонуннинг, маҳаллий ҳокимият органларини шакллантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январь куни унга Конституциявий қонун мақомини берди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг конституциявий асослари мустаҳкамланган. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизими; тузилиш тартиби; уларнинг ваколатлари; фаолиятининг шакллари; ўзини-ўзи бошқариш органлари ва қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги конституциявий нормалар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига биноан, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлар, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Демак, Конституциянинг бу моддасига биноан, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда ташкил этилади. Туманларга бўйсунадиган ва шаҳар таркибига кирувчи туманларда эса давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил этилмайди. Бу жойларда фақат ижроия ҳокимияти органлари — ҳокимлар бўлиши назарда тутилади.

Маҳаллий вакиллик органларига ҳам ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳоким раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлиги асосан вакиллик органларининг ишини ташкил этиш ва йўналтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»² қонун қабул қилиб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ тўққизинчи сессия (1992 йил 13-14 январь). — Т., 1993. — 49-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ ўн учинчи сессия. (1993 йил 2-3 сентябрь). — Т., 1994. — 13-б.

маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги конституциявий нормаларни аниқлаштирди ва уларни ҳаётда қўллаш учун аниқ ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамлади. Мазкур қонун маҳаллий ҳокимият ва ижроия ҳокимияти органларининг тизимини, уларни ташкил этиш тартибини, уларнинг вазифаларини, ваколатларини, ташкилий фаолиятининг шакллларини кўрсатиб беради.

Бу қонун маҳаллий вакиллик органларининг иқтисодий ва молиявий асосларини белгилаб берди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг асосий хусусиятларидан бири шуки, у ҳамма поғонадаги маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ягона қонун асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солди (шу давргача маҳаллий ҳокимият органлари ҳар бир поғонасининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида-алоҳида қонунларда белгиланар эди).

Бундан ташқари, ушбу қонун маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимиятлари органларининг янги тизимини мустаҳкамлади.

Шўролар даврида Ўзбекистонда барча маъмурий-ҳудудий бўлақларда давлат вакиллик органлари ташкил этилар эди. Қишлоқлар, овуллар ва посёлкаларда, туманга бўйсунувчи шаҳарларда вакиллик ҳокимияти органлари ташкил этилар, натижада вакиллик ҳокимияти органлари тизими кўп сонли органлардан иборат бўлар эди. Кенгашлар иш тажрибаси шуни кўрсатдики, маъмурий-ҳудудий бўлақлардаги вакиллик органлари номигагина тузилар ва юқори поғонадаги вакиллик органларининг фаолиятини такрорларди, холос. Қуйи поғонада, мустақил ҳал қилинадиган ишлар деярли йўқ эди. Уларни сайлаш эса ортиқча ташвиш ва харажатларни келтириб чиқарар, кишиларни асосий ишлардан чалғитар эди¹.

Мазкур қонун шаҳар таркибига кирувчи туманларда ҳам вакиллик органлари тузишни назарда тутмайди. У жойларда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштириш, ижроия ҳокимиятини кучайтириш мақсадида ҳокимлар тайинланади ва улар юқори турувчи ҳокимнинг шу ҳудуддаги вакиллари ҳисобланадилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши давлат ҳокимиятининг вакиллик органи ҳисобланади. У вилоят, туман ва шаҳарларда ташкил этилади. Вилоят, туман ва шаҳарларда шу ҳудудларнинг олий мансабдор шахси — ҳоким

¹ Қаранг: *Хусанов О.* Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуни. — Т., 1995. — 13-14-б.

вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ҳокимларнинг вакиллик органларига раҳбарлиги вакиллик органларининг ишини ташкил қилишга қаратилгандир.

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман ва шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар.

Тошкент шаҳридаги туманларда вакиллик органлари бўлмаганлиги туфайли Тошкент шаҳридаги туман ҳокимларини бевосита Тошкент шаҳар ҳокими тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, улар Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашида тасдиқланади. Ўзбекистон Конституцияси 93-моддасининг 12-бандига биноан, «Конституцияни, қонунларни бузган ёки шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли». Бу тартиб ҳокимларда масъулият ҳиссини янада кучайтиради.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида кўрсатилишича, туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда, вилоят ҳокими шаҳар ҳокимини туман ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади. Қонунда бундай ҳолатни кўрсатишдан мақсад, ҳокимлик тизимини мустақамлаш ва унинг ишини самарали ташкил қилиш, бошқарув аппаратини ихчамлаштириш ва арзонлаштиришдир. Халқ депутатлари барча поғонасидаги Кенгашларининг ва ҳокимнинг ваколат муддати беш йил.

Қорақалпоғистон Республикаси мустақил давлат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси таркибида бўлганлиги учун, Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли ҳудуд ҳокимларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Маҳаллий ҳокимият тўғрисида»ги қонун билан ҳамда Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонунлари билан тартибга солинади.

2. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига бе-

рилган вазифалар кўрсатилган бўлиб, улар маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг конституциявий асослари ҳисобланади.

Бу моддага биноан, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига қуйидагилар киради:

— қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

— маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

— маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

— фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

— норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бу вазифалар маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг биргаликда амалга оширадиган вазифалари бўлиб, уларнинг ваколатлари шу вазифалардан келиб чиқади. Конституция вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг вазифаларини аниқ ажратиб кўрсатмаган бўлса-да, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда турли органларни шу мақсад сари йўналтирувчи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ролни ўйнайди. Улар мазкур ҳудудда қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш чораларининг умумий йўллари, тадбирларини ишлаб чиқади ва шу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади. Маҳаллий ҳокимият органларининг бу соҳадаги ваколатлари тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга раҳбарлик қилади. Маҳаллий Кенгашлар ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини

тасдиқлайди. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига асосан, маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси мулки бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби соҳаларда назоратни амалга оширадilar. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкани чегаралаш натижасида ўзига берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ихтиёридаги мулкларнинг хўжалик фаолиятдан ва бошқа воситалардан вужудга келган даромадларни ва шу даромадлар ҳисобидан орттирилган мол-мулкни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вакиллик органлари, ҳокимлар ўз мулкларини қонунга зид бўлмаган тартибда вақтинча фойдаланиш ёки доимий эгалик қилиш учун бошқа шахсларга бериш ҳуқуқига эгадирлар. Маҳаллий органлар бу ҳуқуқдан ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида фойдаланадилар.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ер муносабатлари соҳасидаги ваколатлари Қонуннинг 10-моддасида мустақамланган. Чунончи, вилоят, шаҳар ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек, ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, унинг бу хусусда қабул қилган қарорлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳам ҳал қиладилар.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида саноат, қурилиш, алоқа воситалари, қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, ижтимоий ва маданий соҳаларга раҳбарликни амалга оширадilar. Ушбу органларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш, лавозимидан озод қилиш, шу органларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига киради. Бу ҳам

раҳбарликнинг бир шаклидир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик бўйича аниқ вазифалари ва ваколатлари амалдаги қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий соҳилар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш вазифаси ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда, давлат органларини сақлаб туришда зарур моддий базани вужудга келтиришга қаратилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда маҳаллий ҳокимият органларининг бу масаладаги ваколатлари ажратиб кўрсатилган. Масалан, кўрсатилган қонуннинг 25-моддасига биноан, ҳокимларнинг ваколатига бюджет лойиҳаларини тайёрлаш, бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш, ижрони ташкил қилиш кирса, 24-моддада кўрсатилганидек, халқ депутатлари Кенгашлари ваколатига ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни тасдиқлаш қиради.

Шунингдек, уларнинг ҳар иккаласига тааллуқли ваколатлар ҳам кўрсатилган. Масалан, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг муҳим қисмидир. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда, ҳокимлар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган масалаларни ҳал қилиши таъкидланган. Ҳокимлар ўз ҳудудида коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга раҳбарлик қилади. Коммунал хўжалик тармоқлари, ҳокимликларнинг таркибий бўлинмалари орқали бошқарилади. Уларнинг бошлиқлари ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Бу масала маҳаллий Кенгаш сессиясида тасдиқланади. Маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимлар коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини назорат қилиб борадилар.

Бундан ташқари, Конституция нормаларига асосан, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлайдилар. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу соҳадаги ваколатлари бевосита қайд этилмаган, лекин қонуннинг моддаларида кўрсатилишича, ҳокимларнинг ва уларга қарашли

ижроия органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича ваколатлари, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларининг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Маҳаллий давлат органлари фуқаролик ҳолати актларини қайд этувчи органларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, бу органларнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Қонуннинг 25-моддасида кўрсатилишича, юқорида кўрсатилганлардан ташқари ҳокимларнинг асосий вазифаси Конституция, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари ижросини ташкил этишдир.

Бундан ташқари ҳокимлар жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза қилиш чоратадбирларини кўрадилар, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этадилар, агар қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорлари Конституция, қонунлар ва бошқа юқори ташкилотлар қарорларига зид бўлса, уларни бекор қиладилар; раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ижроия ҳокимияти бўлинмаларининг ишини назорат қиладилар; халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритадилар; давлат мукофотлари билан тақдимлашга доир илтимосномаларни қараб чиқадилар ва улар юзасидан таклифлар киритадилар, республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўрадилар; аҳолини қабул қилишни ташкил этадилар, фуқароларнинг таклиф ва шикоятларини кўриб чиқадилар ва ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳал этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилишича, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида норматив ҳужжатлар қабул қиладилар. Улар қарор ва фармойишлар шаклида бўлиши мумкин. Маҳаллий Кенгаш ўз қарорларини коллегиял асосда қабул қилса, ҳоким яккабошчилик принципи асосида қабул қилади. Улар қабул қилган қарорларнинг ушбу ҳудудда бажар

рилиши шартдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда, юқорида келтирилганлардан ташқари, фақат халқ депутатлари Кенгашларининг ўзига тааллуқли бўлган ваколатлар ҳам кўрсатилган. Масалан, амалдаги қонунларга мувофиқ, маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш; ҳоким ва унинг ўринбосарларини лавозимда тасдиқлаш ва лавозимдан озод этиш; халқ депутатлари Кенгашининг иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш; халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш; бўлимлар, бошқармалар ва бошқа бўлинмаларнинг ҳисоботларини тинглаш; халқ депутатларининг сўровларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш; ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш.

3. Маҳаллий ҳокимият органлари ташкилий фаолиятининг шакллари ва актлари

Маҳаллий вакиллик органлари коллегиял органдир. Улар ўз ваколатларини амалга оширишлари учун депутатларнинг тўла иштироки талаб этилади. Шунинг учун, маҳаллий Кенгаш ишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессиядир. Фаолиятнинг сессия шаклидагина вакиллик органлари тўлақонли давлат ҳокимияти органи сифатида ишлайдилар. Сессияда асосан Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар муҳокама қилинади, ҳисоботлар эшитилади ва бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилинади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг сессиялари тегишли даражадаги ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб йилига камида икки марта чақирилади. Шунингдек, сессия тегишли Кенгаш депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин. Депутатлар Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарор ҳақида сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинадилар.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса, Кенгашнинг қарорига ёки ҳокимнинг гопшириғига биноан, мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади. Кенгашнинг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида сессия ҳужжатларини юритиш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун, депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этсагина ваколатли ҳисобланади.

Демократик принципларга асосан, сессия фаолияти кўриладиган масалаларни бутун депутатлар томонидан фаол муҳокама қилиш шаклида ўтказилади. Сессияда қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжатлар очик ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш қарорлари депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кенгаш қарорлари ҳоким томонидан имзоланади ва ўша вақтдан бошлаб кучга киради.

Ҳар бир халқ депутатлари Кенгашлари ўзининг ваколат муддатига депутатлар орасидан доимий комиссиялар тузади. Бундай доимий комиссиялар маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий шаклларида биридир. Уларнинг фаолияти орқали Кенгашнинг ишида доимийлик вужудга келади. Бу доимий комиссиялар депутатларни Кенгаш ишига доимий ва фаол жалб қилиш воситасидир. Доимий комиссияларнинг сони тегишли Кенгашлар томонидан белгиланиб, унинг соҳаларидан келиб чиқади. Доимий ва муваққат комиссияларнинг вазифаси — сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, Кенгаш қарорларини ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш. Комиссиялар тўғрисидаги низом тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, маҳаллий ижроия ҳокимиятига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади ва у якка-бошчилик принципи асосида иш олиб боради. Ҳокимга унинг фаолиятида ўринбосарлари ёрдам беради. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳудудининг миқдори, у ердаги аҳолининг нуфузи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимнинг биринчи

Ўринбосари ва ўринбосарларининг миқдорини белгилайди. Қоида тариқасида ҳоким ўринбосари шу ҳудуд вакиллик органларининг депутатлари орасидан тайинланади ва тегишли Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларини шу ҳудуд ҳокимлари юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайдилар ва лавозимидан озод қиладилар. Бундай қарор эса тегишли Кенгашлар сессиясида тасдиқланади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ тарзда иш бажардилар.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг тузилиши ва штатлари тегишли Кенгашлар тасдиқлаган штатлар ва бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Ҳоким ижро маҳкамаси, ҳокимларнинг ва халқ депутатлари Кенгашларининг бир маромда самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Маҳкаманинг иш тартиби «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонунга асосланиб қабул қилинган низомлар, шунингдек, ҳокимият маҳкамаси ишининг регламенти билан белгиланади. Маҳкама бевосита ҳоким раҳбарлигида ишлайди. Ҳоким котибияти ҳам маҳкама таркибига киради.

Ижроия ҳокимияти бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда ва ҳокимнинг тақдимига биноан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида лавозимга тайинландилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Сессиялар ўртасидаги даврда ҳокимият бўлинмалари-

нинг раҳбарлари ҳоким томонидан лавозимга тайинландилар ва лавозимларидан озод қилинадилар.

Ҳокимнинг бу хусусдаги қарори навбатдаги сессияда албатта тасдиқланиши керак. Қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишнинг бошқача тартиби ҳам белгиланиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ўз фаолияти юзасидан ва ваколати доирасида тегишли қарорлар ва фармойишлар чиқариши тўғрисида айтиб ўтилган эди. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимларининг актлари Конституция, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, республика Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига зид бўлмаслиги кераклиги таъкидланган.

Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари ва ҳокимлар фаолиятининг қонуний бўлиниши турли воситалар орқали назорат қилинади.

Маълумки, Маҳаллий Кенгашларнинг Конституцияга, қонунларга, республика Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади. Қуйи поғонадаги Кенгашларнинг қарорлари юқори поғонадаги Кенгашлар томонидан бекор қилиниши мумкин.

Ҳокимларнинг Конституция ва қонунларга, Президент фармонлари, фармойишлари ва қарорларига, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига зид келадиган, шунингдек, ҳокимларнинг республика манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Президенти томонидан ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатиб қўйилади ёки бекор қилинади.

Ҳокимларнинг қарорларини халқ депутатлари Кенгашлари ҳам, қуйи ҳокимларнинг қарорларини юқори турувчи ҳокимлар ҳам бекор қила олади. Буларнинг ҳаммаси Маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимларнинг фаолиятида қонунийлик принципининг амалга оширилишини кафолатлайди.

Уларнинг ўз фаолиятларини қонунийлик асосида олиб боришларининг яна бир кафолати ҳокимлар чиқарган ҳужжатлар (қарор ва фармойишлар) юзасидан судга шикоят қилиш мумкинлигидир. Ушбу қонуннинг 28-моддасида кўрсатилишича фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳокимлар

чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Шикоят бўйича суд қабул қилган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун, шу жумладан, ҳокимлар учун ҳам мажбурийдир.

Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда прокуратура органларининг ўрни катта. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг¹ 1-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча давлат идоралари каби ҳокимларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишини назорат қилиши белгилаб қўйилган. Демак, прокурорлар фаолияти, ҳужжатларининг ҳокимлар қонуний бўлиши, уларнинг ўз ваколати доирасида ҳаракат қилишини умумий назоратга оладилар. Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасига биноан, прокурор ҳокимларнинг қарорларига нисбатан протест билдириш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига Президент ва ҳукуматнинг ҳужжатларига зид бўлган ва прокурор протест билдирган қарорларини шу ҳокимнинг ўзи ёки юқори турувчи ҳоким ёинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратга қараб эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти қайта кўриб чиқади. Прокурорнинг протестини кўриб чиқиш натижаси дарҳол прокурорга маълум қилинади.

4. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиш тартиби ва ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун²да шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тузилиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгилаб берилган.

Қонунга асосан, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шу-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. — 1993, 1-сон. 29-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1994, 9-сон. 322-модда.

нингдек, уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғини ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Бу органлар ўз мажлисларида раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини икки ярим йил муддатга сайлайдилар.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосий мақсади жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларга кўмаклашиш, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон қонунларини, республика Президентининг фармонларини, Ўзбекистон ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш учун фуқароларни бирлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига кўра, ўзини-ўзи бошқариш органларининг икки босқичи тузилади.

Биринчиси, Ўзбекистоннинг 1978 йилдаги Конституциясига асосан қуйи маъмурий-ҳудудий бўлақлардаги давлат ҳокимияти органларида, яъни қишлоқ, шаҳар ва овулларда, иккинчиси, шаҳарлардаги маҳаллаларда аввалги маҳалла комитетлари ўрнида тузилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳаётга татбиқ этилган ўзини ўзи бошқариш тизими, биринчидан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши талабларини ҳисобга олиб амалга оширилган бўлса, иккинчидан, у шу соҳада дунёда қабул қилинган тизимларга ҳам мос келади¹.

Ўзбекистон шароитида маҳалла, ўз тарихий илдизларига эга. У Ўрта Осиёда шаҳарлар доирасидаги ҳудудий-маъмурий бирлик бўлган ва бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Маҳалла чекланган ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғланганлар.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга асосан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Бу органларни,

¹ Қаранг: *Тўлаганов А. Т.* Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. — Т., 1996. — 156-б.

улар иш олиб борадиган ҳудуд фуқароларининг таклифи-га кўра, туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини, шунингдек, халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва шу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Йиғин чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади.

Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи келган тақдирда, йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни раис ёки унинг маслаҳатчиларидан бири бошқаради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Йиғин баённомаси ва қарорларини раис, унинг йўқлигида эса, маслаҳатчиларидан бири имзолаб, тегишли туман, шаҳар ҳокимига юборади.

Раис ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йиғини тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

Маслаҳатчиларнинг миқдорини йиғин белгилайди. Йиғинга маслаҳатчиларнинг номзодларини раис тавсия этади. Раис ва маслаҳатчилар уларга йиғинда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз берса, сайланган ҳисобланадилар.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз мулкларига ва молиявий манбаларига эга. Улар ўзлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда ўзларига берилган жамоат объектларига, ижтимоий-маиший ва бошқа объектларга, шунингдек, сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулкка эга бўлиб, улардан фойдаланадилар.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари Кенгашлар томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажра-

тиб берадиган маблағлардан таркиб топади. Уларнинг молиявий маблағлари банкдаги мустақил ҳисоб рақамларида сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари маълум ваколатларга эга. Ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда фуқаролар йиғилиши ва раиснинг ваколатлари алоҳида-алоҳида кўрсатилган. Масалан, қонуннинг 16-моддаси фуқароларнинг йиғинига қўйидаги ваколатларни беради: ўзини-ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметаси, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди; раис ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди; ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади; пул маблағлари сарфини назорат қилишни ташкил этади; зарур бўлганида тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди; ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, цехлар ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди; давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан келишилган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, маъмурий комиссия тузади; раиснинг қонун юзасидан қилган баъзи тақдимнома ва қарорларини тасдиқлайди; қонунларга мувофиқ, ер муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Фуқаролар йиғинининг раиси қўйидаги ваколатларга эга: Ўзбекистон Республикаси қонунларини, республика Президентининг фармонларини, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этиш; фуқароларнинг моддий, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш; қонунларда кўзда тутилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, сув идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш; фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламлаштиришда, омма-

вий-сиёсий тадбирларда қатнашишларини ташкил этиш; аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашиш, бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланиш; дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш; аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолатини назорат қилишга кўмаклашиш; қабристонлар, қардошлиқ қабрлари ва бошқа мазорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил этиш; алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолаштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам бериш.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинининг раиси аҳлидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади; аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганда, табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади; тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади; ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилаётганликларидан хабардор этишни ташкил этади, аҳолини фуқаро муҳофазасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади; ночор, кўп болали оилалар ва қарияларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади; аҳоли ўртасида маданий-тарбиявий ишларни амалга оширишни, байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил этади; фуқароларни қабул қилади, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради; фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкый аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа ҳужжатлар беради.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорлар тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби бу органлар тўғрисидаги қонунда белгиланган.

Бу қонун бўйича Раис, котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

XXIII боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳоқимияти тизими, унинг ташкил этилиши ва одил судловнинг конституциявий принциплари

Юқорида кўрсатилганидек, давлат ҳоқимиятининг бўлиниши принципига асосан, суд Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга оширувчи органдир. Одил судлов давлат фаолиятининг бир тури бўлиб, жамиятда содир бўладиган ва ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган ижтимоий келишмовчиликларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилгандир. Одил судлов ўзининг махсус белгилари билан ажралиб туради. У давлат номидан, қонунда белгиланган процессуал шаклда ҳамда фуқаровий, жиноий ва бошқа ишларни суд мажлисларида кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Одил судловни амалга оширувчи суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида суд органларининг фаолияти Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғриси-

да»ги¹ қонунининг 1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Республика Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

Конституция ва қонунда кўрсатилган судлардан ташқари, бошқа бирон-бир давлат органи ёки ташкилотнинг судлов ишини амалга оширишига ёки фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонунда судларнинг ташкил топиши, уларни сайлаш ва тайинлаш тартиби кўрсатилган. Бу қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланадилар ёки тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяларининг сони республика Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар), хўжалик судлари судьяларининг сони тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Олий суд раиси, Олий хўжалик суди раиси тақдимномасига биноан Президент томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқий давлатни шакллантиришга қаратилган демократик принципларга асосланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бошқа ҳеч қандай давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси. — 1993, 10-сон, 367-модда.

органи фуқаровий, жинойй ва бошқа ишларни кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу қонунчиликни амалга оширишни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

«Судлар тўғрисида»ги қонунга асосан, одил судловни амалга ошириш вазифаси фақат маълум ҳуқуққа эга бўлган, ўз бурчини профессионал асосда амалга оширувчи, ҳуқуқшунослик ихтисосига эга бўлган шахсга топширилади.

Кўрсатилган қонуннинг 62-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиб ишлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида беш йиллик, жумладан, судьялик лавозимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган фуқаросигина Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий судининг судьяси бўлиб ишлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиб сайланиш учун эса фуқаролардан олий юридик маълумотга эга бўлиш, ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича камида етти йиллик меҳнат стажига эга бўлиш ва малака имтиҳонини топширган бўлиш талаб этилади.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Одил судловни амалга ошириш принципларидан яна бири судьяларнинг мустақиллигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан, судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Судлар тўғрисидаги қонуннинг 67-моддасида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш кафолатлари кўрса-

тилган. Бу кафолатлар қуйидагилардан иборат: уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш; судьялар дахлсизлиги; одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши; қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши; судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашиш; судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 70-моддаси, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьянинг шахсий дахлсизлигини мустаҳкамлади. Дахлсизлик — судьяга ғайриқонуний таъсир этишдан сақлайди, одил судловни амалга ошираётганида унинг ҳуқуқларини чеклашга имкон бермайди. Қонун моддасидаги бу талаб судьянинг турар жойи, хизмат хонаси, унинг транспорт ва алоқа воситалари, хат-хабарлари, буюм ва ҳужжатларига ҳам тааллуқлидир.

Қонунда судьянинг шахсий ҳавфсизлигини сақлаш чоралари ҳам кўрсатилган. Масалан, судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидангина қўзғатилиши мумкин. Судья, тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Қонунда судья ваколатларининг тўхтатилиш ва тугатилиш тартиби, вазиятлари, уларни жиний ва маъмурий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси суд ҳокимиятини амалга оширишни таъминлайдиган бир неча принципларни мустаҳкамлаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Судларда фуқаролик ва жиноят ишларини ошкора муҳокама қилиш принципи барча жиноят ва фуқаролик ишига тааллуқлидир. Бу принцип фуқаролик ёки жиноят ишларида тараф сифатида иштирок этмаган фуқаролар учун у ёки бу суд ишини суд томонидан муҳокама қилиш пайтида иштирок қилиш имкониятини таъминлаб беради.

Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белги-

ланган ҳоллардагина йўл қўйилади, масалан, суд муҳока-масида давлат ёки тижорат сирларини ошкор қилиш хав-фи мавжуд бўлса ёки жиноят иши жинсий жиноят билан алоқадор бўлса. Ёпиқ суд мажлисига, суднинг ажримига кўра, 18 ёшга етмаган шахслар таклиф қилинмайди. Суд-нинг ҳукми ёки қарори барча ҳолларда очиқ суд мажли-сида эълон қилинади.

Суд фаолиятининг ошкоралигини таъминлашда омма-вий-ахборот воситаларининг ўрни катта бўлганлиги сабаб-ли, судьялар суд жараёнига оммавий-ахборот воситалари ходимларини, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларини таклиф қилишлари мумкин. Бундан ташқари, ошқора суд мажлисларини бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳам ўтказиш мумкин.

Одил судловни амалга оширишда тил тўғрисидаги конституциявий принцип катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига белгиланишича, Ўзбекистонда суд ишларини юритиш ўз-бек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўп-чилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб бораётган тилни билмайдиган суд ишти-рокчиларининг таржимон орқали иш материаллари би-лан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуку-қи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судловнинг асосий принципларидан яна бири — айбсизлик презумпцияси.

Айбсизлик презумпцияси — шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча, унинг айбсиз ҳисобланишидир. Ўзбе-кистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида кўрсатилишича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисоб-ланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қи-лиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ушбу принципга амал қилиниши суд органларининг жазо тўғ-рисида ҳукм чиқаришларидан олдин айнан шу шахснинг айби бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Дастлабки текшириш органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбур, чунки айбланувчи айбсизлик презумпциясига кўра, суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар айбдор деб ҳисоблан-

майди. Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмас. Жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини исботлаш мажбурияти терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир кишининг ҳимоя ҳуқуқи кафолатланади. Қоидага кўра, шахснинг ушбу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади. Адвокат ҳар бир ҳуқуқий масалалар юзасидан малакали ёрдам бериб, жиной ва фуқаровий суд ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги қонунида ҳеч қандай шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадрқимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида Конституциявий суд органини тузиш лозимлиги кўрсатилган эди, ундан аввалроқ — 1990 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси тузилган эди. Ушбу органга, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан, Конституциявий суд сайлангунга қадар унинг вазифасини бажариш вазифаси юклатилган эди. Конституциявий назорат қўмитасининг вазифаси Олий Кенгаш қабул қилган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек, Республика Олий Кенгаши муҳокамасига киритилган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қай даражада мувофиқлигини аниқлаш эди.

Конституциявий суд таркиби Олий Мажлисга сайлов ўтгандан сўнг, Президентнинг таклифига мувофиқ, Олий Мажлис сессиясида сайланди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди республикада конституциявий назорат олиб борувчи олий суд органи ҳисобланиб, ўз ҳокимиятини қонун асосида мустақил равишда амалга оширади. Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиш ва фаолият тартиби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-моддаси ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбе-

кистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун¹ билан белгиланади.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриш Конституциявий суднинг ваколатига киради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди республика Конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ҳудудида Конституция устуңлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаради:

— қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

— Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциянинг 82-моддасига биноан, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаларини тақдим этиши мумкин. Республика Президенти Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, Конституциявий суднинг маслаҳати асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий ҳўжалик судининг ҳужжатлари Конституциявий суд томонидан кўрилмайди. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1995. 9-сон, 178-модда.

Олий Мажлиси томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Конституциявий суд тўғрисидаги қонунида белгиланишича, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Олий Мажлис томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда, Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда беш йил муддатга сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суднинг судьясига қўйиладиган талаблар Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда кўрсатилган. Судьяликка номзод Ўзбекистон Республикасининг сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали фуқароси бўлиши керак.

Конституциявий суднинг судьяси дахлсиздир. У Олий Мажлиснинг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки унга суд томонидан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, шунингдек, шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини қўздан кечириш мумкин эмас.

Конституциявий суд таркибига камида тўрт киши сайланган тақдирда, у ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Конституциявий суднинг раиси, раис ўринбосари ва судьялари вазифаларини бажариш билан бир вақтда депутатлик мандатига эга бўлиши, сиёсий партия аъзоси бўлиши, ҳаракатларда иштирок этиши, ҳақ тўланадиган бирон-бир бошқа лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Конституция ва қонунда Конституциявий суд иш фаолиятининг асосий принциплари кўрсатилган. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, судьялар мустақиллиги, коллегиялик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглигидир.

Конституциявий суднинг мустақиллиги шуни билдирадики, ушбу суд ҳамда унинг судьялари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил иш олиб борадилар ва фақат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар. Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари, сиёсий мойиллиги ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар. Конституциявий суднинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Конституциявий суд фаолиятининг коллегиялик принципи суд ишларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш камида тўрт судьядан иборат тартибда коллегиял амалга оширилишини билдиради.

Конституциявий суд мажлислари очиқ ўтказилади, унинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, Олий суд раиси, Олий хўжалик судининг раиси, республика Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар. Суднинг мажлисига, бундан ташқари зарур маълумот ёки материалларга эга бўлган шахслар, экспертлар ва мутахассислар чақирилиши мумкин.

Конституциявий суд судьяларининг тенглиги шуни билдирадики, Конституциявий суд томонидан масалаларни қараб чиқиш ва қараб чиқиладиган масалалар бўйича овоз беришда Раис, раис ўринбосари ва Конституциявий суднинг аъзолари судьялар сифатида тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати кўрсатилган. Жумладан, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурор Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан Конституциявий суд томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ички фаолияти — мажлисларни тайёрлаш, масалаларни

Конституциявий суд мажлисида кўриш, мажлис ўтказиш тартиби, судьялар ўртасида ишни тақсимлаш тартиби, суд ходимларига қўйиладиган талаблар, иш юригишнинг ўзига хос хусусиятлари ва суднинг фаолият кўрсатишига тегишли бошқа ички масалалар бўлиб, улар Конституциявий суд томонидан қабул қилинадиган «Иш тартиби»да белгилаб қўйилади.

Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда масалаларни кўриб чиқиш муддатлари аниқ кўрсатилган. Масалан, агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд уларни олинган кундан эътиборан етти кунлик муддатдан кечиктирмай ўрганиб чиқишга киришади.

Конституциявий судда тегишли материал олинган пайтдан бошлаб кечи билан уч ой ичида кўриб чиқиладиган масала юзасидан қарор қабул қилинади. Конституциявий суд конституциявийлиги шубҳа туғдирган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади.

Конституциявий суд норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, бир вақтнинг ўзида текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам (гарчи Конституциявий суд қараб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлса-да) тўхтамга келиши мумкин. Конституциявий суднинг давлатларaro шартномалар, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Конституцияга тўла ёки қисман мос келмаслигини аниқловчи қарори ёки ҳулосаси, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини, шунингдек, Конституцияга мос эмас деб топилган ҳужжатга асосланган бошқа норматив актларнинг амал қилишини ҳам бекор қилади.

Конституциявий суднинг тўхтами очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Конституциявий суднинг судьяси овоз беришда бета-раф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас. Мажлисида қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлса, Конституциявий суднинг тўхтами қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Конституциявий суднинг тўхтамига қўшилмаган судьяси ўз фикрини ёзма тарзда баён қилиш ва уни Конституциявий суд мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир. Конституциявий суднинг талаблари унинг ҳал қилувчи қарорларида ёки бошқа шаклда ифодаланиши мумкин.

Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Бошқа ҳолларда Конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий-ахборот воситаларида эълон қилинади ва улар матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди.

Конституциявий суднинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг барчаси учун мажбурийдир.

3. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар назорат қиладилар.

Прокуратура органларининг мақсади ва вазифалари биринчи навбатда қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини, Конституциявий тузум асосларини, сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун¹ ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1993. 1-сон. 29-модда.

Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари ўз фаолиятларини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширадилар:

— инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш;

— барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, давлат назорат органлари, ҳокимлар, муассасалар, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларга риоя этишларини назорат қилиш (умумий назорат);

— жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

— судларда жиноят ишлари кўриб чиқишида давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

— ушланганларни сақлаш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш;

— Қуролли Кучларда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

— жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш, жиноят этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш;

— қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилишда қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги принципларга асосланадилар:

1. Қуйи поғонадаги прокурорлар юқори поғонадаги прокурорларга бўйсунуш тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказлашган тизимни ташкил этадилар. Прокуратуранинг ягона ва марказлаштирилганлиги прокуратура тизимининг барча бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишларининг назоратини амалга оширишда ифодаланadi. Ушбу прин-

цип Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ягона қонунчиликнинг ўрнатилишини таъминлайди.

2. Прокуратура органлари назоратни ва ўз ваколатларини давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий бошқарув идораларидан, мансабдор шахслардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонунларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) қатъий риоя этиб ва фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунган ҳолда амалга оширадилар, Прокуратура фаолияти фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис назоратида бўлади. Прокуратуранинг қонунлар ижро этилишини назорат қилиш, жиноий ишларни тергов қилиш, шикоятлар, аризалар ва хабарларни текшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, мансабдор шахсларнинг аралashi тақиқланади. Прокуратуранинг мустақиллиги прокуратура органларининг ташкилий тузилиши, улардаги бўйсунуш ва ҳисоб бериш тартиби амалга оширилиши билан таъминланади. Ҳар бир прокурор ўз фаолиятида мустақил бўлиб, ўз вазифасини бажаришда қонунларга ва уларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан чиқарилган буйруқлар, қўлланмалар ва кўрсатмаларга амал қилади. Прокурорлар ўз ваколатлари даврларида сиёсий мақсадни кўзлаган сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

3. Прокуратура органлари қонунийлик ҳамда жиноятчиликнинг аҳволи, асосий йўналишлари тўғрисида, бошқарув идоралари томонидан қонунларга риоя этилишини таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги вазифалар қандай бажарилаётганлигидан, тегишлилигига қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлисни, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораларини, Ўзбекистон ҳукуматини, халқ депутатларини маҳаллий Кенгашларини, ҳокимларни хабардор этадилар.

4. Прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, шунингдек, давлат сири ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни сақлаш ҳақидаги қонун талабларига зид келмайдиган даражада ошқора иш кўрадилар.

Прокурорнинг қонунда кўрсатилган ваколатларини бажариш юзасидан қўйган талабларини бажариш барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Прокурор талабларини тула бажаришнинг мажбурийлиги ва прокурорнинг ўз вазифаларини монеликсиз амалга ошириши қонун билан кафолатланган.

Прокуратура тизими Ўзбекистон Республикаси миқёсида Ўзбекистон Бош прокурорига бўйсунувчи прокуратура органлари йиғиндисидан иборат бўлиб, бу қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишининг назоратини таъминлаш билан боғлиқ умумий функцияни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари тизимини Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралар ташкил этади.

Ўзбекистон республикаси прокуратура идораларининг тизимига, шунингдек, транспорт, ҳарбий, табиат муҳофазаси прокуратуралари ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳам киради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан вилоятлар ва туманлар прокуратураларига тенглаштирилган бошқа прокуратуралар, туман прокуратураларига эга бўлган шаҳарларда эса туман прокуратураларига бўйсунадиган шаҳар прокуратуралари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тузиладиган транспорт, табиат муҳофазаси прокуратуралари, бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар вилоятлар, туманлар прокуратуралари, туманлараро прокуратуралар ёки шаҳар прокуратуралари ваколати билан ташкил этилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш ва унинг иш тартиби «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокуратураси тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланиб, кейин Олий Мажлиснинг тасдиғидан ўтади. У Ўзбекис-

тон республикаси Президенти ва Олий Мажлис олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари республика Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади, кейин Олий Мажлис тасдиғидан ўтади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан беш йил муддатга тайинланади ва улар олдида ҳисобдордир. Вилоят прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинландилар, унга бўйсундилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар (ҳарбий қўшин прокурори, ҳарбий гарнизонлар, транспорт прокурорлари ва ихтисослаштирилган прокуратураларнинг прокурорлари) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан беш йил муддатга тайинландилар, ўзидан юқори поғонадаги прокурорлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсундилар ҳамда улар олдида ҳисобдордирлар. Қўйи прокурорларнинг бевожита Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланиши уларнинг маҳаллий таъсирлардан мустақиллигининг муҳим кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қилади. Республика прокуратурасида Бош прокурор (раис), унинг биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий прокурори, прокуратура идораларининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат тартибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар тузилиб, уларда катта прокурорлар ва прокурорлар бўлади.

Прокурор назорати — бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча вазирликлар, дав-

лат кўмиталари, идоралар, давлат назорати органлари, ҳокимлар, кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш, ҳар қандай қонун бузилиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларига ўз вақтида барҳам бериш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортиш йўли билан давлат номидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Прокурор ва унинг ўринбосарлари қонунларга риоя этилиши устидан умумий назорат фаолиятида қуйидаги ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин: мансабдор шахсларнинг қонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтириш; қонунни очиқдан-очиқ бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома бериш; қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида мансабдор шахслар ва фуқароларга ёзма равишда огоҳнома билдириш; давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш; фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этиш.

Прокуратура тўғрисидаги қонунда, булардан ташқари, прокурорларнинг назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишларга таъсир кўрсатиш ҳуқуқий воситалари, жиноятчиликка қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорат қилиш; судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг ваколатлари ва прокуратура идораларининг фаолиятини ташкил этишга доир бошқа масалалар аниқ белгилаб берилган.

СУЗ БОШИ 3

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ — ҲУҚУҚИЙ ФАНИ ВА ҲУҚУҚ ТАРМОҒИ

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ ФАНИ

1. Конституциявий ҳуқуқ фани ва унинг предмети 5
 2. Конституциявий ҳуқуқ фанининг вазифаси ва тузилиши 6
 3. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанининг юридик фанлар тизимидаги ўрни 8
 4. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқий фанининг назарий асослари 10

II БОБ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ ТАРМОҒИ

1. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи, унинг предмети ва бошқа ҳуқуқий тармоқлардан фарқи 12
 2. Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг турлари, субъектлари ва объектлари 20
 3. Юридик фактлар 29
 4. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг тизими . . 31

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ БОШ МАНБАИ

1. Конституциявий ҳуқуқ манбалари тушунчаси ва тизими 34
 2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаи ва давлатнинг асосий қонуни 37
 3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тайёрлаш, қабул қилиш ва ўзгартириш тартиби 43
 4. Конституциявий нормаларни амалга ошириш механизми, шакллари, субъектлари 48

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

1. Туркистон АССРнинг Конституцияси, унинг тузилиши ва асосий мазмуни 52
 2. Хоразм Халқ Совет Республикасининг Конституцияси 61

3. Бухоро Халқ совет Республикасининг Конституцияси	65
4. Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси	69
5. Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси	72
6. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси	75
7. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги Конституциясининг тузилиши	77

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI KONSTITUCIYAVII TUZUMINING ACOSIIY PRINCIPLARI

V BOB. DAVLAT SUVERENITETI

1. Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари тушунчаси	82
2. Давлат суверенитети, унинг турлари ва уни амалга ошириш шакллари	84
3. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари ва рамзлари	89

VI BOB. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACIDA XALQ HOKIMIYATCHILIGI

1. Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга оширишнинг асосий шакллари	94
2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти бўлиниши принципнинг амалга оширилиши	97
3. Халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг шарт-шароитлари	101

VII BOB. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACIDA KONSTITUCIYA VA KONUNNING USTUNLIGI

1. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи тушунчаси	104
2. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонуннинг устунлиги принципини амалга ошириш кафолатлари	105

VIII BOB. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI TASHQI SIYOSATINING KONSTITUCIYAVII ACOSLARI

1. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги конституциявий асослар	107
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари	110

ТУРТИНЧИ БЎЛИМ

INSON VA FUQAROLARNING ACOSIIY HUQUQLARI, ERKINLIK LARI VA BURCHLARI

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари тушунчаси 112
2. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг таркибий қисмлари 118
3. Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатининг принцип-лари 121

X БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ

1. Фуқаролик тушунчасининг мазмуни. Ўзбекистон Республикаси-нинг фуқаролиги 125
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш 131
3. Ўзбекистон фуқаролигининг тўхтатилиши 133
4. Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати 135
5. Фуқаролик тўғрисидаги қонунни амалга оширувчи давлат орган-лари ва уларнинг ваколатлари 139

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

1. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар конституция-вий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг юридик хусу-сиятлари ва кафолатлари 142
2. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар конституци-явий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг тизими 149
3. Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари 153
4. Фуқароларнинг сиёсий соҳадаги ҳуқуқлари 161
5. Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги асосий ҳу-қуқлари 168
6. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари-нинг кафолатлари 176
7. Фуқароларнинг конституциявий бурчлари 181

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг иқтисодий негизлари ва уларнинг вазифалари 188
2. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари, уларнинг объект-лари, субъектлари ва муҳофаза қилиниши 191

XIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Фуқаролик жамияти ва унинг конституциявий асослари 197
2. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг тизими 200
3. Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг давлат ор-
ганлари билан муносабатлари 205
4. Оила ва жамият. Ўзбекистон Республикасида оилани ҳуқуқий
муҳофаза қилиш 218
5. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли 221

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ- ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

XIV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

1. Миллий-давлат тузилиши ва унинг шакллари. Федерация ва ав-
тономия тўғрисидаги таълимот 227
2. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши. Унинг
мақсади ва ўзаро мувофиқлаштириб турувчи органлари 234
3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши . . . 239

XV БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси
таркибидаги конституциявий мақоми 248
2. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари ўзаро муноса-
батларининг ҳуқуқий асослари 253

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

1. Давлат ҳокимияти органи тушунчаси. Давлат аппарати органла-
рининг тизими ва вазифалари 256
2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг
тизими ва турлари 259

3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш принциплари 272

XVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИ

1. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими 276
 2. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи принциплари 279
 3. Давлат вакиллик органларига сайлов ўтказиш тартиби. Сайловчилар рўйхатини, сайлов округларини ва участкаларини тузиш 282
 4. Сайлов комиссиялари 285
 5. Сайловни тайинлаш, депутатликка номзодлар курсатиш ва уларни рўйхатга олиш 292

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Ўзбекистон Республикаси ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми 300
 2. Депутатлар иш фаолиятининг шакллари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари 304
 3. Депутатлик фаолиятининг асосий кафолатлари 308
 4. Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш асослари ва тартиби 310

XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

1. Олий Мажлис — Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи 312
 2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг шакллари 317
 3. Олий Мажлис депутатлар блоки ва партия фракцияларининг фаолияти 325
 4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари фаолияти 327
 5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ва унинг ваколатлари 329
 6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолияти 330

XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1. Ўзбекистонда Президентлик Республикаси бошқарувининг жорий этилиши 336
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 342
 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатлар 348

XXI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

1. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати 350
2. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва тузилиш тартиби 352
3. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабати 352
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатлари 355
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чиқарадиган ҳужжатлар 359

XXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими 360
2. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари 364
3. Маҳаллий ҳокимият органлари ташкилий фаолиятининг шакллари ва актлари 369
4. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиш тартиби ва ваколатлари 373

XXIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими, унинг ташкил этилиши ва одил судловнинг конституциявий принциплари . 379
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди 385
3. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси 391

Р. Қаюмов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУКУКИ